

# Шарқ юлдузи

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

2008

3-сон

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов –  
таҳрир ҳайъати раиси  
Эркин Воҳидов  
Хуршид Дўстмуҳаммад  
Жуманиёз Жабборов  
Омон Мухтор  
Минҳожиддин Мирзо  
Тўлан Низом  
Хайриддин Султонов  
Пиримқул Қодиров  
Охунжон Ҳакимов  
Ўткир Ҳошимов

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов  
Туробжон Жўраев  
Бойназар Йўлдошев  
Сувон Нажбиддинов  
Фатҳиддин Муҳиддинов  
Ғафуржон Муҳаммедов  
Неъматилло Худойбергандов  
Ислом Шоғуломов  
Омонулла Юнусов  
Рустам Қосимов

---

Бош муҳаррир  
Сирожиддин Саййид  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Икром Отамурод  
Масъул котиб  
Муҳаммаджон Аҳмедов  
Наср бўлими мудири  
Асад Дилмурод

---

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



## Фурқат

• • •

Қоматинг гулшандаги сарву сановбардин баланд,  
Оразинг гулдин, хатинг райҳони аҳзардин баланд.

Нозу истиғно била ҳар кимга боқиб сўзласанг,  
Сен малоҳат бобида бу жумла дилбардин баланд.

Даста-даста коқулингни тебратур боди сабо,  
Сунбули тардур агарчи мушки анбардин баланд.

Раҳм айла, эй суманбар, ошиқи расволаринг  
Ишқ ўтида ўртанур мурғи самандардин баланд.

Хира бўлди оразингдин офтоби ховарий,  
Май ичиб чиқсанг баногоҳ моҳи анвардин баланд.

Ним бисмил айладинг, ҳар кимга қилдинг бир нигоҳ,  
Қош ила мужгонларинг юз тигу ханжардин баланд.

Номи хўбингни эшитгондин бери Фурқат қулинг,  
Бир нишонанг топмади излаб қаландардин баланд.





Аҳмад Хўжа

## **Юрак тўлар ажиб бир ҳисга**

### **Ҳолат**

Борлиқ кириб борар орзу тусига,  
Хушбўй ҳиди келар соҳир севгининг –  
Тоғ бағрида бўлсанг,  
Бунинг устига  
Шундай ёнгинангда бўлса севгилинг.

Бир зум оғушига олса ҳаловат,  
Меҳрдан иборат туюлар дунё.  
Гўёки висол бор оламда фақат,  
Ёлғиз муҳаббат бор дунёда гўё.

### **Ёз кунлари**

Ёз кунлари эртақдай узун,  
Ҳаво очиқ. Осмон тозадир.  
Хаёлларинг билмайди сукун,  
Орзуларинг қанот ёзади.

Булоқларда ювасан юзни,  
Кенг кўринар бу гўзал олам.  
Ёз кунлари, нечундир, ўзни  
Қушдай енгил ҳис этар одам.

Саховатли туюлар дунё,  
Ишкомларда шарбат тўладир.  
Бундай пайтлар, наздингда, гўё  
Ўғлинг ҳам тез катта бўлади.

Юрган саринг кенгаяр уфқ,  
Боғ-роғларнинг кўринмас чеки.  
Қиш кунларин камситмасман, йўқ,  
Ёз кунларин севаман лекин.

Хазон фасли ҳали нарида,  
Ҳаво очиқ. Тозадир осмон.  
Гўё ёруғ ёз кунларида  
Бахтингни ҳам топасан осон.

## Ҳордиқ

Ҳордиқ – оёқ-кўлни узатмоқ эмас,  
Олиб кетмоқ эмас тоғ-тошларга бош,  
Балки ўз ўзинг-ла сўзлашмоқ бесас,  
Ҳориган руҳингда уйғотмоқ бардош.

Ҳордиқ – ётмоқ эмас сокин кўл каби,  
Ё сойлар ортидан чопмоқмас, инон –  
Бир оз тинчлантирмоқ таранг асабни,  
Келажак кунларга киргали комрон.

Аския айтишмоқ эмас у зинҳор,  
На бевурд ҳисларга кўнгил боғламоқ.  
Ҳордиқ – куч йиғмоқдир,  
Тўпламоқ мадор,  
Яна курашларга ўзни чоғламоқ...

## Бизнинг муҳаббат

Бизнинг орамизда оқади гувлаб  
Нарёғи кўринмас  
Улкан бир наҳр.

Бизнинг ўртамизда юксалган тўсиқ  
Хитой деворидан баланд,  
Каттадир.

Бизнинг орамизда ётган масофа  
Зуҳрогача бўлган йўл каби –  
Узун.

Бизнинг қисматимиз куйланган кўшиқ –  
Мунгли «Муножот»дан минг бора  
Маҳзун.

## Манзара

Тун қора чодирин кўтарар секин,  
Эриниб-эриниб оқаради тонг.  
Сукут боғларида шивирлар эпкин,  
Фируза рангига киради осмон.

Субҳидам, кўпчилик уйқуда ҳали,  
Кўкда тонг юлдузи ҳорғин милтирар.  
Қишлоқ келинлари, қишлоқ қизлари  
Йўлларга сув сепар,  
Кўча супурар.

## Ватан

Ватан – аجدодлардан мерос ошён,  
Авлодларга қолган хоки муқаддас.  
Жангу жадалларда асралган макон,  
Осмон гумбазини жаранглатган сас.

Ватан – Муқимийни бағрига олиб  
Ҳасратин тинглаган ғариб хужраси.  
Ватан – Фурқат учун ҳижронда қолиб,  
Бир умр кўз тутган дийдор муждаси...

Ватан – фазогирга олисда, пастда  
Интизор кўз тиккан бепоён диёр.  
Ҳайрат йўқ, ажнабий боқса ҳавас-ла,  
Тополмай у каби меҳри пойидор.  
Ватан – фарзандларга меҳрибон она,  
Оналар наздида гўдақдай ширин.  
Зоҳиран бўлса ҳам танҳо, ягона,  
Ҳар қалбда ўзга бир сеҳри яширин.

Гарчи, у заминнинг бир қисми,  
Аммо  
Мен учун дунёдан улкан дунёдир.  
Мен-ку, шу Ватаннинг қучоғида жо,  
Лекин у ҳам мангу қалбимда жодир.

## Отам вафотидан сўнг

### 1

Сиз дунёдан кўз юмган дамда,  
Осмон ногоҳ оғир туюлди.  
Умр йўлим чағир туюлди,  
Етим чорбоғ титради ғамдан.

Сиз дунёдан кўз юмган замон,  
Она ер ҳам туюлди қаттиқ.  
Ширин надир, нимадир аччиқ –  
Бари менга кўринди аён.

Сиз дунёдан кўз юмган куни,  
Ҳар оҳимдан армон сочилди.  
Ҳайҳот, бирдан кўзим очилди,  
Жиддийлашди ҳаёт мазмуни.

## 2

Боғимизга сув келишин қайси булоқдан,  
У оралаб ўтишини неча чорбоғдан  
Билмас эканман.  
Қаранг, оддий қарз сўрашнинг азоблигини,  
Турмуш демак доим ҳисоб-китоблигини  
Билмас эканман.

Эҳтиёжлар халтасининг азимлигини,  
Рўзгор деган араванинг вазминлигини  
Билмас эканман.

Шу пайтгача не эканин ёниб-куйишнинг,  
Ҳатто, қачон унсиз йиғлаб, қачон кулишни  
Билмас эканман.

Ўтган одам – қайтиб келмас кемалигини,  
Фано нима, мангу соғинч нималигини  
Билмас эканман,  
Билмас эканман...

## Дақиқа

Тинди сайроқ қушлар навоси,  
Боғ – бамисли кимсасиз уйдаёй.  
Ўтиб кетди умрим жавзоси  
Бир дақиқа янграган куйдай.

Бу не сеҳр, бу нечук афсун,  
Юрак тўлар ажиб бир ҳисга –  
Ажабо, ёз кунлари узун,  
Ёзнинг ўзи бир тутам, қисқа.





## Гул ифори йўлимга тўкилди



Юсуф Худойкул

Куз ёмғири ёғар шивалаб,  
Хазон ҳиди анқийди ундан.  
Бунча дилхуш, бунча дилафгор  
Бўлмоқликни сўрайди мендан.

Ёмғир суви ивитар кифтим,  
Кетолмадим пана жойларга.  
Хазон янглиғ бир вақт менинг ҳам  
Ишқим тушган юзи ойларга.

Эшигимни қоқарди тунлар,  
Навоийдан сўзлар эди жим.  
Қулоғига кирмасди, ажаб,  
Мен сўзласам, ёмғиржон иним.

Хаёллари паришон эди,  
Ҳеч кетгиси келмасди сира.  
Гул юзида нур жилвасида  
Ой пардаси тортарди хира.

Англамабман, соддалик курсин,  
Эъозлабман ўзимдан ортиқ.  
Лабларим-ла эркаламабман,  
Лабларини қилганда тортиқ.

Ўтар экан кунлар кетма-кет,  
Азобларга юрак ҳам кўнди.  
Яшил барглар сулғин ва ҳиссиз  
Ғичирлайди кўксимда энди.



Асли оддий қишлоқ эрур, кўп қишлоқлар қатори,  
Ер шари харитасида чибин кўнган жойча йўқ.  
Аммо жуда катта қишлоқ, дейдилар одамлари,  
Боғ эрамдек беҳишт атаб яшайдилар кўнгли тўқ.

Шарқдан чиқиб бобо қуёш Ғарбга ботар бунда ҳам,  
Тупроқ ёрган майса ўша, ўша ёзнинг чилласи.  
Ердан аста униб чиқар, дилга қуйилар малҳам,  
Бир замонлар Хизр бобо ташлаб кетган тилласи.

Бунда ҳам ишқ уйғоқ қалбга тутқазади оташ жом,  
Буғдойранг қиз зулфин ўрган саболарга эш Ватан.  
Ёш-яланглар тут тагида шивирлаб сирлашган дам,  
Туйғуларда потрай бошлар қадрларга хеш Ватан.

Чориг турар уй пойида ҳуслар кўзғар ажиб бўй,  
Гуё тошга жон бергувчи Исо нафаси каби  
Таралади эпкин бўлиб, жўшқин юрак чалар куй,  
Ай, бу куйнинг маҳзанида ётар Ватан матлаби.

Чучмоманинг кўйлагидан байроқ тиккан бобожон,  
Оймоманинг этагида Зухро ётган дамлари.  
Сенинг қонинг ёш-ялангнинг томирида оққан қон,  
Офтоб ила туғилгандир бу қишлоқ одамлари.



Ҳуснингни шавқи тушди кўксима,  
Ки, гулдек нафис тортди кўнгил.  
Сенга наззора қилмаса ўксима,  
Сени ўзида бор этди кўнгил.

Гул ифори йўлимга тўкилди,  
Мастликдан энди олам мунаввар.  
Кўз гавҳаридан парда сўкилди,  
Сен унда ғолиб шоҳи суманбар.

Нетонг, жисмимда жоним мендамас,  
Менда сен бор эсанг, жоним, найлай?  
Ўксибон беишқ дема, гулбарг, бас,  
Сенингсиз танним бир ҳовуч лой.

Кўнгил гул каби, ваҳ, нафис ўлди,  
Тоза жонларга ғавғо солгуси.  
Малойиклар қошинда саф тўкилди,  
Мақсад-ул абад сен-ла қолгуси.





Хайр энди...  
Қалбимда бир вида қолди...  
Абдулла Орипов

Эрксевар дилларга қўшиқ куйлашни  
Юракдан истадим.  
Шу бўлди мақсад.  
Ғафлатда яшаб ҳам эркин,  
Бемақсад  
Фароғат шароби ҳақда ўйлашни  
Истамай қўйганман.  
Шундан сизларнинг  
Дил овлар кулгингиз бегона менга.  
Қалбга тузоқ қўйган айёр кўзларнинг  
Мулойим боқиши керақдир кимга?  
Ваъдалар этасиз хилват кечалар  
Қирмиз дудоғингиз бўсасин,  
Ахир.  
Бир онлик лаззат деб умрим шунчалар  
Азоблаб яшашим истайсизми бир?  
Дил қўшиғи ҳали сизга қоронғу,  
Топталган боғда гул илғанмас, нечоғ,  
Хазонрез оқшоми барг ёзаркан, у  
Кўкламга ишонар,  
Мисоли чироғ –  
Милтираб нур сочган тун дарчасидан  
Ва мафтун қалбимни бетин чорларкан,  
Оташли эҳтирос –  
Ўт парчасида  
Олиб ўтажақдир совуқ қорлардан.  
Сиз-чи, ўзингизни қилиб масхара  
Яшайсиз ҳаётдан инъомлар кутиб.  
Шайтоний ҳисларга қулсиз охира,  
Сизларни фалак ҳам қўйган унутиб...



Ўткир Нуруллаев

## Йўлимиз ёритди ишқ



Сўлим Зарафшоннинг хуш ҳаволари,  
Сулув Самарқанднинг куй, наволари,  
Чаман боғларимнинг шўх саболари,  
Таъзим айлар сизга азиз устозлар!

Сизлар келажакнинг чироқларисиз,  
Сизлар илмимизнинг байроқларисиз,  
Сизлар элимизнинг ирмоқларисиз,  
Сизга раҳмат деймиз, азиз устозлар!

Асрий боғларимиз хуш атирлари,  
Ўтган боболарнинг руҳ-хотирлари.  
Сиз ҳам омон бўлинг чин ботирлари,  
Сизга раҳмат деймиз, азиз устозлар!

Зийнати меҳнатдир ўтган умрнинг,  
Борлиги заҳматдир ўтган умрнинг,  
Қиши бор, кузи бор, тошқин баҳори,  
Меваси шухратдир ўтган умрнинг.

Сизга раҳмат деймиз, азиз устозлар!  
Сизга шараф бўлсин, азиз устозлар!



Тушларимга кирар дўмбира,  
Тушларимга бахшилар кирар.  
Бошларига оқ салла ўраб  
Фозил ота айланиб юрар.

Эргаш ота соз чертар менга,  
Жўр бўлади Пўлкан бобо ҳам.

Ислом шоир елкамга қоқар,  
Тўртталаси доим бўлар жам.

Гўдакликдан улар ҳамроҳим,  
Номларига қилурман сажда.  
Етса, кошки, уларга оҳим,  
Келса, кошки, улардан мужда.

Оқин бўлиб, дардинг бўлсаю  
Бита олсанг улардай завқли,  
Атрофингда халқинг турсаю  
Қулоқ тутса нақадар шавқли.

Бу орзудир, етмоқ кўп мушкул,  
Бахшиларга сиғиниб ўтгум.  
Улар менга берармикан қўл,  
Балки мен ҳам муродга етгум?

Тушларимга кирар дўмбира,  
Тушларимга бахшилар кирар.  
Бошларига оқ салла ўраб  
Тўртта бахши айланиб юрар.



Хотирам ёшлиқдан берганда хабар,  
Кўз олдимда пайдо бўлар Мунаввар.  
Илк бор учрашгандик шифохонада,  
Сабабчи бўлган дард эди танада.


Мактабни битирдик, баҳолар аъло,  
Олийгоҳга кириш эди муддао.  
Дерлар: Интилганга – доим толе ёр,  
Ўқидик, яшадик ҳамфикр, ҳамкор.

Чиндан инсон боши қаттиқдир тошдан,  
Не-не савдоларни ўтказдик бошдан.  
Барига чидадик, беролдик бардош,  
Йўлимиз ёритди ишқ-мисли қуёш.

Хотирам ёшлиқдан берганда хабар,  
Сен кўзим олдига келдинг Мунаввар.  
Бир умр бахт, орзу, армоним ўзинг,  
Мунаввар, дард ўзинг, дармоним ўзинг!



## ДРАМАТУРГИЯ



Абдукаххор Иброхимов



# ТУСМОЛ

Икки пардали трагедия



### Қатнашувчилар

ЭРГАШ	– 33 ёшда
ҲУЛКАР	– 30 ёшларда
ҚҮЛДОШ	– 60 ёшларда
ЧҮЛПОН	– 55 ёшдан ошган
ОТАЖОН	– 60 ёшларда
ОЙБИБИ	– 55 ёшга бормаган
ЙҮЛДОШ	– 55 ёшларда
ҚУНДУЗ	– 50 ёшларда
БОБОШ	– 30 ёшларда
ОЙСУЛУВ	– 30 ёшга бормаган
ЭРКЛИ	– 30 ёшларда
ЁЗИЛ	– 33 ёшларда
ОЙНУРИ	– 30 ёшларда

Ашулачилар, психиатр, санитарлар ва бошқалар.

Воқеа вилоят шаҳарларидан бирида шу кунларда олти соат ичида кечади.

## Драматургиямизда янги гап

Абдукаххор Иброхимов – кўзга кўриниб қолган драматургларимиздан бири. Унинг деярли ҳамма пьесалари республикамиз театрларида сахна юзини кўрган ва томошабинлар олқишини олган манзур асарлардир.

Таниқли драматурглар асарларини рус тилига ўгириб, Москвада нашр қилдиришгани ҳам унинг ижодига бўлган қизиқиш қанчалик катта эканини кўрсатиб турипти.

Абдукаххор ижодининг жуда кўп фазилятларини тан олган ҳолда яна бир жиҳатини қайд қилмоқчиман.

Унинг пьесаларида мақсад аниқ. Ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ҳолат муаллиф мақсадини томошабинга етказиш учун хизмат қилади, унда бекорчи ҳаракат йўқ. Томошабин фикрини, диққатини чалғитадиган деталлар йўқ. Пьесадаги ҳамма нарса – ҳолат, ҳаракат, ҳатто пауза ҳам муаллиф мақсадини очиш воситасига айланади.

Абдукаххор пьесаларини ўқирканман, устози – атоқли романнавис ва драматург Николай Вирганинг ижодий услубига эргашганини, унинг маҳорат сирларини ўрганишга интилганини сезаман.

Бу яхши. Устоз маҳоратини эгаллаш ижоднинг катта йўлига чиқиб олишда адиб учун чинакам мактаб вазифасини ўтайди.

«Биринчи бўса»дан то «Тусмол»гача сахна юзини кўрган пьесалари тўғрисида матбуот, адабий танқид, санъатшунослик жуда яхши фикрлар айтди. «Зўлдир», «Арра» каби пьесалари рус театрлари сахналарида ҳам муваффақият билан ўйналиб, томошабинлар олқишини қозонди. Ўзбекистонга ҳавола қилинаётган «Тусмол» асарида ҳам Абдукаххор ўз ижодий услубига содик қолганига гувоҳ бўламиз.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### *Биринчи кўриши*

*Эргашининг икки хонали квартираси. Емакхона. Хулкар овқат столи устида ички кийимларга дазмол босяпти. Столнинг бир томонида буханка пон, идиш-товоқ, чойнак-пиёла бор. Хулкар кийимларга сув пурказанида уларга ҳам сув сачрайди. Эргаши хомуш ва парижонхотир кириб келади. Хулкар унга бир қараб қўйиб, бемалол ишини давом эттираверади. Эргаши бироз тик туриб қолади, кейин диванга ўтиради.*

*Эргаши. Хулкар, сенга бир гап айтаман.*

*Хулкар (қўлини белига тираб, бобиллаб кетади). Ҳоо, расмиятчи бўп коптиларми? «Сенга бир гап айтаман» эмиш. Расмиятчиликни хув ўша идораларида қиладилар. (Столга бир мушт туширади). Бу ер уй! Расмиятчилик кетмайди бу ерда. Гапи бор одам даромад қилмай гапираверади. Ҳа, ха, тушунарли. (Хандон отиб юборади). Эътибор талаб қилиб қолибдилар-да. Кулгилик, жудаям кулгилик бу! Сизгаям эътиборми? Сиз менга қачон эътибор қилибсизки, мен сизга эътибор қилсам. ...Ҳа, канақа бўларкин? Алам қиларканми? Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга! Қарс икки қўлдан чиқади.*

*Эргаши гапирмоқчи бўлади, Хулкар унга гап бермайди.*

*Сизгаям гапми?! Бугун канақа кун?*

*Эргаши девордаги календарга қарайди.*

*Ана, айтмадимми? Шуниям билмайсиз. Календарга қарамай қўя қолинг. Бугун пайшанба. Сиз учун. Фақат шуни биласиз, холос. Бошқаси билан ишингиз йўқ. Лекин бугун йигирма олтинчи август-ку! Тўйимиз бўлганига ўн йил тўлди бугун. («Ёр-ёр» қуши ёки қўшиғи эшитилади). Лекин буни хаёлингизга келтирмайсиз. Ана оқибат! Ана эътибор! Яна мендан эътибор талаб қиласиз, «Сенга бир гап айтаман» дейсиз, уялмай-нетмай. Бир оғиз ширин сўз, табрик кимни ўлдирибди? (Йиглайди).*

*Эргаши хотини томон юради.*

Асар айтилмай қолган (ёки айтиш иложи бўлмаган) бир оғиз сўз тўғрисида. Мапа шу томошабинга намаълум сўз (эхтимол у зарур, эхтимол жўнгина гандир) баҳонада автор қатор хилма-хил одамлар галереясини яратади. Томошабин пардама-парда турли хил мушоҳада юритувчи кишиларга рўпара келади: бири лоқайд, бири ўз маънафати билан овора, бири амалга ёпишиб олган, бири мол-дунё йиғини гамида.

Мапа шу одамлар ҳали айтилмаган бир оғиз сўз агрофида айлантирилади.

Пьесада асосий қаҳрамонга алоқаси бўлмаган биронта шахс йўқ. Ҳар бири бироқ муҳим баҳона билан қаҳрамонга боғланади. Уларнинг ган-сўзлари, қилиқлари қаҳрамон характериини очишдан ташқари ўз қиёфаларини ҳам очишга хизмат қилади.

«Тусмол»ни ўқиб А.И.Чеховнинг «Гам» хикоясини эсладим. Чехов замони бошқа. У айтмоқчи бўлган гап бошқа. Одам боласининг ичида тугён қилган гап уни қанчалар безовта қилиши, ич-ичини ўрташи Чеховдек буюк санъаткор қаламидан гамил бир қўшиқ бўлиб тўкилган эди.

Абдуқаҳҳор бошқа давр кишиси, у қаламга олган ва айтмоқчи бўлган гап бошқа. Бироқ у таълаган мавзу ва воқеани чеховчасига маҳорат билан баён қилишга урингани мени жуда қувонтиради.

«Тусмол» драматургиямизда янги гап. Бу асар сахна юзини кўриши билан томошабинларга ёқини, санъатшунос дўстларимиз эътиборини тортинишга ишонаман.

Талантли ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовга ижодий омадлар тилайман.

Санд Аҳмад

2006 йил.

13

Яқинлашманг! (Пауза). Ўша кунга ўт тушса бўлмасмиди!

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Гапирманг! Сизга гап йўк! Хўш, сиз билан ўн йил яшаб нима кўрдим? Ҳеч нима? Эсда қолган бирор кунни эслолмайман. Ёш умрим беҳуда ҳазон бўляпти.

*Эргаш гапга оғиз эсуфтлайди.*

Айтмай кўяқолинг. Нима дейишингизни шундоғам биламан. «Ўғил ўстиряпмиз» дейсиз – билиб турибман. Лекин ўғлимиз ўз йўлига. Қолаверса, ўн бувилари, бувалари ўстиришяпти, сизга сираям оғирлиги тушмаган. Хўш, айтингчи, сиз мен – хотинингизга шу ўтган ўн йилнинг бадалида юракдан чиқариб бирор марта бўлсин совға олиб келдингизми? Йўк! (*Дазмоллаб кўйган ички кийимларини хонанинг турли томонларига улоқтиради*). Буни магазиндан ўзим олганман! Буниям ўзим олганман! Буниям! Буни ойим совға қилганлар! Буни ишхонадагилар туғилган кунимда совға қилишган. Сиз нима қилибсиз? Ҳеч нима! Ёки бўлмаса, совға-салом у ёқда турсин, менга эътибор қилдингизми, юрагимга кулоқ солиб кўрдингизми? Йўк! Тўйимизга ўн йил тўлган шу бугун ҳам менга эътибор қилиш ўрнига мендан эътибор талаб этиб ўтирибсиз. Мен куйинмай, ким куйинсин яна! Бугундан умидим катта эди. Бу орзум ҳам пуч чиқди. Лоақал ишдан ўз вақтида келмадингиз, кечикиб келдингиз.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Гапирманг дедим, гапирманг! Ахир, мен хотин кишиман, хотин киши! Менга эътибор кўпроқ керак. Билиб турибман, «мендан ўғибди, кечирасан» дейсиз. Шу билан тамом вассалом. Ҳар сафар ҳам кечирим сўраб қутулиб кетаверасиз. Лекин бу ҳол яна ва яна такрорланаверади. Одамга алам қилар экан-да. Ҳамма дугоналарим бип-бинойидай яшайди, эрлари билан апок-чапоқ, айтган сўзлари эрлари учун қонун... Менинг гапларим эса у кулоғингиздан кириб, бу кулоғингиздан чиқиб кетаверади.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Тўхтанг, исботи керакми? Мана исботи: квартирамизни кредит ҳисобига уч хоналикка алмаштирайлик, деб минг марта айтдим. Ваъда бердингиз. Лекин натижаси нима бўлди: «Уч қишига икки хонали квартира ҳам бўлаверади» деган жавоб. Менинг орзу-ҳавасларим, ниятларим сиз учун уч пуллик қийматга эга эмас. Одамлар-чи, вей, дангиллама участкалар қуряпти, дача оляпти, «Жип» миниб, хотинини яйратиб юрибди. Хўш, менинг улардан қаерим кам? Бизнинг замонда-чи, хей, хотинининг сўзига кирган эркаклар ҳеч қачон кам бўлмаяпти, кам бўлмайди ҳам. Буни билишингиз керак. Ҳа, бу ер... Ўзбекистон!

*Эргаш чуқур хўрсинади.*

Хўрсинманг. Фикрингизни билдим. Ўзингнинг ойингчи демоқчисиз. Тўғри, ойим дадамга сўзсиз итоат этади, соясига кўрпача салади. Чунки ҳаётда ўз ўрнини топмаган, бу дунёдан дипломсиз ўтяпти ойим бояқиш. Лекин сизнинг ойингиз мутлақо бошқа олам, замонавий. Дадагиз ойингизнинг чизган чизигидан чиқмайди, сира кам бўлишяпти йўк. Замона зайли шу-да ўзи. Буни билишингиз шарт... Ўқрайманг менга! Ўқрайишга ҳақкингиз йўк! Арпангизни хом ўриб кўйган жойим йўк. (*Ички кўйлагига қаттиқ сув пуркайди, сув идиш-товоқ, чойнак-пийла, понга сачрайди, дазмол уришида давом этади*).

*Эргаш бошини ушлаб диванга ўтириб хаёл суриб қолади.*

Ҳа, хм, тушунарли, тушундим. Уни яна кўриб қолибсиз-да. Ёки телефон қилдиларми?

*Эргаш ўрнидан туриб кетади.*

Тонманг, тонманг, барибир ишонмайман. Авзойингиз шундоқ айтиб турибди. Келган захотингиз сезувдим. Ўзи одагда шунақа бўлади. Ўшани кўриб қолган кунингиз одамга айланиб қоласиз, эътибор талаб қилиб қоласиз, хис-туйғу пайдо бўлади сизда ҳам. Ёшлиқда берган кўнгили айрилмас бало-да, орамизда жанжал чиқади.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Минг бор касам ичиб, уни кўрмадим денг, барибир ишонмайман. Чунки куни кеча ҳам сиз хиссиз, туйғусиз, мисоли бир кесак эдингиз. Бугун эса тамоман бошқасиз, тирик одамсиз.

*Эргаш асабдан ўзини қаерга қўйишини билмай, хонадан чиқиб кетади.*

Ўшаникигами?. Икковингни бир қўлга тушириб, эл-юрт олдида бир шармандаларингни чиқарайки, иснодга қолиб ўзларингни ўзларинг ўлдиришлар. (*Ўйлашиб*). Йўқ, эрим ўлса, бева қоламан. Беваларнинг эл-юрт олдида сарик чақалик нуфузи бўлмайди. Ўзим кўриб, билиб юрибман-ку, беваларнинг ахволини. Бева қолдингми, ҳатто неварали тузук-тузук одамлар ҳам сени жазманлари бўлишга ундашади, домда турсанг, ундан ҳам беш баттар. Йўқ, йўқ, эрим ўлмагани маъқул. Барибир ундан яхшисини тополмайман. Қанчадан қанча олий маълумотли қарикизлар турганида менга совчи чиқиши амримаҳол. Лекин шу турмушим турмуш бўлмай ўлсин. На овқатда, на суҳбатда ҳаловат бор. Бирлик, тотувлик йўқ. Аслида бўлмайдиган ишни бошидаёқ йўқ қилиб юбориш керак эди. Ўғлим тугилмасданоқ муросамиз келишмагани аниқ эди-ку, лекин ота-оналаримиз ажралишимизга йўл қўйишмади-да. Бўлмаса бунчалик азоб йўқ эди бизларга. Улар ўзларини ўйлашибди-ю, бизларни эса... Йўқ, йўқ, ёшим ўттиздан ошганида... йўқ, йўқ, кўз очиб кўрган эримни ҳеч кимга бермайман. (*Телефон қилади*). Ойи, ойи, бу мен – келинингиз. (*Йиглаб юборади*).

### *Иккинчи кўриши*

*Чўлпоннинг ҳовлиси. Қарши томонда дангизлама иморат. Ўрта ерда баланд зина. Ичкари хоналарга қўштабақа эшик орқали кирилади. Ҳовлида стол ва стуллар. Курсича устида телефон. Чап томонда кўча эшик, ўнг томонда ўчоқбоши тасаввур қилинади.*

*Чўлпон телефонда гаплашмоқда, Қўлдош сал нарида қўл қовуштириб қаққайиб турибди.*

*Чўлпон (телефон қулогига).* Да... да... тушунарли. Уйда ўтиролмасангиз, бу ёққа келинг. (*Телефон қулогини тарс этиб жойига қўяди, асабийлашиб у ёқ-бу ёққа юради*).

*Қўлдош Чўлпон қаёққа борса, шу ёққа ўгирилиб қарайди, мисоли Чўлпон шамолу, Қўлдош пирпирак.*

*Қўлдош (зўрга юрак ютиб, аста).* Ким... Чўлпон Пўлатовна?

*Чўлпон.* Ким бўларди, келиним Хулқар... Эҳ, Эргаш... Эргаш... Ёши ўттиздан ошсаям акли кирмади-кирмади-да.. Лоақал сизгаям ўхшамайди, Қўлдош Ёндошевич.

*Қўлдош.* Сизгаям...

*Чўлпон.* Ҳазилнинг пайтимас!.. Яна хотини билан жанжаллашиб, уйдан чиқиб кетибди. Энди қаердан кидирдик уни?

*Қўлдош.* Ўзингиз биласиз... Вой, ана ўзи келиб қолди.

*Чўлпон.* Сиз индамайсиз, мен ўзим...

*Кўлдош.* Хўп, сиз ўзингиз.

*Чўлпон.* Агар мавриди келса, мен ўзим гапиринг дейман.

*Эргаши кўришади.*

*Эргаши.* Дада...

*Кўлдош жим.*

... Ойи, сизга бир гап айтаман.

*Чўлпон.* Нима дейишингни биламан. Мен тирик эканман, сен Хулкар билан яшашинг шарт. Чунки оилавий сир-синоатинг кўчага чикиб, мабодо Келган Ўтаровичнинг кулоқларига етиб борса, мен ким деган одам бўламан. Шуни билиб кўйки, агар Келган Ўтарович бўлмасалар, мен одам бўлолмасдим, сени одам қилолмасдим. Ахир, Келган Ўтаровичнинг назарларидан қолсам эл-юрт назаридан қоламан, сен ҳам шундай бўласан. Ишим орқага кетади, сеники ҳам. *(Эрига сиз ҳам гапиринг, маъносиди ишора қилади).*

*Кўлдош (нима дейишини билолмай, кейин тутила-тутила).* Ишингиз орқага кетади.

*Чўлпон.* Бас! Сиздан қачон маънили гап чикиб эдики, энди чикса... Ўғлим, маълумки, қайнотанг – Огажон Тошевич...

*Кўлдош.* ... Худди сиз каби...

*Чўлпон.* Келган Ўтаровичнинг хос суҳбатдошларидан. Умумий тақдиримиз Келган Ўтаровичга боғлиқ. Чунки мен...

*Кўлдош.* ... Сиз ҳали кўп йиллар амалдан кетишни истамайсиз. Агар Келган Ўтарович бир ишора қилсалар, учиб кетасиз.

*Чўлпон.* Бас қиласизми-йўқми?!

*Кўлдош.* Мен ўз уйимдаман.

*Чўлпон.* Бетга чопманг!

*Кўлдош.* Бу – биринчиси.

*Чўлпон.* Ҳозир қалтис пайт-да, бўлмаса... Хулласи калом, мен сиздан ҳам, сендан ҳам воз кечсам кечаману, аммо лекин келишимни дейман... Мени ҳам тушунинглар, ахир. Яқинда маҳаллий кенгашга сайлов. Шундай нозик паллада хотининг билан ади-бадига боришинг яхшимас, ўғлим. Бу яхшиликка олиб келмайди. Қисқаси, хотининг билан тинч-тотув яшашга сўз бер. Мен ҳам хотиржам яшай...

*Кўлдош.* ...ва ишланг.

*Эргаши жим.*

*Чўлпон.* Сўз берасанми-йўқми?! *(Эрига тагин гапиринг, маъносиди ишора қилади).*

*Кўлдош (шунчаки).* Сўз берасанми?..

*Чўлпон (ўгли оёғига тиз чўкиб, ёлборади).* Ўғлим, болагинам! Мени ҳам ўйла. Сочимнинг оқи хурмати сўз бер! Мен ўз даврамдан чикиб кетмай, қариганимда табаррук рўйхатдан тушиб қолмай, яқинда эскиси қайта кўриб чиқилади. Амалсиз ҳаётнинг менга кераги йўқ. Амалдан тушган куним – мени ўлди деявер. *(Йиғлайди, эрига гапиринг дегандай ишора қилади).*

*Кўлдош (хотинига тақлидан тиз чўкиб).* Ўғлим, болагинам! Мени ҳам ўйла. Ойингнинг оқ сочи хурмати, менинг қора сочим хурмати ойингга сўз бер. Ахир, ўттиз йилдан бери машина миниб келаётган одамга осон дейсанми, машинасиз қолиш? Ойингнинг ҳоли нима кечади? Яёв юрса, автобусга минса, дўст-душманлар нима дейди?

*Чўлпон (ўрнидан шаҳд туриб).* Сўз берсанг берганинг, бўлмаса мен сени оқ қиламан!



*Кўлдош (хотинига тақлидан ўрнидан шаҳд туриб).* Сўз берсанг – берганинг, бўлмаса мен сени... Йўқ, йўқ... (*Хотинига*). Ўғилданам ширин бўлмай ўла қолсин амал!

*Чўлпон.* Сиз билмайсиз, татиб кўрмагансиз-да. (*Ўзлига*). Бор. Йўқол, кўзимга кўринма!

*Кўлдош.* Кўзига кўринма...

*Эргаш чиқиб кетади. Чўлпон асабийлашиб у ёқ-бу ёққа юради, Кўлдош унга соядек эргашади.*

*Чўлпон.* Бу нима қилиқ?

*Кўлдош.* Эҳтиёт чорангизни кўряпман, йиқилсангиз суяб қолмоқчиман. Ахир, сиз катта одамсиз, Чўлпон Пўлатовна.

*Чўлпон.* Кўркманг, Кўлдош Ёндошевич, хали-вери йиқиладиган одам йўқ.

*Кўлдош.* Айбга санамасалару ўзларидан бир нарсани сўрасам.

*Чўлпон.* Марҳамат!

*Кўлдош.* Намунча ўша келинимизни, ўша Отажонни демасангиз?

*Чўлпон.* Худо урсин агар, аслида икковиниям жинимдан баттар ёмон кўраман. Лекин нима қилайки, замонасозлик, мурасозлик. Ўртада Келган Ўтарович борлар-да. «Отажон Тошевичга қуда бўлинг» деган ҳам Келган Ўтарович бўладилар.

*Кўлдош.* Ҳм, энди тушундим. Совчи бўлиб биринчи боришимиздаёқ оқ ўратиб юборишгани бежиз эмас экан-да. (*«Ёр-ёр» куйи ёки қўшиғи эшитилади*).

*Чўлпон.* Бўлмаса-чи! Қуда томонга ҳам Келган Ўтарович далолат қилган эдилар.

*Кўлдош.* Бундан Келган Ўтаровичнинг ўзларигаям бирор наф текканми?

*Чўлпон.* Бўлмаса-чи! Ҳамма гап мана шунда-да! Биласиз-ку, Келган Ўтарович сор бургут бўладилар. Бизлар эса, масалан, мен, Отажон Тошевич, қайним Йўлдош Ёндошевичлар у кишининг қанотларимиз. Қанотлари мустаҳкам бўлиши учун Келган Ўтарович ҳаммамизни бир-биримизга қуда-анда қилибми, ака-ука, опа-ука тутунтирибми, қандай бўлмасин чамбарчас боглаб ташлаганлар. Вой тавба, шу пайтгача шуниям тушунмайсиз. Ўзи мен ўттиз беш йилдан бери ким билан яшаб келяпман. Шунгаям ақли етмаган киши биланми?

*Кўлдош.* Нима дедингиз?!

*Чўлпон.* Кечирасиз... Тўғри, шунча йил мобайнида сиз бирор мартаям ички ишларимга аралашмадингиз. Ижтимоий фаолият кўрсатишимга тўла шароит яратиб бердингиз. Бирор марта бўлсин раъиймга қарши бормадингиз, эркимга тўсқинлик қилмадингиз, рашк нима билмадингиз, умуман билмайсиз ҳам. Ҳатто ўринсиз, менинг рухсатимсиз савол ҳам бермайсиз. Шунинг учун ҳам мен униб-ўсиб ишлаб келяпман. Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлса...

*Кўлдош.* ...аллақачон сизни уч талоқ кўярди демокчимисиз?

*Чўлпон (хандон отади).* Янглишасиз, катта кетиб юбордингиз, ўрток. Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлса-ю, менинг йўригимга юрмаса, мен уни ўша захотиёқ минг талоқ кўйиб юборардим. (*Яна хандон отади*).

*Кўлдош.* Йўқ, сиз янглишасиз, ўрток. Сиз мени бир талоқ ҳам кўёлмасдингиз.

*Чўлпон.* Сабаб?

*Кўлдош.* Чунки Келган Ўтарович бунга рухсат бермасдилар. Сиз эса у кишининг рухсатисиз, мени кўёлмасдингиз.

*Чўлпон (ўйланиб).* Тўғри, бу гапингиз тўғри, тан бераман. Ана энди ўзингизга келяпсиз, турмуш масалаларига тушуна бошляпсиз.

**Кўлдош.** Нима десангиз деяверинг-у, Чўлпон Пўлатовна, лекин сизнинг олдингизда виждоним пок, шу ўтган ўттиз беш йил мобайнида сизга нисбатан бирор марта хиёнат қилмадим, ҳатто буни хаёлимга ҳам келтирмадим.

**Чўлпон.** Буниям эплаган одам қилади. *(Хандон отади).*

**Кўлдош.** А?

**Чўлпон.** Ҳазиллашдим. Сизни шу фазилатингиз учун ҳам ҳурмат қиламан. Мениям виждоним пок сизнинг олдингизда.

**Кўлдош.** Ишонса бўлади.

**Чўлпон.** Ишонинг! Мен...

**Кўлдош.** Сиз фақат оила фаровонлигини ўйлайсиз. Нимаики қилсангиз, оилани ўйлаб қиласиз.

**Чўлпон.** Балли. Хотинини тўғри тушунган эрнинг садағаси кетсанг арзийди. Шу гапингиз учун, майли, бу сафар Мальтага дам олишга бирга олиб бораман. *(Лучано Павороттининг маишхур арияларидан бири эшитилиб кетади).*

**Кўлдош.** Курортга?.. Бирга?.. Менимча, энди кеч.

**Чўлпон.** Тавба! Кейинги пайтларда ўзгариб қоляпсизми, Кўлдош Ёндошевич.

**Кўлдош.** Ўғлим кўзгу бўляпти, унда ўзимни кўряпман.

**Чўлпон.** Сиз катгасиз, у сизда ўзини кўриши керак.

**Кўлдош.** Кўролмаसा керак. Шунинг учун ҳам хотини билан муросаси келишмаяпти шекилли? *(Ганни буриб).* Келган Ўтарович ишнинг кўзини жудаям билардилар-да?

**Чўлпон.** Бўлмаса-чи!.. Ҳаммамиз бир бутун олтин занжирмиз. Келган Ўтарович эса катта ҳалқа, бош ҳалқа. Бу занжирни кимки узишга интилса ёки ундан ажралиб чиқишни истаб қолса, олтин ҳалқадан жез ҳалқага айланади-қолади.

**Кўлдош.** Олтин ва жез... Ҳа, чиндан фарқи катта...

**Чўлпон.** Бу дейман, Кўлдош Ёндошевич, қариган сайин маҳмадонами-эй, файласуфми-эй бўлиб кетяпсиз. Ақлингиз суюляпти шекилли, ўзингизни бир дўхтирга кўрсатинг, яхшиси менинг шифохонамга боринг, сиз ҳам рўйхатда борсиз. Ҳар ҳолда у ерда яхши қарашади, навбат кутишлар ҳам йўқ.

**Кўлдош** *(ўсмоқчилаб).* Ие, шунақами? Мен билмас эканман-а.

**Чўлпон.** Борган бўлсангиз биласиз-да. Бир боринг, ўрганиб қоласиз, кейин туман шифохоналарини эсдан чиқариб юборасиз.

**Хулқар хомуш киради.**

**Чўлпон.** Салом. *(Кўл олишиб сўрашади).* Яхшимисиз?

**Кўлдош** *(елка тутиб сўрашади).* Омонмисиз, эсонмисиз? Яхши юрибсизми?..

**Чўлпон** *(эрига).* Бас қилинг!.. Хулқархон, аввало айтиб қўяй: мен сизни қизим деганман. Ўғлимдан воз кечсам кечаманки, аммо лекин сизни ҳеч кимга хўрлатиб қўймайман. Тушундингизми?.. Хўп, мана энди сўз сизга: хўш, нима бўлди, менга бор гапни, ростини айтинг.

**Хулқар.** Хўп. Ўғлингиз бугун ишдан сал кечикиброқ келдилар.

**Кўлдош.** Куп-курукми?

**Хулқар.** Ҳм.

**Кўлдош.** Ҳамон уйим-жойим дейишни билмади-билмади-да. Лоақал Чўлпон Пўлатовнадан ибрат олса бўларди-ку.

**Чўлпон.** Халақит бермай туринг! *(Хулқарга).* Хўш, кейин?

**Хулқар.** Сенга бир гап айтаман дедилар-у, лекин айтмадилар.

*Чўлпон.* Сиз-чи?

*Кўлдош.* Ишдан кечикиб келган эрига гапиради-да хотин киши, гапирмай тура олармиди. Бу – табиий ҳол.

*Чўлпон.* Авзойи қалай эди, авзойи?

*Хулқар.* Ғалати роқмиди, ҳардам хаёлроқмиди...

*Чўлпон.* Тўғри, менга ҳам худди шундай туюлди.

*Хулқар.* Келдиларми?

*Чўлпон.* Келдию кетди.

*Хулқар.* Бир нима дедиларми?

*Чўлпон.* Демади.

*Кўлдош.* Дейишига йўл қўйилмагандир-да.

*Чўлпон.* Мен гаплашаётганда, сиз аралашманг, деб минг марта айтганман! Яна гапга сукиласиз-а. Лозим кўрсам ўзим сизга сўз бераман.

*Кўлдош.* Узр! (*Четга*). Чиндан ҳам рост гапни айтиш қийин.

*Чўлпон.* Қизим, сизнингча, ўғлим нима дейиши мумкин эди?

*Хулқар.* Билмадим... Сизга-чи?

*Чўлпон* (довдираб). Менгами?.. Мен онасиман, менга ҳар қандай гапни айтавермайди. Сиз эса хотинисиз...

*Хулқар.* Ўғлингизнинг менга кўнгиллари йўқ, биламан. Умуман бўлмаган ҳам. Шундан гап очмоқчи бўлдилар шекилли. Ана шу ҳақда сўз очилишидан кўрқаман. Авзойиларига қараб туриб, хаёлим шунга кетди-ю, у кишига сўз бермадим.

*Кўлдош (киноя билан).* Тўғри қилибсиз, қизим, тўғри қилибсиз. Ният тилга чикқач, ғишт қолипдан кўчади, орадан парда кўтарилади. Шу сабабли Чўлпон Пўлатовна ҳам унга сўз бермай кўя қолдилар.

*Чўлпон.* Гапга суқилманг дедим-ку сизга! Яна аралашасиз-а...

*Кўлдош.* Оғзимга сўк солиб ўтирайми?.. Ўз уйимдаман-ку ахир!..

*Чўлпон.* Мен боримда, сиз йўқ ҳисобидасиз. Майли, сиз билан кейин гаплашаман. Қизим, балки сиз янглишаётгандирсиз? Эҳтимол, ўғлимнинг ишхонасида бирор кори-ҳол юз бергандир?

*Кўлдош.* Лекин нимаики юз бермасин, Чўлпон Пўлатовна тўғрилайди. Ахир, Эргашнинг катта хўжайини Чўлпон Пўлатовнанинг улфати-ку.

*Чўлпон.* Майда гап бўлманг, деворнинг ҳам қулоғи бор. (*Келинига*). Хўш, гумонингиз нимада?

*Хулқар.* Ўғлингиз кўнгил қўйган ўша қиз ҳалигача турмушга чикмай келади. Ота-онаси мажбурлаб узатмоқчи бўлишган экан, дом олиб уйдан чиқиб кетибди. Бугун эшитдим.

*Чўлпон.* Баракалла, қизим! Яхши эсимга солдингиз. Ўғлим ундан бутунлай кўнгил узиб кетиши учун ўша қизни эрга бериш керак. Энди бунга ўзим ташкил қиламан, ёр-биродарларни ишга соламан. Кўнглингизни тўқ қилинг, тез орада тўй.

*Кўлдош (киноя билан).* Сиз топган куёв тарафдан ўзим совчи бўлиб бораман. Бунга нима дейсиз?

*Чўлпон.* Ўйлаб кўраман.

*Хулқар.* Йўқ, йўқ, керакмас. У боякишни тинч қўйинглар, менинг бошимга тушган савдоларни унинг ҳам бошига солиб нима қиласизлар?

*Чўлпон.* Бахтли қиламиз!

*Хулқар.* Мен бахтлиманми?

**Чўлпон.** Бўлмасам-чи! Сиз оилалисиз, демак, бахтлисиз. Қариқиз бўлиб, сўққабош қолиб кетишдан ёмони йўқ, қизим. (*Эрига ҳам гапиринг деган ишора қилади*).

**Кўлдош.** Суюнчи беринг, Хулкархон, бу сафар дам олишга Мальтага Чўлпон Пўлатовна билан бирга борадиган бўлдик. Чўлпон Пўлатовна менга сўз бердилар. Умримизда биринчи маротаба. Мана, ўзларининг юз-кўзлари, ваъда қилдилар.

**Чўлпон.** Ҳамиша қовун туширганингиз-туширган. Шунинг учун ҳам сизга сўз бериб бўлмайди-да.

**Хулкар.** Ойи, дада, сизларга юрагимни очай, энди очолмай туролмайман. Ўзимнинг ота-онам мени тинглаб ўтиришмайди ҳам. Чиққан қиз чийриқдан ташқари дейишгани-дейишган. Мана, ўн йилдан бери севмаганга суйкалиб, ўзимни ерга уриб, ўғлингизни ҳам, ўзимни ҳам қийнаб келяпман. Энди...

**Чўлпон.** Йўқ, йўқ, йўқ! У гапни хаёлингизга ҳам келтира кўрманг. Мен сизни қизим деганман-а. Сизни хўрлатиб қўймайман. Қолаверса, Эргаш сизни севади.

**Хулкар.** Қани энди...

**Чўлпон.** Ҳа, у сизни севади, мен биламанми, сиз биласизми?..

**Кўлдош (киноя билан).** Сиз биласиз, Чўлпон Пўлатовна, сиз биласиз. Ахир, Эргаш ўғлингиз-ку.

**Чўлпон.** Албатга. Никоҳ маросимида айтган гапи ҳамон эсимда. (*«Ёр-ёр» куйи ёки кўшиги эшитилади*). Ўшанда «хоҳлайсизми» дейилганида «хоҳлайман» деганини ўз қулоғим билан эшитганман. Энди айниб кўрсин-чи?! Эркак кишининг гапи битта бўлади, деб бошлаб жазосини бераман, шаҳардан қишлоққа сургун қилиб юборсам юбораман-у, аммо лекин сиздан ажралишига икки дунёда ҳам йўл қўймайман. Ўғлимни, мана қараб туринг, қизим, ўзим ройишга келтираман.

**Кўлдош.** Ишонса бўлади. Мана исботи; мени ҳам ройишга келтиргансиз.

**Чўлпон.** Энди бу ишга жиддий киришаман.

**Хулкар.** Мени кечирасизу, ойи, бу гапни мен сиздан кўп эшитганман.

**Чўлпон.** Бу сафар жиддий айтяпман. Ва охиргиси. (*Гапни чалғитиб*). Айтгандай, «Ойи, кейинги пайтларда сал мазам йўқроқ бўлиб юрибди. Дўхтирлар рентгенга тушинг» дейишяпти, дегандек бўлувди, Эргаш.

**Хулкар.** Бугун рентгенга тушишлари керак эди.

**Чўлпон.** Ана, айтмадимми? «Сизга бир гап айтаман» деганида дўхтирнинг гапини айтмоқчи бўлган.

**Хулкар (ваҳм билан).** Жиддийроқ касалга чалинган бўлсалар-а?!

**Кўлдош.** Жуда ҳам унчаликмасдиров? «Невропотолог кўрмоқчи» деганди менга.

**Чўлпон.** Шундайми!.. Мана бу жиддий гап. Рентгенга тушиш ҳеч гапмас. Невропотологга ишинг тушгулик қилмасин, илоё. Тиззаларингнинг соққасига таёқча билан уриб-уриб кўради.

**Кўлдош (киноя билан).** Ростданми!.. Э, аттанг..

**Чўлпон.** Олдиндан ваҳима қилманг. Ҳали аниқлаймиз, тагига етамыз. Чора кўрамыз. Керак бўлса, тадбир қўлаймиз. Лекин аввало Отажон Тошевич билан маслаҳатлашамиз. Лозим топилса, Келган Ўтаровичнинг олдидаридан бир ўтамыз. Чунки бусиз мумкинмас. (*Хулкарга*). Айтгандай, Отажон Тошевич дам олишдан қайтдиларми?

**Хулкар.** Бугун қайтибдилар.

**Чўлпон.** Кўлдош Ёндошевич, тезда отланинг, Отажон Тошевични йўқлаб келадыз.

*Хулкар. Ўғлингиз...*

*Чўлпон. Ҳа, дарвоқе, Эргаш... Уни ҳам топамиз. Лекин аввало Отажон Тошевични йўқлаймиз, шуниси зарур, мен у кишини ўз оғам деганман-а...*

*Хулкар. Мен бормайман.*

*Чўлпон. Бўлмаса, шу ерда ўтира турасизми?*

*Хулкар. Ўғлингиз топилмагунча, бир жойда ёлғиз ўтира олармидим?.. Майли, сизлар билан бораман-у, лекин ичкарига кирмайман.*

*Чўлпон. Ихтиёрингиз... Соат саккиздан ошибди... Гараждан навбатчи шахсий машинамни чақира қоламан. (Телефон томонга юради).*

*Кўлдош. Бу – сизнинг ихтиёрингиз.*

### Учинчи кўриниш

*Отажоннинг ҳовлиси – Чўлпон ҳовлисининг худди ўзи. Фарқ шундаки, стол усти ясагилик, ҳовлида иккита чамадон ва битта картон қути турибди, буларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» белгили қозғазлар.*

*Ичкари хонадан Ойбиби зинага чиқади, худди шу пайт ҳовлига Эргаш кириб келади. Ойбиби Эргашни кўрибоқ, икки зинани бир босиб у томон югуради.*

*Ойбиби. Ваалайкум ассалом!.. Вой болагинамдан ўргилай, вой гиргиттони бўлай, вой бўйларингизга тасаддук! Ҳизрни йўқласам бўларкан. Боядан бери ўнг кўзим учиб турувди, сизга экан-да. (Эргашни бағрига босиб). Яхши юрибсизми, соғлиқларингиз яхшими? Қудаларим, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар саломатгина юришибдими?*

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

*(Гап бермай). Худоба минг қатла шукур, яхши юрибман. Сўраб келганингиз билан бошим кўкка етди, кўнглим тоғдай ўсди. Дадангиз ҳозиргина Анталиядан қайтиб келдилар. (Шўх туркча куй ёки қўшиқ эшитилиб кетади). Ана чамадонлари. Биринчи бўлиб сиз йўқлаб келдингиз. Яшанг, камол топинг, ўғлим. Илоё ёлғизгина ўғлингиз, неварагинам Тиркашжоннинг мурод-мақсудига етинг, ўзингиздан кўпайиб юринг, бизларни сийлаб келибсиз, сизни ҳокимлар сийласин, раҳбарлар қўлласин, жиловдор бўлсин, депутатлар, ҳомийлар мададкор бўлсин, омин Аллоху акбар! (Фотиҳа ўқийди. Эргашга гап бермайди). Дуои ниятим сизга ғалати туюлади-а, ўғлим? Таажжубланманг, болам, дунёдан дипломсиз ўтаётган онангизнинг бундай фотиҳасига. Дадангиз амр этдилар, янгича фотиҳа ўки, ғанимларимиз тагин шуниям гап қилмасин, фалончининг рафиқаи мухтарамаси замондан орқада қолибди деб, дедилар. Азиз-авлиёлар қўлласин, пирлар мададкор бўлсин, демаса фотиҳа фотиҳа бўлармиди? Ўрнига бошқа гап топиш керак эди. Кўчамиз бошида турувчи Замоний деган ёзувчига учрашдим, ўзи газетада ишлайди, унга келишдан мақсадимни айтдим. «Замоний болам, замонавийроқ фотиҳабоп сўз ёзиб беринг» дедим. Бир қулиб қўйди-ю, ёзиб бера қолди. Хизмат ҳақини берай десам, сираям унамади, мениям дуо қилиб юрсангиз бўлгани, деди. Биринчи бўлиб унинг ўзини дуо қилдим: «Сизни ҳокимлар сийласин, раҳбарлар қўлласин, жиловдор бўлсин, депутатлар, ҳомийлар мададкор бўлсин, омин Аллоху акбар» дедим. «Раҳмат» деди яна қулимсираб. Иккинчи бўлиб ҳозир сизни дуо қилдим ёзувчининг сўзи билан. Учинчи бўлиб дадангизни дуо қилмоқчиман. Уларга ҳам ёкса керак, деб ўйлайман: ҳаммаси Замонийдан чиққан замонавий гаплар. Ахир, ҳокимлар турганда азиз-авлиёларга*

кимам ишонарди, менимча, ҳозирги куннинг азиз-авлиёлари ана шу ҳокимлар бўлса керак. Қолаверса, мен хато қилсам унчалик айб бўлмаса керак. Ахир, мен бу дунёдан дипломсиз ўтаётганларданман. Мабодо дадангизга Замоний ёзиб бергани ёқмаса, нариги маҳаллада турувчи Даврий деган шоирга бориб учрашаман. Шиғирларини ўқиган одамларнинг гапига караганда, унинг қалами Замонийникидан ҳам ўткир эмиш. Аслида сиртдан бўлсам ўқиб, мен ҳам дипломли бўлиб олсам бўларкан. Қариган чоғимда дадангиздан «дипломсиз» деган дакки эшитиб, маломатга қолиб юрмасдим. Ҳеч бўлмаганда, у-бу нарса ёзиб ёзғувчилик қилардим.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Бўлди, уқдим фикрингизни. Гап фақат дипломнинг ўзидагина эмас, одамнинг ўзига ҳам боғлиқ дегувчилар ҳам бор. Мен ҳам шу фикр тарафдориман. Ахир, мен табиатан шунақа одам бўлсам, нима қилай. Дадангизни кўришим биланок ўзимни йўқотаман-у, у кишининг соясига айланаман қоламан. Балки бу ота-онамнинг ёшлиқда менга берган тарбиясининг оқибатидир. Яна ким билади дейсиз... Ҳозир, ўғлим, ҳозир, дадангиз кийим алмаштиряптилар, ҳозир чиқадилар. *(Ичкари хонага қараб)*. Хўжайин, хой хўжайин, тезроқ чиқа қолинг! Эргашжон келдилар! *(Эргашга)*. Аслида Анталияга сиз борсангиз бўларди. Боролмайман деганингиз учун, йўлланма куймасин, деб дадангиз бориб келдилар-да. Бўлмаса, сиз турганда уларга Анталияда дам олишни ким қўйибди. Сиздек навқирон йигитларга ярашади-да чет элларда дам олиш. Лекин келаси йили албатта сиз борасиз, бормаганингизга қўймаймиз, ўзим Канар оролларига олиб бориб қўйиб келаман. *(Равелнинг «Болеро»сидан нарча эшитилиб кетади)*.

*Пиёсамасини кия-кия ичкари хонадан Отажон шошилиб чиқади ва Эргаш томон қучоқ очиб, йўл-йўлакай тишмай гапириб келади.*

*Отажон*. Ваалайкум ассалом! Баракалла ўғлим, баракалла! Мана буни ҳақиқий меҳр-оқибат деса бўлади. Келишим биланок, мени йўқлаб келибсиз, раҳмат, раҳмат! *(Эргашни бағрига босади)*. Омон-эсонгина, соғ-саломатгина, тинчгина юрибсизми, ишлар билан чарчамаяпсизми, қудаларим, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар қалай? Тиркашим яхши юрибдими, олакелсангиз бўларди, мен унга Анталиядан антиқа совғалар олиб келдим.

*Ойбиби*. Неварангиз тоғда! Дам оляпти.

*Отажон*. О, неварам тоғда дам оладиган бўлиб қолдими! Ана энди келажакда қатта одам бўлади.

*Эргаш*. Дада, ойи, сизга бир гап айтаман.

*Отажон*. Аввал столга марҳамат қилинг, ўғлим.

*Эргаш ва Отажон стол атрофига ўтиришади.*

*Ойбиби (эрини қулогига пичирлайди)*. Қўйни...

*Отажон (баланд овоз билан)*. Қўйни сўйиш керак, шуниям мендан сўраб ўтирибдиларми, бекам. Қўй сўйишга яралган. Эргашжон мени йўқлаб келадилар-у, оёқлари остига қўй сўймаймизми, сўямиз албатта. Бўлса от ҳам сўярдик. Турдиқулни чақирсинлар. Бўрдоқини бўғизлаб ташласин. Бир ойча Анталияда бўлиб, ўзимизни ковордоқни соғиндим. Ўғлим, шу тупроқдан вужудга келган сизу бизга шу она тупроғимизда етишган ноз-неъматлар жуда мос, танамизга яхши сингийди, чунки она юртимиз табиати билан танамизда бирлик, умумийлик, мутаносиблик мавжуд-да. Бу менинг фикрим эмас, дам олишда танишганим бир ишбилармоннинг фикри. Энди шу фикрга амал қилиб,

лар  
ир,  
ний  
иб  
ми  
ам  
из»  
са

факаг ўзимизда етишган ноз-неъматларнигина танавул киламан. (*Хотинига*).  
Тезда думба-жигар ковурилсин.

*Ойбиби*. Думба-жигарга буйрагини ҳам кўшамиз, жуда-жуда хушхўр бўлади.  
(*Ховлининг бир томонига бориб*). Турдикул-ув, хой Турдикул!

*Овоз*. Турдикулингиз ухлавотдилар. Нима эди?

*Ойбиби эрига қарайди*.

*Отасжон*. Мени айтди десалар, Турдикулни уйғотади.

*Ойбиби*. Хўжайин айтяптилар, Турдикулни уйғотармишсиз.

*Овоз*. Нима юмушлари бор экан?

*Ойбиби эрига қарайди*.

*Отасжон*. Суриштиради-я... Эргашжон келдилар, десалар тамом вассалом.

*Ойбиби (шошилиб эрининг гапни айнан айтиб юборади)*. Эргашжон  
келдилар, десалар – тамом вассалом. (*Эрига*). Кечирасиз.

*Овоз*. Бўлди, тушундим. Ҳозир уйғотаман.

*Ойбиби (эрининг қулогига пичирлайди)*. Исоевлар уйдамикин?

*Отасжон (баланд овоз билан)*. Баракалла, яхши эсга солдилар, бекам.  
Ҳофизларсиз ўтириш ўтиришми. Чакириб кўрсалар, булар бўлмаса, бошқаларга  
ўзим сим қоқаман.

*Ойбиби (ҳовлининг иккинчи томонига бориб)*. Исоев, хой Исоев! (*Эрига*).  
Ҳали исмини билмайман, янги кўшни-да!

*Овоз (бўғиқ)*. Ҳов! Хизмат?

*Ойбиби (эрига)*. Отардан келиб турганга ўхшайди, овозини қаранг.

*Отасжон*. Майли, инилари билан чиқаверсин, овозини ўзимиз даволаб  
юборамиз.

*Ойбиби*. Иним, хўжайин айтяптилар, иниларингиз билан бизникига чиқинг.

*Овоз*. Тинчликми ўзи, Ойбиби опа?

*Ойбиби (эрига)*. Суриштиради-я. (*Ховлига*). Эргашжон келдилар – тамом  
вассалом.

*Овоз*. Куёвни пайғамбарлар сийлаган, бизаям албатта сийлаймиз. Бўпти, хозир  
чиқамиз.

*Ховлида уйқусираган ҳолда Турдикул пайдо бўлади, қўлида катта пичоқ ва  
қайроқтош*.

*Отасжон*. Ваалайкум ассалом. Турдикул, иним, сенгаям Эргашжондек куёв  
ато килсин. Қани тезроқ бўрдоқини бўғизлаб ташла.

*Турдикул мудраганча гандираклаб ўнг томонга кетади*.

*Ойбиби*. Кўчқор ўлгур жуда сузоғич. Мен Турдикулга қарашай.

*Отасжон*. Майли, бекам, лекин ўзларига эҳтиёт бўлсалар, Турдикулнинг  
кайфи борга ўхшайди.

*Ойбиби*. Сираям хавотир олманг. Турдикул ҳамиша шунақа юради ўзи. (*Ўнг  
томонга кетади*).

*Эргаш ўрнидан қўзгалмоқчи бўлади*.

*Отасжон (елкасини ушлаб)*. Сиз меҳмонсиз, а. Сизга мумкинмас.

*Қўй маърагани эшитилади*.

О, бечора-ей, ажали етганини сезди шекилли. Ҳеч қиси йўқ, қўй сўйиш учун  
жаннатдан чиққан экан.

*Исоевлар – тўрт ога-ини доира, рубоб, гижэсак ва аккардеон чалиб, «Тўйлар  
муборак»ни айтишиб, чап томондан кириб келишади, бош силкитишиб,  
Отасжон ва Эргаш билан сўрашадилар*.

**Отажон.** Ваалайкум ассалом, баракалла, баракалла! Овозлари омон бўлсин, кўллари дард кўрмасин. Энди гап бундай. Эргашжоннинг хурматлари, бир тўйдан нима олсалар, бугун мендан ҳам шуни оладилар.

*Ҳофизлар ашулани бир парда баландроқ олиб, стол томон юришади.*

Хув анави каравотга жойлашсалар, бемалол ўтирсалар, ишқилиб бизга ашулалари эшитилиб турса бас.

*Ҳофизлар ўнг томонга ўтишади, то шу кўринишнинг охиригача уларнинг куй-кўшиқлари эшитилиб туради.*

**Ойбибининг** овози. Хўжайин, хой хўжайин! Қўйни оёғидан осиб юборинг. Турдикулнинг кучи етмаяпти. Жудаям семириб кетган экан жонивор!

**Отажон.** Ҳозир!.. Олти ойдан бери ем бериб боқилади-ю, семириб кетмасинми! *(Эргашнинг ўрнидан қўзғалаётганини сезиб, унинг елкасидан ушлаб).* Йўқ, йўқ, сизга мумкин эмас. Сиз кўй-мўй сўйиб юрганмисиз, чўчишингиз мумкин, менинг йўригим эса бошқа. Ёшлигимда қассоблик ҳам қилганман. Ўзим қушхонадан чиққанман-да. Саллоҳлик қилавериб, дийдам жудаям қотиб кетган, қон-пондан кўркиш йўқ. *(Ўрнидан туриб, чамадонларга кўзи тушиб).* Айтгандай, мана бу чамадон сизга! Ичида у-бу нарсалар бор. Совға-салом дегандай. Ана униси Чўлпон Пўлатовнага! Биламан, биламан, сизларда ҳамма нарса мухайё. Лекин чет элдан қуруқ қайтолмайман-ку, мениям тушунсалар... Мана бу қутидаги нарсалар Тиркашжонга!.. Бобосидан совға! Бизники табаррук. Мендай увалижували бўлиб юрсин. Айтгандай... *(Қутини очади).*

**Ойбибининг** овози. Ҳой, хўжайин, кела қолмайсизми, Турдикул ухлаб қолай деяпти.

**Отажон.** Ҳозир, ҳозир, мана кетяпман. *(Қутидан бир даста рангли журнал олиб, Эргашнинг олдига қўяди).* Мозор босиб келган чет эл журналлари. Аломат расмлари бор. Ўзиям сиздек навқирон йигитлар кўрадиган журналлар-да. Атайлаб сиз учун олиб келдим. Марҳамат, сиз кўриб туринг, мен ҳозир келаман. *(Ўнг томонга чиқади).*

*Эргаш чап томонга – кўчага чиқиб кетади. Кейин машина сигнали ва қаттиқ тормоз бериб тўхтагани эшитилади.*

**Отажон** *(аввал овози эшитилади, кейин ўзи қўлини сочиққа арта-арта гапириб киради).* Эргашжон, ўғлим, зерикмадингизми? Мана, кўйниям ўз оёғидан осиб юбордик. Жудаям жир битиб кетган экан, думбасининг ўзи нақ қирк кило келади-я. Семизликни кўй кўтаради, деб шунга айтадилар-да. Агар одам шунчалик семириб кетса, ёки инфаркт, ёки инсульт бўлиши турган гап. *(Эргашни эсойида кўрмай, у ёқ-бу ёққа қарагач).* Қуён бўлибдилар-да. Минг қилсаям... *(Гапи оғзида қолади).*

**Чўлпон** ва **Қўлдош** киради.

**Чўлпон.** Отажон Тошевич!

**Отажон.** Чўлпон Пўлатовна!

**Иккови** қўл олишиб сўрашадилар.

**Чўлпон.** Дам олишлар сизга ёқибди. Ёшариб кетибсиз. Хурсандман.

**Отажон.** Сиз эса ҳаммиша ёшсиз, палаги тоза аёллардансиз-да.

**Қўлдош** *(ўнг қўли билан қўл олишиб, чап қўли билан Отажоннинг елкасига қоқиб).* Эсонмисиз, омонмисиз, чет эл сафарларидан эсон-омонгина келдингизми?..

**Отажон.** Раҳмат, ўзингиз ҳам яхши ўтирибсизми?

**Қўлдош.** Шукур-шукур... Тузук-тузук...



*Чўлпон ашулачилар томонга разм солиди.*

*Отэжон (изоҳ беради).* Булар янги кўшниларим, яқинда жой сотиб олиб келишди, ўзим ўртада турдим. Дам олишдан келишим биланок мени йўқлаб чиқишибди, санъатимиз – совғамиз дейишди, йўқ деёлмадим.

*Чўлпон.* Тўғри қилибсиз, совғани қайтариб бўлмайд.

*Кўлдош.* Мен уларни танийман, жуда тўйбоп хофизлар-да.

*Отэжон.* Банкетларга ярайди... Чўлпон Пўлатовна, сизнинг сайловчилар билан сайловолди учрашувингизга шуларни албатта юбораман, сайловчилар руҳини кўтариб юборишади. Бу каминанинг совғаси бўлади.

*Кўлдош (киноя билан).* Ўзингизнинг учрашувингизга айтмасангиз ҳам боришса керак. Илоё, *(хотишига қараб)* ўша кунга ва *(Отэжонга қараб)* ўша кунга етказсин, омин! *(Фотиҳа ўқийди).*

*Отэжон (севиниб).* Раҳмат! *(Ўнг томонга қараб).* Ойбибихон!.. Мехмонлар келишди!

*Ойбиби (ташқаридан).* Кўлим қон эди, хозир бораман.

*Чўлпон.* Қон?

*Отэжон (изоҳ беради).* Қассоб чакирган эдик... Келишингизни сездик-да. Қани марҳамат. *(Стулга таклиф қилади).*

*Стул атрофига ўтиришади.*

*Чўлпон.* Қассоб чакириб, беҳуда уринибсиз-у, лекин хофизларни ўзингизга кўшни қилиб, зўр иш қилибсиз. Қойилман. Мана шунда ҳам ташкилотчилик маҳоратингиз кўринади.

*Отэжон.* Ҳаммамизни ўйладим-да. Ҳали олдинда мушкул ишлар турибди. *(Аввал Чўлпонга, кейин Кўлдошга чой узатади).*

*Чўлпон.* Биламан... *(Эрига кўзи тушиб, эсим қолади ва гапни бошиқа ёққа буради).* Хўш, Анталияда нима гаплар?

*Отэжон.* Дам олишда нима бўларди, ўйин-кулги-да....

*Кўлдош (атайлаб, томдан тараша тушгандек қилиб).* Бу сафар-чи, Отэжон Тошевич, бизлар эр-хотин Мальтага дам олгани бирга борадиган бўлдик, умримизда биринчи марта, Чўлпон Пўлатовна менга сўз бердилар.

*Отэжон (кулгисини ичига ютиб, эр-хотинга бир-бир қараб қўяркан, Кўлдошга раҳми келиб).* Табриклайман. *(Чўлпонга).* Хўш, бу ерда нима гаплар, қандай янгиликлар бор?

*Чўлпон.* Бу ердаги гаплар барибир сиздан қочиб қутилмайди. Аввал дам олиш таассуротларидан эшитайлик.

*Кўлдош.* Илтимос, мен учун жудаям қизиқарли.

*Отэжон.* Хўп. Аслида бу йил дам олишга бормоқчи эмасдим. Зарур ишларим кўп эди.

*Чўлпон.* Ҳа, ана у масала, тушундим.

*Отэжон.* Баракалла... «Ўзаро гап, ҳеч ким билмасин, сизга, менга шерик бор, Анталияга бирга борайлик», дея Келган Ўтарович телефон қилиб қолсалар бўладими!

*Чўлпон.* Ўзлари-я?!

*Отэжон.* Ҳа, ўзлари.

*Чўлпон.* Мен беҳабар эканман... Сизни чин юракдан табриклайман! О, қандай бахтлисиз, а!

*Кўлдош.* О, қандай яхши!

*Отэжон.* Лекин, афсуски, ўзлари боролмай қолдилар, тўсатдан ишлари чиқиб қолибди...

**Чўлпон.** Э, аттанг!..

**Отаясон.** Ўрниларига ўринбосарлари борди.

**Кўлдош.** Мен бўлсам, ҳамма ишни ташлаб ўзим бораверардим.

**Чўлпон (Отаясонга).** Назар Назарович бордиларми?.. Буям катта гап. Бутун ташкилий масалалар шу кишининг кўлида, хали янада ўсадиган одам, қолаверса, тақдиримиз кўп жиҳатдан шу Назар Назаровичга боғлиқ.

**Отаясон.** Ҳа. Ҳар ҳолда дам олишим ёмон бўлмади. Шу баҳона Назар Назарович билан яқинлашиб олдим, у кишига кўп ўртоқлар ҳақида яхши фикрлар билдирдим, жумладан, сиз ҳақда ҳам.

**Чўлпон.** Раҳмат, қарздорман.

**Отаясон.** Энг асосийси, Келган Ўтаровичнинг сўзлари ерда қолмади.

**Чўлпон.** Ҳа, муҳими шу.

**Отаясон.** Эртага қабулларига кираман, миннатдорчилик билдиргани. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли мана дам олиб ҳам келдим дейман.

**Чўлпон.** Ҳа, шу кунларда иложи борича у кишига тез-тез кўриниб туриш жудаям керак. Отаясон Тошевич, агар мавриди келса эртага мен ҳақимда ҳам бир оғиз гапириб кўясиз-да, садоқатли кадрларингиздан десангиз бўлгани. Биласиз, Келган Ўтаровичнинг энг севган фазилатлари – садоқат!.. Кейин мен ҳам сиз ҳақда...

**Отаясон.** Албатта, албатта айтаман.

**Кўлдош.** Чўлпон Пўлатовна, сизнинг Келган Ўтаровичга ҳурматингиз жуда баланд, буни ҳатто менам биламан. Отаясон Тошевич, буни у киши албатта билишлари керак.

**Отаясон.** Биладилар, мен ҳам биламан. Одатда мен Келган Ўтарович ҳузурларида ўзим ҳақимда гапирмайман, лекин дўстларни тилимдан қўймайман.

**Чўлпон.** Узокни кўзлайсиз-да, узокни. Қойилман, жуда моҳир ташкилотчисиз.

**Кўлдош.** Ёлғиз отнинг чанги чиксаям, донғи чикмайди деб шунга айтадилар-да.

**Ойбиби (аввал овози эшитилади, кейин ўзи кўринади).** Зерикмай ўтирибсизларми, қовурдоқ ҳам тайёр бўлай деб қолди, димлаб қўйдим. Турдикул бўлса, қўйнинг териси устида ухлаб қолди, бошига рапидани қўйиб қўйдим, майли, бир оз мизғиб олсин. Вой, қудаларим келишибди-ку! Ассалому алайкум! Хуш келибсизлар!

**Чўлпон (қўл олишиб).** Салом, яхшимисиз?

**Кўлдош (елка тутиб сўрашади).** Эсонмисиз, омонмисиз, омон-эсонгина юрибсизми, қудажон. Қудам келиб севиниб қолдингизми?

**Ойбиби.** Раҳмат... (Эрига). Эргашжон қанилар?

**Чўлпон.** Уям келувмиди?

**Отаясон.** Ҳа. Ўчокбошига бориб келгунимча, хайр-маъзурниям насия қилиб, жўнаб қолибдилар.

**Ойбиби.** Вой ўлмасам, энди қовурдоқни ким ейди? Куёвимиз келибди, деб атайлаб қўй сўйган эдик-а...

**Чўлпон.** Ўғлим сизларга бир нима дедими?

**Отаясон.** Йўқ.

**Ойбиби.** Йўғ-ей, бир нима дегандай бўлдилар.

**Чўлпон.** Хўш, нима деди?

**Ойбиби.** Ҳозир эслаб кўраман. (Ўйланиб қолади).

*Кўлдош.* Яхшилаб эслаб кўринг, кудажон. Нима деганини билишимиз шарт. Аслида бизлар уни кидириб юрибмиз, буёққа келишимиздан мақсад ҳам шу эди. Хулкар ҳам бизлар билан бирга, эшикда – машинада бизларни кутиб ўтирибди. Бу ёққа зўрласак ҳам, кирмади.

*Отаясон.* Мендан кўрқади, эринг билан уришсанг, уйимга қадам босма, мени сендек қизим йўқ, деганман-да.

*Чўлпон.* Бу борада иккимиз бир одаммиз, қаттиққўлмиз.

*Отаясон.* Бундан кейин янада қаттиққўллик қилинмаса, бора-бора оиланинг ўзи қолмаслиги мумкин. Ёшларнинг бошбоғи қўйиб юборилса, кўнгиллари нималарни истамайди дейсиз.

*Ойбиби.* Эсимга тушди: «Ойи, дада, сизга бир гап айтаман» дедилар Эргашжон.

*Отаясон.* Тўппа-тўғри. Мениям эшитганим фақат шу битта гап бўлди.

*Ойбиби.* Мен қизимдан хабар олай...

*Отаясон.* Чикмасалар, чиққан қиз чийриқдан ташқари.

*Чўлпон (расмий оҳангда).* Отажон Тошсевич, маслаҳатлашиб олсак.

*Отаясон.* Марҳамат, Чўлпон Пўлатовна.

*Чўлпон.* Маълум бўлишича, ўғлим хотинигаям, бизларгаям, сизларгаям фақат битта гап айтган, холос.

*Кўлдош (луқма ташлайди).* Тўғриси, бизлар ундан фақат битта гап эшитганмиз. Уям бўлса кириш сўз, холос.

*Чўлпон.* Тузатиш ўринли, кўшиламан.

*Кўлдош.* Вазият шуни тақозо қилди, шунинг учунам кўшилдингиз.

*Чўлпон.* Изоҳнинг ҳожати йўқ, фикрим чалғиб кетиши мумкин. Хулласи қалом, Эргашни кидириб топиб, уни бир тинглаб кўриш керак. Сиз шунга нима дейсиз?

*Отаясон.* Қўшиламан. Сизлар билан биргаман.

*Ойбиби.* Мен ҳам... Ҳеч бўлмаса, қизимнинг ёнида бўламан-ку...

*Отаясон.* Майли. Қани кетдик.

*Ойбиби.* Ҳофизларга жавоб бериб юбормайсизми?

*Отаясон.* Улар билан тонготарига гаплашилган. Айтаверишсин.

*Ойбиби.* Барибир, ҳеч ким тингламайди-ку.

*Кўлдош.* Қуда, кудажон, ахир уйга пойлоқчи ҳам керак-ку.

*Ойбиби.* Тўғри-я, ҳаммаёқни очиқ-сочиқ ташлаб кетаяпмиз.

### *Тўртинчи кўриниш*

*Йўлдошнинг ҳовлиси. Зина ёнида иморатга тақаб бўй баравар тошойна қўйилган. Йўлдош ҳовлида тошойнага қараб галстугини тузатмоқда. Машина сигнали эшитилади.*

*Йўлдош (ичкари хонага қараб).* Ҳой, Қундуз, бўла қол!

*Қундуз* овози. Ҳозир!..

*Йўлдош.* Ҳозирнинг чегараси борми ўзи? Машина кутиб қолди!

*Қундуз* овози. Кутса кутар! Мен бекор ўтирганим йўқ! Кийиняпман ахир!

*Эргаш ҳовлига ерга қараб, хомуш киради.*

*Йўлдош (Эргашга кўзи тушгач, залга).* Кўринишдан менга гапи борга ўхшайди. Тингласанг – тутиласан, гапирсанг кутиласан. (*Эргашга, тўсатдан*). Ваалайкум ассалом! Зап кепсан-да, жиян, хурсандман. Лекин икки дақиқа кечиксанг,

эшигимиз кулф бўларди, мени учратолмасдинг. Қани, ўтир. (*Галстугини ечиб, қайта боғлай бошлайди*). Эҳ, янги галстугни келтириб боғлаш бирам азобки...

*Эргаш стўлга ўтиради.*

Биласанми мени бугун ким уйига таклиф этди? (*Саволига жавоб кутмай, гапида давом қилаверади*). Билмайсан. Лекин яхши жой. Фойдали жой. Борган одам ҳеч зиён қилмайди. Мана бундоқ жой! Ҳадеб соатингга қарайверма, ўтиравер бемалол, барибир кеннойинг ҳали кийиниб бўлгани йўқ. (*Ичкари хонага қараб*). Ҳой, бўла қол! Машина кутиб қолди! Эргаш ҳам келган.

*Қундуз овози. Қайси бири?*

*Йўлдош. Ўзимизнинг Эргаш-да, акамнинг ўғли Эргаш-чи.*

*Яна машина сигнали эшитилади.*

Бўла қол!..

*Қундуз овози. Мен ўйнаб ўтирганим йўқ.. Кийиняпман.*

*Йўлдош (Эргашга). Кеннойинг, шу, узоқ кийинади-да. (Галстугини ечиб, бошқатдан боғлай бошлайди).* Ҳа, майли...

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Гапирмай қўя қол, фикрингни сездим. Тўғри, янги галстугни келтириб боғлаш мушкул иш. Топдим-а?.. Ҳа, баракалла!.. Жиян, эшитдингми... Э, йўқ, сен қаёқдан ҳам эшитардинг бунақа гапларни, биламан бунақа гапларга ишқивозлигинг йўқ сенинг. Эҳсон Тўқсонович Теша Болтаевичга куда бўлди, ўғлини қизига унаштирди.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Фикрингга қўшиламан, жиян. Жуда яхши иш бўлди, чунки иккови ҳам бири-бирига ҳар жиҳатдан тенг одамлар, муҳими, иккови ҳам ўз одамларимиз, айниқса дадангга яқин.

*Қундуз (ичкари хонадан парча кўйлақда зинага чиқади).* Кимларни гапиряпсиз, домлажон? (*Эргашга кўзи тушиши биланоқ*). Ваалайкум ассалом! Келганингиз яхши бўлди, Эргашжон. Сиз ҳам ўз фикрингизни айтасиз энди. Шу кўйлагим қалай? Сизнинг дидингиз яхши.

*Йўлдош. Нима, мен дидсизманми?*

*Қундуз. Мен сизни дидсиз деяётганим йўқ. Сиз айта қолинг бўлмаса. (Ҳовлига тушиб, ўзини тошойнага солиб, қузатади).*

*Йўлдош. Мен тўғри сўз одамман. Ростини айтсам, бу кўйлақ сенга ярашмапти.*

*Қундуз. Ярашган. Мен ўзим кўриб турибман. Менга ҳамма нарса ярашаверади. Қани кетдик, домулло.*

*Йўлдош. Борадиган жойимизни ўйла.*

*Қундуз. Майли, сазангиз ўлмасин, домлажон. Бошқасини кия қоламан. Эргашжон, мен кийиниб чиққунча кетиб қолманг, тагин. Сизнинг фикрингиз менга жуда керак... Айтгандай, борадиган жойимиз сиз томонда. Йўл-йўлақай уйингизга ташлаб ўтамиз. (Ичкари хонага кириб кетади).*

*Йўлдош. Жиян, кеннойинг сенга жуда меҳрибон-да. Сени даданг Қўлдошдан ҳам, уканг Бобошдан ҳам ва ҳатто мен – амакинг Йўлдошдан ҳам кўпроқ хурмат қилади.*

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Биламан, биламан, айтмасанг ҳам биламан. Сен ҳам кеннойингни жуда хурмат қиласан. Раҳмат, раҳмат... Айтгандай, Эшонқуловнинг паттаси кўлига тутқазилибди, сен ҳам эшитдингми? Совуқ хабар тез тарқалади-ку одатда. Э,

сен қаёқдан эшитардинг, эътибор бермайсан-да. Лекин жуда яхши бўлибди. Ўзиям жуда шишиниб кетганди, бировнинг сўзига сираям кулоқ солмасди, ўзи гапиргани, гапирган эди, ўз билганидан қолмасди. Мана, оқибати вой бўлди. Сенга насихатим шуки, жиян, унда-мунда бировниям гапига кулоқ солиб туриш керак.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Ҳа, баракалла, жиян. Гапимга кўшилсан, айтмасанг ҳам сездим. Учқур Топқировни билсанг керак. Э, сен уни қаёқданам билардинг, ундай одамларга кўшилмайсан-да. Лекин довруғи кулоғингга чалинган бўлса ажаб эмас. Ўша жуда ишнинг кўзини биладиган чиқиб қолди. Буни қараки, ўрни келганда ҳатто менданам фойдаланибди-я, илтимос йўли билан, кейин сезиб қолдим. Майли, қандини урсин шоввоз! Унинг ҳикмати шундаки, жойида фақат тинглайди, жойида сўзини ўтказди. Лекин анави Турсун бор-ку, сен ҳам уни танийсан, артистларга авлод ўша Турсун-да. Ўша жуда лапашанг чиқиб қолди. Бўлмаса, ўртоқлар биргалашиб ҳаракат қилиб, «Ке, шуям нонини еб юрсин» деб уни яхши жойга кўндириб қўйган эдик. Аммо ишончимизни окламаяпти, ишнинг мазаси йўқ, орқага кетяпти. Муомалани билганда эди, қолаверса, бизларни унутиб қўймаганда эди, жуда ўсадиган жой эди ишлаётган жойи. Айтгандай, сен ишлаётган жой ҳам жуда ўсадиган жой. Ахир, кредит оламан деганлар сон мингта. Улар учун ўртага тушадиганлар унданам кўп. Ана шу ўртага тушадиганлардан фойдаланиб қолсангми, ўх-хў!.. Лекин уқувинг йўқ-да.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Бўлди, гапирмай қўя қол. Бусиз ҳам тушундим. Барибир сенга бундақа гаплар қор қилмайди. Лекин амакинг бўлганим учун сенга бир гапирдим қўйдим-да. Шу гап шу ерда қолсин.

*Устма-уст машина сигнали эшитилади.*

Шофёр халқи жудаям бесабр-да, жиян. Бўлмаса, у ерда кутди нимаю бу ерда кутди нима. Ёнбошлаб мудрайвермайдими ёки китобини ўқийвермайдими, қизик. *(Ичкари хонага қараб).* Ҳой Қундуз, бўла қол!

*Қундуз* овози. Ҳозир, мана ҳозир!..

*Йўлдош.* Жиян, мен сенга жон куйдириб гапиряпман-ку, сен бўлсанг, яхшилаб кулоқ солмаяпсан, яхшимас. Бировни тинглай билиш ҳам санъат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, маданийликнинг бош белгиси. Қолаверса, мен айтаётган гапларни бошқа ҳеч кимдан эшитмайсан. Бегона одамга айтадиган гаплар эмас-да булар. Сен ўзимизникисан. Шунинг учунам гапиряпман. Бир чеккаси кимгадир айтиб, юрагимни бўшатиб олишим керак-да, бўлмаса, ичим тўлиб, ёрилиб кетишим ҳеч гапмас. Биласанми, жиян, одамлар сени тингламай қўйган кун тирик бўла туриб, ўлган кунинг. Бошимдан ўтган, биламан, ўшанда ўлишимга сал қолган.

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

Ҳа, баракалла, жиян, фикримни тасдиқлаяпсан, айтмасанг ҳам ҳис қилиб турибман. Анави Тўхтар...

*Қундуз (ҳарир кўйлақда зинага чиқади).* Ўнтасини кийиб кўрдим-у, ҳаммасидан мана шуниси менга ярашди. Қани кетдик, домулло.

*Йўлдош.* Ярашмаган қилиқ! Бундай кўйлақни ёш-ялангларга чиқарган.

*Қундуз.* Ҳо, ёшлардан менинг қаерим кам. Тани-жоним соғ, тўрт мучам омон. Дам олишда тоғнинг теппасига чиқолган ким? Сизмас, домлажон, мен! Эргашжон, ўзингиз гапиринг, шу кўйлақ менга ярашган, а? *(«Жонин бўламан деб...»), ашуласи эшитилиб кетади.*

**Йўлдош.** Нимани гапиради у? Дам оладиган жой бошқа, ҳозир борадиган жойимиз бошқа, биласан-ку, ахир, нозик жой. Бу кўйлак сенга ярашгандаям, ҳозир тўғри келмайди. Бор, бошқасини кийиб чиқ.

**Қундуз.** Ҳозир киймасам, қачон кияман буни?

**Йўлдош.** Қизларингга бер, келинларингга бер, ана улар кийса, ярашади.

**Қундуз.** Уларга кичик. Ўзимга мослаб, буюртма қилиб тиктирганман. Қани кетдик.

**Йўлдош.** Бу кўйлақда борадиган бўлсанг, ўзинг кетавер.

**Қундуз.** Вой, бир ўзим у ерда нима қиламан?

**Йўлдош.** Кўйлагингни кўрсатасан!!

**Қундуз.** Бўлди, бўлди, жаҳлингиз чиқмасин, домлажон. Бир оғиз сўзингиз – бошқасини кийганим бўлсин. (*Ичкари хонага кириб кетади*).

*Эрғаш гапирмоқчи бўлади.*

**Йўлдош.** Фикрингни уқдим жиян, айтмасанг ҳам. Ҳа, кўйлак жинниси бўлмаган хотин зоти йўқ бу дунёда. Хотин зотининг нозик жойларидан бири ҳам мана шу. Кеннойинг айниқса илгари жуда рашкчи эди. Мени хотин зоти борки ҳаммасидан, ёшми-қарими, бевами, оилалими, барибир, ҳамма-ҳаммасидан рашк қилаверарди. Ишдан кеч қолсам ҳам жанжал, уйдан эртароқ кетмоқчи бўлсам ҳам жанжал кўтарарди. Неча марталаб сенларникига – акамга мендан арз қилиб боргани ёдингда бўлса керак. Рост, ўзимдан ҳам ўтарди, ўтмасди эмас, ўтарди, тилим куйган пайтлар ҳам бўлган, ёшлиқда бебошлиқлар ҳам бўларкан. Ана ўшандай жанжал чиққан пайтларда мен кеннойингга кўйлак совға қилиб қутилардим, ўртага тушган одамлар эмас, кўйлак бизни яраштириб кўярди, шунинг учунам кеннойингнинг кўйлаги жуда кўп. Ҳалиям баъзан-баъзан кўйлак совға қилиб тураман. Кўйлақка ўзимча от ҳам кўйганман: сулҳпарвар! (*Хандон отади*). Чалғиб кетдим. Нима деяётгандим... Ҳа, Тўхтар... Уни сен ҳам танийсан. Эски маҳалламиздаги этемас эшоннинг ўғли-да. Эсингга тушдим, ҳа баракалла. Ёшлиқ хотиралари ҳеч қачон ёддан кўтарилмайди.

**Қундуз** (*узун қора кўйлақда чиқади*). Қани кетдик, домулло!

**Йўлдош.** Ҳе, сенга нима бўлди ўзи? Нимага мен билан ўчакишыпсан? Ўчакишнинг оқибати ҳеч қачон яхшилик билан тугаган эмас, бошимдан ўтган, учиб кетишимга оз қолган, уч кун ухламаганман, дастлаб ана ўшанда сочимга оқ оралаган.

**Қундуз.** Ҳеч ўчакишаётганим йўқ. Одми кийиндим, холос.

**Йўлдош.** Азага кетаётганимиз йўқ-ку, ахир.

**Қундуз.** Сизга ҳеч тушуниб бўлмай қолди ўзи, домлажон. (*Ичкарига кириб кетади*).

*Эрғаш гапирмоқчи бўлади.*

**Йўлдош** (*Эрғашга гап бермайди*). Фикринг тўғри, жиян. Айтмасанг ҳам уқдим. Мен ҳам шу фикрдаман. Ўзи хотин зотида фаросат камроқ бўлади... Шофёр тинчиб қолди, а, китоб ўқишга тушиб кетган бўлса керак, ёки ухлаётгандир. Шуниси яхши-да ўзига. Ҳа, айтгандай, ўша Тўхтар фельдшерликка ўқиганди... «Тез ёрдам»да замбил кўтариб юрганини ўзимам кўрганман. Ўша-чи яқинда меҳмонхонага директор бўлиб қолибди. Иноятилла эса янги очилган бозорга директор бўлиб келибди. Сен ҳам уни танийсан. Ўзимизнинг ўша Ҳидоятилла оқсоқолнинг ўғли Иноятилла-да. Илгари катта меҳмонхонанинг директори бўлиб ҳам ишлаган, биласан уни албатта, ҳеч бўлмаганда кўрсанг танийсан. Ўша бундан уч-тўрт йил бурун меҳмонхонада директор бўлиб турганинда бир ишқал иш қилиб

қўйиб... (*кафтлариши бир-бирига ишқаб қўйиб*) нималигини сенга айтишим шарт эмас... думи тугилиб баликчилик хўжалигига ишга юборилган эди. Ким эдиму ким бўлдим, деб кўнгли ўксиб юрарди. Қайнотаси Лочин Долчинович ҳам унга ёрдам беролмасди. Чунки, қанчалар катта лавозимларда ишлаган бўлмасин, Лочин Долчинович эндиликда амалсиз-да, сўзининг таъсири буйруқ тарзида эмас, илтимос йўсинда, ҳозир қуруқ илтимосни ким ҳам инобатга оларди дейсан. Хулласи калом, мен сенга айтсам, жиян, ўша Иноятилла Ҳидоятиллаевичнинг Баширилла деган бўй етган ўғли бор экан. Ўғлини Турар Ўтаровичнинг қизига таваккал қилиб уйлантирибди. (*Аста*). Қиз тушмагур озгинагина гап-сўз бўлган экан. Тагин ким билан дегин, йигитнинг бир майизни тенг бўлиб ейдиган жонажон дўсти билан. Қисқаси, Турар Ўтаровичнинг ўзи Иноятилла масаласи билан шахсан шуғулланибди, уни янги бозорга директор қилиб қўйибди. Лекин... Яқинда эшитсам, Иноятилла ўғлини ёнига чакириб, «Ишимиз битди, энди хотинингни жавобини бериб юбор. Мен сени Нуртой Октоевичнинг моҳипора қизига уйлантириб қўяман, гап бор» деган эмиш. Лекин ўғли бунга унамабди. Чамаси, шу ўтган бир йилча давр ичида келин-куёв бир-бирига ўрганиб, балки севишиб қолган эмиш. Илгари турмуш кўрган келиннинг макри кучли бўлса керак-да, балки тажрибаси кучлидир. Хуллас, ёшларга тушуниб етиш қийин.

*Қундуз (қизил қўйлақда чиқиб)*. Ярашибдими?

*Йўлдош*. Астафурulloх! Қачон ола қолувдинг буни?

*Қундуз*. Ўзингиз яқинда совға қилгандингиз-ку материални, ўзим тиктирдим.

*Йўлдош*. Тавба, мен шунга сенга совға қилишим мумкинми ўзи? Тўғри, илгарилари совға қилишим мумкин эди. Ахир, бунақа қизил матони ўн саккиз яшар қизлар қияди-ку. Фаросатим бор менинг, ишонмайман – буни мен сенга совға қилганим йўқ.

*Қундуз (жиддий)*. Совға қилгансиз!

*Йўлдош*. Хўш, қачон? Бундан бир аср олдинми?

*Қундуз*. Эсингизга тушириб қўяй бўлмаса. Сўнги марта ади-бади айтишган кунимизнинг эртасига.

*Йўлдош*. Ҳа, ҳа, энди эсимга тушди, тўғри, тўғри, магазинда бошқа зўр мато бўлмагани учун ола қолувдим, ўзингга мос рангга бўяб қиярсан деб. Лекин бўяб қийишинг кераклигини сенга эслатиш эсимдан кўтарилган экан.

*Қундуз*. Ҳо, бўяб қияр деб ўйладингизми, тушингизни сувга айтинг! Бўямасдан қиядигани учун олгансиз аслида! Лекин совға топширишда адаштириб юборгансиз.

*Йўлдош*. Ўлай агар сен учун олганман.

*Қундуз*. Қасам ичманг, қасамниям хор қилиб юборгансиз. Эргашжон, мана, амакингизни кўриб қўйинг, ўз оғзиларидан илиндилар. (*Эрига*). Сизга ўзи кўндокда теккан, қариб қуйилмайсиз, ачиб суйилмайсиз. Сизни одам қилолмай, мен адоён тамом бўляпман. (*Йигламсирайди*).

*Йўлдош*. Бўлди, бас қил! Жияним олдида ҳадеб бўлмагур гапларни тилга олаверма! Кўйлақ одамдан азиз бўптими. Майли, эртага магазинга бирга борамиз, ўзингга ёққанини танлаб оласан.

*Қундуз (ёришиб)*. Шу қилганингизга меҳмонга шу қўйлақда бораман. Гап тамом.

*Йўлдош*. Фаросатдан борми ўзи? Ахир, бунақасини ёшлар қияди-ку.

*Қундуз*. Ёшлигимда қия олманман. Олиб бермангансиз.

*Йўлдош.* Қурбим етмаган-да.

*Қундуз.* Демак, мана энди кияман, истасангиз шу, бўлмаса катта кўча. Қани кетдик, домулло.

*Йўлдош.* Бу аҳволингга сен билан кўчага чиқиб бўлмайди, тушун, ахир.

*Қундуз.* Менга мана шуниси маъқул. Ойнада кўриб ўзимга ўзим ҳавасим келиб кетди. Эргашжон, сиз тўғриси айтинг, шу кўйлак менга қалай ўтирибди.

*Йўлдош.* Эргашни тинч қўй, меҳмон ҳеч қачон аёл мезбонга қарши гап айтмайди. Бор, бошқасини кийиб чиқ. Бўлмаса, эртага магазинга бориш ҳам йўқ.

*Қундуз.* Бўпти, сиз топиб беринг, мен ўшани кияй.

*Йўлдош.* Жияним озиб-ёзиб бир келиб қолибди-ю, бундоқ ёзилиб суҳбатлашганим ҳеч қўймадинг-қўймадинг-да. Қани, юра қол.

*Йўлдош ва Қундуз ичкари хонага киришади. Эргаш кўчага чиқиб кетади. Машина учиб келиб, қаттиқ тормоз бериб тўхтагани эшитилади.*

*Йўлдош (ичкари хонадан гапириб чиқади).* Эргашжон, мана ҳозир дидим қандайлигини биласан-да, кеннойингга кўйлакни ўзим танлаб бердим... Ие, қани у?

*Олдима-кейин Чўлпон ва Отажон кириб келишади.*

Ие, кеннойим... Чўлпон Пўлатовна! Отажон Тошевич! Марҳамат, хуш келибсизлар!

*Чўлпон.* Салом, Йўлдош Ёндошевич! Яхшимисиз. *(Ҳовлишиг у ёқ-бу ёзига разм солади).*

*Отажон.* Сизга шахсан Назар Назаровичдан саломлар!

*Йўлдош.* Назар Назаровичдан, а?!

*Отажон.* Ҳа Анталияда бирга дам олдик.

*Йўлдош (яшнаб кетади).* О, дам олишинг мана шуниси яхши-да! Ташаккур, Отажон Тошевич, қарздорман.

*Қундуз (ичкари хонадан мошираг духоба кўйлақда гапириб чиқади).* Эргашжон, амакингиз танлаб берганлари мана шу бўлди. Ярашибдими?.. Ие, овсиним... Чўлпон Пўлатовна, опажоним! Қайси шамол учирди?.. Хуш келибсиз. Отажон Тошевич! Хуш келибсиз.

*Чўлпон.* Салом, Қундуз Ботировна! Яхшимисиз?

*Отажон.* Назар Назаровичдан лутфан саломлар!

*Қундуз.* Шахсан менгами!

*Отажон (Йўлдошга қараб қўйиб).* Икковингизгаям. Анталияда бирга дам олдик.

*Қундуз.* Билганимда... *(Ганни буриб юбориб).* Нега тик турибсизлар, ўтиринглар. Домлажон, қанақасидан ичасизлар, нима овқат тайёрлай?

*Чўлпон.* Бирор ёққа отланганга ўхшайсизлар?..

*Йўлдош.* Ҳа, агар икки дақиқа кечиксангиз эшигимиз кулф бўларди.

*Отажон.* Бўлмаса, сизларни йўлдан қолдирмайлик.

*Йўлдош.* У ёққа бориш қочмайди.

*Қундуз.* Ҳа, бир култумдан ичмасдан сизларга руҳсат йўқ. Бу орада мен кўйлагимни алмаштириб оламан. Буниси жуда рўдапо экан. Биринчи кийишим эди, ҳеч қовушмаяпман. Домлажон, сиз шуни кийинг, дедингиз-да, бўлмаса, бундан аввал кийган қизил кўйлагимда аллақачон меҳмондорчиликда яйраб ўтирган бўлардик.



**Чўлпон.** Бу кўйлагингиз ҳам жуда ярашиб турибди.

**Йўлдош.** Мен ҳам шу фикрдаман.

**Қундуз.** Йўқ, назаримда, менга ўтиришмаганга ўхшаб туюляпти. Буни қаранг, энглари кенг, этаклари узун, ёкалари сербар.

**Чўлпон.** Худди шунинг учунам сизни салобатли кўрсатиб турибди.

**Қундуз.** Салобатли кўринишим ёшимни ошириб юбормасмикан?.. Отажон Тошевич, сиз чет элдан яқинда келган одамсиз...

**Отажон.** Бугун, ҳали яқинда келдим.

**Қундуз.** ...Шунинг учунам сизнинг дидингиз биз – ҳаммамизникидан ҳам яхши, замонавий. Ўзингиз айтинг, ўзингиз баҳо беринг-чи – шу кўйлак менга ярашганми-йўқми? Мана, яхшилаб кўринг. (*Солланиб, у ёққа-бу ёққа юради, ўзини тошойнага солиб ўтади*).

*Ҳамма уни кузатади, Отажон бир Йўлдошга, бир Қундузга қараб нима дейишга ҳайрон.*

**Қўлдош** (*аввал овози эшитилади, кейин ўзи киради*). Қудажон, улар жуда ҳаяллаб қолишди, бўлмаса, кирамизу чиқамиз дейишганди. Демак, куёвингиз шу ерда. Қани, юринг, бизларам кираверайлик, бегона жоймас, ўз инимники... Эргашжон, ўғлим...

**Ойбиби** (*кириб*). Эргашжон, шу ердамисиз, ўғлим?.. Ие, томошанинг устидан чиқибмиз-ку.

**Қўлдош.** «Гўзаллик салони»

**Чўлпон** (*Қўлдош ва Ойбибини кўриб, мақсади эсига тушади*). Айтгандай Эргаш...

**Йўлдош.** Ие, акам... Қўлдош Ёндошевич, келинг, келинг.

**Қундуз.** Вой, Ойбиби опам келибдилар-ку!.. Опажон, сиз айтинг, шу кўйлак менга ярашганми-йўқми? Ёки сиз айта қолинг, мулла ака, сизниям дидингиз чаккимас, укангиз танлаб берувдилар. Лекин ростини айтинг, сиз тўғрисўз одамсиз.

**Қўлдош.** Кечирасиз, келин. Биз ҳаммамиз (*Чўлпон ва Отажонга ишора қилади*) ўғлим Эргашни қидириб юрибмиз, келиним Хулқар ҳам мана шу ерда, кўчада.

**Отажон.** Дарвоқе, шундай-а, сал қолса Эргашни унутаёзибмиз.

**Чўлпон.** Зарур гаплар билан банд бўлиб кетдик-да.

**Йўлдош.** Ака, жияним ҳали яқинда шу ерда эди. Қўлимдан келганча унга насихат қилдим, насихат қилишга ҳақким бор, албатта, туғишган амакисиман, ахир. Лекин... кутилмаганда кўздан ғойиб бўлди-кўйди, сезмай қолдик.

**Ойбиби.** Ишқилиб, тан-жонлари соғми ўзи?

**Қундуз.** Мен ўзим билан ўзим овора эдим, эътибор бермапман.

**Қўлдош.** Ўғлим бирор нима дедими?

**Отажон.** Ҳа, ҳа, куёвим сизларга нима деди, муҳими шу.

**Йўлдош** (*суқутдан сўнг*). Сизларга рост гапиришим керак, чунки ҳаммамиз бир одаммиз, ўртада сир бўлиши мумкин эмас. Жияним бу ерда анчагина бўлди-ю, лоақал бир оғиз сўз айтмади. (*Хотинига*). Ёки сенга гапирдим?

**Қундуз.** Қулоғимга чалинмади, мен...

**Отажон.** Демак, келибдию индамай кетибди. Бизникига бориб ҳам индамай кетганди.

*Ойбиби (эриши қувватлаб).* Бўлмаса, иззатларини жойига қўйдик, оёқлари остига бўрдоки сўйдик, хофизларни чақирдик, лекин қовурдоққа ҳам қарамай, индамай жўнаб қолибдилар.

*Чўлпон.* Боя бизникига ҳам борганди, на мен –ойисига, на Қўл... дадасига бир оғиз сўз айтди. *(Қўлдошга ялт этиб бир қараб, кўзини четга олади).*

*Қўлдош.* Уёғини суриштирсангиз, келиним айтишича, унгаям ўғлим индамаганмиш. Хуллас, азизлар, бу гапларни қўйиб турайлик. Хўш, энди нима қилиш керак, ўғлимни қаердан қидириш керак, ана шундан келинлар.

*Йўлдош.* Менимча, иш бошлашдан олдин яхшилаб ўйлаб кўриш, пухта режа тузиб олиш керак.

*Отасон.* Тўғри маслаҳат, мен қўшиламан. Менимча, куёвим қаерларга бориши кутилса, уни ўша ерлардан қидиришни давом эттириш керак. Бу қидирувнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Иккинчи босқичи эса...

*Чўлпон.* Тушунарли. ...милиция, тез ёрдам...

*Қундуз.* Мендаям битта таклиф бор, айтсам майлими.

*Ҳамма.* Майли, бемалол.

*Қундуз.* Эргашжон йигит киши-да. Мабодо қўйлак-пўйлак совға қилиб юрадиган квартиралари бўлса, ўша ергаям бир кириб ўтиш керак. Бу ҳақда Хулқархондан сўраб кўринлар.

*Чўлпон.* Йўқ, ўғлим дадасига тортган, соф йигит.

*Ойбиби.* Ҳа, куёвим қўй оғзидан чўп олмаган йигитлардан.

*Отасон.* Оилада яхши тарбия кўрган-да.

*Қундуз.* Бир айтдим-қўйдим-да, яна ўзлариз биласиз.

*Йўлдош.* Майли, лозим бўлса, бу таклиф ҳам инобатга олиними мумкин.

*Хулқар қиради.*

*Қундуз.* Хулқархон!... Келинг, келинг... Ҳаммамиздан сиз ёш нарсасиз, демак, энг замонавийсиз. Сиз айтинг, шу қўйлак менга ярашганми-йўқми?

*Хулқар.* Билмадим... Ойи, мени ваҳм босиб кетяпти. Шофёрлар ҳам вақт кеч бўлди, кетамиз, деб қисталанг қилишяпти...

*Йўлдош.* Шофёрлар!.. Рухсатимсиз ҳеч қаёққа кетмайди. Худди ишдан ҳайдаб юбораман-а. *(Соатига қараб олиб, Отасонга).* Бизлар сизлар билан бўламиз, жиянимни бирга қидирамиз. Меҳмондорчиликка бориш йўқ, бошимизга шундай мушкулот тушганда ўйин-кулги юракка сиғмайди барибир. *(Хотинига).* Соат тўққиздан ошибди, соат олтига таклиф этилган эдик, ўзи тарқалишган бўлсам керак.

*Қундуз.* Ўтган куниям шундай бўлувди.

*Йўлдош.* Ундан олдин ва ундан ҳам олдин шундай бўлувди, майли... жиянимни тезда қидириб топиш, эҳтиёт чорасини кўриш ҳозирги энг муҳим вазифамиз ва бурчимиз. Керак бўлса битта «тез ёрдам»ниям ўзимизга қўшиб оламиз.

*Хулқар ва Ойбиби йиғлаб юборишади.*

*Отасон.* Йиғининг кераги йўқ. Эргашжонни албатта қидириб топамиз, яна ҳақиқий ҳаётга қайтарамиз.

*Чўлпон.* Бўлмаса, гап бундай. Иккига бўлиниб, икки машинага тушиб қидирувни бошлаймиз, қани кетдик.

*Қундуз.* Мен шу қўйлакда бораверайми? Ёки...

*Ҳамма.* Вақт ғанимат.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Бешикчи кўриниш

*Хиёбон. Эргаш қаршисидан келаётган Қизга гапирмоқчи бўлади... Шилқимлик қилмоқчи деган хаёлга бориб, Қиз Эргашни каратэ усулида урмоқчи бўлади.*

*Қиз. Акам, яқинлашманг.*

*Эргаш тисарилади, Қиз чиқади. Ясанган Аёл ўта бошлайди.*

*Эргаш гапирмоқчи бўлиб, у томон юради.*

*Аёл. Вой-дод, ёрдам беринг!! (Шоша-пиша қулоқларидаги зираклари олиб, оғзига солиб, чопиб чиқиб кетади).*

Чол ўта бошлайди. Эргаш гапирмоқчи бўлиб, у томон юради. Чол Эргашни тиламчи деган хаёлга боради.

*Чол. Худо хайрингни берсин. Ўғлим, афсуски, чақа-пақа олиб юрмайман. Йирик пулнинг ўзи менда бўлмайди, кампирим менга пулни ишонмайди. (Чиқади).*

*Йигит ўта бошлайди. Эргаш унга гапирмоқчи бўлади.*

*Йигит. Ҳм, мен сизни танидим – мен бугун эрталаб бир хонали квартира олиш учун кредит сўраб қабулингизга кирдим. Уйланыпман, яқин орада тўйимиз бўлади, одамларни хабарлаб қўйганмиз, келинни ётоқхонага олиб бормай, бир хонали квартира олай дедим. Сиз гапимга қулоқ солдингизми? Йўқ. Хўш, нега энди мен сизга қулоқ солишим керак экан? Боринг, тушингизни сувга айтинг. (Кетади).*

*Эргаш аграйиб қолаверади. Ўрта яшар бир киши келиб унинг биллагидан туттади.*

*Киши. Қани, мен билан юр. Қидирганинг мен бўламан – юз-юз қиламиз, хув анави магазиннинг олдида учинчииям топамиз...*

*Эргаш чуқур хўрсиниб, бошини телбаларча силкита-силкита чиқиб кетади.*

...Важоҳатимдан кўрқди шекилли. Ёки кўп ичиб қўяди, деб ўйлаганмикан. Ҳа, майли, бошқаси топилиб қолар. (Чиқади).

*Енгил машина қаттиқ тормоз бериб тўхтагани эшитилади. Йўлдош Отажон билан, Қундуз Чўлпон билан гаплашиб киришади.*

*Йўлдош. Буни қаранг, камера келиб-келиб шундай нозик пайтдаям ёрилармиди.*

*Отажон. Аксига олади-да, биродар. Шофёрингиз устаси фаранг кўринади, бирпасда гилдирагини алмаштира керак.*

*Қундуз. Саёҳатимиз бундай чўзилиб кетишини билганимда яшил кўйлагимни кийган бўлардим, сираям гижим бўлмасди.*

*Чўлпон. Дарров тиктиришга улгурдингизми-а?*

*Қундуз. Ҳа, то тиктириб киймагунимча, ётиб уйкум келармиди, биласиз-ку.*

*Қундуз ва Чўлпон чиқадилар.*

*Йўлдош (орқаларидан). Узоқлашиб кетманглар... Отажон Тошевч, хабарингиз борми, ёш профессорларимиздан Барчин Эркиновна билан жудаям антика воқеа юз берибди.*

*Машина қаттиқ тормоз бериб тўхтагани эшитилади, суҳбат бўлинади. Чап томондан Қўлдош, Ойбиби, Хулқар, ўнг томондан Чўлпон ва Қундуз киришади.*

**Кўлдош.** Қидирмаган жойимиз қолмади. Эргаш ҳеч ерда йўқ. Энди биргалашиб кидирайлик.

**Йўлдош.** Айтгандай, Эргашни кидириб юрибмиз-а.

**Чўлпон.** Бизлар ҳам Эргашни кўп кидирдик. Милицияга, «тез ёрдам»га, шаҳар касалхоналарига...

**Йўлдош.** ...ва ҳатто руҳий хасталиклар шифохонасигаям телефон қилиб кўйдик. У ердан бизларга психиатри, санитарлари бор алоҳида бир машина ҳам юборишибди. Уларнинг ўзи бизни топиб, кўшилиб олмоқчи. Ўзимизга ўхшаш ишига пухта, яхши яшашга лаёқатли мутахассислардан эмиш, телефонда шундай дейишди.

**Хулқар.** Кечирасиз-у, амаки, дадам икковингиз чет-четга бориб, нукул пичир-пичир қиласизлар? Нимани гаплашасизлар? Ахир, гапингиз адо бўлмайди ҳеч.

**Йўлдош.** Э, келин, Хулқархон, халқ ғамини еймиз-да, бошқа ниманиям ташвишини қилардик дейсиз.

**Отасжон.** Бизларга енгил тутган одам қаттиқ янглишади, қизим. Беташвиш одам учун ҳамма ҳам беташвиш кўринади. Бизларнинг эса ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Ахир, бизлар ҳаммасига масъулмиз.

**Чўлпон.** Шундай, қизим. Отасжон Тошевичдек, Йўлдош Ёндошевичдек...

**Кўлдош (луқма ташлайди).** Ва сиздек...

**Чўлпон.** ...масъул кишиларнинг бошида фақат эл-юрт ғами...

**Кўлдош.** Қаерга борамиз. Бормаган жойимиз қолмади-ку.

**Хулқар.** Қолди. Фақат ўша жойда. Кўнглим айтиб турибди, ўғлингиз ўша ерда. Менда аниқ адреси ҳам бор.

**Чўлпон.** Хулқархон, мен сизни қизим деганман. Майли, сиз учун у ергаям бориб кўрамиз.

**Йўлдош (четга).** Ўзинг яхши бўлсанг, кўнглини ола билсанг, эринг кун ботгач, сени ёлғиз ташлаб кўчага чиқармиди, ўша жойларга бориб юрармиди. (Хулқарга). Сизда аниқ адреси бор экан, ўша жойга албатта борамиз.

**Қундуз.** Сайримиз бундай чўзилишини билганимда лоакал яна битта кўйлак олиб олган бўлардим.

**Ойбиби.** Мендан нима фойда, мен уйга қайта қолай.

**Отасжон.** Куёвни пайғамбарлар сийлаган. Бизлар билан юраверинг, буям Эргашжонга бўлган бир хурмат-да.

**Ойбиби.** Мен учун ўзингиз авлиё, сўзингиз эса қонун, хўжайин.

**Чўлпон.** Вақт ғанимат, қани кетдик. Кўлдош Ёндошевич ўринли таклиф киритди. Энди ҳаммамиз яна биргаликда кидирамиз.

**Отасжон (чиқаётиб, Йўлдошнинг қўлтигидан олиб).** Барчин Эркиновна ҳақида гап бошлаган эдингиз.

**Йўлдош.** Ҳа, бунақа гапларга суягингиз йўғ-а.

**Отасжон.** Айниқса сиздан эшитсам, гашти бўлакча. Шу дейман, ёшинг улғайган сайин ҳаётга муҳаббатинг кучайиб борар экан.

**Йўлдош.** Ишқ-муҳаббат денг!.. Ўша Барчин Эркиновна... (Отасжоннинг қулогига пичирлайди).

**Чиқадилар.**

*Олтинчи кўришиш*

*Рассом Бобошнинг кўп қаватли иморатнинг ертўласида жойлашган саройдек устахонаси, унга тепадан тик зина орқали тушилади. Учала томон*

деворларига чиройли ва ёш аёллар ярим ялангоч тасвирланган расмлар гардишларга солиб, осиб ташланган.

*Ойсулув ярим ялангоч ҳолда кушеткада қўлини чаккасига тираб, ёнбошлаб ётибди. Бобош мольберт қаршисида настак курсида чордона қуриб, Ойсулувга тикилиб-тикилиб расм чизмоқда. Эшик қўнғироги эсириглайди.*

*Бобош.* Яна посбон бўлса керак. Уф, жонгаям тегиб кетди бу текшир-текширлар. Бўлмаса бу ташландик ертўлани шаҳар ҳокимлигининг рухсатига кўра эпакага келтириб, устахонага айлантиргунимча ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку.

*Яна қўнғироқ эсириглайди.*

*Ойсулув.* Мен энди нима қилдим?

*Бобош.* Ўтган кунги санъатингни яна кўрсатасан. Биласан-ку, посбон бу ёққа тушугини бир сукмагунча, кўнгли жойига тушмайди.

*Ойсулув.* Ҳали бу ёққа келаётганимни кўрган эди. *(Остига тўшалган оқ матони устига ёнади-да, бир чеккага бориб ҳайкалдек қотади).*

*Бобош.* Яша, Ойсулув! *(Бир кнопкани босади, деворга осизлиқ гардишларнинг орқаси ўгирилади – тескарисида салобатли, ўрта яшар ва кекса кишилар тасвирланган сурашлар. Иккинчи кнопкани босади, эшик очилади).* Келаверинг!..

*Остонада Эргаш кўрилади.*

Ие, ака!.. Ўзингизми?.. Келинг, келинг. *(Эшик томон юради).*

*Ойсулув.* Вой, қараманг. *(Устидаги матони атайлаб тушириб юборади).*

*Эргаш кўзини чирт юмиб олади.*

*Бобош.* Нима гап? *(Ўгирилиб, Ойсулувга қарайди).*

*Ойсулув.* Кўзингизни юминг.

*Бобош ҳам кўзини юмади. Эргаш зойиб бўлади. Ойсулув матони ердан олиб, унга ўранади, ҳайкалдек қотади.*

*Бобош.* Бўлдимми?

*Ойсулув (атайлаб).* Йўқ.

*Бобош.* Бўлдимми?

*Ойсулув (атайлаб).* Ҳали йўқ.

*Бобош (кўзини очиб).* Энди-чи?

*Ойсулув.* Бўлди. Мумкин. *(Кулиб юборади).*

*Бобош.* Сени қара-ю, Ойсулув! *(Орқасига ўгирилиб).* Ака... Ие, акам қани?

*Ойсулув.* Бошлаган ишимиз бугун ҳам чала қолмасин дедим-да. *(Кушеткага бояги ҳолатда чўзилади).*

*Бобош.* Сен ҳаддингдан ошяпсан, Ойсулув! Акамнинг устахонамга биринчи келиши эди. *(Девордаги иккала кнопкани босади, эшик ёпилади, гардиш ўгирилади).*

*Ойсулув.* Бобош ака, акангиз уйланганми?

*Бобош.* Уйланган, лекин уйланмаган деса ҳам бўлаверади. Чунки уйда кунда уриш-жанжал, тўпалон. Кеннойим шундай хотинки, акамни эр сифатида ҳурмат ҳам қилмайди, бировга беришниям истамайди.

*Ойсулув.* Тушундим, ўзиям емайди, бировгаям бермайди денг. Акангиз сиздан ҳам кўркам экан. Агар ихтиёр менда бўлса, шундай кўркам йигитларнинг кадрига етмайдиган хотинларнинг юзига қора чаплаб, телевизордан кўрсатиб, сазойи қилдирардим. Сиз-чи? Сиз нима қилардингиз?

*Бобош.* Агар мен акамнинг ўрнида бўлсам, кеннойимни бир кун ҳам хотин қилиб ушлаб турмасдим.

*Ойсулув.* Агар мен яна турмушга чиколсам, эримни кафтимда тутардим, вафодор хотин бўлардим. (*«Ёр-ёр» куйи ёки қўшиғи эшитилиб кетади*).

*Бобош.* Гапинг тўғри. Сендақалардан яхши хотин чиқади...

*Ойсулув.* Тўғри айтдингиз.

*Бобош.* Ке, бошқа гаплардан гаплашайлик.

*Кўнгироқ яна жиринглайди.*

*Ойсулув.* Мана энди посбон бўлса керак. (*Матога ўраниб, бир чеккага бориб, ҳайкалдек қотиб туради*).

*Бобош.* Тавба, бу ертўла ташландик ҳолда ётганда ҳеч ким оёқ ҳам босмасди. Қанча пулу қанча меҳнат сарфлаб эпақага келтирганимдан кейин ҳаммага керак бўлиб қолди. Ахир, бу ер рассом устахонаси-ку! Шуниям ўйлаб кўришмайди, бостириб келаверишади.

*Ойсулув.* Бир ўзингиз ўтирсангиз, қадам ҳам босишмайди, э, Бобош ака-ей, менинг келаётганим уларни қизиқтиряпти. Ўзларича бичиб-тўқишади, тусмоллаб кўришади.

*Кўнгироқ яна жиринглайди.*

*Бобош.* Ҳозир! (*Девордаги бир кнопкани босади, эшик очилади, иккинчи кнопкани босади, лекин рамкалар ўзгирилмайди*). Автомат яна бузилибди. Бўларича бўлди! Келаверинг!!

*Чўлпон, Қўлдош, Хулқар, Отажон, Ойбиби, Қундуз, Йўлдош олдинмакетин зинадан тушиб келишади. Отажон, Ойбиби, Қундуз ва айниқса Йўлдош расмларга маҳлиё бўлиб қолишади, ўзларини музейда деб ҳис этишади.*

*Бобош (улар зинадан тушаётганларида).* Ия, ойи!.. дада... кеннойи... Йўлдош амаки... Қундуз опоқи... Ойбиби хола... Отажон ака... Нега тўдаланиб юрибсизлар, устахонамни кўргани келдингизларми?

*Чўлпон.* Акангни кидириб юрибмиз... Устахонанг бинойидек экан-ку.

*Қўлдош (мамнун).* Саройнинг ўзи.

*Йўлдош.* Қайтариб олиб қўйишмасе эди.

*Отажон.* Бундай жой ер устида бўлганидами, Бобошни рози қилиб, сартарошхонами, комиссия магазинни очардим.

*Бобош.* Афсуски, ер остида-да.

*Отажон.* Пивохона очишни ўйлаб кўриш мумкин. Ёзда салқин, қишда иссиқ.

*Ойбиби (расмларни кўрсатиб).* Парихонами дейман, ҳаммаси бир-биридан сулув кизлар.

*Қундуз.* Ҳаммасининг кўйлаклари ҳар хил-ку. Парилар бир хил кийинармиш.

*Бобош.* Дада, акамни нега кидиряпсизлар?

*Қўлдош.* Яна ўша гап. Сен, ўғлим, уйланишда эҳтиёт бўл-да.

*Бобош.* Мендан кўра мени уйлантиришда сизлар эҳтиёт бўлинглар.

*Хулқар (Чўлпонга).* Ойи, Эргаш акам бу ерга кирмайди дедим-ку. Ҳалиям бўлса, мен айтган ўша жойга тез борайлик.

*Бобош.* Акам ҳали яқинда шу ерда эди.

*Чўлпон.* Ана, онасиман-да, кўнглим сезганди. Афсуски, сал кеч қолибмиз. Аканг нима деди?

*Бобош.* Индамади.

*Чўлпон.* Биласизлар-ку, Эргаш гапириши учун суҳбатдоши уни диққат билан тинглаши шарт, бўлмаса жим тураверади, болалигидан лукма ташлаш одати йўк.

*Йўлдош.* Лекин одамзод тинглашдан сўзлашни ёктиради. (*Ойсулувни кўрсатиб*). Жиян, бу асарниям ўзинг яратдингми?

*Ҳамманинг эътибори Ойсулувга қаратилади.*

*Бобош.* Ижодкори бошқа санъаткор. Мен фақат сайқал беряпман.

*Йўлдош.* Баракалла, жиян. Ишингга ривож берсин.

*Отажои.* Илҳомингиз жўш урсин, иним. Сиз билан ҳаммамиз фахрланамиз.

*Йўлдош ва Отажои расмларга тикила-тикила, бир-бирининг қулогига пичирлаб турадилар.*

*Кўлдош.* Албатта, албатта. Рассом сифатида шаклланди ҳисоб. Энди оила бошлиғи, ота сифатида ҳам шакллана қолса қани!

*Чўлпон.* Ўттизга тўлди, энди ақли кирар.

*Ойбиби.* Бобошжоннинг осмон никоҳи илоё ерга туша қолсин. Йигитгинани ҳокимлар қўлласин, раҳбарлар сийласин, депутатлар, ҳомийлар мададкор бўлсин...

*Бобош (гапни бўлиб).* Мана шу охирги гапингиз менга жуда маъқул. Раҳмат.

*Ойбиби.* ...яхши бир қиз ўз тузоғига илингирсин, омин! (*Фотиҳа ўқийди*).

*Бобош.* Айтганингиз келсин, қуда холажон. Бу гапингиз ҳам менга маъқул.

*Ойбиби.* Эрини авлиё деб билган хотин – дунёда энг бахтли хотин.

*Қундуз* (*Ойсулув ўраниб олган матонинг этагини ушлаб кўриб, эрига*). Зўр газмол экан, домлажон. Топилса мен ҳам шундай кўйлак киярдим.

*Йўлдош.* Бобош, мана шу газмолдан кеннойингга бир кўйлаклик топиб бер, пули қанча бўлсаям тўлайман.

*Бобош.* Пули керакмас. Кеннойимга ўзим совға қиламан.

*Қундуз яшиаб кетади. Дилхирож» кўшиги эшитилади.*

*Хулқар (бир четда, ўзича).* Мана шу расмлардаги каби қиз-жувонлар эркакларни йўлдан уриб, юз-кўзини очиб юборади-да. Йўлдош амакини кўзи ўйноқи дейишарди, рост экан, сукланиб қарайди-я. Дадам-чи? Уям қолишмайди, лекин қайнотам яхши одам. (*Чўлпонга яқин бориб*) Ойи, юрагим ваҳм босиб кетяпти, кетайлик.

*Чўлпон.* Хой, тезроқ кўринглар. Энди қайтамиз. Бобош, сен ҳам биз билан юрасан.

*Ойсулув ўзига суқ билан тикилиб турган Йўлдошга яширинча кўз сузиб қўяди. Йўлдошнинг кўзюли қоронгилашиб, аъзойи бадани жамирлашиб кетади, кўзини бир марта юмиб очади.*

*Йўлдош.* Жиян, бу асарга жуда сайқал бериб юборибсан, худди жони бордек-а.

*Бобош.* Ҳа, кўп меҳнат сарфляяпман.

*Йўлдош.* Қувват берсин. (*Ойсулувга тикилиб, ўзича*). Дунёда бундай қанча гўзаллар бор, яна қанчалари йил сайин етилиб келяпти. Бизлар эса дунёдан ўтяпмиз. Ҳаммасига улгуриб бўлмас экан-да. Йўк, ҳали таслим бўлиш йўк. Бу гўзалларни ташлаб ҳеч қаёққа кетиш йўк. (*Ўқиниб, товушсиз йиғлайди*).

*Қундуз (эрининг қўлтигидан олиб).* Ҳадеб шунга тикилаверманг, кўзингиз оғриб қолмасин тагин.

*Йўлдош.* Жиянимнинг рассомлик маҳоратидан таъсирланиб, кўзимга ёш келиб кетди. Кўзга қувват бағишлайди-ку бундай санъат асарлари. Шундай эмасми, жиян?

*Бобош.* Санъат асари деб қаралса, шундай.

*Йўлдош.* Мен ҳам санъат асари деб қараяпман.

**Ойбиби.** Бобошжон, касбингизни тушунадиган қизга уйланинг, бўлмаса рассомлик қилолмай қоласиз.

**Қўлдош.** Доно гап айтдингиз, куда... Маҳоратинг анча ошибди, ўз устингда кўп ишлаган кўринадан, раҳмат, ўғлим.

**Бобош.** Ўзингизга раҳмат, дада. Сиз мени тушунасан, рассом деб тушунасан, расмга санъат асари деб, гўзаллик намунаси деб қарайсан.

**Қўлдош.** Жуда ошириб юбординг. Камол топ, ўғлим, камол топ.

**Отажон (девордаги бир расми кўрсатиб).** Анави қиз менга таниш кўринади.

**Ойбиби.** Анталиядан кўрган бўлсангиз керак-да...

**Йўлдош.** Мен эса мана бу расмдагини аллақерда кўргандайман...

**Қундуз.** Фақат одамларни чизасизми, Бобошжон?

**Бобош.** Ёкиб қолса ҳайвонларниям чизишим мумкин.

**Қундуз.** Мени тўғри тушунмадингиз. Мен айтмоқчиманки, фақат мана шунақа...

*Шу пайт тўсатдан автомат ишлаб кетиб, гардиш ўгирилади. Ҳамма яна расмларга тикилади.*

**Чўлпон (ҳаяжонланиб).** Вой, анавини каранглар – Дўнон Ғунонович-ку!.. (Доиранинг гижбадабанги ва ногаранинг така-туми эшитилиб кетади). (Ёлғиз эмаслиги эсига тушиб, овозини пасайтириб). Лекин анча ёш кўринади бу ерда.

**Бобош.** Ҳа, ойи, гапингиз тўғри. Юбилей комиссиясининг буюртмасига кўра Дўнон Ғуноновичнинг портретини бундан ўн беш йил олдин тушган фотосуратига қараб чиздим. Ўзининг бу ерга келишга вақти бўлмади. Бу ўша портретнинг бир эскизи.

**Чўлпон.** Эскиз дема, санъат асарининг ўзи.

**Қўлдош.** Уни музейга топшир, ўғлим. Омма ҳам баҳраманд бўлсин.

**Қундуз (Ойбибининг қулогига).** Овсиним тилидан тутилиб қолди.

**Ойбиби (атайлаб ишорани фаҳхламаган бўлиб, Қундузнинг қулогига).** Қудам бояқиш фотос экиб қўйди дидсизлигини, сўқимдай одамни санъат асари деб.

**Қундуз.** Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз-а.

**Ойбиби.** Дипломсизман-да.

**Отажон.** Булар менинг эски кадрдонларим. (Расмларни бирма-бир кўрсатиб). Яшар Ўсарович... Хол Менглиевич... Босқоқ Бўрсикович... Тулпор Саманович... Пахтабек Ғўзабекович... Каттабой Кенжабоевич...

**Ойбиби.** Булар лақаби-ку, дадаси, асл оти нимаям эди-я.

**Отажон (хотини гапини эътиборсиз қолдириб).** Бектемир Хонтемирович... Берди Келдиевич... Норбўтабий Эшбўтабиевич... Дўрмон Найманович... Далабой Қорабоевич... Бойбўлсин Элбўлсинович... Тўхтасин Тўхтамишевич... Эҳсон Тўқсонович... Армон Дармонович...

**Ойбиби (атайлаб луқма ташлайди).** Дада, Армон Дармоновичнинг юбилейига мени олиб боргансиз-а. Зўр ўтувди. Ҳаммаси эсимда.

**Отажон.** Дарвоқе, булар ҳаммасининг юбилейи ўтган. Мен ҳам таклиф этилганман. Иним, бу дейман, ёшроқ эркакларнинг расмини чизмас экансиз-да.

**Бобош.** Бу устахона ҳам, мен ҳам «Юбилейний» комбинатига қараймиз. Буюртма бўйича ишлайман. Аёллар портретини эса эркаклар портрети яхши чиқсин деб, маҳоратим ошсин, деб чизиб тураман.



*Отаяжон бош силкиб тушунарли деган ишора қилиб қўяди.*

*Йўлдош.* Булар менинг ҳам эски кадрдонларим. Ҳаммаси бизникига кўп марта келган. Шундай казо-казо одамлар орасида Келган Ўтарович йўқлар, а! Яхшимас. Расмларини тезда ишлаб, тўрга илиб қўйгин. Шу таклифга сиз нима дейсиз, кеннои, яъни Чўлпон Пўлатовна?

*Чўлпон.* Таклифни тўла ва узил-кесил қувватлайман, шу фикр менинг ҳам дилимдан ўтиб турган эди. Сиз илғорлик қилдингиз, яшанг.

*Бобош.* Келган Ўтаровичнинг юбилейлари қачон?

*Отаяжон.* Муддати аллақачон ўтиб кетган. Юбилейлари нишонланишини сира истамайдилар Келган Ўтарович.

*Ойбиби.* Неча ёшга боргани эл-юртга овоза бўлишини ёқтирмаса керак-да.

*Кўлдош.* Аниқроғи, чўчиса керак, пенсияга чиқиб кетмай деб.

*Таҳликали мусиқа эшитилиб кетади.*

*Чўлпон.* Кўлдош Ёндошевич, ўйлаб гапиринг, тилга эҳтиёт бўлинг. Тагин сизнинг касрингизга мен балога қолмай.

*Хулкар (Чўлпонга).* Ойи, мен айтган ўша жойга қачон борамиз? Бормайдиган бўлсангиз, ўзим кетаверай.

*Чўлпон.* Айтгандай, Эргашни қидириб юрибмиз-а. Ҳозир, қизим, кутаётган одамларимиз ҳозир келиб қолиши керак. (*Ўзича*). Қарияпман шекилли, склероз бўляпман.

*Қундуз.* Сал қолса, қайним бояқиш эсимдан кўтарилаёзибди-я. (*Ўзича*). Сайрми-саёҳатми, ўлай агар нима қиляпмиз, билмайман.

*Ойбиби.* Хулкар, она қизим, узатилганингдан бу ёққа бирор мартаям мени ойи демадинг-а?

*Хулкар.* Чикқан қиз чийриқдан ташқари.

*Ойбиби.* Ўзимнинг гапирми ўзимга айтади-я.

*Кўлдош.* Қудажон, одатда ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, ўшанга мурожаат этилади.

*Йўлдош (Хулкарни зимдан кузатиб, четга).* Сира ҳам эти ўлмаган, заха бўлмаган-а, эр кўрганга ҳам ўхшамайди-я! Эргаш билан бирга яшаганми-йўқми, билинмайди, битта туққанини ҳисобга олмас. (Лирик куй эшитилиб кетади). Аймоқи тоқдан кеч кузда узилган тоифи узумдек кирс-кирс этса керак. (*Ютуниб қўяди*).

*Шу пайт Рухшунос, иккита Санитар (бири повча, иккинчиси накана) зинага гурс-гурс қадам босиб, устахонага тушиб келадилар. Рухшунос санитарларга Бобошни кўзи билан кўрсатиб, шуни тутинглар, деган ишора қилади. Санитарлар унинг икки ёнига келиб гоз қотишади, Рухшунос Бобошнинг атрофидан айланиб, уни кузатади, кўзига тикилади.*

*Рухшунос (сўзларни чертиб гапирди).* Сиз ким бўласиз?

*Бобош.* Мен рассом Бобош бўламан.

*Рухшунос.* А, рассом!.. Тушунарли. (Санитарларга). Қидирилган бемор бу эмас. Қайси бирингиз Чўлпон Пўлатовна бўласиз?

*Чўлпон.* Менга мурожаат этинг.

*Рухшунос.* Мен навбатчи Рухшунос бўламан. Булар менинг навкарларим, яъни санитарларим...

*Ойбиби (ўзича).* Кинодаги жаллодларга ўхшайди-я.

*Рухшунос.* Бизлар сизнинг ихтиёрингизга юборилдик. Қочоқ беморнинг эҳтиёт чорасини кўриш борасида сизларга ёрдам берамиз. Ишни сизларни текширишдан бошлаймиз.

*Қундуз.* Вой ўлмасам!..

*Рухиунос.* Чўчиманг, асло озор бермаймиз. (*Чўлпонга*). Кўрикни сиздан бошлайман.

*Чўлпон.* Сабаб? Ахир, мен, бизлар соғмиз-ку.

*Рухиунос.* Буни текшириб кўрамиз. Олдиндан огохлантириб кўяй. Сўрамасам, бир оғиз ҳам сўз айтилмасин. Рухсатсиз айтилган ҳар бир сўз бир иллат бўлиб касаллик варақасига ёзилади. Қани, ким рухсатсиз сўз айта олади?

*Иккала санитар ёндафтар ва ручка билан ёзишга шай туради.*

Яхши, ҳеч ким рухсатсиз сўз айтишга журъат этолмади. Журъатсизлик эса, руҳий касаллик кўринишларидан биридир.

*Қўлдош.* Ўғлим, ҳаммамизни жиннига чиқариб қўймоқчимисиз?

*Рухиунос.* Яшанг, сиз соғ экансиз.

*Ойбиби.* Ҳаммамиз ҳам соғмиз, бизларни текшириб нима қиласизлар?

*Рухиунос.* Сизни узил-кесил соғ дея олмайман, ҳозирча, чунки иккинчи бўлиб гапириш ҳисобга ўтмайди... Хўш, бизга телефон бўлдимиз, бўлди! Қочоқ бемор борми, бор! Одатда атрофидагиларда руҳий касалликнинг маълум белгилари бўлмай туриб, киши ақлдан озиб қолмайди. Нимадир ғалагирок бўлиши учун нимадир бўлиши лозим. Масалан, нимадир бошқачароқ бўлганида, бизлар ҳам йигирма биринчи асрда эмас, ўн бешинчи асрда, Навоий замонида яшаган бўлар эдик. Шунинг учун ҳам биз аввало касалликни келтириб чиқарган муҳит билан яқиндан ошно бўлмоғимиз шарт. Чўлпон Пўлатовна, кўрикни сиздан бошлаймиз. Қўлимга қаранг, у ёққа қаранг, бу ёққа қаранг. Йўқ, ундай эмас, нигоҳингизни шу ёққа қарата боринг. Яхши, яхши. Энди кўзингизни юминг, кўллариңгизни олдинга чўзинг, чўзиб туринг. Ўтиринг, туринг, ўтиринг, туринг. Бўлди, озодсиз. Соғ экансиз. Лекин бизга сиз ҳақда ҳам сигнал тушди. Шу сабаб сизни текшириб кўрдим, менга буюрилган эди.

*Чўлпон.* Мени жинни деган ким?

*Рухиунос.* Бу айтилмайди.

*Ойбиби.* Бизларниям текширасизми?

*Рухиунос.* Йўқ, сизлар ҳақда бизга сигнал тушгани йўқ.

*Қундуз.* Нега бўлмаса, ҳаммани текшираамиз деб бизларни чўчитдингиз.

*Рухиунос.* Буни руҳий ҳамла дейилади, руҳий ҳамлага учраган киши эсанкираб, довдираб қолади, ўзини яққол кўрсатиб кўяди. То қочоқ бемор топилгунича сизлар билан бирга бўламиз. Демак, мен кимлар билан бирга эканимни билиб олишим керак эди. Билиб олдим. Мен энди хизматга тайёрман.

*Хулқар.* Мен эрим қаердалигини тусмол қиламан.

*Рухиунос.* Ундай бўлса, тусмол қилинган ёққа бошланг.

*Қўлдош.* Манзил аниқ, лекин йўналиш ноаниқ.

*Бобош.* Тусмоллаш сўқирнинг пайпаслаганидек гап.

*Қундуз.* Кўпчилик қаёққа борса, биз ҳам шу ёққа.

*Ойбиби.* Эр амри вожиб.

*Бирин-сирин чиқа бошлайдилар. Ойсулув Йўлдошга яна буринни эсийириб кўяди.*

*Йўлдош (Ойсулувга ишора қилиб, Отажонга).* Мана шу хайкалда бир сир бор. Ёки бўлмаса, мен ўзим жонсиз нарсани хаёлимда жонлантириб юборяпман.

*Отажон (Йўлдошга).* Кўпини кўравериб, бу ишнинг пири бўлиб кетгансиз-да. Биринчи фазилатингиз ҳам шу!

*Йўлдош (Отажонга).* Яширмайман, дўстим. Аёл зотининг қўл учини кўриб, оёғи қанақалигини айтиб беришим мумкин. Тусмолим тўғри чиқади.

Ишонмасангиз, бахс бошлашимиз мумкин. Лекин сиз айтган мана шу фазилатим мени доим чалиб келди-да, бўлмаса, шахримизда иккинчи ёки учинчи шахс бўлишим турган гап эди.

**Отажон.** Сизга ишонаман... Куёвим бахонаси билан мазза қилиб суҳбатлашиб оляпман... Тўлкиной Турдиевна ҳақида гап бошлаган эдингиз.

**Йўлдош.** Барчин Эркиновна ҳақида гапириб бўлдимми?

**Отажон.** Менимча, бўлдингиз. Тагин ким биледи дейсиз, балки чаласи қолгандир.

**Йўлдош.** Йўқ, у ҳақда гапириб бўлгандим. Мен сизга айтсам, Тўлкиной Турдиевна ҳам палаги жуда тоза аёллардан. У билан... (*Отажоннинг қўлогига пичирлайди, хандон отиб чиқишади*). Бобош, бизлар билан юрмайсанми?

**Бобош (орқасидан).** Мен ҳозир етиб оламан.

**Ойсулув.** Уф, туравериш чарчаб кетдим. (*Кушеткага келиб чўзилади*).

**Бобош.** Акам, а! Мен улар билан бормасам бўлмайди. Агар кетсанг, калитни ўша жойга қўйиб кетишни унутма. Ҳозирча, хайр. (*Шошилиб чиқади*).

**Ойсулув (мириқиб керишади).** Бобош яхши йигит-у, лекин мен унга муносиб эмасман-да... (*«Ёр-ёр куйи ва қўшиғи эшитилиб кетади*). Анави амакисининг қараши ўткир экан, одамни еб юборай дейди-я. Зўрга дош беролдим. Қўлига тушсангми, еб қўйса керак. Вуйй!!!

### Еттинчи кўриши

**Ёзилнинг ҳовлиси.** Қарши томонда дангиллама иморат. Ўрта ерда баланд зина. Ичкари хоналарга қўштавақа эшик орқали кирилади. Ҳовлида стол ва тўқима, тебратма, ёғочдан ишланган креслолар, хунармандлар яратган турли курсичалар, барча эсихозлар қизил рангда, иморатга ҳам қизил бўёқ берилган.

Ёзил қизил духоба сирилган катта ва чуқур креслода оёғини оёғи устидан ошириб ташлаб, сигарета тутатиб, венеткани – мактабни тугатганида синфдошлари билан тушилган расмлар гулдастасини кўриб ўтирибди, эғнида қизил шойи пижамма. Ёнидаги хонтахтада одам ҳайкалчалари кўринишидаги доналар териб қўйилган шахмат, телефон аппарати, кулдон, ўтолдиргич, озгина ичилган бир шиша конъяк ва пиёла. Эркли тебратма креслода ўзини тебратиш, замонавий мода журналини варақлаб ўтирибди. Унинг ёнидаги курсича устида энг замонавий радиола ва телефон аппарати, радиоладан аста Толибжон Содиқовнинг Насим Ҳошимов ижросидаги «Жопон кўришур» романи эшитилади. Эрклининг эғнида қимматбаҳо женси шим ва қипқизил, енгсиз ҳарир кофта, белида сербар қора камар. Телефон тез-тез эсирилгайди, ҳар сафар Ёзил Эрклига «дастакни олинг» деган маънода виқор билан бош қимирлатиб қўяди, Эркли эса кўзини журналдан узмаган ҳолда дастакни олиб, телефонга бепарво жавоб қилади.

**Эркли.** Ваалайкум... Ёзил Очилевич бандлар... Яхши... Ваалайкум... Ёзил Очилевич бошқа телефонда бандлар... Йўқ, яхшиси эртага... ишхоналарига телефон қилинг. (*Эрига ҳамма вақт ва ҳар бир гапни поз-истигно билан, эркаланиб гапирди*). Уфф... Вой, тавба-ей, бундоқ дам олишганим қўйишмайди-я. Ёзил ака, бўлди, ман чарчаб кетдим, энди телефонга ўзингиз қаранг. (*Дастакни олиб четга қўяди*).

*Ёзил* (ҳаммага ва ҳар бир гапни шошилиб, самимий одамдек куйиб-пишиб, жон куйдиргандек гапиреди). Биласиз-ку, жоним, мен дастакни биринчи бўлиб олишга одатланмаганман.

*Эркли* (*Ёзилнинг олдига поз-истигно билан боради*). Тўхтаг, вой тўхтаб туринг сиз. Мен телефонистка эмасман, котиба ҳам. Мен қонуний хотинингиз бўламан. Ёки ногўғрими?

*Ёзил*. Жудаям тўғри, жоним. Шу уйнинг бекаси – Эркли хонимсиз. Телефонга қараш эса уй юмушларингиздан ҳисобланади.

*Эркли*. Майли, шундай ҳам бўла қолсин. Лекин менга бир нарсани тушунтириб берсангиз.

*Ёзил*. Марҳамат, марҳамат!

*Эркли*. Нима учун телефонда ҳамма вақт сизни сўрашади, сираям мени сўрашмайди, менга гаплариниям айтишмайди. (*Креслонинг ёни суянчигига ўтиради*). Шунга тўғриласак бўлмайдимиз? Бунинг учун нима қилиш керак?

*Ёзил*. Агар иш жойларимизни алмаштирсак, унда ҳамма сизни сўрайди, гаплариниям сизга айтади.

*Эркли* (*эрининг елкасидан қучиб*). Ёзил акажон, Ёзил акажоним, ишингизни бир кунга менга бериб туринг.

*Ёзил* (*ўрнидан туриб кетади*). Мумкинмас, жоним, мумкинмас.

*Эркли* (*ўзини кўрсатиб, кўз-кўз қилиб*). Менгаям, а?

*Ёзил*. Ҳеч кимга мумкинмас, жоним, ҳеч кимга!

*Эркли*. Фақат бир кунга.

*Ёзил*. Ўринлар ҳам хотинларга ўхшаш дахлсиз нарса, вақтинча бировга бериб турилмайди, мутлақо мумкин эмас, жоним.

*Эркли*. Нима, ўринни вақтинча олиб турган одам кейин қайтариб бермай қўядими, шундан кўрқишадими? Йўқ, мен омонатга хиёнат қилмайман, чўчиманг. Ўрнингизни бир кундан кейин гинг демай қайтариб бераман, ишонинг, чин хотинлик сўзим бу.

*Ёзил*. Сизга ишонаман, лекин ўша бир куннинг ичида «Ёзил Очилович ишидан кетибди» деб ҳамма ёққа шунча миш-мишлар тарқаладики, кейин бу миш-мишларга бир йилдаям чек қўйиб бўлмайди, чин сўзим.

*Эркли*. Ўзингизга ишонасиз-ку, нимадан кўрқасиз. Қолаверса, хотинингизман, бу томони ҳам қонуний. Демак, ўзингиз беришни истамаяпсиз, кизғончиқлик қиялпсиз. Бу – кечкурунги илтимосим эди, сўзимни ерга қолдирыпсиз. Ҳа, майли, майли, ҳали бизгаям ишлари тушиб қолар.

*Ёзил*. Бошқа илтимос қилинг, бажармаган... хотин...чин сўзим.

*Эркли*. Менга шуниси кизиқ эди-да... Ҳа, мана энди тушундим. Ўрнингиз сизга отамерос жой-да. Илгари марҳум дадангиз ишлаган эканлар-ку ҳозирги ўрнингизда.

*Ёзил*. Одамлар олдида отамерос деманг-у, лекин аслида шундай.

*Эркли*. Ёзил ака, айтгандай, дадамдан кейин ўрнини Тўлқин акамга беришармикан. Акамнинг билими ҳам пухта, салобати ҳам бор.

*Ёзил*. Лекин қайноғам Тўлқин Мелиевич унчалик нотик эмас-да.

*Эркли*. Йўғ-ей, акам нотикликда сиздан ҳам сўзамол.

*Ёзил*. Тўғри... дейиш мумкин. Лекин қайноғам Мели Менглиевичнинг ўрни ўта нотик бўлишни тақозо этади, ҳамма иш оғиз билан битирилади, у ерда гап биринчи ўринда.

*Эркли*. Билим-чи?

*Ёзил.* Билим ишга ҳалакит беради, билимдон одам у ерда қовун тушуриб кўяди, кўп ишлолмайди.

*Эрки.* Тўлқин акам ҳар қандай жойда ишлаб кета олади, менинг кўзим бунга етади, чунки ишни билади, оқил, доно. Дадамнинг ўрни ҳам акамга жуда-жуда муносиб. Ёки сиз бунга қаршимисиз?

*Ёзил (чўчиб кетиб).* Йўғ-е! Нега мен қарши бўларканман. Розиман. Йўқ, мен «за»ман! Шунинг тарафдориман, кучим етгунча ўз мавқеим таъсири билан ҳисса кўшишга тайёрман. Ахир, Тўлқин Мелиевич менинг синфдошим, эски кадрдоним, ўғилларимнинг тоғаси...

*Эрки.* Бўлди, бўлди, хали дадам тетиклар, яна ўн йиллар ўз ишларида бемалол ишлашлари турган гап. Тўлқин акамга муносабатингиз ҳозир қандайлигини билмоқчи бўлиб мен сизни бир синаб кўрдим-да.

*Ёзил.* Муносабатим аъло. Илгари қандай бўлса ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам ўзгармайди. Бизлар болалиқдан дўстмиз, бир партада ўтирардик, мана, расмда ҳам ёнма-ён турибмиз. (*Венеткани олиб, кўрсатади*). Бу мен, мана бу эса Тўлқин Мелиевич.

*Эрки (расмга тикилиб).* Қаранг, акам синфда ҳам салобатли экан.

*Ёзил.* Биласизми, мактабда Тўлқинжоннинг лақаби нима эди? (*Эсизга тушиб кулиб юборди, кулгидан тўхтагач*). «Ойимтуғдилар» эди. (*Яна кулиб юборади*).

*Эрки.* Айтаман.

*Ёзил.* Айтманг, энди эслатиб бўлмайди, оғир ботади. Акангиз лақабининг тарихи бундай. Иккинчими-учинчи синфда ўқирдик. Бир куни ўқитувчимиз «Нега кеч қолдинг» деб сўраганда, Тўлқин «Ойим туғдилар» деб юборган. Шу-шу акангизнинг лақаби Ойимтуғдилар бўлиб келган. (*Яна хандон атади*).

*Эрки.* Сизга бировнинг устидан кулиш бўлса. Хўш, сизга лақаб кўйишмаганмиди?

*Ёзил.* Лақаб олмай мактабни битириб бўларканми! Менинг лақабим Почасиузун эди. (*Кулади*).

*Эрки.* Нима, почаси узун лозим киярмидингиз?

*Ёзил.* Лозим эмас, оқ иштон киярдим. Озғинлигимдан иштоним белимда турмай, пастроққа тушиб кетавериб, почам товонимга ўралашиб юрарди. (*Қоматини кўрсатиб*). Энди эса ҳамманикидан менинг белим бақувват.

*Эрки.* Акамники-чи?

*Ёзил.* Чаккимас, лекин меникичалик эмас, бу гапни ўзларига айтманг. (*Гапни чалгитиб*). Хулласи калом, синфимизда ҳамманинг лақаби бор эди. (*Венеткадаги расмларни бармоғи билан кўрсатиб*). Қизбола... Лапашанг... Заҳар... Ўлибтирилган...

*Эрки.* Бу Эргаш ака-ку!

*Ёзил.* Ҳа, наркозда операция қилингани учун уни Ўлибтирилган дердик. Ҳозир ҳаммамиздан соғи шу... Оғзибўш – ичида гап ётмасди, ойиси билан дадаси ўртасида бўлган гап-сўзларниям бизларга айтаверарди... Кетмондаста, Майдақадам.

*Эрки (майда қадам ташлаб).* Тушунарли. Қизларниям лақаби бормида?

*Ёзил.* Бўлмаса-чи! Томошақовок... Ошхамир, Сузмаҳалта – кўйлагидан сут-қатикнинг ҳиди келарди. Туяқуш...

*Эрки.* Бўлди, қандай қизлар билан ўқиганингизни билволдим. Ҳой, менга қаранг, бугун намунча венеткага тикилиб қолдингиз?

*Ёзил.* Бугун журналда бир макола ўқидим. Пушкин билан лицейда бирга ўқиган кишиларнинг кейинги тақдири ҳақида экан. Ўқиб маза қилдим.

*Эрки.* Отамнинг замонидаги гаплар-ку, бунинг нимаси қизиқ?

*Ёзил.* Қизиғи шундаки, хоним, лицейдошлар ичида ҳаётда энг юксак мавқега бир генерал эришган экан.

*Эрки.* Бўлмаган гап, Пушкиндан каттарок мавқега эришгани бўлмаган.

*Ёзил.* Лекин Пушкин замонида камер юнкер билан генерал мавқеи ўртасида еру осмонча фарк бўлган. Ҳар даврнинг ўз қараши, ўз тушунчаси бор. *(Ҳарбий марш эшитилиб кетади).*

*Эрки.* Тушундим, жоним. *(Эришинг сочини силайди).* Билагон эримдан айланай.

*Ёзил.* Айтгандай, бугун мактабни битирганимизга ўн беш йил тўлибди. Қаранг, ўн беш йил-а! Ўн беш йил! Ўқиш – ўқиш, ҳаёт – ҳаёт экан. *(Ижсирганиб, расмни нуқиб-нуқиб, менсимаган оҳангда).* Мана бу болалар аълочи эди. Ҳозир ким? Ҳеч ким! Аनावиниси ахлат машина ҳайдаб юрибди.

*Эрки.* Катта кетманг.

*Ёзил.* Катта кетсам-кетмасам, ҳозир синфдошларим орасида ҳам, курсдошларим ичида ҳам мен – энг биринчи аълочи, ҳаётда аълочиман!

*Эрки.* Акам-чи? Эргаш-чи?

*Эргаш остонада кўринади, ўз исмини эшитиб юришдан тўхтаб қолади, уни уй эгалари сезишмайди.*

*Ёзил.* Тўлқин Мелиевични ҳаётда аълочи бўляпти дейиш мумкин. Лекин...

*Эрки.* Акам сиздан кам эмас.

*Ёзил (хотини гапига эътибор бермай).* Эргашни эса ойиси билан қайнотаси ҳаётда аълочи қилиб ушлаб туришибди. Яхши қайнона-қайнота ярим давлат-да.

*Эрки.* Сизни-чи?

*Эргаш Ёзилга гапирмоқчи бўлади-ю кейин фикридан қайтади.*

*Ёзил.* Мен дадам Очил Алповичдан ҳам, қайнотам Мели Менглиевичдан ҳам аллақачон ўзиб кетганман. Чунки менинг...

*Эрки (эри билан фахрланиб кетиб, унинг бўйшига қўл ташлаб).* Чунки сизнинг мендек суянчиғингиз бор.

*Ёзил (овозини бир парда кўтариб).* Янги-янги зафарларга ундовчи илҳом парим бор. *(Ўпмоқчи бўлади).*

*Эрки (ўптирмайди).* Ҳовлида-я...

*Эргаш келганини маълум қилиши учун йўталиб қўяди.*

*Ёзил.* Ў, эски кадрдоним, синфдошим! Келсинлар, келсинлар! *(Эргаш менга салом берган деб ҳаёлан тасаввур қилиб)* Ваалайкум ассалом!..

*Эрки (журналга қараганча, беихтиёр).* Ваалайкум!

*Ёзил (тишмай сўзлайди, Эргашга гап бермайди).* Яхшимисан, соғлигинг яхшими, ўғлинг катта бўлиб қолдими, бизнинг тўнғичимиз... ойиси, каттаимиз нечанчида эди?..

*Эрки.* Шу куздан олтинчига боради.

*Ёзил.* Фақат бешга ўқийди... Ҳизрни йўқласак бўларкан, ҳозир сени эслаб турган эдик. *(Венеткани кўрсатиб).* Қара, мана бу сен, деярли ўзгармагансан, ўшанда ҳам гавдали эдинг-а, мана энди салобатли бўлгансан. Расмда синфдошлар даврасида иккинчи қаторда турган бўлсанг, мана энди сени ҳаётда биринчи қатордагилар даврасида дейиш мумкин. Сени умуман тез-тез эслаб тураман. Лекин сен мени сира эсламайсан, бундоқ тез-тез келиб турмайсан, соғинтириб

юрасан. Бўлди, билдим, айтмасанг ҳам биламан, ишинг бошингдан ошиб ётибди. Сеники ҳам жуда сергалва иш-да. Майли, омон бўлайлик, давлатга беминнат хизмат қилиб бераверамиз. Оббо сен-эй! Бизни йўқлаб келадиган кунинг бўлар экан-ку! Сени кўриб турганимдан жуда хурсандман. Хўш, сени қандай хурсанд қилдим энди? Ойиси, бизникига дўстим Эргаш келган. Сўрашинг, иззатини жойига қўйинг.

*Эрки (Эргашга қарамай).* Салом, хуш келибсиз.

*Ёзил (гапни давом эттира кетади).* Қара, хотиним ҳам сени жуда хурмат қилади. Бизни йўқлаб келганингдан бошим осмонга етди. Гапирмай қўя қол, сен ҳам мени соғ-саломат кўриб турганингдан хурсандсан, кўзларинг айтиб турибди, тўла укиб оляпман. Дийдор кўришганимиз шарафига қиттак-қиттак отайлик... десам барибир таклифимни рад этасан. Чунки бундан беш йилча аввал озиб-ёзиб бир келиб қолганингда ҳам рад этгансан, эсимда. Биламан, ичкиликни ёқтирмайсан. Уйланмасдан олдин ҳам ичмасдинг, Хулқарга уйланганингдан кейин эса ҳатто исиниям искамайсан. Биламан, ўзи сенга ичкилик ёқмайди. Ёқмагандан кейин мутлақо ичмаслик керак. Сени кўриб қувонганимдан озгина ичгим келяпти-ю, лекин олдинда ичсам, тўғри келмайди. Сенга нисбатан хурматсизлик қилган бўламан... Йўқ, йўқ, йўқ, гапирма, сен ичмаганингдан кейин мен ҳам ичмайман. Демак, ичкилик ичиш масаласи ўз-ўзидан кун тартибидан тушиб қолади. Хўш, дўстим, ишқилиб сен мендан хафа бўлмагин-да. Сени нима билан хурсанд қилишим мумкин экан, а! Айтгандай, чой! Бўлди, бирга чой ичамиз... Э, нималар деяпман ўзим. Одатинг менга беш қўлдек маълум-ку. Ойиси, дўстим Эргаш кун ботгач овқат ҳам емайди, чой ҳам ичмайди.

*Эрки (қарамай).* Биламан.

*Ёзил.* Ўнинчи синфда саёҳатга борганимизда ҳам бир ҳафтагача шундай қилган. Биз, синфдошлар ўшанда сенга Парижлик куёв деб лақаб қўйган эдик, а. *(Хандон отади).* Ўша дамлар ҳам бир олтин даврлар экан-да! Эсимга тушса яйраб кетаман.

*Эрки (қарамай).* Ёзил Очилович, нима, парижлик йигитлар кун ботгач, рўза тутарканми?

*Ёзил.* Бу шунчаки бир гап эди-да, лекин кимдан чикқани ҳозир эсимда йўқ. Ҳаммамизнинг лақабимиз бўлгани учун, Эргашга ҳам лақаб топиш керак эди-да. Шундай қилиб, дўстим Эргаш ҳалигидақа лақаб орттириб қайтди.

*Эрки.* Ундай бўлса, Ўлибтирилган кимнинг лақаби эди?

*Ёзил.* Ҳар кимда олдида айтиладиган ва орқасидан айтиладиган лақаб бор эди.

*Эрки.* Ўзингизники қандай эди?

*Эргаш гапирмоқчи бўлади.*

*Ёзил (гап бермай).* Тўхта, дўстим, орқасидан айтиладиган лақабимни ўзим айтмай, ишқилиб сен хурсанд бўлсанг бўлгани. *(Хотинига қараб).* Мени Мирқурук дейишарди.

*Эрки (қулиб юборади).* Тўғри айтишган экан. Буни биринчи эшитишим, ўрток Мирқурук ака. Мақтанчоқ одамга жуда мос лақаб – Мирқурук!

*Ёзил.* Йўқ, мақтанчоқ эмасдим, у пайтлари камбағал бола эдим, мисоли шахматдаги пиёда эдим.

*Эрки.* Энди мисоли фарзинсиз.

*Ёзил.* Лекин пиёдадан чикқан фарзинлигим билан фахрланаман.

*Эрки.* Шуни унутманг ҳам, Мирқурук ака.

**Ёзил.** Кўрдингми, Эргашжон, сен хурсанд бўлгин деб, ҳатто аллақачон унутилиб кетган лақабимни ҳам тилга олдим-а.

**Эрки.** Бир дўст бўлса сизчалик бўлар-да.

**Ёзил.** Шуни айтинг, жоним. Сиз мени тушунасиз. Мен дўстим учун жондан кечишгаям тайёрман... Хўш, дўстим, нима қилсам, сени хурсанд қилар эканман? Чой ичиш масаласи кун тартибидан тушиб қолди, май ичиш масаласи ҳатто кун тартибига киритилганиям йўқ. Хўш, оғайни, сенбоп мусиқаларим йўқ, ҳаммаси жаз-маз. Сенга эса биламан, мақомлар ёқади. Менда эса мақом йўқ, кейинги келишинга албатта келтириб қўяман. Ҳа, телевизор!.. Э, аттанг, бугун телевизордаям тузукроқ кўрсатув йўқ, хали дастурни кўрган эдим. Энди нима қилдик-а, дўстим. Карта ўйнамайсан, домино ўйнамайсан, шахматим эса сенбоп эмас, доналари одамча шаклида, уни бир одам ёлғиз ўзи ўйнаши керак.

**Эрки (тушуштириб).** Ташкилий масала деган ғалати ўйин ўйналади бу шахматда.

**Ёзил.** Ҳа, бу шахмат шунга мослаб ишланган. Буни фақат бир киши ўйнаши шарт, чунки икки киши ўйнаса адашиб кетилади, одамчалар, яъни мана бу одамсифат дончалар орасида парокандалик бошланади, мана бу пиёдаларнинг ҳаммаси фарзин бўлишни, тўра бўлишни, жилла курса филбон ёки отлик бўлишни орзу қилишади. Ҳамма орзуга интилиб, ҳеч ким ишламай қўяди. Энди тушунарли бўлган бўлса керак, а, дўстим, бу ўйиннинг моҳияти? (*Саволига жавоб эшитишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди*). Қандай бўлмасин сени хурсанд қилишим керак. Ҳа, лото! Лотойимиз ҳам бор-у, лекин чўзилиб кетади-да. Эртага иш куни, вақтироқ ётиб ухлаш керак. (*Эспайди*).

**Эрки.** Янгилик – ҳандалак сўйиб энглар. (*Эрига кўзи тушиб, у ҳам эспайди*).

**Ёзил.** Мана бу зўр идея! Э, афсуски, Эргаш хандалакни жинидан ҳам багтар ёмон кўради-да. Марғилоннинг хандалаги эди-я, келтириб беришган эди. Қовун эса хали пишгани йўқ. Кейинги келишинга, дўстим, албатта босволдидан келтириб қўяман.

**Эргаш кета бошлайди.**

Ие, нега турдинг, яна бир пас ўтирсанг бўларди. (*Эргашни остонагача қузатиб боради*). Майли, сени мажбуран тутиб қолмайин, хафа бўлишинг мумкин, балки кечасига мўлжаллаб қўйган ишинг, режанг бордир. Ўзинг кўриб турибсан, сени хурсанд қилишга қўлимдан келганча интилдим, лекин сени хурсанд қилдимми-йўқми, буёғи менга қоронғи. Ишқилиб, мендан хафа бўлмай кетгин-да. Узоқлашиб кетма, мана шунақа келиб тургин, хўпми, дўстим. Қара, келганинг қандай ярашиб турибди. (*Орқасидан*). Хайр, дўстим. Хулқарга мендан салом айтиб қўй, Тиркашжонни мен учун ҳам ўпиб қўй.

**Эрки.** Хулқарга менданам салом айтиб қўйинг. Уям келиб турсин, узоқлашиб кетмасин, борса-келса оқибат кучаяди-да. (*Нозланиб, эрининг бўйнига қўл ташлайди*). Бояқиш, чарчаб кетдингиз, а, ўртоғимнинг кўнглини оламан деб.

**Ёзил.** Тўғри, қийналиб кетдим. Гап шундаки, олдинлари – мен Эргашникидан кичикроқ ишда ишлаганимда дўстимдан фақат фазилат қидирардим, унинг турки-таровати ҳам – ҳамма-ҳаммаси менга гўзал бўлиб кўринарди, унга ўхшашга интилардим. Энди эса турки совуқ, қийиниши боғушсов бўлиб туюлади, унинг ҳеч бир томони менда қизиқиш уйғотмай қўйибди, унда фақат нуқсон кўраяпман, холос. Ҳаётда тенг бўлмасанг, суҳбатда ҳам тенг бўлолмас экансан. Эргаш билан менинг лавозимларимиздаги фарқ суҳбатимизга халақит берди, узоқлашиб кетибмиз, бегона бўлиб қолибмиз, а.



*Эркли (эрининг елкаларини силаб).* Жоним, энди дам оламизми?

*Ёзил.* Йўк, мен бир оз ишлай, ақлимни пешлай.

*Эркли.* Ундай бўлса, мен ҳам ётмайман, бир оз ишлайман.

*Ёзил бир ўзи шахмат «ўйнайди», Эркли эса мода журналини varaқлайди.*

*Эркли.* Бошқалар бўш пайтларида «кроссворд», «чайнворд» ечишади, китоб ўқишади, газета-журнал varaқлашади, телевизор кўришади, музыка тинглашади. Сиз бўлсангиз нукул «ташкилий масала» ўйинини ўйнайсиз. «Фалончи бу ерда ишласа эди!», «Пистончининг ўрни бу ер эмас, мана бу ер» ва ҳоказо. Бунга сабаб нима?

*Ёзил.* Мен сизга очигини айтсам, бунга сабаб шуки, хозир турмушда энг муҳими лавозим бўлиб қолди, шунинг учун ҳам ҳамма лавозимга интилмоқда, бу, дипломлилар ўртасида хоббига айланиб қолди. Чунки амалдор бўлсанг, сени кам деганда котибанг тинглайди: маълум даражада мустақил бўласан – истаган, исталган лоақал битта ишингни қила оласан, лоақал бирор кишига сўзингни ўткази оласан, жилла курса бир одамга бирор хусусда бемалол ваъда қилиб, сўзингнинг устидан чиқа оласан, йўк деганда битта дўстинг бўлади, ҳеч бўлмаганда сендан битта одам чўчийди ёки сени хурмат қилади, сендан илгари салом беради, йўлакда йўл бўшатади, лифтга олдин сиз чиқинг дейди, ҳар байрамда лоақал битта одам сени табриклайди ва ҳоказо. Менинг фикримча, ҳамма ўз ўрнини эгалласа, ўз ўрнида ишласа, биз порлоқ манзилга тезроқ етамиз. Ўз ўрнини эгалламаган одам албатта бировнинг ўрнини эгаллайди. Ўз йўлидан юрмаган кимса бировнинг йўлидан юради-да. Мен Мели Менглиевични ҳам қаттиқ хурмат қиламан. Аслида у киши мана бу ерда ишлашлари керак эди. *(Шахмат доналарини у ёқ-бу ёққа суради).*

*Эркли.* Вой, ўтган сафар мана бу жойни кўрсатган эдингиз.

*Ёзил.* Унда янглишган бўлишим мумкин. Бу жойни эгаллаш учун энди Мели Менглиевичнинг ёшлари тўғри келмайди. Бу жойга камида беш йил муттасил ишлаб берадиган одам ўтириши керак, давр шуни тақозо этипти. Аслида менинг ўрним мана бу ер бўлиши керак эди.

*Эркли.* Ҳо, дадамдан ҳам юқори турасизми? Нима, ўқингиз ўзганми?

*Ёзил.* Ҳа, ўқим ўзган. Чунки, биричидан, мен Мели Менглиевичнинг бош куёви бўламан.

*Шу пайт устма-уст уч машинанинг учиб келиб, қаттиқ тормоз бериб тўхтагани эшитилади. Отажон, Чўлпон, Йўлдош, Рухиунос киришади.*

*Отажон (қўлларини ёзиб).* Дўстларим, мана буни замонавий хонадон, замонавий турмуш, замонавий эр-хотин дейиш мумкин. Ҳақиқий ота ўғлига, барно келинга алангали саломлар!

*Ёзил.* Сизларга ҳам шарафлар!

*Эркли.* Хуш келибсизлар. *(Жойига бориб ўтириб, журналини кўраверади, трубкани жойига қўяди).*

*Ёзил.* Хўш, хизмат? *(Креслога бориб ўтиради).*

*Бундай муомаладан меҳмонлар нима дейишларини билолмай бир оз эсанкираб қолишади.*

*Йўлдош (Эркли билан кўз уриштириб олгач, залга).* Бобош чизган суратлар орасида буниям кўргандай бўлдим. Лекин хаётда янада яхши нарса экан. *(Тилини танглайига уриб қўяди).* Ох! Вох! Хох! *(Аста қийқириб, хўроздек қичқириб юборади).*

*Рухиунос (залга).* Қаранг, ҳаммаёк кирмизи тусда. Буям бу оилада эр-хотинлик муомаласи яхши йўлга қўйилганига ёрқин далилдир. Бундай оилада уриш-жанжал бўлмайди.

**Чўлпон.** Ёзил Очилович, бизларни танитай турибсиз чоғи?

**Ёзил.** Нега ундай дейсиз, Чўлпон Пўлатовна? Хўш, хизмат?

**Чўлпон.** Бизга «Хўш, хизмат?» дейсиз.

**Ёзил.** Кабинетимга келган ҳар бир кимсага «Хўш, хизмат» дейман-да. *(Уйида эканлиги эсига тушиб).* Ия, уйимда эканман-ку.

**Чўлпон (кесатиб).** Баракалла-ей, ўғлимнинг дўстиники деб йўл усти кира қолгандик.

**Отасон.** Мансаб мастлигига учрабсиз, иним, ҳечқиси йўқ, ёшлиқда бир-икки бўлиши мумкин, бошимдан ўтган, кейин ўтиб кетади, ишқилиб охири хайрли бўлсин.

**Остонада Ойбиби, Қундуз, Хулкар, Бобош, санитарлар кўришишади.**

**Хулкар.** Бехудага овора бўлдик. Эргаш акам бу ерга қадам босмайди, деб айтдим-ку, мен сизларга. Тезроқ мен айтган ўша жойга борайлик. Аниқ манзили бор дедим-ку.

**Қўлдош.** Такрорлайман: манзил аниқ, лекин йўналиш ноаниқ.

**Йўлдош (Отасоннинг қулогига, чиқиб кетатуриб).** Хотини зўр нарса экан, димлама нокдек пўчоғию уруғигача шарбатга айланиб кетган айни пайти экан, бундай хотиннинг эри доимо сархуш юрса ажаб эмас, шундайларга менинг хавасим келади.

**Рухиунос (Ёзилга таширфинома беради).** Вақт топиб, ҳар эҳтимолга қарши мана шу манзилга бир учрашинг.

**Чўлпон, Отасон, Йўлдош, Рухиунос, Ойбиби, Қундуз, Хулкар, Бобош ва санитарлар чиқадилар.**

**Ёзил (таширфиномага кўз ташлаб).** Рухий касалликлар диспансери. *(Ваҳимали мусиқа эшитилиб кетади).*

**Эркли (журналдан кўзини олиб).** Нималар деяпсиз? *(Таширфиномага кўз ташлайди).* Мажбурий бўлса, ўзим сизни бошлаб бораман.

**Ёзил.** Э, мен у ерда нима қиламан?

**Эркли.** Билмадим.

~ Саккизинчи кўришиш

**Ойнурининг учинчи қаватда жойлашган икки хонали квартираси. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Биронта ҳам ортиқча эсихоз ёки буюм йўқ. Китоб жавонлари тўла китоб. Ёзув столида компьютер бор. Ойнури емакхонада иш тикиб, телевизор кўриб ўтирибди. Емакхонадан ётоққа ва балконга чиқилади – қаршисидаги ярим очик эшик орқали балкон панжараси кўзга ташланади. Панжара узра мирзатеракнинг уч-учлари кўринади.**

**Эргаш уст-боши шалаббо ҳолда Ойнури квартираси эшиги олдидagi зина майдончасига чиқиб боради, у ерда «22», «23», «24» ва «25» рақамли эшиклар бор. Огир-огир нафас олади. Бир оз нафасини ростлагач, «25» рақамли эшик кўнгируги тугмасини босади. Кўнгиругоқ чалинади.**

**Ойнури (таажэжубланиб).** Бемахалда йўқлаб келгувчим йўқ эди-ку, ким бўлди экан? *(Кўлидаги ишини креслога ташлаб, шошилмай бориб эшикни очади. Остонада Эргашни кўриб, ҳайратдан қотиб қолади, кейин орқасига тисарилади).* Вой, сизмисиз?.. *(Эргаш томон яқин боради).* Қачонлардир шундай бўлишини – келишингизни билардим. *(Эргашнинг уст-боши шалаббо ҳўллизини сезиб).* Вой ўлмасам... Сувга роса пишилибсиз-ку. Хаёл билан юрасиз-да, сувсепар машина сизни бошлаб ўтибди. Нега бундай турибсиз, тезроқ

ичкари киринг, шамоллаб қолманг тагин. (*Эргашини емакхонага олиб киради ва унга бошдан-оёқ мехр билан разм солиб*). Кўзларимга ишонгим келмайди, шу сизмисиз, қайси шамол учирди биз томонларга?..

*Эргаш*. Ойнури, сизга бир гап айтаман. Мен...

*Ойнури (гап бермайди)*. Айтмасангиз ҳам биламан нима дейишингизни. Қолаверса, энг аввало кийимингизни алмаштириб олишингиз керак, бу ҳолда шамоллаб қолишингиз мумкин. Қачонлардир – бир кунмас бир кун киярсиз деб, ҳув ўша пайтлари сизга атаб бош-оёқ кийим, пижама ҳам олиб қўйган эдим. (*Мендельсоннинг тўй марши эшитилиб кетади*). Энди шуни киясиз, гап тамом. Бир томоғингиз огриси, хафталаб давом этишини биламан. Қани, бу ёққа юринг. (*Эргашини қўлидан тутиб, ётоққа олиб кириб кетади ва у ердан овози эшитилади*). Сал куюдори иси келсаям, юзароқда экан, мана шу пижамани кия қолинг. Парда тўсиқнинг орқасига ўтиб, бемалол кийинаверинг, ҳўл кийимларингизни эса менга ташланг. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, ҳали ҳам ўша-ўша тортинчоксиз, а. (*Эргашининг ҳўл кийимларини кўтариб, емакхонага қайтиб чиқади*). Буларга лой ҳам сачраган экан, қуритиб, уқалаб ташлаган билан доғи қолиши мумкин, ювиш лозим. (*Йўлакка чиқиладиган эшикни запыжирлайди, ваннахонага кириб, кийимларни ваннага ташлаб, сувга бўктириб, қайтиб емакхонага чиқади*). Эргаш ака, совқотиб кетган бўлсангиз керак. Мен ҳозир чой қўйиб юбораман. (*Газхонага чиқиб келади*). Эргаш ака, «Мен ва бошқалар» деган китоб бошлаганман. Сиз ҳам эшитинг. (*Қалин дафтар олиб ўқий бошлайди*). «Эх, миш-мишлар, тусмоллар, тахминлар ва уларнинг ижодкорлари! Шулар туфайли қанчадан-қанча дилсиёҳликлар юз беради, қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар гуноҳкор бўлиб қолади, қанчадан қанча севишганлар қовуша олмайдилар. Очиккўнгиллигим, тўғрисўзлигим, эркаклар олдида уялиб, ийманиб ўтиролмаслигимни бошқача йўйишиб, тусмол қилишиб, зоти ундай экан, зоти бундай экан, деб гумон қилишиб, Эргаш акам билан менинг орамизга ғов бўлишди. Балки Чўлпон Пўлатовнага менинг касбим тўғри келмагандир, мухбирларни жинидан баттар ёмон кўрар экан-ку уйдаги гапларни кўчага чиқарувчилар деб. Тавба, мана ўзим ҳам тусмолга берилиб кетдим, а. Миш-мишлару тахминлар, гумонлару тусмоллар маълум муддат устун чиқиб келгандай бўлса-да, пировард оқибатда ҳақиқат енгиб чиқади...» Мана, Эргаш ака, сизнинг кириб келишингиз шунинг исботидир... (*Ўқишдан тўхтайдди*). Чойим қайнаб кетгандир. (*Ўрнидан туради*).

*Эргаш янги пижамада емакхонага чиқади, пижама унга кичик ва тор эди.*

Эсиз, сизга энди кичик келиб қолибди, ўзиям олганимга ўн йилдан ошди-да. Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ. Бир марта бўлсаям кийдингиз-ку, шунисига шуқур. Энди ўз кийимларингизни ювиб, қуритиб, дазмоллаб бергунимча шуларни бир амаллаб кийиб турасиз-да. Қани, бу ёққа – креслога ўтиринг. Мен ҳозир чой дамлайман. (*Газхонага киради*).

*Аввал кўча томондан «тез ёрдам»нинг сиренаси, кейин йўлак томондан гала-говур эшитилади, борган сари яқинлашиб келади. Ойнури газхонадан чойнак-ниёла кўтариб чиқиб, уларни столга қўяди.*

*Чўлпон* овози. Келин, ишқилиб, адашмай келяпмизми?

*Хулқар* овози. Тўппа-тўғри келяпмиз, дугоналарим аниқлаб берган манзил бўйича тўппа-тўғри келяпмиз. Йигирма еттинчи квартал, йигирма олтинчи уй, йигирма бешинчи квартира, тўртинчи йўлак, учинчи қават. Ҳаммаси тўғри.

*Ойнури (аста, Эргашга).* Вой ўлмасам, бу улар-ку! Сизни бу кийимда, шу ҳолатда кўришса, нималар деб ўйлашлари мумкин. Нима бўлса бўлди, эшикни очиш йўк. *(Квартира чироқлари ва телевизорни ўчиради).*

*Эргаш бўшашиб, креслога чўкади. Аввалига эшитилаётган гап-сўзнинг унга таъсири билинади, кейин эса ҳаммасига бефарқ бўлиб қолади.*

*Эшик олдида – зина майдончасида Хулкар, Чўлпон, Қўлдош, Ойбиби, Отажон, Йўлдош, Қундуз ва Бобош олдишма-кейин пайдо бўлишади.*

*Хулкар (Ойнурининг эшигини кўрсатиб, Чўлпонга).* Мана шу квартира бўлиши керак, ана, йигирма беш деб ёзиб қўйибди – тўғри топиб келибмиз.

*Қўлдош (эшикни тўсиб).* Яхши иш қилмаяпмиз, ўртоқлар, Эргаш бу ерда бўлмаса, ҳали турмушга чиқмаган қиз бола шаънига яхши гап бўлмайди.

*Чўлпон.* Бу ердан бўлак бормаган жойимиз қолмади-ку. Эргашни топишимиз шарт. Қани, Қўлдош Ёндошевич, йўл беринг. Бобош, қўнғирокни бос!

*Бобош.* Ойи, акамни, акамни ўйлайсизми? Ахир, шу ерда бўлсаям, бўлмасаям, унинг шаънига доғ тушираяпмиз-ку. Яхшиси, сизлар таркалинглар, мен акамни топиб, ўзим уйига олиб бориб қўяман.

*Чўлпон.* Ахир, мен онаман. Юрагим шошиб кетяпти. Акангни топмагунимча, ўз кўзим билан уни кўрмагунимча барибир тинчий олмайман.

*Ойнурининг қўшиларидан бири – тўрхалта кўтарган семиз ўрта яшар киши ҳарсиллаб зинадан кўтарилиб, гўё трамвайда одамлар орасидан ўтгандек лоқайд ўтиб, «22» рақамли эшикка кириб кетади.*

*Ойнури (ўзича, аста).* Қизик, Чўлпон опада ҳам меҳрдан қолган экан, а.

*Бобош.* Билиб қўйинг, ойи, ҳар ким севган ошини ичади.

*Чўлпон.* Маҳмаданалик қилма! Нариге тур, мен ўзим қўнғирок қиламан.

*Отажон (Чўлпоннинг йўлини тўсиб).* Чўлпон Пўлатовна, қўнғирок қилишни сизга маслаҳат бермайман. Мабодо шу қўнғирок туфайли бирор қорихол юз бергудек бўлса, бутун масъулият сизнинг зиммангизга тушади, чунки иккимиз ҳам бир одамнинг одамларимиз. Замонавий бир мақолда айтилганидек, туёғига туртсанг, шохи зириллайди, қисирлайди, демак, бу гап айланиб Келган Ўтаровичга ҳам етиб боради. Худо кўрсатмасин, мабодо шундай бўлиб қолсами, унда ким деган одам бўламиз. Сиз бунга нима дейсиз, Йўлдош Ёндошевич?

*Йўлдош.* Фикрингизга тўла қўшиламан, Отажон Тошевич. Келган Ўтарович: «Ёшларни ими-жимиди тинчитиб, муросаи мадорага келтириб қўйиш ўрнига, ярани газак олдирибсизлар, яхши иш қилмабсизлар» дейишлари турган гап. Қолаверса, эл-юрт эшитса, бизларни бу ерда кўрса, шаънимизга доғ тушади, обрўйимизга путур етади. Ҳали олдимизда маҳаллий кенгашларга сайловлардек катта имтиҳонлар турибди, яхшиси, тезда тарқалайлик. Жияним Эргаш бугун бўлмаса, эртага албатта уйига кириб боради, эр-хотин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Шундай бўлишига имоним қолди.

*Чўлпон.* Ҳа, масаланинг бу томони ҳам бор экан. Майли, қайтсак, қайта қолайлик.

*Бобош.* Ойи, ҳадеб Келган Ўтарович ҳақида тусмол қилаверманглар. Балки Келган Ўтарович сизлар ўйлагандан бошқа одамдирлар.

*Отажон.* Ҳамманинг гапида ҳам, ҳамма ҳақида айтилган фикрларда ҳам тусмол томонлари бўлмай иложи йўк. Иним, мана сиз ҳам «бошқа одамдир» деб тусмол гап айтдингиз.

*Қундуз.* Бундай узоқ сайр қилишимизни билганимда, енгилроқ куйлак киярдим-а.

**Ойбиби.** Куёвгинам бу ерга келганига сираям ишонмайман. Балки ҳозир ўз уйидадир.

**Хулкар.** Йўк, ойи! Масаланинг мингта томони бўлмайдимиз, мен учун уларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўк. Мен учун муҳими – ўғлимнинг отасини, қонуний эримни ҳозирок топиш! (*Кўнғироқ тугмасини босишга иштилади*).

**Отасон (қизининг йўлини тўсиб).** Шошилмагин, қизим. Аввало яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Сен эса Чўлпон Пўлатовнани, Йўлдош Ёндошевични, мени ҳам ўйла. Эрингни ҳам, қолаверса ўғлингни ҳам ўйла. Гапга қулоқ сол.

**Хулкар.** Қўйинг, дада, йўлимни тўсманг, ҳозир қулоғимга ҳеч қандай гап қирмайди. Мен воқеанинг тагига етиб, масалани узил-кесил ҳал қилишим керак. Ўн йилдан буёққа севмаганга суйкалиб, шунча азоб чекканим етар. Энди бундан буёққа сизларнинг ҳеч бирингизнинг гапингизга қулоқ солмайман ҳам. Шунча чидаганим етар, бас!!

**Ойнури (ўзича).** Хулкарга ҳам осон тутиб бўлмайди.

**Йўлдош, Чўлпон ва Отасон Хулкарнинг йўлини тўсишади, эшик олдида девор бўлиб туриб олишади.**

**Йўлдош.** Эргаш ҳеч қаёққа кетмайди, кетгизгани ҳам қўймаймиз. Бугун бўлмаса эртага ўз оёғи билан уйига кириб боради, мана мени айтди дерсиз, келин, албатта оёғингизга бош уриб боради. Сиздек дилбар хотинини ташлаб ҳеч қаёққа кетмайди, кўнглингизни тўқ қилаверинг, Хулкархон. Сиздан эса фақат сабр лозим. Сабр қилинг, келин, сабр таги олтин.

**Қундуз (ўзининг хўрлик ўтган пайтларини эслаб кетиб).** Ўйлаб гапиряпсизми, дадаси! Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур дейишади. Сабрнинг таги олтин бўлмай ўла қолсин. Бундай пайтларда сабр дегани турган-битгани азоб-ку. Бошимдан ўтган бундай синоатлар. Мен яхши тушунаман. Эргаш топилмагунча Хулкар минг хаёлга бориб, рашк ўтида қовурилади-ку. Унга энгил тутманглар, мен биламан хўрлик нималигини. Сизлар чўчисангиз, мана мен кўнғироқ қилганим бўлсин.

**Йўлдош (хотинининг қўлини тутиб).** Шошилмасинлар, хоним. Аввало яхшилаб, ҳар тарафлама ўйлаб кўриш керак. Қолаверса, эр-хотиннинг ўртасига эси кетган одам тушади.

**Хулкар.** Шундай экан, Йўлдош амаки, нега энди шунча одам мен билан шу ергача эргашиб келдингизлар? Энди бошлаган ишни охирига етказинглар-да!

**Чўлпон.** Масаланинг нозик томони чиқиб қолди-ку, олдинига уни ўйламаган эканмиз-да.

**Хулкар.** Ҳа, сизлар Келган Ўтаровичнинг нима дейиши мумкинлигини ўйлайсизлар-ку, лекин менинг тақдиримни, неварангиз тақдирини, ўғлингиз оиласи тақдирини унутасиз. Йўк, мени ҳеч ким айбга санамайди, мен оилам учун курашяпман, ахир. (*Мутал Бурхоновнинг «Номедонам Чи ном дорад» романини эшитилиб кетади*).

**Бобош.** Ўзи сизларда оила бўлганми?

**Хулкар.** Сиз бўйдоқсиз, сизга ҳали гап йўк... Мен ҳозир масалани бир ёқлик қиламан!

**Отасон.** Оғирроқ бўл, қизим. Ўртада бола бор.

**Хулкар.** Бу гапни минг марта менга айтгансиз, дада.

**Отасон.** Лозим бўлса, яна минг марта айтаман. Элбурутдан ваҳима қилмайлик, куёвим бу ердами, бу ерда эмасми, ҳали аниқ билмаймиз-ку.

**Ойбиби.** Эргашнинг бу ерда бўлишларига сира ақлим бовар қилмайди.

**Кундуз (ўзича).** Аслида енгилроқ кўйлагимни кийсам бўларкан, терлаб кетдим.

**Рухшунос ва ниқобли икки санитар пайдо бўлишади.**

**Рухшунос.** Бизлар етиб келган дастлабки дақиқаларда бу квартирада чироқ ёниқ эди. Кейин чироқ ўчирилди. Демак, қочоқ бемор шу квартирада, дейишга асосимиз бор.

**Чўлпон.** Балки чироқ бошқа квартирада ўчирилгандир, пастдан аниқ билиб бўлмайдими-ку.

**Хулкар.** Йўқ, ойи, ўғлингиз шу ерда, кўнглим, айтиб турибди. (**Бурни билан нафас олади**). Исини ҳам сезяпман.

**Ойнури (ўзича).** О, у ҳам қаттиқ севар экан, ҳеч бундай деб ўйламагандим, хатто хаёлимга ҳам келтирмагандим. Мен бир оиланинг бахтига зомин бўляпманми, а. (**Бошини ушлаб эсим қолади**).

**Чўлпон (тупик ютишига қийналиб).** Гапиравериб томоғим ҳам қакраб кетди. Бир пиёла чой кимни ўлдирибди, а.

**Қўлдош.** Домнинг шуниси ёмон-да, биров билан бировнинг ҳеч бир иши йўқ, ўялапсанми, дард тутиб ётибдими, сен билан ҳеч кимнинг заррача иши йўқ. Боядан бери бу ерда ганғир-гунғур қиялпмиз-у, бутун бошли бир йўлакда биронта ҳам кўшни «нима гап?» деб эшик очмади, заррача қизикмади. Бу ерда оқибат кўтарилиб кетган.

**Йўлдош.** Ака, менимча, биров билан бировнинг иши бўлмагани маъқул. Бизнинг эски маҳаллада шунча одам бировнинг эшиги олдида тўпланиб колсами, бир зумда бутун кўча оёққа туради, тезда дув-дув гап тарқалиб кетади.

**Қўлдош.** Ука, менимча, одамнинг одамга қизикқани маъқул. Ахир, одам одам, а! Унга бефарқ, беписанд қараш мумкин эмас. Домда яшовчилар орасида ўзаро меҳр-оқибат кўтарилиб кетаётганига ачинасан киши.

**Чўлпон.** Оғирроқ бўлинг, Қўлдош Ёндошевич, ахир деворнинг ҳам қулоғи бор, а. Тилга эътибор беринг, деб сизга минг марта тайинлайман-у, барибир бу қулоғингиздан кириб, у қулоғингиздан чиқиб кетаверади. Ўсмай қолиб кетишингизга ҳам аслида ана шу ўйламай гапириб қўйишингиз сабаб бўлган.

**Отасон.** Тилга эътибор – элга эътибор.

**Қўлдош.** Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, Чўлпон Пўлатовна, ўсмай қолишимга нима сабаб бўлгани менга қоронғи-ю, лекин ўзимча тўғриси бўлсам керак, деб ўйлайман.

**Йўлдош.** Дарвоқе, Келган Ўтарович ҳам домда турадилар, а.

**Чўлпон (ваҳм босиб).** Қўлдош Ёндошевич у ердаги домларни мутлақо назарда тутганлари йўқ, бу ердаги домларни кўзда тутиб гапирдилар. Шундай, а, дадаси?

**Қўлдош.** «Дадаси?» Бу сўзни ўттиз йилдан бери эшитмаган эдим, ойиси. Дарвоқе бизлар қонуний эр-хотинмиз, а. Эсимдан ҳам кўтарилиб кетибди-я.

## Пауза

**Отасон.** Кун тартибига қайтайлик.

**Йўлдош.** Дарвоқе, чалғиб кетдик, а.

**Кундуз.** Кечаси салқин тушаркан, шу кўйлагимни кийиб тўғри қилган эканман.

**Ойбиби.** Турдикул уйғонганмикан, боякиш қуруқ пўстакнинг устида ётувди.

**Қўлдош.** Пўстак захни ўтказмайди.

**Бобош.** Дада, ойи, энди қайтайлик.

*Рухшунос.* Чўлпон Пўлатовна, энди бизга рухсатми?

*Чўлпон.* Йўк, ҳали даркор бўлиб қолишингиз мумкин. Майли, машинада дам ола туринглар, лекин ухлаб қолмаслик, хушёр туришлик шарт билан. Бораверинглар.

*Хулкар.* Мен бу квартирага бир кириб, ўз кўзим билан текширмагунимча, ҳеч қаёққа кетмайман. Кетадиганлар кетаверасин. (*Зинага ўтириб олади*).

*Кўлдош.* Манзилга етганга ўхшаймиз.

*Чўлпон.* Мен сизни қизим деганман, Хулкархон, сиз ҳам йўриғимга юринг-да, қизим.

*Отазсон.* Чикқан қиз чийриқдан ташқари. Сиз ҳам гапиринг, ойиси?

*Ойбиби.* Э, менинг гапимнинг салмоғи бўлармиди, ахир мен бу дунёдан дипломсиз ўтаётган бир муштипар бўлсам. Нима ҳам дердим, қайнонанинг измидан чикма дейман-да, қизим.

*Хулкар.* Мен қайнонамга турмушга чикмаганман, эримга турмушга чикқанман. Эрим эса ҳозир мана шу квартирада – сезиб турибман. Мен масалани бир ёқлик қилишим шарт.

*Ойнури (ўрнидан туриб кетади, ўзича).* Йўк, мен ўзим каби бир аёлнинг бахтига зомин бўлишни ис-та-май-ман. (*Эргашга жуда яқин бориб*). Эргаш ака, мен учун омон бўлсангиз бас, узоқдан кўриб юрсам бўлди. Нима бўлсаям пешонамдан кўрдим, эшикни ўзим очаман. (*Эшик томон юради*). Барибир очиб киришади, ундан кўра ўзим очганим яхши.

*Эргаш Ойнурининг йўлини тўсади, иккови бир-бирига узоқ тикилиб қолишади. Ойнури кўзини ерга олиб, Эргашни четлаб ўтиб, эшик томон юради. Эргаш эғнидаги кийимга мағноли бир қараб қўйиб, балкон томон юради. Ойнури эшик томон бораётиб, ўғирилади-да, Эргашга қарайди. Эргашнинг балкон томон бораётганини кўриб тўхтайдди.*

*Ойнури.* Эргаш ака, нима қиляпсиз?.. (*Эргашнинг ниятини сезиб, ваҳм босиб*). Қайтинг, қайтинг деяпман!! (*Балкон томон ўқдек отилади*).

*Тўсатдан ҳаммаёқни зим-зиё зулмат қоплайди, оғир ва кучли сукунат чўқади. Кейин «тез ёрдам» сиренаси узлуксиз эшитилади ва тобора узоқлашиб бориб тинади.*

### *Тўққизинчи кўриниш*

*Саҳна ёришмасдан персонажларнинг гала-говури эшитилади, сўнгра уларнинг ўзи кўришади. Улар касалхона олдидаги майдончада ўзаро дардлашиб, яъни сўзлашиб юришибди, зўё бири иккинчисига бегонадай – танимайди, кўз-кўзга тушса ҳам эътибор бермайди, одам ёлғиз бўлганида ўзини қандай эркин ҳис этса, хатти-ҳаракат қилса, улар ҳам худди шундай қиладилар. Уларнинг гап-сўзи бир-бирига эмас, балки залга қаратилгандир.*

*Чўлпон.* Сени нима қилиб қўйдик, ўғлим?

*Кўлдош.* Бизни не ҳолга солиб қўйдинг, ўғлим?

*Хулкар.* Шундай бўлади деб ҳеч ўйламагандим.

*Ойбиби.* Куёвимнинг иззатини жойига қўярдим шекилли. Бундан ортиқ яна нима қилишим мумкин эди?

*Отазсон.* Битта қайнота бўлса, менчалик бўлар. Соясига кўрпача солардим.

*Йўлдош.* Авлодимизга иснод келтирди Эргаш.

*Қундуз.* Сувоқ юрсанг оқибати вой дейишгани тўғри чикди.

*Бобош.* Ойим билан дадамга жабр бўлди-да.

**Чўлпон.** Чикмаган жондан умид. Балки врачлар ўғлимнинг жонини сақлаб қолишар.

**Кўлдош.** Бир оғиз гапирса ҳам майли эди-я. «Нима демокчийдинг, ўғлим?» деб сўрардим, албатта.

**Хулқар.** Қора сочим ўсиб, қошимга тушди, не савдолар менинг бошимга тушди.

**Ойбиби.** Отарчилар ҳамон ашула қиялганмикан?

**Отажон.** Ортиқча ташвиш бўлди-да. Анталиядан эртага қайтсам бўларкан.

**Қундуз.** Дафн маросимида қора атлас кийсаммикан ёки мошранг духоба кўйлагимни кийсаммикан. Аввал дафн маросими бўлсин-чи, у ёғи бир гап бўлар, хали у тирик-ку.

**Йўлдош.** Топдим: Эргаш вафотини бахтсиз тасодиф деб эълон қилиш лозим. Шунда авлодимиз шаънига доғ тушмайди.

**Бобош.** Мен акамга қойил эмасман. Кимларгадир аччиқ қилиб, кимларнидир гап-сўзидан андиша қилиб, ўз жонига қасд қилди. Бундай маломат тошлари мен учун сариқ чақалик қийматга эга эмас. Ҳаёт деган буюк бир неъмат олдида ҳамма нарса ўтаверсин. Мен ҳеч қачон бировга ҳам, ўзимга ҳам қотиллик қилолмайман – мен ҳаётни севаман.

**Касалхона ичкарисидан бояги санитарларнинг повчаси чиқиб келади.** Ҳамма ўзига келади, хушёр тортади, уни қуриаб олади, савол назари билан унга боқади.

**Новча санитар.** Янгилик бору айтолмайман, ошқор қилиш ҳозирча мумкин эмас, рухсат йўқ, чунки мен бу касалхонадан ойлик олмайман.

**Йўлдош.** Ҳа, бу ердан ойлик олмайсизми? Ҳм, тушунарли. *(Санитарнинг кўлтигидан олиб, саҳна олди томон юради, йўл-йўлакай оқ халатининг ён чўнтагига нимадир солиб қўяди).*

**Новча санитар (Йўлдошнинг қулогига шивирлайди).** Қиз ўлди.

**Йўлдош (ҳаммага).** Қиз ўлибди.

**Новча санитар (баралла).** Ҳа, қизнинг жони узилди. *(Бир чеккага бориб гоз қотади).*

**Аёллар.** Э, бечора...

**Эркақлар.** Сулувгина эди-я.

**Кўлдош.** Тузуккина одамларнинг фарзанди эди, ота-онасини доғда қолдириб кетди. Тезда уларга хабар бериш лозим.

**Яна персонажларнинг гап-сўзи бир-бирига эмас, залга қаратилади.**

**Чўлпон.** Майиб-мажруҳ бўлиб қолсаям, ўғлимнинг жони омон қолса майли эди-я, Яратган эгам, марҳаматингни дариг тутма, қудратингни кўрсат.

**Кўлдош.** Ноумид шайтон, чикмаган жондан умид. Ноумид шайтон.

**Ойбиби.** Турдикулнинг уйқуси қаттиқ, қўй нимталарини мушуклар таракана қилаётган бўлса-я...

**Отажон.** Бу фожиа қизимнинг номига доғ туширмаслиги керак. Қандай бўлмасин шунинг чорасини кўрай.

**Қундуз.** Тузуккина ойлик олиб ишлар экан, роса кўйлақлари ордона қолди деяверинг.

**Йўлдош.** Сулувгина нарса экан, увол кетди. Сабаби – ҳаётга муҳаббати бўлмаган, бошида бўлган бўлсаям, бора-бора сўниб битган. Агар менга ўхшаш ёки лоақал Бобошга ўхшаш йигитлар жилла курса бир кунгина унга дуч келгандами, ўзини бундай нобуд қилиб кетмасди. Унда ҳаётга муҳаббат уйғотиб қўярдик.



**Бобош.** Эркак ва аёл ўртасидаги муҳаббат кучлими ёки бўлмаса, ҳар бир кишининг ҳаётга бўлган муҳаббати кучлими? Менимча, ҳаётга бўлган муҳаббат кучли. Тўғри-да, тирик бўлсанг, муҳаббат ҳам туғилаверади. Униси бўлмаса, буниси-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами... Демак, акам тузатиб бўлмас хатога йўл қўйди. (*Моцартининг 20- симфониясидан парча эшитилиб кетади*).

*Касалхона ичкарасидан пакана санитар чиқади. Ҳамма уни қуриаб олади, унга савол назари билан тикилади, савол сўрашга оғиз жуфтлашади-ю, лекин даҳшатли жавоб эшитишдан чўчиб, индашмайди.*

**Пакана санитар.** Унчалик катта янгилик йўк, ҳатто оғиз очиб айтишгаям арзимади.

**Чўлпон.** Ўйлаб гапиряпсанми, ўртоқ санитар? Бундай пайтлардаги бир оғиз сўз, оддий ҳолатлардаги минг оғиз гапдан кадрлидир.

*Пакана санитар.* Чўлпон Пўлатовна, янгиликни аввало фақат сиз эшитишингиз мумкин. (*Чўлпонни қўлтигидан олиб, четга олиб чиқади. Ёнидан қозғоз олиб, авторучка билан бирга Чўлпонга тупқасади*). Ариза, яъни янги машинага рецепт, агар сиз бунга туман депутати сифатида қўл қўйсангиз, «Нексия» олишим албатта тезлашади.

**Чўлпон** (*таажжубланиб*). Санитар, «Нексия»... (*Қозғозга қўл қўйиб беради*).

*Пакана санитар* (*қозғозни авайлаб қўйиш чўнтагига солиб, оёқ учида туриб, бўйинини чўзиб, Чўлпоннинг қулогига шивирлайди*). Йигит жон беролмай қийналяпти, лекин ўлиши аниқ.

*Чўлпон беҳушланиб, пакана санитарга суяниб қолади, Бобош ва Қўлдош тез етиб келиб уни қўлтиқлаб олишади, скамейкага ўтказишади.*

**Ҳамма.** Нима? Нима гап ўзи?..

*Пакана санитар.* Йигит ҳамон тирик. (*Бир оздан кейин*). Лекин ўлиши аниқ. (*Новча санитарнинг ёнига бориб, гоз қотади*).

*Хулқар пакана санитарнинг совуқ гапини эшитибоқ, беҳушланиб, гандираклаб қолади. Отажон ва Ойбиби уни суяб, скамейкага – Чўлпон ёнига олиб бориб ўтказишади, икковини Ойбиби қўли билан елпийди.*

**Ҳамма яна ўзича гапиреди, хатти-ҳаракат қилади.**

**Қўлдош.** Учинчи қаватдан – мирзатерак бўйи баландликдан ўзини асфальт устига отади-ю, энди одам бўлармиди, тирик қолган тақдирда ҳам, бир умрга ногирон бўлиб қолиши турган гап. Ундай тирик товон, нотовон эркакнинг боридан йўғи яхши.

**Ойбиби.** Бундай пайтда қандай дуо қилишни билмай қолар экансан, киши. Янгичасига «ҳокимлар шифо берсин» дейишнинг фойдаси йўк, чунки барибир улар қўлидан шифо бериш келмайди. «Азиз-авлиёлар»га эса ишонмай қўйганмиз. Ҳақиқатанам ора йўлда қолибмиз... Қизим ўзига ўзи қилди, эрини авлиё деб билмади.

**Йўлдош.** Жияним аҳмоқлик қилди, ҳаётнинг қадрига етмади. Шундай гўзал хотинини бегоналарга ташлаб кетди-я. «Сен яхши» деб сочини силаб, кўнглини овлаб, кўнгилхушлик қилиб юравермайдими. Хотинга тенг келиб, унга ачиқ қилиб бўларканми. Хотинга аёл киши дебгина қараш керак, тамом вассалом. Хулқар ҳам шундай эрнинг қадрига етолмади, мана энди эрсиз роса қийналади. Бева хотин беҳимоя бўлади. Ишқилиб, қўлма-қўл бўлиб кетмасинда, авлодимизга иснод келтиради. Агар жиянимнинг хотини бўлмаганда, ўзим химоямга олардим.

**Кундуз.** Беандиша эримнинг кўнгли ҳалитданок Хулқарга ҳам суёт кетаётганга ўхшайди, бузук ният билан қараб-қараб кўйяпти.

**Кўлдош.** Гўримга тушасан деб ўйламагандим.

**Чўлпон (ўзига келиб).** Эр-хотиннинг ҳадеб уришавериши яхшиликка кўринмайди дейишарди-я...

**Хулқар (ўзига келиб).** Ўтган умр қайтиб келмайди-да. Бўлмаса...

**Ойбиби.** Эр-хотиннинг лойи бир жойдан олинмаган, уриш-жанжалнинг бош сабаби ана шунда.

**Бобош.** Хотини билан уришиб, асабий бўлгандан кўра бошқа аёл билан кўнгул хушлагани минг марта яхши.

**Касалхона дарвозаси ён томонга бир метргача сурилади-да (дарвоза автоматик тарзда сурилиб очилиб-ёпилади), ичкаридан Рўхшунос чиқади. Ҳамма уни қуришаб олади, савол назари билан қарайди, лекин савол беришга чўчийди, даҳшатли жавоб эшитишни истамайди.**

**Рўхшунос.** Уларга икки соатгача тегиб бўлмайди... қотиши керак. *(Санитарлар ёнига бориб гоз қотади).*

**Ҳамма гарангсираб туради.**

**Ойбиби (гапни биришчи бўлиб илғаб, ўзича).** Гапинг бунча совуқ бўлмаса, ҳе турқинг қурсин, жинчилар билан ишлайвериб, ўзинг ҳам жинчиларга тенглашиб қолибсан.

**Кўлдош (ўзича).** Етиб келган манзилимиз ўғлимнинг ўлими бўлди, етолмаганимизда-ку, ўғлим ҳалок бўлмасди.

**Йўлдош (хотинига аста).** Нима бўлибди?

**Кундуз (эрига).** Дард бўлибди, бало бўлибди, ўйнаши билан кўшмозор бўлибди. Мана, саёқ юришнинг оқибати, сиз ҳам энди эҳтиёт бўлинг.

**Йўлдош.** Кўп алжираманг, хоним.

**Оталсон (ўзича).** Эртага келганимда-ю, бу ташвишлар йўқ эди-я. Энди то гўрга тикмагунимизча менга ҳам тинчлик йўқ, бугун уйку ҳам ҳаром бўлди деяверинг.

**Кўлдош.** Ҳеч ишонгим қелмайди-ю, лекин ишонишга мажбурман, а...

**Йўлдош.** Бандалик, ака, ўлим ҳақ. Умри қисқа экан, иложимиз қанча.

**Ойбиби.** Бояқишларнинг лойи бир жойдан олинган бўлса-да, чала тақдир экан.

**Чўлпон (мана энди жудаликни тўла ҳис этиб).** Войдод!! Дод! Дод! Дод! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, ўғлим!! Онангни ташлаб қайларга кетдинг, ўғлим! Энди мен қандай чидайман! Ўғлингга нима деб жавоб қиламан. Онанг ўлсин, ўғлим!

**Хулқар (уввос солади).** Вой паҳлавоним! Вой қарчиғайим! Энди ким билан айтишаман. Кимга сўзимни ўтказаман. Ўзимники деб сизга эркалик қилардим. Ўғлингизга нима дейман! Вой шунқорим...

**Бобош (ўзича).** Мана шунақа. Йиғлаймиз, сиктаймиз, кейин овуниб кетамиз, ўлган одамга кийин. Энг алам қиладиган жойи шундаки, акам бизларга нима демокчилигини билолмай қолдик, гапини ўзи билан гўрга олиб кетди. Балки у бизга айтмоқчи бўлган гапларни биз унга айтиб келгандирмиз, унинг тилидан биз сўзлаб келгандирмиз, аслида мазмунан бир гап бўлса-да, унинг эмас, бизнинг оғзимиздан чиққандир.

**Ойбиби (ўзича).** Энди икковиниям тилка-пора қилмагунча уйга бермайди. Касалхонада ўлганининг шуниси ёмон-да.

**Отасон.** Азизлар, бўлган воқеани овоза қилмайлик, бахтсиз тасодиф деб кўяқолайлик. Ахир, Ойнури Эргашни ушлаб қоламан деб йиқилиб кетибди-ку. Фожа тепасида бўлганимни, бўлганимизни ҳам тилга олманглар. Акс ҳолда Келган Ўтаровичнинг қулоқларига етиб борса, шаънимга...

**Йўлдош (тузатиш киритиб).** Шаънимизга...

**Отасон.** ...тўғри, ...хаммамизнинг шаънимизга яхши гап бўлмайди. Ўлган ўлиб кетди, энди қолганларнинг ғамини еяйлик.

**Бобош (ўзича).** Яна Келган Ўтарович! Буларнинг қон-қонига сингиб кетибди Келган Ўтарович. **(Дадасига).** Булар Келган Ўтаровичсиз нима қилишаркин, қандай яшар эканлар?

**Қўлдош (ўзига).** Бошқасини топишади.

**Чўлпон.** Тўғри, бу гапларда жон бор. Хаммамиз бир одамнинг одамларимиз, бир-биримизни суяшга мажбурмиз, суямасак, йиқилаётганимиз йиқилиб кетади, унга суяниб тургани ҳам қулайди, шу тариқа бир одамнинг одамларидан номнишон қолмайди.

**Бобош (ўзича).** Ана, ҳозиргина айтмадимми...

**Хулқар (эрининг ўлганини ҳамон тани олмай).** Эрим нега ўлади, ким ўлдирди уни? Қотил ким? Қотил **(Отасонга)** сиз, **(Ойбибига)** сиз, **(Қўлдошга)** сиз, **(Чўлпонга)** сиз, **(Йўлдошга)** сиз, **(Қундузга)** сиз!

**Бобош.** Йўқ, ўзингиз!!!

**Қўлдош.** Йўқ, қотил – мен! Мен табиат ҳукмига қарши борибман, эркак қилиб яратилган бўлсам-да, оилада аёл бўлиб келибман. Менинг фожиам ана шунда. Эрига эр деб қарамаган, эри билан фахрланмаган хотин ҳам бахтсиздир. **(Касалхона томонга қараб).** Эргашим! Ўғлим! Нури дийдам! Ҳатто ўз уйида ҳам оилавий ҳокимиятини ўрната олмаган лапашанг дадангни кечир, болам! Эрлик, эркаклик, оталик ва ҳаттоки одамийлик ҳуқуқини ҳимоя қилолмаган журъатсиз дадангнинг гуноҳидан ўт, ўғлим! Гўримга тушган ўғлим!! **(«Қаро кўзим» куйи эшитилиб кетади).**

**Йўлдош (Отасоннинг қулоғига).** Нима демоқчи бўлган экан, а?

**Отасон** (жон-жон деб қулоқ тутиб). Барчин Эркиновнами? **(Қизиқ гап эшитиш умидида бўйинини чўзиб, Йўлдошга қулоқ тутиб тураверади).** Ким?

**Йўлдош.** Эргаш...

ПАРДА

ТАМОМ



Алишер Навоий — Фоний

## Рубоийлар



Жонбахш лабларларингга минг жоним фидо,  
Атрингга, ёр, руҳи равоним фидо,  
Нозингга ошкору ниҳоним фидо,  
Хоки пойингга бор жаҳоним фидо.



Мафтун-маҳдиёман то сенга жонон,  
Қўзим ёши дарё, жигар-бағрим қон,  
Во дариғ, афтода ҳолимга ҳайрон,  
Ҳатто қуш, балиқлар йиғлагай ҳар он.



Ҳажрингда насибам изтироб бу тун,  
Жоним чиққудай айлар шитоб бу тун,  
Фироқинг бағрим ўртар итоб бу тун,  
Ҳолимга раҳм қил, моҳтоб бу тун.



Минг жафо ёғдурса гар чархи фалак,  
Золим замон зулми гар қилса ҳалак,  
Вафо ваъда қилса малика-малак,  
Бошим зулфи каби пойида палак.



Дил борми, ёр, зулфингга банд бўлмағай,  
Ё жон ҳажрингда кишанбанд бўлмағай,  
Дилинг маним, сенинг ҳарчанд бўлмағай,  
Ҳеч жон йўқ ишқингга пайванд бўлмағай.



Танг қилар аҳволим хипчабел ниҳол,  
Қаро зулфинг айлар хастадан, беҳол,  
Қоматинг қасд қилар умримга, алҳол,  
Лабларинг болидан жонда йўқ ҳеч ҳол.



Кўзингдан минг афсун топар минг ривож,  
Бобилу Кашмирдан олар минг бир бож,  
Айёр бошдан тож олиб қилса тарож,  
Тандан бош оларсан бамисоли тож.



Ул ошиқ ишқи мулки обод бўлгай,  
Ақлу ҳушдин буткул гар озод бўлгай,  
Манманлик қилган ҳар кас барбод бўлгай,  
Яхшилик даъвоси рад, ношод бўлгай.



Тонг отди, то ҳануз сендан йўқ нишон,  
Сен кетдинг, самода хуршид нурафшон,  
Қон қилар юрагим бу ҳолат, ишон,  
Кеч келиб, тез кетиб қолишинг, жонон.



Мен хастага дилбардан келди нома,  
Меҳр, муҳаббатга тўла дилнома,  
Йиғлатди, ҳайҳот, бу мактуб раҳнома,  
Тўкилдим номага ёшдай тома-тома.



Бўстон ичра кезар боди навбаҳор,  
Сархуш айлар нофаи чин беғубор,  
Наргис кўзларида изингдан ғубор,  
Ғунчага шодлигин этмиш у изҳор.



Сен кетган лаҳзадан бетобман-бетоб,  
Фикру хаёлинг-ла кўз ёшим ҳубоб,  
Дарду ишқинг билан жисму жон кабоб,  
Кел, эй ёр, то буткул этмагил хароб.



Во дариғ, паришон, паришон кўнгил,  
Ҳар бир аъмолидан пушаймон кўнгил,  
Ақлу ҳуш бегона нотавон кўнгил,  
Нотавонлигидан лол-ҳайрон кўнгил.



Жавр этса аҳли даврон, қилма исён,  
Тақдирга тан бериб, шукр қил, ҳар он,  
Беъмани сўзлама, токи, бор имкон,  
Тинглама бемаъни гап ҳам ҳеч қачон.



Истасанг бўлмоқни гар аҳли ҳавас,  
Ўзинг ҳар жоҳилдан халос эт, халос,  
Не ажаб, ёр бўлса эътиқод, ихлос.  
Мақоминг айласа хос аҳлига мос.



Эй дарвеш аҳлидан ҳиммат кутган зот,  
Авалло, уларга қилгин илтифот,  
Ғариб кўнгилларни обод этсанг бот,  
Не ажаб, сенга ҳам бўлса кўш қанот.



Юзида минг парда, минг ҳижоб бу хат,  
Дема: Ҳеч муаттар мушки ноб бу хат,  
Шомдан офтобга нидо – хитоб бу хат,  
Қиёси йўқ гўё нақши об бу хат.



Сен боис зор жисми нотавоним шод,  
Жамолингдан чашми хунфишоним шод,  
Адл қаддингдан руҳи равоним шод,  
Жонбахш лабларингдан, эй ёр, жоним шод.



Во дариғ, оташи ҳижрон ичраман,  
Бошдан-оёқ ашки ғалтон ичраман,  
Гар чора ахтардим имкон ичра ман,  
То ҳануз оташу уммон ичраман.



Дилда дарди ишқнинг минг бир доғи бор,  
Минг доғдан иборат минг бир боғи бор,  
Минг доғ билан маъмур сўлу соғи бор,  
Яна минг битта доғ қўйиш чоғи бор.



Офат жонга, эй ёр, доми фироқнинг,  
Мисли заҳар-заққум жоми фироқнинг,  
Висолинга етказса шоми фироқнинг,  
Дилдан ўчар мангу номи фироқнинг.



Дарди ишқ ою йил ягона аъмол,  
Ишқинг ила қалбим топади камол,  
Ҳажрингдан дўзах ҳам зиёда, алҳол,  
Яйрасам, не ажаб, топгандек висол.



Бошим узра, эй ёр, афсари ишқинг,  
Қалбим ичра пинҳон гавҳари ишқинг,  
Афсари ишқ берган кишвари ишқинг,  
Ёндирар дур-гавҳар ахгари ишқинг.



Ҳар зуҳду зохиддин уз кўнгил, эй дил,  
Дайру фано ичра туз манзил, эй дил,  
Мутриб-май билан мақсад ҳосил, эй дил,  
Мақсадга салосил бўл восил, эй дил.



Кимлигим ҳеч билолмай зорман,  
Неман, недан, не учун борман,  
Одамманми ё хок-ғуборман,  
Асли наслим билмай бедорман.



Эй пари, ҳажрингда танда жон нетар,  
Оламини фарёддим, не тонг, маҳв этар,  
То пари-пайкарим олислаб кетар,  
Кулфати ҳижрони бошимга етар.




Хўтан шаъми айлар ҳар кечанг гулшан,  
Кун бўйи бош узра порлар офтоб шаън,  
Шом чўкса моҳитоб машъала-маъшан,  
Умринг чироғи шу тариқа равшан.



Ой юзинг бамисли кавкаби жаҳон,  
Муаттар атринг, ёр, жамбилу райҳон,  
Ошиқлар оҳидай сим-сиё, жонон,  
Сочи сунбулингсиз ҳолим танг, инон.

Форсийдан Абдуҳамид  
ПАРДА таржимаси



## ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН БИТИКЛАР

Матёкуб Қўшжонов

### ХIII–ХIХ АСР ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИ

Қўлёзма манбалар, шунингдек, Хоразмда узоқ йиллар олиб борилган археологик тадқиқотлар ва шу асосда яратилган илмий асарлар милоддан аввалги IV–III асрлардаёқ Хоразмда ўзига хос маданият тараққий этганлигидан далолат беради. Илм оламида бу маданият «Калтаминор маданияти» деб аталади. «Калтаминор маданияти» Ўрта Шарқ ва Узоқ Шимол мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Маданиятнинг бир қисми бўлган адабиёт ҳам ўз даврида тараққий этгани, шубҳасиздир. Бу даврга ва милоднинг бошларига тегишли адабиёт намуналари кўпроқ афсона ва қиссалар шаклида намоён бўлган. Узоқ ўтмишда яратилган бу афсона ва қиссалар мазмуни тарихчиларнинг асарларида, шунингдек, ўрта аср бошларида яратилган Шарқ манбаларида, хусусан, Беруний китобларида сақланган ва бизгача етиб келган. Мазкур манбаларнинг далолат беришича, милоднинг бошларида Хоразмда ёзма адабиёт ҳам мавжуд бўлган. Бироқ, Беруний таъкидлаганидек, араб истилоси даврида Хоразмнинг барча маданий қадриятлари, шу жумладан, Хоразм ёзуви ҳам йўқ қилиб юборилган, китоблар ёқилган.

Милоднинг бир минг йиллиги охирларида Хоразмда адабий ҳаёт яна тараққийёт палласига кирган. Бу

даврдан бошлаб, умуман, барча асарлар, шу жумладан, адабий асарлар ҳам араб тилида битилган. Ўша давр адабий асарлари билан бугун ҳам танишиш имкониятига эгамиз. Асосан илмий асарлар битган Беруний ёзувларида айрим афсона ва қиссалар маъноси, сюжетига тегишли маълумотлар берилади. Фикримизча, уларни ҳам бевосита адабиётга алоқадор деб ҳисоблаш керак. Бу тараққийёт сосонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади.

Фаластинлик олима Хусайн Тоҳонинг «Хоразм ўлкасида араб тилида адабий муҳит» деб аталган илмий ишида Хоразмда яшаб ижод этган ўн бешга яқин шоиру адибларнинг шеърий, насрий асарлари тадқиқ қилинган. Таҳлил объекти сифатида келтирилган қатор намуналар ўрта аср бошларида Хоразмда адабий ҳаёт қизгин кечганидан далолат беради. Хусайн Тоҳо китобида Замахшарийнинг ўттиздан ортиқ шеърлари таҳлил қилинган. Бундан, Замахшарий биринчи араб грамматикаси ва изоҳли луғатини яратган, табиий фанларга тегишли ўнлаб китоблар битган олимгина эмас, балки Хоразмда адабий ҳаёт тараққийётига катта ҳисса қўшган шоир эканлиги ҳам маълум бўлади. Замахшарий яратган луғатнинг бир қисми туркий сўзларга бағишланган.



Замахшарий (1075–1144 йиллар) Хивага яқин кичик бир шаҳарчада туғилган. Бу шаҳар харобалари ҳозиргача сақланиб қолган, маҳаллий аҳоли уни «Измухшир» («Измиқшўр») деб атайди.

Ўша даврга тегишли бошқа бир улуғ сиймо Шайх Нажмиддин Кубродир (1145–1221 йиллар). У Хивада туғилган. Бошланғич маълумотни шу ерда олган. Шунга асосан уни ал-Хивақий, ал-Хоразмий деб ҳам юритишган. Унинг исми Аҳмад ибн Умар бин Муҳаммаддир. У ёшлигидан ҳаёт ва руҳ сирларини англашга қизиқади. Илмий баҳсларда ўзининг қобилиятини намоиш қилади. Ўз истеъдодини ҳис қилган ёш Аҳмад бир неча йиллар Эрон ва Араб мамлакатларида машҳур уламолардан сабоқ олиб, «Томматул кубаро», яъни, «уламоларнинг етуғи», деган унвонга сазовор бўлади. Қирқ ёшларида Хоразмга қайтиб келиб, кубровия тариқатини яратади.

Бу улуғ зот фақат тасаввуф таълимотини ўз кароматлари орқали тарғиб қилиш билан чекланмасдан, уни илмий рисоалари, шунингдек, шеър, хусусан, рубоийларида ҳам асослаб берган. Рубоийларида асосий мавзу – илоҳий маърифат, «нафс ити»дан сақланиш, сўфиёна кечинмалар, дард ва ҳажонлар ўз аксини топган. Унинг таълимотига кўра, бор, яъни, кўзга кўринадиган нарсалар емирилиши, йўқ бўлиши мумкин. Йўқ, яъни, кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг борлиги ҳам шубҳасиздир. Шу йўсинда у кўзга латиф – кўринмайдиган дунё, илоҳий кучларнинг ва руҳнинг мавжудлигини тасдиқлайди. Ақл зоҳирий нарсаларни билиши мумкин. Моҳиятни эса қалб ҳис қилади. Шахс илоҳий кучнинг моҳиятини билишга қобил бўлса, у етуқдир. Бу ерда гап «нафс» масаласига бориб тақалади. Етуқликка эришиш учун «этакни жаҳондан тортиш керак».

Шайх Нажмиддин Кубро ўз асарларида ошиқликни улуғлайди. Унинг назарида ошиқ дарддидир. Энг

буюк дард яратганга етишиш, Ҳақни танишдир. Бу – Нажмиддин Кубро рубоийларидаги бош масала. Ҳатто инсонга хос мардлик ва жасорат ҳам ишққа боғлиқ, ишқи бор одам мард бўлади. Нажмиддин Кубро бунини ўз ҳаётида исбот қилди. Чингизийлар Хоразмга босиб кирганда, халққа бош бўлиб, қўлида қурол билан жангга кирди. 75 ёшдан ошган бу улуғ зот оддий жангчи сифатида жанг майдонида шаҳид бўлди.

Нажмиддин Кубронинг муборак қабри Кўҳна Урганчда. Онаси Биби Ҳожарнинг мақбараси эса Хива шаҳри ёнидаги Сайёт қишлоғида ҳанузгача сақланган ва зиёратгоҳга айланган.

Нажмиддин Кубро одам ва илоҳиёт сирларини англаш, уни тарғиб ва ташвиқ қилиш йўлида жасорат кўрсатиб, келажак авлодларга сабоқ бўларли сиймолардан бири сифатида тарихдан ўрин олди.

Чингизхон истилоси халқнинг иқтисодий, маънавий ҳаётига жиддий путур етказди. Шу жумладан адабиёт ва илм-фан ҳам бу истилодан катта зарар кўрди. Кўплаб уламо ва шуаро, илм аҳли истило туфайли бу диёрдан бош олиб кетди. Шу боис қарийиб бир аср давомида ижоднинг бирон-бир тури билан банд бўлган йирик сиймолар деярли учрамади. Фақат XIV асрга келиб Хоразм илмий ва адабий ҳаётида яна жонланиш юзага келди. Ўтмишда бадий асарлар кўпроқ араб ва форс тилларида яратилган бўлса, энди туркий тилда ҳам ижод қиладиганлар кўзга ташлана бошлади. Бунинг илк намунаси Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидир.

Хоразмий XIII аср охири–XIV аср бошларида яшаган, асосан, форс тилида ижод қилган. Бироқ, у «Муҳаббатнома»ни, ерли амалдорлардан бирининг таклифига биноан, туркий тилда ёзган. Манбаларда кўрсатилишича, Хоразмийнинг тўлиқ номи маълум эмас. «Хоразмий» унинг тахаллуси деб қабул қилинган.

«Муҳаббатнома» номалар шаклида яратилган, ошиқнинг

ўз маъшуқасига йўллаган ўнта номасидан иборатдир. Ҳар бир нома ўзининг композицион хусусиятларига эга. Уларда севгилининг хусн-жамоли, висол иштиёқи, лирик қаҳрамоннинг муҳаббат изтироби тасвирланган. Номалар асосан соқийга мурожаат билан яқунланади. Шу йўсинда ёр билан бир қаторда сўфиёна «май» образи ҳам яратилади. Бу жиҳатдан «Муҳаббатнома»да Умар Хайём билан ҳамоҳанглик ҳам йўқ эмас. Ошиқ маҳбубасига мурожаат қилиб, Тангри «сени дилбар, мени ошиқ яратти», дейди. Бу – «Муҳаббатнома»нинг асосий лейтмотиви. Шу билан баробар «Муҳаббатнома»да тасаввуфга хос мажозий ошиқлик белгилари ҳам кўзга ташланади.

«Муҳаббатнома» шаклида асар яратиш Шарқда маълум анъана бўлиб, туркий тилда бу жанрнинг асосчиси Хоразмийдир. Шу боис у фақат туркийзабон ижодкор сифатидагина эмас, балки нома шаклидаги биринчи асарни яратган шоир сифатида ҳам ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутди.

Яна бир ижодкор – Носириддин Бурҳониддин Рабғузий фаолияти XIII аср охири – XIV аср бошларига тўғри келади. У ҳақда тарихий маълумотлар деярли йўқ. Фақат унинг ўз асарига ёзган сўзбошисидан, асли ўғизлардан эканлиги Хоразмнинг Работ қишлоғида туғилиб ўсганлиги маълум бўлади. Шу асосда у ўзига «работли ўғиз» маъносидан Рабғузий деган тахаллус олган.

«Муҳаббатнома» – шеъринг асар. Рабғузий яратган «Қиссаси Рабғузий», бошқача айтганда, «Қиссасул анбиё» насрий асардир. Бу жиҳатдан Рабғузий адабиётга янги йўналиш олиб кирган ижодкорлардан бири ҳисобланади.

Рабғузий қиссалар мажмуасини яратишда кўпроқ Қуръони каримдан ва унинг тафсиридан фойдаланган. Асар кўпроқ пайғамбарлар, пайғамбар даражасига кўтарилган подшолар ҳақидадир. Пайғамбарлардан Нух, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо, Яъқуб,

Муҳаммад алайҳис-саломлар асарнинг асосий қаҳрамонлари. Уларнинг бошларидан ўтган айрим саргузаштлар, бошқаларга ибрат бўладиган ҳодисалар асарда талқин қилинади. Улар орасида Идрис, Довуд, Сулаймон пайғамбарлар қиссасига, Юсуфу Зулайҳоларнинг муҳаббат саргузаштларига кўпроқ ўрин берилади.

Адиб мазмун эътибори билан Яратганни улағлайди. Тангрининг ердаги элчилари – пайғамбарларнинг асосий ҳолатларини ёритади. Шу маънода у ислом дини ва шариатнинг фазилатларини тарғиб ва ташвиқ қилади.

Асарда ибрат бўларли бир ҳислат бор. У одамийликни, меҳнатни улуғлайди. Довуд пайғамбар халқ орасида пинҳона юриб, подшолик, яъни, ўзининг фаолияти ҳақидаги фикрларни ўрганади. Бундан ташқари у пайғамбару подшоликдан бўлак, бирор ҳунар эгаси қилишни Худодан илтижо қилади. Унга Худойи таоло темирчилик касбини ато этади.

Сулаймон пайғамбар эса фақат тахтга ўтиргандагина подшолик либосини кияди, бошқа пайтларда оддий кийимда халқ орасида бўлади. Унинг касби кори бор, буш вақтларида новдадан сават тўқийди, замбил ясайди. Ўз-ўзидан хулоса чиқади: пайғамбару подшоларнинг мартабалари қай даражада баланд бўлмасин, бошқалар қатори қандайдир бир ҳунарни ўрганиб меҳнат қилиши керак.

Сулаймон пайғамбар бутун инсу жинс подшоси. Рабғузий Сулаймон пайғамбар фаолиятининг бу томонига эътиборни алоҳида қаратади. Бинобарин, Сулаймон пайғамбарнинг бойқуш билан суҳбати ибратлидир. У бойқушдан: «Нима учун сен вайронани яхши кўрасан, одамлардан бекиниб юрасан?» деб сўраганда, бойқуш жавоб беради: «Одам фарзандларининг бир-бирларига қиладиган зулмидан кўрқаман». Бу ривоят катта ижтимоий маъно касб

этади. Муаллиф жамиятнинг ҳур ва эркин бўлиши ғоясини олға суради.

Нух пайғамбарга бағишланган қиссада илон, ари ва қалдирғочга тегишли ҳикоят ҳам ўта ибратлидир. Бу ҳикоятнинг мазмуни бундай: Нух пайғамбар ўз қавмларини, даррандаю парранда ва бошқа жониворларни солиб, тўфондан сақлаб олиб кетаётган кемани сичқон тешиб кўяди, тешикни илон беркитиб, кемани ғарқ бўлишдан сақлайди. Бунинг эвазига Нухдан энг ширин нарса сўрайди. Нух ширин нарса нима эканини билиб келишга арини юборади. Ари қайтиб келаётганда қалдирғоч учраб, нима ширин экан, деб сўраса, ари: одам гўшти, дейди. Қалдирғоч ари бу хабари билан келтирадиган фожеани англаб, қани тилингдан мен ҳам татиб кўрайчи, деб унинг тилини узиб олади. Сўнгра булар Нух олдига келишади. Ари ғўнғиллаб Нухга жавоб айтолмай турганида қалдирғоч, энг ширин нарса қурбақа эмиш, дейди. Шундан буён ари ғўнғиллайди. Илонга эса қурбақа буюрилган. Қалдирғоч хайрли хизмати учун одамлар орасида, уларнинг уйлари пештоқига ин кўяди. Бу ҳикоят кучли мажозий маънога эга. Бу – гуманистик маъно. Яъни, ҳар бир ҳолатда ҳам инсон – улуғ. Жаҳон адабиётида ҳайвонларнинг инсонга вафодорлиги акс эттирилган асарлар кўп бўлиб, Рабғузий қиссасида келтирилгани ҳикоятларнинг дастлабкиларидандир.

Ҳажм жиҳатидан анчагина катта бўлган «Қиссасул анбиё»да шу хилдаги ривоят ҳикоятлар анчагина. Бу адибнинг диний манбалар билан баробар халқ оғзаки ижодида учраб турадиган сюжетлардан ҳам фойдаланганини кўрсатади. Хуллас, Рабғузий ислом динини ва шариатнинг айрим томонларини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан бирга инсонни улуғлайди. Инсоннинг касб-кори, унинг жамиятда тутган ўрни хусусида сўз юритади. Бу асар асрлар давомида авлодларнинг савод чиқаришига, камол топишига катта ҳисса қўшган.

XIII–XIV асрлар Хоразм адабий муҳитида аксарият икки тилда – ҳам туркий, ҳам форсийда ижод қилинган. Адиб ва шоирлар баъзилари кўпроқ туркий тилда ижод қилиб, баъзи асарларини форсийда яратган. Айрим ижодкорлар асарларини асосан форсий тилда битганлар. Паҳлавон Маҳмуд шу хилдаги ижодкорлардандир.

Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хивага яқин Қиёт қишлоғида туғилган. У асли ҳунармандлар табақасидан. Пўстиндўзлик билан шуғулланган. Шу жиҳати билан у ҳунармандлар табақасига мансуб ижодкордир.

Паҳлавон Маҳмуднинг бошқа ижодкорлардан ажралиб турадиган бир хислати бор. У елкаси ерга тегмаган Паҳлавон. Бу жиҳати билан у бутун Шарққа маълум. У эл кезган, дунёни кўрган, яхши-ёмонга дуч келган. Ҳаётдан олган сабоқлари ҳамда мушоҳадаларини замондошлари ва келажак авлодга етказиш эҳтиёжи уни қалам тебратишга даъват этган.

Ҳар хил пайтларда ёзилган тазкираларда Паҳлавон Маҳмуднинг «Канз ул-ҳақоийқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») маснавийси қайд этилади. Бу маснавий шоир ҳаётга ўз муносабатини изҳор этган кўламли асардир.

Паҳлавон Маҳмуд кўпроқ рубоийлари билан машҳур. У ҳар бир рубоийсида олам-олам фикр ва мушоҳадаларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилган. Уларда саховат, шафқат, раҳмдиллик, мардлик, жасурлик, инсонлик ғурурини сақлаш ғоялари акс этади. Унинг назарида, ҳақиқий мардлик куч-қудратда эмас. Мардлик – кучга эга бўла туриб, ўзини камтар ва хоксор тутиш, ожизларга доим ёрдам кўлини чўзишдир. Бу унинг бош фалсафаси эди.

Ўз ихтиёринг билан иш битказиш, ҳаётда бошқаларга суяниш эҳтиёжини ҳис қилмаслик мардликнинг белгиларидир. Бу Паҳлавон Маҳмуд рубоийларида акс этган ғояларнинг мағзидир. Унинг назарида йиқилганни

тепиб ўтиш мардлик ҳисобланмайди. Аксинча, йиқилганга қўл чўзсанг, бу – мардлик. Унинг рубоийларига хос бу фалсафа жўмардликни улуғлабгина қолмай, балки шоир ижодига хос инсонпарварлик ғояларини ҳам акс эттиради.

Паҳлавон Маҳмуд рубоийларида жавонмардликнинг талқини ҳам хилма-хилдир. Агар масала фақат куч билан ҳал бўладиган бўлса, номард ҳар қандай йўл билан мардни ютиб кетавериши мумкин. Паҳлавон Маҳмуд шахсиятидаги куч ва қудрат, саховат ва камтарликнинг бирлиги ўзи ҳаёт давридаёқ уни оламга машҳур қилди. У ҳақда ибратомуз ҳикояту ривоятлар тўқилди.

Халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрган бир ривоят бор. Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонга бориб, курашга тушиши керак. Бироқ ҳамма биладики, у билан тенглашадиган бирор Паҳлавон чиқиши қийин. Паҳлавон Маҳмуд беллашув олдидан бир зиёратгоҳга бориб қолади. У ерда бир аёлнинг зор йиғлаб, Худодан ниманидир илтижо қилиб ўтирганини кўради. Паҳлавон Маҳмуд аёлдан бунинг сабабини сўрайди. Аёл жавоб қилади: «Хивадан Паҳлавон Маҳмуд келибди, у билан ўғлим курашга тушиши керак. Мен ўғлимга Худодан омад тилаб ўтирибман».

Паҳлавон Маҳмуд онаизорнинг бу илтижосидан таъсирланиб, курашда аёлнинг ўғлидан йиқилган экан.

Айтадиларки, Паҳлавон Маҳмуднинг елкаси бир марта ерга теккан экан. Бу ҳам бўлса, ўша аёлнинг ўғли билан тушган курашда рўй берган.

Ушбу ривоят Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийларидаги, фақат рубоийларидаги эмас, балки унинг шахсиятига оид жавонмардлик белгиси сифатида ҳам халқ оғзаки ижоди мулкига айланган.

Паҳлавон Маҳмуднинг ижоди ва ҳаётига хос бундай хислатлар унинг шахсиятини улуғлайди, номини абадийлаштиради. Кейинчалик, у,

шунчаки, Паҳлавон Маҳмуд деб аталмасдан, оддийгина қилиб «Полвонпир» деб ҳам аталадиган бўлди.

Тарих далолатида қараганда, Паҳлавон Маҳмуд 1326 йили вафот этган. XIX асрнинг бошларида унинг қабри устига кўркам мақбара қурилди. Бу иншоот ўзининг гўзаллиги, жозибаси ва моҳирона безаклари билан ҳануз киши эътиборини тортиб, ҳайратга солади.

Фалсафий, ахлоқий мушоҳадаларга бой бўлган Паҳлавон Маҳмуд асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Кейинги йилларда шоир асарлари турли тилларга таржима қилиниб, чоп этилди. Эндиликда у Хоразм адабий муҳитининг етук наояндаларидан бири сифатида эъзозланади.

XIV асрнинг ўрталаридан Хоразм адабий муҳитида янги анъана юзага келади. Бу бошқа халқлар адабий жарёни ва мероси билан танишиш, улардан айрим намуналарни туркий тилга таржима қилиб, халққа етказишдир. Бу анъана Қутб ижоди билан бошланади. Анъана шу билан боғлиқки, бу даврга келиб, эл ва элатлар орасида ўзаро муносабатлар – савдо-сотиқ, маданий алоқалар кучая бошлаган эди. Шу муносабат билан Қутб Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини таржима қилади, унинг ишқ-муҳаббат бобидаги ва гуманистик қарашларини элдошларига етказди.

Қутб XIV асрнинг ўрталарида яшаган ва ижод этган. Йирик бир асарни катта маҳорат билан таржима қилган шоир ўзи ҳам мустақил асарлар ёзган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ улар бизгача етиб келмаган ёки топилмаган.

Бу ерда бир ҳақиқатни ҳам ҳисобга олиш керак. Ўша пайтлари Хоразм, жумладан, Хива ҳам Олтин Ўрда хонлигига қарам бўлган. Қутб таржима муқаддимасида не-не машаққатлар билан Олтин Ўрдага етиб келгани, назаримизда «Хусрав ва Ширин»ни қандайдир умидлар билан

Олтин Ўрда ҳукмдорларидан бирига бағишлаганини маълум қилади. Қутб таржимаси эркиндир. «Хусрав ва Ширин»нинг туркий китобхонга ҳазм бўлиши қийин кўринган баъзи бобларини қисқартиради ёхуд тушириб қолдиради. Айрим жойларда ўзидан нималардир қўшади. Лекин илмий адабиётларда айтилганидек, Қутб «... Низомийни катта ҳурмат билан тилга олади. Уни бутун дoston давомида устод сифатида эслайди. Камтарлик билан ўз асарини «Низомий болидан тайёрланган ҳалво» деб атайди ва ўзини Низомий манзумасининг баёнчиси даражасига тушириб кўяди».

Низомий талқинида, шунингдек, Қутб талқинида ҳам асарнинг бош қаҳрамони Шириндир. У оқила, ўз кадр-қимматини биладиган, жасоратли, керак бўлса, бутун бир давлатни бошқаришга қудрати етадиган аёл сифатида тасвирланади. У муҳаббат бобида ҳам инсонийлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзига кўнгиш қўйган, бироқ, айрим ҳолларда бемулоҳаза иш қиладиган Хусравга таъсир ўткази олади. Лекин бундай таъсир кўрсатиш осон бўлмайди. Шу муносабат билан асарда драматик ҳолатлар яратиладики, бу ҳол унинг жозибасини оширади.

Ширин оддий меҳнаткаш халқ вакили, тошйўнар Фарҳодга катта ҳурмат билан қарайди. Унинг меҳнатини, инсоний хислатларини эъзозлайди. Ундаги бу олижаноб хислат қатор зиддиятли ҳолатларга сабаб бўладики, уларда Ширин образи янада тўлароқ намоён бўлади.

Шундай қилиб, Қутб Низомийга асосланиб ўз даври учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қатор образлар яратади.

Хоразм адабий муҳитида Қутб яратган таржимонлик мактабини Сайфи Саройи давом қилдиради. Қутбдан фарқли ўлароқ, Сайфи Саройи оригинал асарлар ҳам яратган. Унинг ижоди шу жиҳати билан кўламли ва кенг қамровлидир.

Сайфи Саройи XIV асрнинг бошларида Хоразмда туғилиб ўсган. У илм олиб, ижод қилиш йўлида мусофирликка юз тутиб, дунё кезади. Кўп шаҳар ва мамлакатларда бўлади. Ниҳоят, Олтин Ўрдага келиб, шу ерда у қатор лирик ва эпик асарлар яратади. Ўз даври эстетик тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшади. Фалсафий мушоҳадаларида инсон табиатига хос гуманистик қарашларни, хусусан, садоқат ва эзгуликни улуглайди.

Сайфи Саройи лирик меросини кўздан кечирсак, унинг мавзу жиҳатидан турлилигини кўраимиз. Баъзан ишқу муҳаббат мазмунидаги шеърларга дуч келсак, баъзан дўстлик таронасини тинглаймиз. «Унинг ижодида одамийлик, инсон қадр-қиймати масаласи ҳам катта ўрин эгаллайди. Шунинг билан бирга Сайфи Саройи ғазалларида самимий, ҳаққоний муҳаббат мотивлари, вафодорлик, содиқлик каби олижаноб инсоний туйғулар куйланади».

Сайфи Саройининг ижодий меросида «Сухайл ва Гулдурсун» достони алоҳида ўрин тутди. Бу асар образлар тизими, сюжет йўналиши билан Шарқда ўзига хос дoston намунасидир. Унга қарама-қарши, ҳатто уруш ҳолатида бўлган кучлар фарзандлари – Сухайл билан Гулдурсун бир-бирларига муҳаббат кўядилар. Вазият уларнинг мурод-мақсадига етишга йўл қўймайди. Шу асосда уларнинг муҳаббати ва ҳаёти фожеваий яқун топади. Бу жиҳатдан «Сухайл ва Гулдурсун» Вильям Шекспирнинг Ромео ва Жульетта, Алишер Навоийнинг Лайли ва Мажнунлари қисматини эслатади.

Сайфи Саройи форс адабиётининг йирик намояндаси бўлмиш Шайх Саъдийнинг «Гулистон»ини туркий тилга таржима қилади. Шу йўл орқали у ўз элини Шарқ адабиётининг бу дурдонаси билан таништиради.

Шундай қилиб, Сайфи Саройи ўзининг лирик, эпик асарлари ва таржималари билан ўзбек адабиётининг

ривожи ва тилининг шаклланишига катта ҳисса қўшади.

Сайфи Саройи ижодига назар ташлаб, бошқа бир хулосага келамиз. Ўрта аср бошларида Шарқда хон ва султонлар ижодкорлар фаолияти билан яқиндан қизиққанлар, ўзига хос адабий тўгараклар ташкил этиб, ижодкорларни унга жалб қилган. Табиийки, ҳукмдорлар уларнинг моддий таъминотини ҳам ўз зиммаларига олганлар. Бундан кейин шу анъана узлуксиз давом қилиб келган.

Яна шу нарсани қайд қилиш керакки, мўғул истилочилик сиёсатининг кучайиши натижасида, хоразмлик баъзи ижодкорлар ватанни тарк этиб, бошқа юртларда яшаб, ижод қилишга мажбур бўлганлар. Сайфи Саройи Олтин Ўрда ҳукмдори ҳузурида қарор топган бўлса, унинг замондоши Ҳайдар Хоразмий ҳозирги Эрон ҳудудидаги Султон Искандар саройида хизматда бўлади.

Ҳайдар Хоразмий ижод жиҳатидан Қутб анъанасининг давомчиси. Қутб «Хусрав ва Ширин»ни туркий тилга ўгирган бўлса, Ҳайдар Хоразмий Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»ининг биринчи достони «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»)нинг туркий талқинини яратди. Бироқ бу асар Ганжавий «Махзан ул-асрор»ининг айнан таржимаси эмас. Таржимон асардаги кўпгина талқинларни асос қилиб олгани ҳолда, унга анча янгиликлар ҳам киритган.

Ҳайдар Хоразмий яратган «Махзан ул-асрор» фалсафий мушоҳадага бой. Унда, хусусан, одоб-ахлоқ, инсонийлик, жамият ва шахс бирлиги хусусида фикр юритилади. Асарда танқидий йўналиш ҳам мавжуд. Асар «...олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб қилади. У кишиларни яхши хулқ-одобга эга бўлишга, жамиятга фойда келтиришга, мурувватли ва ҳимматли бўлишга чақиради, ҳимматсиз ва саховатсиз кишиларни қаттиқ қоралайди». Уларга кескин муносабат билдиради.

Ҳайдар Хоразмий Қутбнинг «Хусрав ва Ширин»идагидек меҳнатни улуғлайди. Меҳнат унинг назарида, гўзалликнинг олий нишонасидир. «Эр керак эмгак била топса ҳузур», «Эр киши эмгакда тетикроқ бўлур» – мана унинг меҳнатга муносабати.

«Махзан ул-асрор»дан ташқари Ҳайдар Хоразмийнинг бошқа лирик ва эпик асарлари ҳам борлиги, шубҳасиз. Бироқ улар ҳанузгача топилган эмас. Бундан қатъий назар «Махзан ул-асрор» туфайли у ўша давр ўзбек адабиёти ва тилининг шаклланишига, тараққий этишига катта ҳисса қўшди.

XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярми Хоразм хонлиги мавқеи анча пасайган давр бўлди. Ўзаро тахт ва мансаб таллашишлар авжига чиқди. Гуруҳлар аро уруш ва талашлар ортди. Шу боис, бу даврда адабий ва маданий ҳаётда сезиларли тараққиёт бўлмади. XVII асрдагина Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари майдонга келди. «Шажарайи турк» ўз моҳияти билан тарихий асардир. Унда ўтган барча туркий хону ҳоқонларнинг шажараси берилади. Бироқ баъзи ўринларда ҳаёт манзарасини акс эттирадиган кўринишда бадиийликка яқин турадиган манзаралар ҳам йўқ эмас.

«Шажарайи турк» яратилгандан кейинги даврларда Хоразм хонлиги ҳудудида тарихга қизиқиш кучайди. Бунгача ёзувчи ва шоирлар пайғамбарлар ҳаётини, уларнинг фалсафий тасвирини берди. Баъзилар Шарқда кенг тарқалган қасидачилик, тасаввуфни тарғиб қилиш, илоҳий ва дунёвий ишқ сюжетларини яратиш, халқ онига шу йўсинда таъсир ўтказиш йўлидан бордилар. «Шажарайи турк»да Абулғозий Баҳодирхон асосан ҳаётнинг ўзига мурожаат қилди.

Хоразм адабий муҳитида бошқа бир ўзига хос сиймо бўлган. Бу Нурмуҳаммад Андалибдир.

Андалибнинг қачон туғилиб, қачон оламдан ўтганлиги аниқ эмас.

Бироқ у XVIII асрда яшаб ижод этган истеъдодли шоирлардан бири эканлиги маълум. Шоир ўз асарларидан бирида Хивада Шоҳғозихон подшолик қилган даврда яшаб ижод қилганини билдиради. Шоҳғозихон 1765–1767 йилларда ҳукмронлик қилгани маълум. Шоир уни шоҳ сифатида мадҳ қилган. Шунга қараб, илмий адабиётларда Андалиб яшаган давр XVIII асрнинг бошлари ва ўрталарига тўғри келади, деб тахмин қилинади.

Нурмуҳаммад Андалиб Хоразмнинг туркман аҳолиси яшайдиган қисмида, ҳозирги Кўҳна Урганчга яқин Қаромози қишлоғида туғилган. Шу боис шоир ижоди туркман илмий адабиётида кенг ўрганилган ва уни туркман мумтоз адабиётининг йирик сиймоларидан бири, деб баҳолайдилар. Бунга асос бор кўринади. Чунки Марказий Осиё адабиёти тарихида икки тилда баробар ижод қилиб, икки халқ мероси ҳисобланадиган ижодкорлар анчагина бор.

Нурмуҳаммад Андалиб яшаган даврда Хоразм хонлигида ўзаро низо ва урушлар анча камайган, мамлакат маълум даражада тараққиёт томон юз тутган эди. Хивада хонлар тез-тез ўзгариб турса ҳам, Абулғозий Баҳодирхон яратиб кетган бирлик ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. Тўғри, бу даврда Хоразмда ишлаб чиқариш асосан деҳқончилигу хунармандчиликдан иборат бўлган, холос. Хусусан, халқнинг тирикчилигини таъмин қиладиган деҳқончилик бу давр мафқурасининг бош мавзуи ҳисобланарди. Бу даврда Хива хонлиги ҳудудида деҳқончиликка тегишли кўп ишлар қилинди. Канал тармоқлари пайдо бўлди, янги ерлар очилди. Шу боис бу даврда адабиётга, жумладан, Андалиб ижодига ишлаб чиқариш мотивлари, хусусан, деҳқончиликка тегишли манзаралар ҳам кириб кела бошлади.

Андалиб ўз даврига нисбатан илғор, маърифатли, илмли шоирлардан

бири бўлган. У мадрасаларда ўқиб таълим олган. Шарқда маълум шоир ва ёзувчилар асарларини чуқур мутолаа қилган. Ижодда ҳам ўзига хос йўл танлаб олган. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, «у классик шеърятнинг деярли барча формаларида маҳорат билан ижод этган...» «халқ орасида ўйноқи, равон ва мазмунли шеърларнинг ижодкори сифатида» танилган. Унинг «ижодига мансуб шеърларнинг айримлари ва дostonлари таркибидаги шеърларнинг кўпчилиги халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири остида ёзилган. Ундаги бадиий форма, мазмун ҳам кўпинча халқ кўшиқларига ўхшаб кетади..., классик поэзия услубида ёзилган шеърлари, хусусан, тахмис ва назиралари ижтимоий-фалсафий мазмун билан сўғорилган, форма ҳам шунга мослаштирилган».

Андалиб ижодида ишқ-муҳаббат бош мавзулардан биридир. Ишқ-муҳаббат шоир талқинида кенг маъно касб этади. Дунёвий ишқ-ошиқлик дарди, ёрнинг ҳусн-жамоли, ҳижрон дарди ва ҳоказолар, шу билан бир қаторда, шоир шеърларида умуман ҳаётга муҳаббат, эътиқод, камолот, садоқат ҳам катта ўрин тутаяди.

Андалиб ишқий ва ижтимоий мазмунга йўғрилган шеърларидан ташқари дostonлар ҳам битган. Булар «Зайнулараб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун»лардир. Бу дostonларнинг учаласи ҳам сайёр сюжетлар асосида яратилган.

«Зайнулараб» қаҳрамонлари Али, Муҳаммад Ҳанифа, хусусан, имом Ҳасан ва имом Ҳусайнлар асрлар оша диний йўналишдаги бошқа қисса ва дostonларда ҳам тасвирланган. Улардаги асосий мазмун ислом динини тарғиб қилиш, диний ақидаларни ташвиқ қилиш билан боғлиқ эди. Андалиб эса бу сайёр сюжетга янгича йўналиш беради. Бу ишқий-қаҳрамонлик мотивларидир. Асарда Муҳаммад Ҳанифа билан Зайнулараб орасидаги муҳаббат

ўзига хос саргузаштлар шаклида тасвирланган. Адиб сюжет йўналиши қизиқарли бўлиши учун унга дев ва париларни ҳам киритиб, дostonга афсонавий руҳ бахш этади. Шу боис бўлса керак, дoston енгил ўқилади ва адиб айтмоқчи бўлган инсоний хислатлар китобхонга ўз таъсирини ўтказади. Айни маҳалда, дostonда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган диний мотивлар ҳам сақлаб қолинган.

«Юсуф ва Зулайҳо» ҳам муайян сюжет асосида яратилган. Бу сюжет кўпгина диний асарларда, хусусан, пайғамбарлар тарихи бўлмиш «Қиссасул анбиё»да марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Манбаларда Юсуф пайғамбар сифатида кўрсатилади.

Андалиб эса бу сюжетни яратишда ўзига хос йўл тутди. Юсуф ошиқ, Зулайҳо маъшуқа. Висол йўлида улар кўп ҳаёт чигалликлари, машаққатларини бошларидан ўтказадилар. Шу маънода «Юсуф ва Зулайҳо» реал ҳаётга яқиндир.

Лайли ва Мажнун фожеали мавзусида ҳам Андалибгача кўп асарлар яратилган. Бироқ Андалиб бу сюжетга ҳам ўзига хос ҳаётий манзаралар, инсон ахлоқини улуғлайдиган мазмун бағишлайди. Дostonда илгариги сюжетларга нисбатан Мажнун фаол шахс сифатида тасвирланади.

Хуллас, Андалиб шоир ва дostonнавис сифатида Хоразм адабий муҳитини янги-янги шеърлар, ўзига хос талқин қилинган эпик сюжетлар билан бойитади. Заковат, эрк ва садоқатни улуғлайди. Адабий тилни халқ тилига яқинлаштириш, жонли тил элементларини адабиётга олиб кириш, ҳатто уни Хоразм шеvasига хос маънодор сўзлар билан бойитишда ҳам Андалибнинг хизмати каттадир.

XIX асрда Хоразм хонлиги ўз мавқеини анча кўтарди.

Хива шаҳрининг атрофи қалъа девори билан ўраб олинди. Ичан-қалъада сарой ва кўшклар қад кўтарди. Марказий Осиё худудида энг баланд минора пайдо бўлди.

Маданий ҳаётга эътибор кучайди. Қатор мадрасалар бунёд этилди. Унда мунтазам равишда ўқиш, ўқитиш ишлари йўлга қўйилди. Шу муносабат билан зиёлилар – ўқимишли кишилар табақаси вужудга келди. Бу даврда ҳар хил сабаблар билан хонлар, беклар тез-тез ўзгариб турди. Бироқ булар илм-маърифатнинг тараққиётига тўсиқ бўлмади. Зотан, хонларнинг ўзлари ҳам илмли, маърифатли бўлишга интилдилар. Булар орасида, хусусан, Оллоқулихон ва Саййид Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз замони маданий ва маърифий ҳаётга энг кўп эътибор қаратилган даврлардан бўлди. Ҳаётга бевосита муносабат билдирадиган баркамол ижодкорлар етишиб чиқди. Улардан бири Мунис Хоразмий эди.

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис (1778–1829 йиллар) XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида яшаб, ижод қилди. У бошланғич таълимни ўша давр зиёлиларидан ҳисобланган отаси мироб Авазхондан олди. Кейин Хива мадрасаларидан бирида илм олди. Мадрасани битказиб, хон саройида хизматда бўлди. У ёшлигидан ижод билан қизиқиб, шеъриятнинг турли жанрларида кўпгина асарлар битди. Ниҳоят 1813–1814 йилларда кичик рисоалар ва бошқа асарларини йиғиб, битта катта девон тузиб, «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») деган ном қўяди. Мазкур девон билан Мунис адабиёт тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Девондан қатор қасидалар, анъанавий ишқий мавзуда ёзилган шеърлар ўрин олган. Шеъриятда Навоийни ўзининг устози деб ҳисоблайди. Унинг кўпгина ғазалларига мухаммаслар бағишлайди. Шунингдек, у машҳур озарбайжон шоири Фузулийни ҳам ўзининг устозларидан бири деб билади. Унинг ғазалларига ҳам мухаммаслар бағишлайди. Демак, Мунис ижоди ҳаётни талқин қилиш жиҳатидан Навоий ва Фузулийларга яқин туради.



Мунис Хоразмий ҳақиқий ватан-парвар ижодкор эди. У маърифатни кадрлаб, «Саводи таълим» номли китоб яратиб, унда савод чиқариш йўллари, устозларга эҳтиром, китобнинг ҳаётдаги ўрни, саводсизликни камайтириш сингари масалаларга эътиборни жалб қилади.

Мунис Абулғозий Баҳодирхон анъаналарини давом эттириб, тарих мавзусига ҳам мурожаат қилади. Хоразм хонлари тарихига оид «Фирдавс ул-иқбол» («Жаннат иқболи») номли асарини яратади.

Умуман бадиий ижод билан баробар тарихга мурожаат қилиш ва тарих босқичлари ҳақида асар битиш деярли хоразмлик аксарият ижодкорларга хосдир.

Шундай қилиб, Шермуҳаммад Мунис ўз шеърияти, тарих ва маърифатга тегишли асарлари билан ўзбек адабиёти тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшди, Хива – Хоразм адабиёти тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Бу босқични тараққиётнинг янги чўққисига олиб чиққан Огаҳий бўлди.

Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида дунёга келди. У болалик чоғиданоқ отасидан етим қолди. Унинг тарбияси амакиси – ўша пайтларда Хиванинг етук зиёлиси Шермуҳаммад Мунис зиммасига тушади. Муниснинг атрофига кўпгина шоиру илм аҳли йиғиладиган бўлиб, бу йиғинларда ёш Муҳаммад Ризо хизматда турар ва, табиийки, улардан таъсирланарди.

Кўп ўтмасдан Мунис вафот этади ва унинг ўрнига мироблик вазифасига Муҳаммад Ризо тайинланади. Бу хизмат ёш йигитнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини бойитади. Бироқ эллик ёшларга борганда бетоблиги туфайли истеъфога чиқади. Қолган умрини ижодга бағишлайди.

Огаҳий ўша давр анъаналарига мувофиқ девон тузади ва уни «Таъвиз

ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») деб атади. Девоннинг асосий мавзуси ишқ-муҳаббатдир. Муҳаббатга садоқат, ишқ, унга эришиш учун интилиш, ҳижрон изтироблари бу мавзудаги шеърларининг бош мотивидир. Шу билан баробар у Мунис анъаналарини давом қилдириб, ҳаётда учраб турадиган адолатсизликларга, бой ва уламолардаги бесаховатликка, оддий меҳнаткашнинг оғир аҳволи, унга нисбатан қилинаётган зулм ва шафқатсизликларга муносабат билдиради. Шу йўсинда унинг шеърияти реалистик йўналиш касб этди.

Огаҳийнинг ижодий мероси фақат шеърият билан белгиланмайди. У моҳир таржимон ҳамдир. Шарқнинг етук дурдоналарини таржима қилиб, китобхонга етказиш Хоразм адабий муҳитида азал-азалдан келаётган анъана экани маълум. Бу жиҳатдан Огаҳий ўзининг барча аждопларидан ўзиб кетди. У 19 та китобни ўзбек тилига ўгирди. Энг муҳими, у Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Жаннат ёруғлиги») тарихий асарининг янги жилдларини таржима қилиб, амакиси Муниснинг ишини давом эттирди. Бундан ташқари, Жомийнинг қатор асарларини, жумладан, «Юсуф ва Зулайҳо»ни, Саъдийнинг «Гулистон»и, Низомийнинг «Ҳафт пайкар»и («Етти сурат»), Хусравнинг «Ҳашт биҳишт»и («Саккиз жаннат») сингари дурдоналарни таржима қилди.

Огаҳий таржимани ўша давр китобхони талаби ва савиясига мувофиқ равишда олиб борди. Баъзи бир мураккабликларни соддалаштирди, уларни композицион жиҳатдан энгиллаштирди. Араб ва форс сўзларини иложи борича кам ишлатишга ҳаракат қилди. Баъзи воқеаларни Хоразм халқининг тушунчасига мувофиқлаштирди. Натижада, унинг таржималари ўша пайтлардаёқ эл томонидан севиб ўқилган, хаттотлар томонидан кўчирилиб, кенг тарқалган.

Огаҳий етук тарихчи ҳамдир. Унинг бешта тарихий асари маълум. Ижод ва таржима ишларида унга ҳомийлик қилган Муҳаммад Раҳимхонга эса алоҳида асар бағишлаб, уни «Иқболи Фирузий» («Феруз омади») деб атади.

Қисқаси, Огаҳий мероси фақат ижодий маҳсулот сифатида эмас, балки мазмун жиҳатидан ҳам Алишер Навоийдан кейинги самарали ва сержило адабий бойлиқдир.

XIX асрнинг иккинчи яримларига келиб Хоразм адабий муҳитида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бунга Комил Хоразмийнинг (1825–1899 йиллар) ҳаёти ва ижоди ишонарли далилдир. Комил Хоразмий ўз аждодларининг аъналарини давом эттирибгина қолмай, балки адабиёт, умуман, маданият тараққиётига анчагина янгиликлар олиб кирди.

Асли исми Паҳлавон Ниёзмухаммад бўлиб, Комил Хоразмий унинг адабий тахаллусидир. У Хива шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ибтидоий мактабни битказгач, Хива мадрасаларидан бирида таълим олди. Мадрасада у араб, форс тилларини яхши ўзлаштирди ва бу тилларга оид манбаларни пухта ўрганди. Хусусан, ўзбек адабиётига тегишли асарларни, жумладан, Навоий ижодини чуқур ўзлаштирди.

Комил Хоразмий талабалик давридаёқ, тарих ва адабиётдан ташқари, мусиқа билан ҳам қизиқди. Ана шу жиҳати билан у бошқа талабалардан ажралиб турарди. Шу йўсинда унинг шеърляти ёшлигиданоқ мусиқавийлик талабига жавоб берадиган тарзда тараққий этди.

Мадрасани битказгач, Комил Хоразмий хон саройига таклиф қилинади ва у ерда мирзабошилиқ вазифасини адо этади. Бу ишда ўзини кўрсатгач, у девонбегилик даражасига кўтарилади. Хуллас, Комил Хоразмий фақат шоир, мусиқашунос эмас, балки давлат арбоби сифатида ҳам шаклланади ва кўзга кўринади.

Комил Хоразмий камол топа боғриб, бошқа мамлакатларда тараққий этган баъзи бир маданий ҳодисаларни

ўз элида жорий қилишда бош-кош бўлади. Рус истилосидан кейин чет эллардан босмахона ускуналарини олиб келишда ташаббус кўрсатиб, Хоразмда тошбосма ишларини йўлга қўйишда ёрдамлашади. Шундан сўнг қўлёзмалар тошбосма усулида кўпайтирилади. Ўзи ҳам ўша давр аънааларига мувофиқ девон тузади ва тошбосмада нашр қилдиради.

Юқорида айтганимиздек, Комил Хоразмий ижодида иккинчи йўналиш мусиқашуносликдир. У ўз атрофига етук ҳофизу хонандаларни йиғди ва уларга раҳбарлик қилади. Ўша даврда у яратган баъзи бир мақом куйлари ва унинг интилишлари натижасида дунё юзини кўрган танбур чизғиси (нотаси) ўзбек мусиқаси хазинасига қўшилган жиддий бойликлардан бўлиб қолди.

Комил Хоразмий давлат ва маданият арбоби сифатида Москва, Петербург ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, у ерлардаги маданият тараққиёти билан яқиндан қизиқди ва бу янгиликлардан Хоразм маданиятини тараққий эттиришда фойдаланишда ўз ҳиссасини кўшди.

Ўз даври аънааларига асосан Комил Хоразмий таржимонлик билан ҳам шуғулланди. Форс тилидан бир нечта китобларни таржима қилди. Хусусан, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг охириги – еттинчи жилдини таржима қилди.

Унинг шеърларида Мунис, Огаҳийлар талқин қилган асосий масалалар моҳият жиҳатидан ўз аксини топади. Булар адолатсизликка, зулмга, жаҳолатга, қоқоқликка, саховатсизликка муносабатдан иборатдир. Баъзи асарларда у сатирик шоир сифатида ҳам кўзга ташланади. Шу маънода, у ўзбек мумтоз адабиётига хос гуманистик қарашларнинг давомчисидир.

Хуллас, Комил Хоразмий ўз ижоди билан маърифатпарварлик томон катта қадам ташлади.

Хоразм адабий ҳаракатида яна бир сиймо борки, у ҳақда ҳам баъзи фикрларни айтиб ўтиш зарур. Бу шоир Аваз Ўтар (1884–1919 йиллар) ўғлидир. У Хива шаҳрида ҳунарманд

оиласида дунёга келди. Бошланғич таълим олаётган пайтларидаёқ, Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Жомий ва Бобур асарларини мутолаа қилди ва ёшлигиданоқ истеъдодли шоир сифатида кўзга кўринди. Истеъдоди туфайли у сарой адабий тўғарагига таклиф қилинди ва бу тўғарак иштирокчиси сифатида шеърлар битди. Кейинчалик уларни девон шаклига келтирди.

Асл моҳияти билан Аваз Ўтар шеърлари Комил Хоразмийнинг ўша давр жамияти ҳаётидаги нуқсон ва камчиликларни фош қилган асарларининг давомидир. Шу маънода у ҳам фош қилувчи, ҳам маърифатпарвар шоир сифатида кўзга ташланади. У кўпгина шеърларида ўқиш-ўрганиш, савод чиқариш, тил билиш, бошқа халқлар маданияти билан танишиш зарурати хусусида бонг урди. Табиийки, унинг ижодига хос бўлган танқидий йўналиш ва халқ манфаатини ўйлаб ёзилган шеърлари у давр ҳукмдорларига ёқавермади. Шу боис Аваз Ўтар қувғинга учради, оқибатда оғир касалга дучор бўлди. 35 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Фош қилиш, маърифатни тарғиб ва ташвиқ қилиш жиҳатидан Аваз Ўтар шеърлари Комил Хоразмийдан кейин қўйилган навбатдаги қадам эди. Бу хислатлари билан Аваз Ўтарнинг шеърлари бевосита XX аср бошларида тараққий этган жадидчилик оқимига бориб боғланади.

Хоразм адабий муҳити ҳақида гап кетар экан, яна бир улуғ сиймо тўғрисида фикр билдирмасликнинг иложи йўқ. Бу – Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруздир (1844–1910 йиллар). Адабиёт ва маданият соҳасида унинг хизматлари шундан иборатки, у ўзининг узоқ йиллар давом этган хонлиги даврида ижодкорлар аҳлига ҳомийлик қилди. Доимий равишда мушоиралар уюштирди. Соз суҳбатлар қурди. Аксарият ҳолларда истеъдод эгаларини рағбатлантирди. Уларнинг ижодига тегишли йўналиш бериб турди. Шу билан баробар ўзи ҳам шеър битиб, соз тузиб, Хоразм адабий ва маданий муҳитининг тараққий этишига катта ҳисса қўшди.

Унинг ташаббуси билан Хоразм шоирларининг ҳаёти ва ижодини қамраб оладиган «Мажмуат уш-шуаро» тазкираси тузилди. Феруз бастакорлигида қатор мақом куйлари яратилдики, улар ҳанузгача ўз қадрини йўқотган эмас. У ҳам ўз даври анъаналарига содиқ қолиб девон тузган. Бой кутубхонаси учун хаттотларга бетакрор қўлёзмаларни кўчиртирган.

Шундай қилиб, қарийб минг йил давомида Хоразм адабий муҳитида қатор бадиий ижод сиймолари етишиб чиқди. Улар ўзбек мумтоз адабиётининг тараққий этиши ва шаклланишида муносиб ҳиссаларини қўшишгани, шубҳасиз.

---

#### АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИҚМАТЛАРИ

Дафтарда тоза шеър тортмас экан саф,  
Удир дурдонадан холи; пуч садаф.

•


Сўзларингда бўлса фикру ўй ёниқ,  
Бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ.



Сўз ҳамиша янги туйгулардан, янги нафаслардан қувватланиб, тўлишиб боради. Янги туйгулар, янги нафаслар эса ёш қалбларда кечади. «Ёшлар йили» муносабати билан олий ўқув даргоҳларига адабий сафарлар уюштириб, мазкур масканларда таълим олиб, ижод қилаётган талабаларнинг битикларини журналимиз саҳифаларида, алоҳида, «Талабалар дафтаридан» рукни билан мунтазам тарзда чоп этиб боришни ният қилдик. Уйлаймизки, ушбу ниятимиз сизга ҳам маъқул бўлади, азиз журналхон. Бу борадаги биринчи адабий сафаримизни Фаргона давлат университетидан бошладик.

Таҳририят





## Алвонланар қадим мўъжизлар

✦ ✦ ✦

Тонг – саҳар юзимга қараб  
Жилмаяди лолақизғалдоқ.  
Жилға бўйлаб сокинлик узра  
Очилади лолақизғалдоқ.

Ўтираман, эртақлар айтар,  
Гоҳ-гоҳида кулиб қўяди.  
Жимжимадор куйини чалиб,  
Ялло-ялло қилиб қўяди.

Оҳ, юрагим – лолақизғалдоқ,  
Унда нозик ҳисни туяман.  
Анвойи хуш гуллар ичинда  
Фақат, фақат сени суяман.

✦ ✦ ✦

Кўз ёш каби тўкилдим бугун,  
Изн бермоқ истайди юрак.  
Мен сендаги энг сўнгги бардош  
Ё дилингда айтилмас тилак.

Мен ўшаман, киприкларингга  
Қўниб ўтган оппоқ капалак.  
Билмайсанку дилда боримни,  
Билдиrolмай лаҳзалар ҳалак.

Хур нафасим дудоғингдаги  
Титраб турган бол бўлса керак.  
Мен – Тангридан сенга аталган  
Ишқ доғини симирган малак.



**Нилуфар  
Абдуганиева,**  
Зулфия номидаги Давлат  
мукофоти соҳибаси



Мунира Қўқонова

\* \* \*

Киприкларим чертади алёр,  
Қўзларимда гуллаган чаман.  
Руҳимдаги туғилган диёр –  
Юрагимда кўз ёрган Ватан.

Сочларимда ўсади ғурур,  
Томиримда оқаверар шан.  
Бахт бешиги, фариштадай хур –  
Юрагимда кўз ёрган Ватан.

Қароғимда порлар ифтихор,  
Эрк, хуррият, асли, битта тан.  
Қишларида уйғонган баҳор –  
Юрагимда кўз ёрган Ватан.

Ҳисларимда ўзгача сезги  
Ё ўзлим англадимми ман?  
Она деган муқаддас севги –  
Юрагимда кўз ёрган Ватан.

\* \* \*

Кўлоб сувлар сепилган кўча,  
Ораста тонг, қуёшли саҳар.  
Ихтиёрин йўқотган касдек  
Ҳафта боши йўл олдим шаҳар.

Кунлар ўтар катта шаҳарда,  
Кўникаман, бешафқат тақдир.  
Сочим кесиб борар соғинчлар,  
Соғинчларим кўнглимда ҳақдир.

Инжиқликлар ботади дилга,  
Тўрт деворга қамалар тилак.  
Мен ҳам яшай бошлайман бедил,  
Қолиб кетди қишлоқда юрак.

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИҚМАТЛАРИ

Ҳар қизил гулки баҳорга ёрдир,  
Этақда яширин тикани бордир.

Базм куни ёшлар сафида бўзла,  
Аммо иш тадбирин кексадан изла.

✦ ✦ ✦

Гарчи ёнимдамасдурсан,  
Вале, ёдинг манинг бирлан,  
Жони жонимдамасдурсан,  
Бироқ, номинг манинг бирлан.  
Дема, кўнглим сани суймас,  
Манинг севгим етар жоним,  
Гунг забонимдамасдурсан,  
Дил баётиг манинг бирлан.  
Хазинайи бисотимда  
Муҳаббатдин бўлак ганж йўқ,  
Битар онимдамасдурсан,  
Ҳижрон зори манинг бирлан.  
Шитоб ила тутиб қалам,  
Санинг мадҳинг битар Илҳом,  
Гар илҳомимдамасдурсан,  
Ул саботинг манинг бирлан.



Илҳом Комилов

✦ ✦ ✦

Ёрим сени кўрар бўлдим бугун, аммо,  
Қанча йиллар маржон бўлди дийдоргача.  
Бир бошимга ёғилди минг турфа бало,  
Орзуларим армон бўлди дийдоргача.

Ишқ даштида яёв кездим Мажнун бўлиб,  
Соғинч билан кутдим сени маҳзун бўлиб,  
Кутдим сени висолингдан маҳрум бўлиб,  
Кўрганларим ҳижрон бўлди дийдоргача.

Денгиз каби ҳайратим ҳам кетди йироқ,  
Кўзин очди қалбимдаги ташна булоқ,  
Сен билмасдинг, билолмасдинг буни бироқ,  
Юрагимиз сарсон бўлди дийдоргача.

Бизлар уч йил учрашмадик бу жаҳонда,  
Мен ерда интизор бўлдим, сен осмонда,  
Учай десам, қанотларим куйган онда,  
Менга суврат нарвон бўлди дийдоргача.

Севги изҳор қилди қанча жононалар,  
Керак эмас менга сендан бегоналар,  
Дунё ичра борми биздай девоналар,  
Бизга қисмат султон бўлди дийдоргача.



**Наргиза Охунова,**

Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти  
соҳибаси

\* \* \*

Руҳимда сезгилар ирмоғи сизар,  
Таъбир битмоққа чоғланар қисса.  
Яна алвонланар қадим чизгилар,  
Уйғониб кетганда замҳарир ҳислар.

Энг дағал хотирлар чекинар нари,  
Тонглар тоатида сурурдай оқғум.  
Аршдан ҳур ҳаволар юбормиш Тангри,  
Аларнинг бўйларин жонимга тақғум.

О, қисмат буржига назира сен дил,  
Ҳижрон тушларининг тонгги отибдир.  
Бу кўҳна паймона равоқларида,  
Қара, гул вужудим гуллаётибдир.

Яна алвонланар қадим мўъжизлар,  
Таъбирлар битмоққа чоғланар қисса.  
Ҳумо хаёлларга беланиб ётар,  
Махмур кунларимга аталган ғуссам.

\* \* \*

Кет, йўлама қайта хаёлларимга,  
Керакмас таскинлар тўлама.  
Энди, мен, мантиқсиз дунёларимда  
Ёдинга ютоқиб сўламан.

Кўнма, дийдаларга қадама дийда,  
Соғинма афсунгар нигоҳларимни.  
Фақат, йиқилсайдим бағримга босиб  
Мени сенга берган гуноҳларимни.

Исминг ўчиб кетган дуоларимдан,  
Тўкилиб кетгандир кафтимдан сассиз.  
Илинжим, азобинг дор этиб тиксанг,  
Мени армонларинг дорига оссин.

АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Қисқа сўзлик қара, не яхши ҳолдир,  
Сергаппик эса, дилга малолдир.

Дилни покловчи сўз қайғу аламдан,  
Тугилавермайди ҳар бир қаламдан.



+ + +

Осмоннинг кўйлаги йиртилиб кетди,  
Уятдан бўзариб тўкди ёшини.  
Бу ҳолни томоша қилган майсалар  
Чидолмай, бир зумда эгди бошини.

Масхара қилгандек қора булутлар  
Ёприлиб келишди ҳар ёндан тўзиб.  
Замин йиғлаб қолди кўксига муштлаб,  
Ғуборсиз кун қолди хотирин чизиб.

+ + +

Илдизлари куриб қолган кипригимдан  
Соғинч қуши ясадим-да, учирвордим.  
Бориб етса дея сенинг ҳузурингга  
Кўксимдаги армон тоғин кўчирвордим.

Кўз ёшимга тўлдирдим-да кафтларимни  
Кулиб-кулиб, йиғлаб-йиғлаб ичдим тўйиб.  
Сўнг, сукунат чўккан хонам деворига  
Ёлғизликнинг сувратини илдим суйиб.

+ + +

Она тилим десам, ёнади дилим,  
Қалбим-да, ненидир англай бошлади.  
Сенинг тафтинг билан нафас олдим мен,  
Сенинг йўлларингдан қадам ташладим.

Сен мени чорладинг саодат сари,  
Ёнимдан кетмадинг бир нафас нари.  
Ўзимни танитдинг, очдинг кўзимни,  
Парвозга тобладинг бахт, омад сари.

+ + +

Кунлар узайганда, баҳор келганда,  
Бодом, ўрик гули ифор берганда,  
Қалдирғочлар яна қайтиб келганда,  
Ўн саккиз ёшлигим, унутмам сени.

Қуёш ойналардан чарақлаб боқса,  
Сойларнинг шўх суви хўп тўлиб оқса,  
Замин майсалардан жамалак тақса,  
Ўн саккиз ёшлигим, унутмам сени.

Болалар қувалашиб терса мойчечак,  
Қизларжон тоғлардан йиғса бойчечак,  
Саломини берса Наврўз – келинчак,  
Ўн саккиз ёшлигим, унутмам сени.



Моҳидил  
Мансурова



Ферузабону  
Кенжабоева



Юлдуз Ганиева

\* \* \*

Осмонларга туташган тоғлар,  
Жилғалари ўйноқи, қувлоқ.  
Тароватин кўрсатар боғлар,  
Бахт бу ерда турар яқинроқ.

Оёқ яланг, боғни орананг,  
Майин тупроқ олар тафтини.  
Ер юзига ўраламас чанг,  
Ўрикзорда топар бахтини.

Баҳор сочган бор зиёсини  
Шу боғларнинг сатҳига буткул.  
Сукунат йўқ, ел ҳаёсини  
Симиради майсалару гул.

Мен боғларни кезганим чоғда,  
Офтоб бошин кўтарди тоғдан.

\* \* \*

Виқорли тоғлардан бўзаради тонг,  
Саҳарда сув сепмиш, ер бағри ҳўл, ёш.  
Борлиқнинг бағрида баҳор урар бонг,  
Ҳайқиради сойлар, гуллар дарахт, тош.

Даричам пардасин чертган навбаҳор  
Онамнинг пойидан келдингми елиб?  
Танимга нур берган муаттаринг бор,  
Музлаган юракни эритдинг келиб.

Келинчак юзидек нур томар тонгдан,  
Қаршилар ҳар саҳар манглайдан қуёш.  
Эҳ, баҳор эгнингга тўн бичдинг қайдан,  
Бир довон сакратдинг қўшилтириб ёш.

Қадоқли қўллари дуода бобом,  
Дарахтлар танига тикканда тумор.  
Туганмас, бу ҳаёт этади давом,  
Менинг ўз юртимда ўз баҳорим бор.

#### АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ростлик ила машҳур бўлса гар гадо,  
Гапим хунук эмас, ўша подшо.

•

Ким санъатни ўлчар бойлик, мол билан,  
У гавҳарни кўрар тенг сафол билан.



Тун кириб келмоқда хотиржам,  
Кўнгилинг паст-баланд ерига.  
Мен бўлсам ишқингдан ёқиб шам  
Қарайман ҳижроннинг қирига.

Турибман умидни қучоғлаб,  
Узилмас ришталар чирмашар.  
Ҳижрон турар юракни чоғлаб  
Кетсам гар, ортимдан эргашар.

Воз кечиб бўлмайди бу ишқдан  
Ва, лекин, бахт топмоқ маҳолдир.  
Бу эски илоҳий қўшиқдан  
Топганим хаёлий висолдир.

Тун кириб келмоқда хотиржам,  
Мен бўлсам ёнаман, чопаман.  
Бу дунё бир ерга бўлар жам,  
Мен сени англайман, топаман.



**Хурматой  
Дехқонова**



**АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ**

Жаҳд ила илмга ким урди бошин,  
Шамолдан юргизди тегирмон тошин.

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,  
Энг бахтли одам шу хулласи калом.



НАСР



# АННАНИНГ ОҚ СОЧИҒИ

Тўлқин Ҳайит

Қисса

Чоғроққина ҳовли юзида енгил, ҳузурбахш шабада эсади. Олтиндек товланаётган Қуёш сершоҳ қайин дарахтининг тўқ яшил барглари орасидан кўз қисиб, темир тос тоғорадаги кўпик юзида олмосдек жилоланиб, ишва қилади. Эрининг кирларини юваётган Анна кўпикли қўллари билан илиққина нурлардан қамашган кўзларини ишқалаб, ишқ шаробидан тўйган гўзал қиздек, масрурона жилмаяди, гоҳо эса бир нималарни хиргойи қилади.

Ҳовлининг ўнг томонида айвонсиз, чап томонида эса айвонли иккитадан ёғоч уй жойлашган. Анна эри билан ана шу уйда яшайди. Эри катта одам, бутун Рус танийдиган машхур инсон. Ҳукумат одамлари, савдогарлар, ҳатто мужиклар ҳам у кишини ҳурмат қилади. У билан анча йиллар бурун танишган эди. Эсида, бир куни Федор Михайловичнинг ўзи уларникига келиб қолди. Тақдирнинг ўзи учраштираман, деса, ҳеч гап эмас, иш қил суғургандек осон кечади. Ўша куни ёзувчи унинг акаси билан кечгача гаплашиб ўтирди. Акаси Михаил оддий амалдор бўлса-да, ижод аҳлини, санъаткорларни яхши кўрар, қўлига озгина пул тушди дегунча, уларни меҳмон қилишга ошиқарди. Шу хислатини билгани учун ҳам бу тоифа шанба, бозор кунлари ё Пасха байрамларида уларникига келиб, турли базмлар уюштиришиб, вақтичоғлик қилишарди. Анна эса ширин кулчалар, овқатлар пишириб, уларга қарашар, гоҳо гурунглирига қўшилиб чақчақлашар, шеърхонлик бошланган кезларда остонадан нари кетишни хоҳламасди. Федор Михайловичнинг Жуковский, айниқса, Пушкиндан ўқиган шеърларини эшитганда, ич-ичидан роҳатланар, «Демон»ни ўқиганда эса кўзларидан ёш қалқиб чиқарди. Овқат кўтариб кирганда, шеър ўқишни энди тугатган Федор Михайловичга: «Жуда қойилмақом ўқир экансиз!» – дегани ҳам эсида.

Ўша кеча ака-сингил ёлғиз қолгач, Михаил адибни обдан мақтади.

– Руснинг энг яхши одами, – деди Аннага қараб, – у шундай хокисор ва бамаъни, мулоҳазакор одамки, суҳбатидан сира тўймайсан. Адабиёт аҳли унинг ижодига юксак баҳо бермоқда.

Акаси бу гапларни унга атайин айтдими ёки бу чин кўнгил изҳорлари эдими, Анна бунинг моҳиятига етолмади, аммо ўшандан кейин Федор Михайловичга ўзгача меҳр билан қарай бошлади.

Қирчиллама қиш кунида бозордан қайтаётган пайтида қиморхона олдида куймаланиб юрган Федор Михайловични учратиб қолиб, шундай эътиборли одам бу ерларда нима қилиб юрибди, деган хаёлга борди. У пайтларда Анна ҳали ғур, анча содда қиз эди. Қалби тоза бўлгани учун ҳам ҳаммани ўзи каби покиза, деб билар, айниқса, ёзувчиларни илоҳий кишилар, деб танир, унинг қимор ўйнашидан беҳабар эди.

Федор Михайлович кўлидаги тўр халталарни оларкан:

– Нега сиз бозор қилиб юрибсиз, Михаил қаерда? – деб сўради.

Анна акасининг касал ётганини айтди.

– Касал денг? Қачондан бери? – деб сўради жойида тўхтаб.

– Бир ҳафтадан буён иситмалаб ётибдилар! – жавоб қилди Анна ташвиш билан. – Қаттиқ тумов теккан.

– Менга айтса, ўзим даволаб қўярдим! – деди Федор Михайлович бир оз ўпқаланиб.

Унинг куюнчаклиги Аннага ёқиб, яхши одам экан, деган хаёлга борди.

Федор Михайлович йўлда доривор-ғиёҳлар дўконига кириб чиқди ва:

– Маъзур тутасиз, Анна Григорьевна, акангизни кўргани борсам майлими? – деб сўради.

Аннага бу гап ғалати туюлди. «Шундай катта одам ундан рухсат сўраб ўтирса-я! Қизиқ!» деб ўйлади ва негадир унинг самимийлигидан жуда суюнди, аммо негалигини ўзи ҳам англолмади.

Михаил оёққа тургунча Федор Михайлович деярли ҳар куни келиб турди. Ҳар гал кириб келганда, Анна уни энтикиб кутиб оладиган, баҳорги гулдай очилиб, ўзини қўярга жой тополмайдиган бўлиб қолди. Шундай кезларда, оёғини кўлига олиб зир югурар, уни ширин сўзлар, мазали овқатлар билан сийлашга ошиқарди. Акаси Михаил адиб билан суҳбатлашаётган пайтларда, оёқ учиди юриб, уларнинг гапларига қулоқ солар, бу иши яхши эмаслигини билса-да, ёмон гапга қулоқ солмаяпман-ку, деб, ўзини оқлаган бўларди. Бир куни хотин-қизлар ҳақида гап кетганда, Анна эркаклар биз тўғримизда қандай фикрлашаркин, дея ошхона эшиги ёнига келиб ўтирди.

– Ҳар миллатнинг зиёли қатлами аҳли аёлига эътибор қаратади! – гап бошлади Михаил акаси. – Федор Михайлович, Сиз нима дейсиз, биз бу борада етарлича ҳаракат қиляпмизми?

Федор Михайлович:

– Ишни ўзимиздан бошлашимиз керак, – деди ўта самимий оҳангда. – Агар аёлларга нисбатан адолатли бўлмас эканман, унда менинг менлигим жамиятга зиён келтириши мумкин. Таъкидлаб айтаманки, катта зиён келтириши мумкин.

– Сиз битта «мен»га шунчалик эътибор қаратяпсиз. Бунга сизнинг шахсингиз...

– Йўқ, азизим, шахсимнинг бунга алоқаси йўқ, – унинг гапини илиб олди Федор Михайлович. – Рус аёлининг шаъни бизнинг шарафимиз. Жамиятда бу шиор устун бўлмас экан, унда жуда катта инқирозга юз тутамиз.

– Помпей шу туфайли Худонинг ғазабига учраган дейишади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

– Бу баҳсли масала, азизим! Аммо Иван Грознийнинг ўғли борасидаги фожиаси саккиз хотинига бўлган қаҳри натижаси, албатта!

– Нимага қараб қадам ташласанг, ўшанга эришасан!

– Во-о, азизим! Шундай! Мен аёлларга бир ёмон сўз айтишга қўрқаман!

– Шу даражада аёлларни ҳурмат қиласизми?

– Ҳаракат қиламан!

Бу гап Аннага ёқди. Одатда, ҳар қандай қиз ҳам яхши йигит учраса, дея орзу қилади. Унинг бутун борлигини ялпизлар ва турли хушбўй ўтларнинг ҳидига ўхшаш ажиб ҳис ўраб олди. Кўз олдида Федор Михайловичнинг кенг, дўнг пешонаси,

жиддий нигоҳи, бир текис юзи, самимий чехраси гавдаланаркан, «у ҳақиқий эркак» дея унга ўзича баҳо берди.

Кейинги кун келганида, унинг ёлғиз яшаётганини билиб қувонди. Нега қувонди? Бу сафар ҳам ўзига тушунмади, лекин кўнгли ширин ҳисга тўлаётганини англаб, бу беҳуда эмаслигини, ёш қалбига покиза муҳаббат ин қураётганини аниқ билди. Аммо Михаил оёққа тургач, Федор Михайлович кўринмай қолди. Анна бундан ташвишга тушиб, безовталана бошлади. Шайтон васвасасига учиб, ёқмай қолдикми, деган хавотирга ҳам борди. Буюк инсонларнинг ошиқлари кўп бўлади. Эҳтимол, бирорта бошқа аёл ром этган бўлса-чи, деган ўй уни тамом гангитиб қўйди. Шу ўйлар куршовида юриб, ҳатто бир-икки кун қовоғини ҳам очмади. Акаси у-бу нарсани сўраса, ёқмагандай бўлди. «Мен ғалати бўлиб боряпман», деб ўйлади ўзича ва восвос касалига йўлиқиб қолмасайдим, дея ташвишга тушди.

Қиш ўтди. Баҳор кунларининг бирида Федор Михайлович бир соатга келиб кетди. Анна роса қувонди. Лекин унинг бир оз озгани кўнглини ғаш қилди. Кечқурун акаси ҳам шу тўғрида сўзлади. Аммо Анна ҳеч нарса демади. Михаил эса негадир кулиб қўйди.

– Нима гап, Михаил? – сўради у беихтиёр.

– Айтсам, жаҳл қилмайсанми?! – акасининг кўзлари ёнди.

– Сен жаҳлимни чиқарадиган гап айтмасанг керак!

– Албатта, синглим! Сенинг бахтингни ўйлайман. Йигит уйланади, қиз болани турмушга узатадилар.

– Ўзинг нега уйланмаяпсан?

– Сенинг бахтингни ўйлайман, Анна! Отам ҳам, онам ҳам васият қилишган. Хўп десанг, дўстимиз қўлингни сўраб турибди. Лекин акам мени уйдан қувмоқчи деган гап хаёлингга келмасин!

Анна юзини тескари ўгирди.

Михаил ўрнидан туриб, эшик ёнига борди.

– Ўйлаб кўр, Анна, умр савдоси бу! Лекин унинг аввал уйланганини, ўғли борлигини ҳам эсингдан чиқарма.

Орадан бир ҳафта ўтди. Анна уйда ёлғиз эди. Тўсатдан Федор Михайловичнинг ўзи кириб келди.

– Яхшимисиз, Анна Григорьевна? – дея сўрашди бошидаги қолпоғини олиб ва остонада туриб қолди.

Аннанинг юраги титрамоқда эди. Ўзини қўлга олиб:

– Нега қараб турибсиз, Федор Михайлович, киринг уйга! – деди. Овози қалтиради.

– Михаил қаерда? – Федор Михайлович ичкари киришга тортинди ва: – У киши сизга бирор гап айтмадиларми? – деб сўради.

Анна жим қолди.

Федор Михайлович қалпоғини ғижимлади:

– Агар дилингизни оғритган бўлсам, узр сўрайман. Сиз жуда одобли қизсиз. Мен ноўрин гапириб қўйдим шекилли!

Аннанинг унга раҳми келди ва бор кучини тўплаб:

– Сиздан дилим оғригани йўқ! – деди ва худди акасига қарашга уялгандек, юзини тескари бурди.

Федор Михайлович қизнинг кўнгли борлигини аниқ сезди.

– Мен катта умидлар билан тақдиримни сизга топширсам дейман.

– ...

– Шарқликларда: «Эрни эр қиладиган хотин» деган яхши мақол бор. Сизнинг ниҳоятда покиза ва олижаноб эканлигингиз менга ёқиб қолди.

Анна ҳамма қизларга хос йўсинда «ўзим-чи, ўзим ёқаманми? Севасизми?» дея ўйлади.

Федор Михайлович эҳтимол бунни сезгандир, балки сезмагандир.

– Қалбимда сизга нисбатан меҳр борлигини ҳам яширмайман! Бу дунёга келиб, ҳеч кимга бунчалик меҳр қўйган эмасдим! – деди Федор Михайлович қўлидаги шапкасини ғижимлаганча.

Анна «оббо, бечора-ей, уялганидан шапкасини ҳам ғижимлаб қўйди-я» дея унга раҳми келди, лекин унинг дадил гапиргани, кўнглидаги туйғуни аниқ ифода этгани жуда ёқди. «Жонгинам, шу гапингизнинг ўзи менга етади» дейишига оз қолди.

Ёз ойининг илиқ оқшомида Федор Михайлович бир даста гул кўтариб, жилмайганча кириб келди. Михаил уни жуда очиқ чехра билан кутиб олди. Ким билади, акаси билан келишиб олган бўлса ҳам бордир. Аммо ўша оқшом умр дафтарида мангу муҳрланди. Федор Михайлович қўлини ювди-да, нимага артсам дея қараб қолди. Анна ичкаридан қизил гул ва сариқ попукли оппоқ сочиқни олиб чиқиб, унга узатди.

Федор Михайлович оппоқ сочиқни қўлга оларкан, кўзлари шундай порладики, Анна уни ҳеч қачон бу қадар қувонч билан боқганини кўрган эмасди. Ёзувчи одам эмасми, қиз боланинг нечун оппоқ сочиқ тутганини дарҳол тушунди. Тушунмаслиги мумкин эмасди. Тушунгани учун ҳам:

– Таклифимни қабул қилганингиз учун раҳмат сизга! – деди миннатдор бўлиб.

Ёзнинг илиқ кунда, атрофда хушбўй еллар уфурган файзли оқшомда Анна Федор Михайловичнинг отасидан қолган катта чорбоғига келин бўлиб тушди. У ниҳоятда бахтиёр ва шод эди. Аввалги қорамағиз Анна гул-гул очилган жувонга айланди. Унинг наздида, бу оламда Федор Михайловичдан зўр ва ақлли эркак йўқ эди. Бу йилги ёз оқшомлари унга тамом завқ-шавқли туюлди, гуёки бунақа гўзал фасл аввал бўлмагандек эди. Ҳар кеч Федор Михайлович билан ёлғиз қолганда, бутун танасини лаззатли ҳислар чўлғаб олиб, унга ҳузур берар, эрталаблари барвақт уйғониб, унга нонушта тайёрлаш билан овора бўларди. Федор Михайлович соат тўққизларгача ишлар, чарчагач, нонушта қилиб, кўчага чиқиб кетарди.

Анна унинг уйга қайтишини сабрсизлик билан кутар ва ҳар куни қандайдир янгилик билан қаршилашга интиларди. Бир гал кўчага чиқиб, заргардан унга олтин ручка харид қилди ва уни оппоқ сочиққа ўраб қўйди. Федор Михайлович уйга кириб, қўл юваётган пайтда олтин пероли ручкани бирга қўшиб олиб чиқди. Эри оппоқ сочиққа қўл артишга ўрганиб қолган эди, аммо бу сафар хотини қўлидаги оқ сочиқнинг ярим ўралганини кўриб:

– Яна бирор нима ўйлаб топдингми, Анна? – деди жилмайиб.

– Топинг-чи? – эркаланди Анна.

Федор Михайлович оқ сочиқни авайлаб қўлига олди ва секин очиб кўрди. Олтин пероли ручкага кўзи тушгач:

– Сен оддий аёл эмас, фариштасан! – дея ундан миннатдор бўлганини яширмади.

– Федор Михайлович, ижодингиз ҳамиша баракали бўлсин! – деди Анна оқ тилак билдириб.

Маша хола унинг ортидан хўмрайиб қолди, лекин ҳеч нарса демади.

...Анна кирларини ювиб, дорга қатор осиб чиққач, тоза сувга қўлларини чайди-да, ичкари кириб, овқат ҳозирлашга киришди. Ҳадемай Федор Михайлович келиб қолади, унга қуймоқ тайёрлаб қўйиши керак. Қуймоқни яхши кўради.

Маша хола кимгадир ғазаб билан гапирар, қаҳрли овози узоқ-узоқларга кетаётган эди. Аввалига эътибор бермади, кимнидир тергаяпти шекилли, деб ўйлади, аммо бир оздан сўнг ўзининг исмини эшитиб, унинг овозига қулоқ тутди.

– Ўзи жинқарча бўлса ҳам, бало экан, қайсар Федорнинг бурнидан ип ўтказиб олди, яшшамгур!

Аннанинг бошига ғув этиб оғриқ кирди. «Яшшамгур!» дедими? Тили заҳар экан, ўзи ҳам заҳарга ўхшайди. Юрагида адоват сақлаган аёлдан кўрқиш керак. Бу аҳволда бўлса, ҳали бошида тегирмон тошини юргизмаса, гўрга эди!



Маша хола шишган оёқларини зўрға кўтариб, тахта зинага чиқаркан, сарик жунли кучукча билан ўйнаётган боши узунчоқ, сийрак соч қўшни бола Женяга:

– Болагинам, Федор амакингининг олдига югур, икки кило балиқча пул бериб юборсинлар! – деди кўкарган лабларини тишлаб.

Женянинг ўрнидан тургиси келмади. Кучукча унинг йўл-йўл кўйлаги этагидан тортқилаган эди, қиқирлаб кулди.

Маша холанинг жаҳли чиқди:

– Ов, зумраша, сенга айтаяпман, тез бориб, пул олиб кел!

Женя ўрнидан турди, унинг қовоғи осилиб тушган эди.

– Овора бўлманг, Маша хола, у киши пул бермайдилар.

Маша холанинг энсаси қотди. Ким айтди бермайди деб. Шу кунгача ғиринг демай, чўзиб келаётган эди-ку! Бермас эмиш. Бермай ҳам бўпти. Уни уйлантирган ким? Маша хола! Одам қилиб юрган ким? Маша хола! Юрган эди бит кўзларини сариқ қоғозларга тикиб. Энди уйланиб, одам бўлиб қолибдими?

– Менга қара, ҳов зумраша? – У гўштдор қўлини семиз белига тиради. – Ҳозироқ бориб етказ, Маша хола айтаяпти де! Тезда икки сўлкавой жўнатсин!

Женя бурнини тортди:

– Барибир бермайдилар, овора бўлманг!

– Вой-вой, нега бермас экан?

– Анна келин опачам айтдиларки, бундан кейин пул сўрамас экансиз.

– Вой-вой, қорачанинг аллақачон тили чиқиб қолибдими? Қараб турсин, ҳали мен унга кўрсатиб кўяман!

Анна совуқ гапларни эшитиб, юраги изтиробга тўлди. Жаҳл чиққанда ақл кетади, деб ўйлади ва тишини-тишига қўйиб, жаҳлга эрк беришга йўл қуймади. Федор Михайлович келганда ҳам бирор сўз айтмади. Ижодкорларнинг кўнгли нозик бўлади. Уларни ранжитсанг, илҳомини қочириб юборасан. Бу уйда яшаётганидан буён билгани шу. Федор Михайлович яқинларининг жаҳл қилаётганини билса, ўзларига олиб, ғам-ташвишга ботиб қолади. Боз устига, тутқаноғи хуруж қилиб қолиши мумкин.

Анна эрининг бўғриққан юзига хавотир билан боқди. Бугун ҳам қиморда бой берган кўринади. Қуриб кетгур, яна қайси бири уни қиморхонага бошлади?! Кўчага чиқса бўлди, улфат топилади. Лекин ҳозир унга ўзини билдириб қўймаслик керак. Асабини маҳкам тутгани маъқул. Яшаётганига эндигина уч ой бўлди. Оила деразасига дарз кетса, қайтиб тиклаш қийин. Эҳ, худойим, ёмонликлардан бандангни ўзинг асра.

У апил-тапил уйга кириб, оппоқ сочиқ олиб чиқди. Федор Михайлович оппоқ сочиқни юзига босиб ҳидларкан:

– Анна, сочиғинг шунча кўпми? – деб сўради маънодор тикилиб.

– Нимайди? – Анна ҳам унга ҳайрат билан боқди.

– Ҳар гал янги сочиқ бераяпсан, назаримда?!

– Йўғ-э, Федор Михайлович, нималар деяпсиз! Ўзи, битта сочиғимиз бор, холос!

– Наҳотки, Анна? Сира ишонмайман! Айт-чи. унда... унда қандай қилиб, бу сочиқни ҳар сафар яп-янги ҳолатда тутқазаяпсан менга? Нима билан ювасан уни?

– Қалбим чечаги билан.

Федор Михайлович бошини сарак-сарак қилиб:

– Таъриф йўқ сенга, Анна! – деди дилбар оҳангда.

Анна терисига сиғмай яйраб кулди. Уйга киргач, эрининг олдига овқатини қўйиб, мулойим жилмайганча елкаларини силади. Эри очиққан экан, овқатни паққос туширди.



– Яна ейсизми, Федор Михайлович?

– Йўқ, раҳмат! Овқатинг ўзинг каби ширин бўлипти. Қўлинг дард кўрмасин! Уйда тинчликми?

– Тинчлик!

– Бирортаси жигинга тегмаяптими?

– Йўғ-э, Федор Михайлович, нималар деяпсиз?! Ким ҳам жигимга тегарди?! Ҳеч кимга ёмонлик қилаётганим йўқ-ку!

– Мен бу уйда доимо тинчлик бўлишини истайман.

– Худо хоҳласа, тинчлик бўлади, Федор Михайлович, хотиржам бўлинг! Дам оласизми ёки ижод қиласизми?

– Янги бир нарса хаёлимда айланиб юрибди. Шуни бошласамми деб турибман.

– Ҳар дақиқа ғанимат, Федор Михайлович. Сиз ёзинг.

– Шу гапларинг менга жуда ёқади, жонгинам.

Анна унинг елкаларини силади.

– Ёзаётганимда елкаларимни силасанг, осон ёза бошлаيمان, Анна, жонгинам, сени менга худонинг ўзи етказди. Бирам меҳрибонсанки, сени қандай хурсанд қилишни ҳам билмайман.

– Менга соғ бўлсангиз, ижод қилиб, хурсанд юрсангиз, шунинг ўзи кифоя.

Федор Михайлович кечгача ижод қилди. Ишни давом эттирмакчи эди, аммо кўкракларим оғриб кетди, дегач, Анна тоза ҳавога чиқиб кела қолинг, деди. «Юр, бирга айланиб келамиз» деган эди, кўнмади. Уйдагилари шундан ҳам бир фожиа ясаб ўтиришмасин тагин.

Федор Михайлович чиқиб кетгач, орадан ярим соатлар ўтиб, Никола келди.

Аллақаждан ичиб олган, кайфи тароқ эди.

– Ов, менга қара, ойимтилла!—деди қизарган бурнини жийриб. – Нега Маша холага пул бермадинг? Нима, Федор Михайлович тамом ўзимники деб ўйлаяпсанми? Онам бўлганларида, сочингни битталаб юлардилар. Билдингми? Агар, яна Женяни қуруқ қайтарадиган бўлсанг, қорангни ўчираман бу уйдан.

Анна юраги титраб турган бўлса-да:

– Яхши, Николай Федорович, бориб дамингизни олинг, чарчаган кўринасиз! – деди мулойимлик билан.

Никола турган жойида депсинди:

– Менга ўргатма, ёшлик қиласан!

– Никола, ақлсизлик қилманг! Сиз обрўли инсоннинг фарзандисиз! Мен сизни беҳад ҳурмат қиламан!

– Ҳурмат қилармишлар!

Маша хола ҳаллослаб келди:

– Бу шўртумшуқ билан яхшилаб гаплашиб кўй, Никола. У ҳаммамизни ногорасига ўйнатмоқчи.

Федор Михайлович узоққа кетмаган эди. Уйдаги шовқин-суронни эшитиб, ичкарига кирди. Унга кўзи тушган Анна ўзини четга олди.

Маша хола Николайни турткилади:

– Ўзинг яхшилаб гаплаш, бизга қулоқ солмаяпти.

Федор Михайлович Николайнинг ичиб олганини кўриб хўмрайди:

– Дайдиб юргандан кўра, заводга ишга кирсанг бўлмайдимми?

Никола Маша холани орқа қилиб бақира кетди:

– Холамни нега қийнайсиз? Сизга ёмонлик қилганлари йўқ-ку?!

– Сен менга бунақа ўшқирма, Никола! – деди Федор Михайлович титраб. – Отага қаттиқ гапирмайдилар.

Маша холанинг тили қичиди:

– Ҳаҳ зорманда, буни ҳам ўша ойимчаси ўргатган шекилли!

Никола газак олди:

- Бу одатингиз яхши эмас, Федор Михайлович!
- Никола, сен мендан нима истайсан ўзи? Эрталаб пул дединг, бердим, яна нима гап?
- Маша хола атиги икки сўлкавой сўрасалар, бермабсиз-ку!
- Гап бу ёқда дегин. Кеча ўн сўлкавой берган эдим. Ўн беш кунга етади. Озми бу?!

Маша хола ўзича тўнғиллади:

– Миннат қилишга ўтибди. Ойимчаси қулоғига қуйган бўлса керак. Зорманда! Федор Михайлович уйга хафа ҳолда кирди. Анна югуриб келиб, унинг бўйнига осилди:

- Эътибор берманг, Федор Михайлович, сизга хафа бўлиш мумкин эмас.
- Кайфиятим жуда бузилди, Анна. Кўрмайсанми буларни.
- Бирор нарса берайми, Федор Михайлович?
- Йўқ, Анна, ҳеч нарса керакмас.

Дераза остидан аввал шитир-шитир қадам товушлари, сўнг Маша холанинг вазоҳатли овози эшитилди:

- Ойимтилла эмас, ялмоғиз! Вух, яшшамагур!

Федор Михайловичнинг икки бети шолғомдек қизарди. Маша холага бир нима дея олмасди, шуни била туриб жуда қийналди, юраги қисилиб, айна дақиқада бўғзидаги оғриқни ичига ютишга мажбур эди, шунинг учун ҳам унинг гапини эшитмаганга олди. Дўнг пешонаси тиришиб, кўли билан кўксини силаганча, секин бориб, каравотга чўзилди.

Аннани кўрқув босди: эрининг кайфияти бузилса, тутқаноғи тутади. Кейинги икки ойда уч бора тутқаноғи тутган бўлса, ҳаммасига Маша хола билан Никола айбдор. Ўтган гал Никола: «Отамнинг касал бўлишига сен сабабчисан?!» дея чунонам ҳақорат қилдики, тишини-тишига босиб, зўрға чидади. Бошқа аёл бўлганда, жўжаҳўрознинг башарасини ғижимлаб, тимдалаб, юлиб, расво қиларди. Илож қанча, чидайсан. Ахмоқ билан ўчакишгандан кўра, тилингни тишлаганинг афзалроқ, тил яраси битади. Шуларни ўйларкан, ке қўй, Федор Михайлович хафа бўлиб, мендан кўнгли қолмасин, дея ўзини босди.

Ярим кечага бориб, эрининг тутқаноғи тутди. Иккиланиб ўтирмай унинг оғзига чўп қошиқ солиб, қулоқларига пиёз тикди, юзига шাপатилади. Бу ҳам кор қилмагач, юзига совуқ сув сепиб, қўл-оёқларини уқалади. Ўзига келмаса, табибга югураман, деб ўйлади, аммо худо унга раҳм қилди шекилли, бир неча фурсатдан сўнг Федор Михайлович аксириб, кўзини очди ва:

- Анна, кўрқма, мен яхшиман! – деди.

Аннанинг қўл-оёғи бўшашиб, танасидан совуқ тер чиқиб, қалтираганча жойида ўтириб қолди. Эртага докторга олиб бораман, бу касални даволамаса, бир кун ундан айрилиб қолиши мумкин.

Эрталаб Федор Михайлович нохуш ҳолатда уйғонди. Бу ҳолатда уйда ўтирса, на ижод қилади, на гап беради. Нонушта қилишгач, Анна:

– Федор Михайлович, хўп десангиз, тоза ҳавода шаҳар боғини айланиб келардик. Сув бўйида ўтиришни яхши кўрасиз-ку?!

Федор Михайлович нигоҳида илтифот акс этди. Оч қизғиш қошлари остидаги кўзлари, худди мушук боласиникидек, мулойим, юввош боқди. Сарғиш киприкларида меҳрга ташналик борлиги сезилиб турарди.

– Анна, сен нақадар яхшисан. Нечун сени 45 ёшга кирганда, умримнинг ярми ўтиб бўлганда учратдим? Гўзал, бебаҳо аёлсан. Яхши тарбия кўрган назокатли фариштасан. Сенинг олдингда гоҳо хижолат тортиб қоляпман.

– Федор Михайлович, қўйсангиз-чи шу гапларни, Сизни жуда ҳам яхши кўраман ва ҳурмат қиламан.

– Барибир сенинг олдингда хижолатдаман! Ўртамиздаги фарқни айт: энди йигирмага тўлдинг, айна ўйнаб-куладиган давринг!

Анна гапни ҳазилга бурди:

– Федор Михайлович, мен тезда кексайиб, сизга етиб оламан. Бундан сира ҳижолат бўлманг. Хўш, айланишга борамизми?

– Майли, мен розиман!

Итига овқат бераётган Маша хола:

– Сахармардонлаб йўл бўлсин? – дея қовоғини уйди.

Федор Михайлович қора шляпасини бошидан олиб, у билан сўрашгач:

– Ўзимиз шундай, бир айланиб келайлик! – деди одоб ва тавозе билан.

– Нега хаста одамга ўхшаб, овозинг зўрға чиқяпти? Касалмисан?

Федор Михайловични «касалмисан?» дея менсимагани Аннанинг таъбини хира қилди.

– Кеча салгина мазалари бўлмаган эди, – деди у «хавотирли жойи йўқ» дегандек.

Маша хола тунд башарасини тескари буриб, бир нималар деб тўнғиллади. Нима дегани аниқ. Нима дер эди? «Ўргилдим сенлардан» дегандир, бошқа нима ҳам дер эди. Зиқна аёллар адоватга ўч бўлишиб, қилдан қийиқ ахтариб, жанжал кўзгаб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам тинчитмайдилар, натижада на ўзлари ўйнаб куладилар, на бошқалар.

Улар катта тахта дарвозанинг кичкина дуб эшикчасидан кўчага чиқишди. Кеча ёмғир ёққан, тош йўл нам эди. Тарақлаб фойтун арава ўтиб кетди. Отнинг тер хиди анқиб, Аннанинг боши айланди. Отда сайр қилмаганига ҳам анча бўлди. От чопсанг, бўғимлар оғриғи йўқолади. Лекин у энди кечаги боши очиқ қиз эмас, эрли аёл. Келинчакнинг отга миниши сал уят ҳисобланади. Насиб этса, бир кун ўрни келганда яна отда сайр қилишар. Ҳозирча Федор Михайловични докторга кўрсатиб, уни тор ва биқик мухитдан узоқларга олиб кетмаса бўлмайди. Маша хола, невараси-ю, қариндош-уруғлари шундай буюк инсонни еб адоий тамом қилишади. Йўлини қилиб, эрини кутқармаса, соғлиғини тикламаса, келажак унинг номига қора муҳр босади. Анна буюк ёзувчига раҳм қилмаган, унга қарамаган, ўз вақтида ёрдам кўрсатмаган, деб айблашади. Энг ёмони ҳам шу: келажакда номинг ёмон бўлиб қолмаслиги керак. Вақт – ҳакам эмас, вақт ўткинчи, демак, у – бевафо. Шундай экан, қадрни вақт билан эмас, эртанинг ҳукми билан баҳолаш керак.

Қаршисидан келаётган икки киши – бири қориндор, иккинчиси кенг юзли жаноб бошларидаги шляпаларини олиб саломлашдилар.

Қориндор жаноб ялтироқ шляпасини кўксига босиб, яна таъзим қилди:

– Улуғ Руснинг буюк ёзувчиси билан учрашганимдан ғоят хурсандман. Туркистон губернатор жаноби олийларининг саломларини келтирдим сизга. Бу киши, ҳойнаҳой, Анна Григорьевна бўлсалар керак! – У Аннага ҳам таъзим қилди. – Бир-бирларингизга ғоят муносиб экансизлар.

Анна кенг оқ барли этақларини энгил кўтариб, назокат билан таъзим қилди:

– Миннатдорман, ҳурматли зот!

Жаноб яна таъзимга эгилди:

– Отангиз билан Кавказда бирга хизматда бўлганман. Жуда ориятли ва аслзода эдилар у киши.

Анна бошини эгди:

– Шавкатли отамизни эслаганингиз учун бошим кўкка етди! Ҳақиқатан у киши олижаноб инсон эдилар!

Улар бир-бирлари билан маънодор кўз уриштиришди. Туркистондан келган жаноб:

– Федор Михайлович, танишиб олинг, Иван Манн, Франциядаги рус адабиётининг билимдони. Атайин Сизни йўқлаб келибдилар! – деди шеригига ишора қилиб.

Федор Михайлович Аннага қаради. Анна унга «уйга таклиф этинг» дегандек, ишора қилди.

– Бизни йўқлаб келганларингиз учун раҳмат! – деди Федор Михайлович таъзим бажо айлаб. – Уйга юринглар, меҳмон бўласизлар!

Иван Манн кўйнидан кичкина китоб чиқариб, унга узатди:

– Буни сизга парижлик мухлисингиз бериб юборди. У киши ажойиб инсон. Сизни ўқиб турар экан. Ёзганларингиз жуда ёқармиш. Буни алоҳида тайинлашимни илтимос қилган эди. Яна у киши «Париж» журнали учун сиздан суҳбат олишимни илтимос қилдилар. Йўқ демасангиз, яқин орадаги қаҳвахоналардан бирига борсак.

– Уйга кирсак-чи? – Федор Михайлович мўлтираб қаради.

Анна эрининг гапини қувватлаган бўлиб:

– Бизникига борсангизлар, хурсанд бўлардик! – деди илтифотли оҳангда.

Иван Манн туркистонлик шеригига кўз қирини ташлаб:

– Ўтириб қоламиз, Николай Иванович, ҳали бажарадиган ишларимиз кўп! – деди.

– Унда бурчақдаги «Тошкент отели» га кирайлик. У ерда яхши чой дамлашади. Бир пиёла чой устида суҳбатлаша қоламиз.

Аннага унинг гаплари ғайритабиий туюлди. Федор Михайлович:

– Сиз ҳақиқий шарқликка айланибсиз! – деди кулиб.

– Тошкентнинг чойи билан қовунларини соғиндим.

Улар аста-секинлик билан тўғридаги икки қаватли оқ бинога қараб юришди. Бино деразалари катта-катта, атрофлари оқ ганч билан сайқалланган бўлиб, қизил духоба парда тутилган. Зангори духоба парданинг четлари қайтариб қўйилган. Оқ мрамрдан ишланган олтита зина ҳозиргина артилган шекилли ойнадек ярқирайди. Ёғоч ўймакор эшик ланг очиқ.

Эшик оға чаққон ҳаракатлар билан пешвоз чиқиб, уларни кенг дераза ёнидаги ёруғ жойда ўрнатилган тахта каравот томон бошлади. Каравот жуда кенг, чўғдек гиламлар атрофига бухорои шарифнинг пошшойи атласдан тикилган кўрпачалар солинган. Ўртада кенг ва узун хонтахта. Унинг устига зар ипақлар билан турли хил гуллар ва булбуллар расми туширилган дастурхон ёзилган. Бир четда чинни чойнак-пиёлалар ва иккита қизғишранг қувача.

– Бу нима? – сўради Иван Манн.

– Қувача? – жавоб қилди Николай Иванович ва сўрамасалар-да унга таъриф берди. – Унда қимиз бор. Қимиз ўпкага жуда даво. Асабни тинчлантиради, кўнгилни чароғон қилади.

Анна Федор Михайловичга қаради. Унинг ранги кундан-кунга синиқиб боряпти. Ўпкасида дарди бор.

– Бир ичиб кўрмайсизми?! – деди у.

– Табиатнинг бу инъомидан бош тортишнинг ўзи телбалик! Мен ичиб кўраман!

– Эри унга назокат ва меҳр билан қаради.

Бошига ғалати ой- юлдузлар нусхаси туширилган тўртбурчак дўппи кийган ширмон юзли йигит дастурхонга чой ва нон қўйди.

Иван Манн «бизга қимиз олиб кел» демоқчи бўлган эди, Николай Иванович:

– Уларда удум шунақа: меҳмонга аввал чой-нон қуйишади, – дея тушунтирган бўлди. – Бунинг маъноси шуки, – изоҳ берди у, – оламга ва одамзодга аввал покиза таомлар берилмоғи лозим. Олинглар, азизларим, аввал бир бурда нон еб, бир пиёладан чой ичайлик, сўнг қимиз ичиб, суҳбат қурамыз.

Суҳбат ярим соат давом этди.

Федор Михайловичнинг кайфияти кўтарилиб, танасини жўшқин ва қувноқ, ширин ҳислар ўраб олди. Руҳи ҳам енгил тортиб, ўз-ўзидан астойдил суюнди ва шу дамда эриб кетиб, Аннасига сувсар ёқали пўстин совға қилмоқни ихтиёр айлади. Албатта, туғилган кунда хотини орзу қилган палтони совға қилса, жуда хурсанд бўлади. Икки қўл қимор ўйнаса, чиқиб турибди-да пули. Эртаси тушлиқдан сўнг ишим бор деб кўчага чиқди-да, шу марта ўйнай, сўнг бошқа келмайман, деган

ўйда қиморхонага кирди. Эски танишлари уни кўриб, ясама тиржайишди. Федор Михайлович – кучли рақиб, унча-мунчага ютқизиб қўймайди. Уларнинг орасида «бу дарознинг келмай қўйгани яхши эди» деганлари ҳам бор эди. Дастлаб кўли баланд келганда, жуда суюнди. Кейинги гал ҳам тикилган пулларнинг ҳаммасини ютиб олди. Яна бир қўл ўйнаса, олам гулистон, Аннага олмоқчи бўлган пўстиннинг пули нақд бўлади-қўяди.

Қаршисида ўтирган бақбақали жаноб ширадор кўзларини лўқ қилганча унга қараб турар, сарғиш қошларининг орасида офтобда куриб қолган чўвалчанглардай оқимтир, хунук ажинлар пайдо бўлган ва бу нарса унинг ичиқоралик билан ҳасад қилаётганидан дарак берарди.

Федор Михайловичнинг қўллари қалтираб, юрагини умидсизлик туманлари қоплади. Қулоғи остида «ҳаддингдан ошдинг» деган овоз янграб, оёқларида титроқ турди. Кўз олдида тагин Анна гавдаланиб, қулоғи остида унинг: «Яна қимор ўйнаяпсизми, Федор Михайлович?! Катта ёзувчисиз, сизга бу тўғри келмайди, обрўйингизни ўйласангиз-чи?!» деган дашноми янгради. У билан хаёлан гаплашиб, шу охириги ўйиним, бошқа такрорланмайди, деди ўзича.

– Ютқазди! – деди ортида турган кимдир паст, хирри овозда.

Федор Михайлович бошига гурзи тушгандек, гангиб қолди. Нима бўлди ўзи? Шунча пул қўлдан кетди-я! Эсиз!

Рулетка шиғиллаб айланди.

У яна тикди. Ютқазган пулини қайтариб олиши керак. Ҳечқиси йўқ, қайтариб олади. Анна билан бўлиб, хаёли чалғиди. Энди бутун фикру зикрини ўйинга қаратади. Лекин бу сафар ҳам ундан омад юз ўғирди ва энди у тез асабийлаша бошлади. Кейинги гал яна ютқазиб, баттар жиғибийрони чиқди. Қарз олиб, умид билан тиккан эди, яна омади чопмади. Яна, яна ва яна ўйнади. Унинг ҳурмати учун кетма-кет қарз бериб турдилар. У қарз борасида сира ғирромлик қилмайди, тезда қайтаради. Шу одатини яхши билганлари учун ҳам бу ердаги ҳар бир жаноб сира иккиланмай, унга қарз берди ва охирида қарз берувчининг ўзи қолмагач, Федор Михайлович икки қўлини кўтарди. Энди қарзни узиш қолди ҳисоб. Малай бола унинг уйига жўнатилди. Анна Григорьевна бола келтирган қоғозга қараб, шунча катта миқдордаги қарздан эмас, кўпроқ унинг ўзидан хавотирланди: тутқаноғи тутиб, бир кори ҳол рўй берса борми, ундан айрилиб қолади. Болага ҳозирок етиб боришини айтиб, уйдаги маблағдан бир қисмини ҳамда олтин тўғноғичини, олмос ва ёқут кўзли узукларини ҳамёнига солди-да, қиморхона томон югурди. Ишқилиб, Федор Михайловичнинг тутқаноғи тутмаган бўлсин! Э худойим-ей, қанақа одамлар бор-а! Русни рус қилиб юрган шундай катта истеъдодли одамни нега бу кўйга солишади-я? Федор Михайлович ғирт содда одам. Уни осонгина лақиллатишган шекилли! Пул кетса кетсин, ўзи омон бўлсин ишқилиб.

Югуриб, ҳаллослаб, чопиб бораётган Аннанинг нафаси қисилиб, бир оз қадамини секинлатди, аммо кўз олдида хириллаб нафас олаётган Федор Михайлович кўриниб, яна югура кетди.



Анна шитоб билан ичкари кирди, кенг зал ғала-ғовур, шовқин-сурон, қуюқ кумуш тутунга тўла. Ачимтир ҳид димоғига урилиб, кўнгли озди. Касофат жойларда одамлар тоза қонларини бузишиб, ўзларини-ўзлари расво қиладилар. У кўйлагининг енги билан оғзини беркитди. Кўзи қамашиб, ичкаридагиларни тезда англай олмади: қўлини тиришган пешонасига қўйиб, аланглаганча эрини қидирди.

Ғала-ғовур бирпасда тиниб, кенг залда сув қўйгандек жимжитлик чўқди.

Бир оздан сўнг Анна ичкарини тиниқ кўра бошлади. Федор Михайлович рулетканинг ортида, ўнг томонда сулғин ўтирар, назарида, ўн-йигирма ёшга қаригандек эди. Уни кўриб, ўрнидан турди ва боладек югургилаб келди-да:

– Мени кечир, Анна! – деди ўксик оҳангда. – Мен... мен яна ютқазиб қўйдим!  
Юзидаги қора тўр пардани силкиб бошига ташларкан, Анна хўмрайиб турган семиз, бақалоқ жанобга таъзим қилди-да, сўнг мўлтираб турган эрига қараб, кўнгли эриди ва:

– Пул топилади, Федор Михайлович! – деди ва шитоб билан бориб, унинг кўлтиғига кирди. Кейин бояги семиз жанобга қараб қовоғини солганча: – Қанча тўлаш керак? – деб сўради.

Семиз киши қалин мўйловларини буради, лабини чўччайтирди, йўғон, оппоқ бўйин томирлари бўртиб чиқди:

– Ҳм... ҳалиги! Мен... эй Сашка! – ғоз бўйин ориқ йигитга бармоғини бигиз қилди. – Қанча эди? Ҳисоблаб қўйганмисан? Айтиб юбор!

Ғоз бўйин йигит Аннага ёвқараш қилганча семиз жанобнинг қулоғига бир нималар деб шивирлади. Жаноб эса ўз навбатида Федор Михайловичга секин шипшиди.

Анна бақалоқ жаноб, ғоз бўйин йигит ва ўзига тикилиб турган бошқаларнинг ҳам чўчиб турганини сезаркан, «баттар бўлинглар бу кунларингдан кўра» деганча уларга нафрат билан қаради.

– Айтаверинглар! – деди кейин кескин оҳангда. – Қанча бўлса тўлайман. Менга Федор Михайловичнинг соғлиги керак!

Ортда шивир-шивирлар бошланди:

– Бойвуччадек керилишини қаранг!

– Ғоздек бўйинини чўзади-я!

Эркак кишининг босиқ, аммо жарангдор овози уларнинг гап-сўзларини босиб кетди:

– Нима десанглар денг-у, аммо Федор Михайловичнинг омади бор экан, яхши хонимга учрабди. Бунақа аёллар эрларини қўлларидан кўтариб юришади.

Анна бир даста пулни рулетка устига ташлади. ғоз бўйин шу заҳоти пулни олиб санади-да, семиз жанобнинг олдига қўйди:

– Бу сизники бўла қолсин, Степан Иванович!

Димоғи ачишиб бораётган Анна «кутулдимми?» дегандек унга қаради.

Ғоз бўйин ишшайди:

– Қолганларни ҳам рози қилинг!

Аннанинг юраги тез-тез урди. «Нақадар жирканч башара! Куппа-кундуз куни қароқчилик қилиб ўтирибди-я!»

Ғоз бўйин унинг қорамтир нигоҳига қараркан:

– Буни қимор дейдилар, хоним, хафа бўлмайсиз! – деди ишшайиб.

Анна олтин тўғноғични, олмос ва ёқут кўзли узукларини унинг олдига ташлади:

– Ҳисобла, етмаса, яна олиб келаман! – деди қатъий ва ишончли оҳангда.

Ғозбўйин ҳеч нарса бўлмагандек, тўғноғич ва узукни кўзига яқин олиб бориб, обдан текширди, бу ҳам етмагандай бир-икки тишлаб кўрди ва:

– Соф олтинми ишқилиб?! – дея минғирлади.

Аннанинг нафрати кўзгади. Шунақа нусхаларни жинидан баттар ёмон кўради. Улар учун инсоннинг сариқ чақачалик қадри йўқ, уларга пул, мол-мулк бўлса, бас, қолганига безбетларча тугуришади. У қўрслик билан «Қанақа одамсиз?» дея уни жеркиб ташламоқчи ҳам бўлди, аммо Федор Михайлович хафа бўладилар, деб ўйлаб, аввалгидек, яна ўзини босди.

Ғозбўйин тахта чўтини қўлига олиб, беш-олти марта ҳисоблаб чиқди-да, сўнг:

– Бўлади! – деди совуқ оҳангда.

Анна шу заҳоти Федор Михайловичнинг қўлидан ушлаб, тош ойна олдига олиб борди ва «ифлос жойнинг кирлари шу ернинг ўзида қолсин, қўлингизни, юзингизни ювиб ташланг» деди. Бир олам ташвишдан қутилган Федор Михайлович унга сўзсиз бўйсунаркан, «дунё, тоғ қалбларни ҳам чўмолига асир

этасан! Сенинг сирларинг олдида биз бандаларнинг ақли ожизлик қилади», дея имон келтирди.

Анна тўрт буклоғлик оппоқ сочиқни эрига узатганда, зал ҳайратдан ёқа ушлади. Аслзода аёллар бунинг моҳиятига тушуниб, виқор билан лабларини бурдилар, кибор тоифа эркаклар эса «ҳатто оппоқ сочиқ олиб келибди» дея унга ҳавас билан қарадилар.

Унга рашки келдими ё ҳасрат ўтида ёндими, аёллардан бири:

– Бурнидан ип ўтказиб олган экан бечоранинг! – дея мумсик Федор Михайловичга ўзича раҳм қилган бўлди.

Тепакал жаноб:

– Анна Григорьевна эрининг қадрига етадиган аёл! – деди унга қарши жавобан. – Оппоқ сочиқ меҳр-муҳаббат, ҳурмат рамзи! Бизнинг барча аёллар буни билиб қўйсинлар.



– Доктор, – деди Анна бир оз ташвишли оҳангда. – Федор Михайловичнинг касалини ўзим ҳам яхши биламан. Сиз у кишини кўндирсангиз, ишонтирсангиз бас. Биз тезда чет элга кетишимиз лозим. Бу ерда уни хароб қилишади. Қариндошлар бир томондан, қиморбозлик... Э худойим-ей, кимлар ўйлаб топган шу бемаза ўйинларни?!

– Сизни тушундим, Анна Григорьевна!

– Хайрингизни берсин, илоҳим. Рус халқи учун шарафли вазифани бажараётганингизни унутманг. Сизга гапим баландпарвоз туюлар, аммо худо ҳаққи, бу рост. Федор Михайлович катта-катта асар ёзсалар, бутун жаҳонга тарқаб, номимиз яна юксакка кўтарилади.

– Анна Григорьевна, сиз фаришта аёл экансиз!

– Худо хайрингизни берсин, мени мақтаманг, доктор.

– Тўғриси, Сиз каби олижаноб аёллар камдан-кам учрайди. Сиз нафақат Федор Михайловични, балки бутун русни ўйлаб, жон куйдирыпсиз. Илоҳим, Исонинг ўзи ишингизни осон қилсин.

Анна жуда мамнун бўлди. Ширин сўз кимга ёқмайди. Эзгу ишингни бировлар мақтаса, қанддек эриб кетасан. Ишқилиб, Федор Михайловични кўндиришса, олам гулистон.

Анна уйга келганда, Никола ғирт маст ҳолда ҳовли ўртасида тебраниб турар, кўлини бигиз қилганча Федор Михайловичга:

– Сиз... сиз мени хафа қиялсиз! Ҳиқ... ҳалиги... биз болалар оталар... ҳиқ, қарамоғи... қарамоғидамиз. Шунақа экан, сиз мени боқишингиз керак! – дея тугилиб, дудуқланиб ўшқирмоқда эди.

Федор Михайлович, қалампир еган кишидек, афтини буриштирди. «Никола, сенга нима дейишим керак? Ичишинг ҳам меъёри бор. Ичиб олиб, отадан пул талаб қилиш нимаси?!» У бўғзидаги аччиқ дардни ичига ютди. Отанинг ўғилдан дарғазаб бўлиши – фарзанд учун ярим бахтсизлик. Никола бахтсиз бўлмаслиги керак. Ҳали ёш, қуйилмаган. Ҳаёт зарбаларини кўриб, аста-секин пишиб, қуйилиб қолар.

– Ўғлим, бориб дамингни олгин. Кечқурун гаплашармиз.

– Мени билан... ҳиқ, гаплашишинг ҳожати йўқ. Мен... йўқ, – бошини сарак-сарак қилган эди, кир сочлари патила бўлиб тўзғиди, – менга ёр-ёрдам бб-беришингиз керак.

Федор Михайловичнинг озгин оёқлари тортишиб, оғриди. Анна унинг тиришган юзига қараб, ич-ичидан раҳми келди ва уйга кириб, жомадонида яшириб қўйган пулдан олиб, ташқари чиқди-да, орtdан келиб, Николага билдирмай Федор Михайловичнинг қўлига тутқазаркан:

– Шугинани беринг, жонгинам, барибир кутилмайсиз, – деди шивирлаб. Никола тезроқ даф бўлса, Федор Михайловични докторникига боришга, албатта, кўндира олади.

Оёқ-қўлларидаги оғриқ аъзойи баданига тарқаб, жони қийноқда турган Федор Михайлович меҳрибон, ширинсўз Аннасининг гапига сўзсиз бўйсунди. Ҳеч кимга итоат қилмаган, ҳеч кимга бўйсунмаган катта қалб шу миттигина Аннага итоат этипти. Бир йили ёзда Москвада митти ҳинду боласининг баҳайбат филни бошқараётганини кўриб, хайратда қолган эди. Шундай катта жонивор нари борса етти ёшли болага қандай бўйсунди? Ваҳоланки, уни бақувват оёқлари билан бир туртса, суяқлари мажақланиб кетиши мумкин, деб ўйлаб, ваҳимага тушган эди. Кейинчалик ўзининг ҳам мурғаккина Аннага итоат этишини ўйлаб, дунёнинг ажаб ишлари борлигини, уларнинг олдида инсоннинг ақли заиф эканлигини тушунган бўлди. Аннаси ҳам ўша митти болага ўхшайди. Уларнинг қанақадир сеҳри, жозибаси бор.

– Ақлингни йигиб олсанг, яхши бўларди, ўғлим! – деди бир оз норози оҳангда.

Николанинг хаёли қалтироқ қўлларидаги пулда эди. Боя тумшайиб турган хунук башараси энди бироз ёришган, кайфияти кўтарилиб, тойдек ўйноқлаб турарди.

– Раҳмат сизга, Федор Михайлович! – деди у ишшайиб.

Анна унга танбех берди:

– Отажон, десангиз-чи, Николай Михайлович! Сиз энди катта йигитсиз!

Николанинг юзи бужмайиб, кўзлари олайди. Аннага ўқрайиб қаради-да, сўнг шаталоқ отиб, кўчага югурди.

Федор Михайлович унинг ортидан ғамгин ҳолда қараб қолди.

Анна унинг кўнглини кўтаришга ошиқди:

– Ҳали ёш-да, Федор Михайлович, хафа бўлманг, қуйилиб қолар.

– Фарзандларимнинг ақлли бўлишларини, она Россия шарафи учун хизмат қилишларини истайман.

– Шундай бўлади, жонгинам, сира ташвиш тортманг. Ҳаммаси ҳали олдинда. Кўп қисиласиз, бирор жойга бориб келсак бўларди! – деди Анна балки доктор ҳақида кўчада гап очарман, деган ўйда. Ҳозир бу гапнинг мавриди эмас. Эр бўғилиб турганда, ёқасидан олиш – юрагига чанг солиш, деган гап.

Федор Михайловичнинг буртиб чиққан икки ёноғига қизиллик югурди, афтидан, Аннанинг гаплари унинг кўнглини кўтарган эди. Мамнун бўлган ҳолда ўта меҳрибон ва дилкаш ёш хотинига боқаркан, аёл ҳам эрига шунчалик меҳрибон бўладими, бунинг боиси не, деган савол қаршисида тик қотганча, бир зум унга ҳавас билан тикилди ва «буни худо берган бахт дейдилар, шукр қилиш керак», деб ўйлади.

Анна унинг ёниб турган кўзларига, юзидан ёғилаётган меҳрга боқаркан, Николанинг гапларини кўнглига олмаганини сезиб, «хайрият» дея енгил нафас олди. Худо кўрсатмасин, тирранча боланинг аччиқ гапларини ўзларига олса борми... тутқаноғи тутиб қолса, кимга югуради. Маша холагами? Унга пул, пул ва яна пул бўлса, бас!

– Жонгинам, – деди у шивирлаб.

Федор Михайлович қаттиқ, залварли қўли билан унинг момиққина, иссиққина қўлчаларидан тутди:

– Анна, мен бир оз ишламоқчиман. Катта бир асар устида бош қотириб юрибман.

– Илҳомингиз келдими, Федор Михайлович!

– Илҳом келганда, ёзиш керак, Анна!

– Майли, жонгинам, Сиз ишланг, мен ширин овқат тайёрлаб берай.

– Шунақа ширин таомлар тайёрлайсанки, Анна, жуда роҳат қиламан.

– Таомларим шунақа ширинми?

– Сени қўлинг ширин, дилинг ширин, бошдан-оёғинг ширин!



– Федор Михайлович? – Анна кўзларини сузиб, ерга тикди. – Қўйинг мақтаманг!

– Кўз тегмайди, сира ташвишланма! Камдан-кам эрлар хотинини мақтайди.

– Наҳотки?

– Умуман, эркак зоти бировларнинг олдида хотинини мақташни ёқтирмайди.

– Тушунаман, тушунаман! – Анна кулди ва ичкари кирди.

Федор Михайлович тўрдаги столда ишларди. Анна оқ латтани ҳўллаб, стол устини артиб чиқди-да, сўнг сиёҳдонни, пероли ручкани қоғозлар ёнига қўйди:

– Марҳамат, Федор Михайлович! – Эрининг елкасига қўлларини қўйиб, юзидан чўлп ўпди. – Ишингиз энгил кўчсин!

Эри яна унинг қўлларини қисиб қўйди. Анна энгил тортди. Гап очиш пайти келди. Ҳеч бўлмаса, масаланинг учини чиқариб қўйиш керак.

– Жонгинам, эртага докторга ўтиб келамиз. Бир оз даволанишингиз керак!

Федор Михайлович ручкани қўлига олиб, сиёҳга ботирди:

– Сен нима десанг шу!

Анна хурсанд бўлди. Эрларнинг «хўп» деб туриши хотинларга қанчалик ёқади. Эҳ, тутқаноғидан қутилиб олса эди, бир умр ташвиш тортмай яшарди. Шундай ақлли ва обрўли эрнинг соғ бўлишига нима етсин!



Қаердандир ит ҳуриб, бўзрайиб оқараётган сокин тонгнинг бағрини тиглади. Федор Михайловичнинг хаёли бўлиниб, ортига, нариги уйга, бир чеккаси кўриниб турган каравотга мулзам боқди: Анна ўрнида йўқ, аллақачон уйғонган кўринади, балки нонушта тайёрлаётгандир.

Ҳовлида юрган итнинг юургани, дарвоза томондан қадам товушлари, кимларнингдир гунғир-гунғир овозлари эшитилиб, унинг хаёли бузилди. Ким экан?

– Анна? – товуш қилди у меҳрли овозда.

Хотини қорамтир сочини турмаклаб олган, чеҳраси тиниқ, икки қора қанот остида икки шам ёниб турарди.

– Лаббай, жонгинам? – У югура кела солиб, Федор Михайловичнинг елкаларини силади. Эрининг елкаларига қўли тегиши билан қалби ширин туйғуларга тўлиб, илиқ ҳарорат танасига ўта бошлайди. Лекин нега шундайлигини ҳалигача ўзи тушуниб етган эмас. – Бирон нарса керакми? – сўради у меҳрли, ширин ва ёқимтой овозда.

Федор Михайлович елкаси аро оҳиста юраётган момиқ қўлчаларни секин ушлади:

– Нима гап? Ташқарида ит ҳуряпти. Битта-яримта келдимми?

– Хаёлингизни бузмай ижод қилаверинг, жонгинам, – деди Анна бамайлихотир оҳангда. – Николашканинг шўхлигини биласиз-ку!

– Нима қияпти у?

– Ташқарида гап сотяпти.

– Яна ичяптими каллаи саҳарлаб?!

– Асабингизни бузманг, Федор Михайлович, бир кун қуйилиб қолади. Бирон нима олиб келайми?

– Сут борми?

– Бор. Қайнатиб қўйибман. Озгина асал қўшиб берайми?

Ташқаридан дарвозанинг қарсиллаб очилгани, тап-тап оёқ товушлари, кимнингдир минғирлаган овози эшитилди.

Уй ичи иссиқ, ташқарида ҳам ҳарорат меъёрида бўлишига қарамасдан Аннанинг юраги увишиб, танаси муз қотди ва ёмғирда қолган кишидек намиқиб, дир-дир титрай бошлаб, аллақандай нохуш кайфият оёқларига ёпишди.

Энди унинг ёду хаёлидан чет элга кетиш режаси бир дақиқа бўлсин, нари кетмас, иложини топиб, биқиқ муҳитдан Федор Михайловични олиб чиқишни кўзлар, тезроқ уни кўндириб, узоқларга жўнаб қолиш асосий мақсади, дарди ва орзусига айланган эди. Фақат чет элга кетиб, ўша ерларда тинчлик топишлари мумкин. Самарага ёки Петердан нарироққа кўчса бўлади, аммо Маша хола, албатта, топиб боради ва сира тинч қўймаслиги аниқ. Шундай экан, уларнинг қадами етмайдиган узоқларга кетиб, Федор Михайловичнинг соғлиғини тиклаб олмоқ зарур. Уч-тўрт йил ўша томонларда туриб келишса, бирор жойлари камайиб қолмайди.

Ит қаттиқроқ ҳурди. Бир оздан сўнг вангиллаганча уйнинг орқасига ўтиб кетди. Тақ этиб кесак тегиб, дераза зириллади. Анна югуриб ташқари чиқди. Ҳовли ўртасида Никола депсиниб турарди.

– Ялмоғиз кампир! – дея ўшқирди у қонталаш кўзларини унга тикиб. – Федор Михайловични чақир!

Анна юмшоқ овозда:

– Николай Федорович, уят эмасми, яна ичиб олибсиз-а, сахар мардондан! – дея танбеҳ берди.

– Сен менга ўргатма! Бор, отамни чақир!

– Отангиз ижод қиляптилар. Бақир-чақир қилманг, асабларини бузасиз.

– Ўргатма менга! Бор, жўна! – У костюмининг узилган енгини қаттиқ тортган эди, жир этиб айрилди.

– Николай Федорович? Яп-янги костюм... эсизгина!

Ранги сарғайган Федор Михайлович ташқари чиқиб, Аннанинг ёнида тўхтади:

– Хўш, Никола, ўғлим, яна ичиб олдингизми?

Никола тупроқли қўллари билан патила сочларини силади:

– Ичдим... ж-жжуда кўп ичдим!

– Хурмачага сиққунча ичиш керак!

Никола отасининг ёнига келди. Ундан таралган қўланса ҳид гуп этиб димоққа урилди.

– Менга юз рубл бериб туринг!

– Уни нима қиласан, Никола?

– Қ-қиморга бой бердим!

Федор Михайловичнинг чакка томирлари бўртиб чиқиб, кўзлари ичига ботди:

– Нима дединг, Никола, юз рубл?.. Ўйлаб гапираяпсанми?

Оёқлари тортишиб, кайфиятининг бузилиши беҳуда эмаслигини ҳис этган Анна унинг қўлтиғидан олди:

– Федор Михайлович, жонгинам, жаҳл қилманг! Пул топилади.

– Юз рубл, ҳазилакам пул эканми? Бу бели оғримангани қара!

Николанинг оғзидан кўпиги сочилди:

– Ялмоғиз учун ҳамма нарса топилади, лекин мен... ўғлингиз учун... мен, мен сариқ чақага арзимайманми?

Федор Михайловичнинг озгин юзи қорайиб, пешонаси тиришди:

– Сен, Никола, бемаза бола бўлибсан. Мени куйдиришдан бошқа нарсага ярамайсан!

Шовқин-суронни эшитиб, Маша хола югуриб келди:

– Ҳой, нима гап? Нима шовқин? Эрталаб ҳам, кеч ҳам бу уйда тинчлик йўғ-а!..

Никола, яна қай гўрдан ичдинг?

Никола холасини кўриб, йиғлаб юборди:

– Хола, улар менга умуман қарашмай қўйди. Етимдан баттарман!

Маша хола уни бағрига босиб, патила сочларини силади:

– Қўй, йиғлама! Буларнинг кўзини ёғ босган.

Федор Михайлович ўглининг қўлидан ушлаб, ўзига қаратди:

– Болам, нега унақа дейсан?

Никола отасининг қўлини силтаб ташлади:

– Нарн туринг, сиздай отам йўқ!

Федор Михайлович депсиниб, орқага тисарилди:

– Ўз ўғлим... Никола!

Анна уни ушлаб қолди:

– Қанақа одам сизлар ўзи? Раҳм-шафқатни биласизларми? Йиқилиб қолсалар нима бўлади?

Маша хола унга муштини ўқталди:

– Ов, тилинг кесилгур, касофат! Сен келдинг-у, бизнинг оромимиз йўқолди. Боламни хўрлаганинг нимаси? Беш рубл берсанг, садағанг кетадимми?

– Бераман пул керак бўлса. Яхшиликча сўрасин!

Федор Михайлович ерга чўккалади:

– Бас қилинглар!

Маша хола Николани уйи томон судраб кетди.

Кечга бориб, Федор Михайловичнинг оёқлари тортишиб қолди. Анна югура солиб, қўшни кўчада яшовчи докторни чақириб келди.

– Асаб чарчаган, – деди у беморни кўздан кечиргач. – Бир-икки йил дам олишлари керак. Хафа бўлиш мумкин эмас. Тинчлантирувчи дори бераман!

– Барака топинг! – деди Анна унга. – Қанча бўлса тўлайман.

– Арзимас пул туради, – доктор унга сариқ қутичани узатди. – Кунига биттадан уч маҳал ичсинлар. Ниҳоятда яхши дори. Хорижники.

Федор Михайлович бош ирғаб таъзим қилди:

– Раҳмат сизга, доктор!

– Тузалиб кетинг!

– Бу дарддан қутилса бўладими?

– Ҳамма дарднинг давоси бор, муҳтарам жаноб! Ўзингизга боғлиқ!

Анна қулай фурсатдан фойдаланиш учун:

– Балки узокроққа кетиб, ҳаво алмаштириш керакдир? – деди докторга қараб.

– Агар чет элга бориб даволансангиз... албатта, чўнтак кўтарса, бир-икки йилда қутилиб кетасиз.

– Батамом қутилиш мумкинми? – яна сўради Федор Михайлович.

– Мумкин? Танангиздаги асоратни йўқотиш учун ирода бўлиш керак одам-да!

Анна Федор Михайловични мақтади:

– Бу кишининг иродаси метиндан қаттиқ, қойил қолса бўлади.

Доктор жилмайганча ўрнидан турди:

– Рус адибининг иродасига ишонаман. Хайр, азизим! Борадиган жойларим бор, узр!

Федор Михайлович ўрнидан турмоқчи эди, доктор қўймади:

– Қўзғалманг, азизим, сизга тинчлик даркор!

Анна докторни кузатиб қайтар экан, йўлакнинг ўртасида қўлини белига тираб турган Маша холани кўриб, жойида таққа тўхтади:

– Нима истайсиз мендан?

– Никола арпангни хом ўрдими сани?!

Анна ҳам бўш келмади:

– Ўзини йиғиб олсин!

Маша хола яна муштини ўқталди:

– Уни яна хафа қилсанг, уйдан итдек қувиб юбораман!

Анна уни четлаб уйига кирди. Жуда тили заҳар, одобсиз аёл. У билан ит-мушук бўлгандан кўра, узокроқ юргани маъқулроқ.

Никола отасининг бошида тик турар, Федор Михайлович шифтга қараганча мулзам ҳолда ётарди.

– Николай Федорович, нега келдингиз? – Анна йиғламоқдан бери бўлди. – Отангизнинг уволига қолмоқчимисиз?

– Пулни чўз!

Анна қулоғидаги олтин зиракни ечди:

– Мана олинг!

Никола қалин олтин зиракларни қўлида ўйнатди:

– Барибир берар экансиз, таранг қилишингизга ўлайми?

«Бу юлғичлар билан умуман яшаб бўлмайди. Хорижга кетишни тезлаштириш керак...» Анна унга нафрат билан қаради. Ношукур ўғил, шундай даҳо отани қийнаб, не қўйларга солмоқда. Аҳвол шу даражада кетаверса, бир кун умрларига зомин бўлишлари ҳеч гап эмас.

Эрталаб кеча доктор берган дори ёқдими ёки Аннанинг муолажалари фойда қилдими, ҳар ҳолда Федор Михайлович ўрнидан тетик ўйғонди. Нонуштадан сўнг Анна чет элга кетиш ҳақида гап очган эди, эри чуқур ўйга толиб, боши қуйи эгилди.

– Анна Григорьевна, – деди кейин сўник оҳангда, – Сизни жуда қийнаб қўйдим. Мени деб анча озор чекапсиз. Уйдагиларнинг ортиқча қилиқларидан ҳам олдингизда жуда хижолатдаман. Хорижга кетайлик, деб Сиз мен учун жон куйдирапсиз. Айтишга осон, лекин биласизми, бунинг учун қанча маблағ керак?!

Анна эрининг ёнига сурилиб, худди мушук боласи каби унга суйкалди:

– Жонгинам, Сиз бу томонидан сира ташвиш тортманг, мен анчагина маблағ йиғиб қўйганман. Хўп десангиз, уйдаги қимматбаҳо буюмларимизни ҳам сотувга қўямиз. Заргарлар билан гаплашган эдим.

– Нима десангиз, мен розиман. Сиздек аёллар дунёда кам топилади. Биламан, сиз мен учун оламни ҳам олиб беришга тайёрсиз. Лекин мени деб, хорижда, бегона жойларда озор чекишингизни истамайман.

– Федор Михайлович?– Анна унга жовдираб тикилди. – Худо томонидан аёлларга ирода берилган. Биз аёллар қаерда ва қайси шароитда бўлмайлик, тез кўникамиз, ўрганиб кетамиз. Шундай экан, мендан сира хавотирланманг.

– Раҳмат сизга, Анна Григорьевна! – деди Федор Михайлович ҳам унинг иззатини жойига қўйиб.

– Бу дунёга устун бўлмаймиз, жонгинам, – бу сафар Анна юмшоқ гапирди, – инсон тириклигини ўйлаши керак. Сиз катта-катта асарлар ёзинг, рус насри француз ёки олмон адабиётидан кам бўлмаслиги лозим.

Бу гап Федор Михайловични руҳлантириб юборди:

– Соғлигим кўтарса, «Телба» деган асар ёзмоқчиман.

– «Телба?» ғалати, аммо китоббоп ном.

– Номи сизга ёқдими, демак, унинг ўзи ҳам ёмон бўлмайди.

– Федор Михайлович, сиз даҳо ижодкорсиз, бунинг унутманг. Ёзганларингиз менга жуда ёқади, ноширлар фойда кўриш учун атайин кам ҳақ тўлашади. Устига-устак, кўнгилчанлигингиз бор.

– Мен шундай одамман, Анна Григорьевна! – Федор Михайловичнинг қизғиш мўйлови ялтиради.

Анна унинг кўнгли юмшаганини сезиб:

– Хўп денг, Федор Михайлович, бу ерлардан кетайлик, – деди астойдил жон куйдириб ва «йўқ» деб юбормасинлар, деган ташвиш билан қўшимча қилди. – Мени айтди дерсиз, ҳаммаси жойида бўлади. Соғлигингиз тикланади. У ерда бемалол «Телба»ни тугатасиз. Худо бераман деса, бир нечта асарлар ёзиб ташлайсиз. Хўп денг!

Федор Михайлович оғир тин олди ва:

– Худо кўнглингизга яхшилик солган кўринади, Анна Григорьевна, майли, сиз айтганча бўла қолсин, – деди ва номига бўлса-да, кулиб қўйди.



Поезд ўрнидан жилар-жилмас Анна Григорьевна оппоқ чойшаб солинган юмшоқ ўринга чўзила қолди. Федор Михайлович айтганидек, хорижга кетдик, деб айтиш осон. Унгача... эҳ-ҳе, елди-югурди, нарсаларини сотди... олтин узуклари, кумуш тақинчоқлари, билакузуги... уни самарқандлик ўзбек савдогаридан олган эди, жуда чиройли, нафис буюм эди. Майли, бошқасини оларман, Федор Михайловичнинг соғлиғи муҳим, соғайиб кетсалар, эр кишининг моли ерда, топилади, деб ўйлади. Кўнглида эртанг яхши бўлади, деган ишонч бор. Оёғи тортмаганда бормасди.

Федор Михайлович унинг ёнига ўтирди:

– Сафаримиз бехатар бўлсин, Анна Григорьевна! Хурсандмисиз?

Анна бу гапни сен учун боряпман, деган маънода тушунса-да, юрагига оғир олмади, балки мен нотўғри ҳис этаяпман, дея ўзини овутиди.

– Муҳими, сиз соғ бўлинг, Федор Михайлович! – деди жилмайганча унга суйкалиб.

– Албатта, Сиз учун яшайман, Анна! – Федор Михайлович унинг юмшоқ, ҳароратли ёноқларидан тутди. – Жуда толиқдингиз, дам олинг, сўнгра чой ичамиз!

Эшик тақиллади. Федор Михайлович кумуш тутқични орқага тортди. Остонада вагон соҳиби – шоп мўйлов, очиқ чеҳрали, катта кўккўз киши жилмайиб турарди.

– Федор Михайлович, Анна Григорьевна, саломлар бўлсин, яхши кетяпсизларми? – дея бошидаги қора шапкасини олиб, таъзим қилди-да, ўзини таништирди. – Миша Михайлович! Сизларнинг хизматингиздаман.

Анна Григорьевна бу нусха бизларни дарҳол қаердан била қолди, деганча ҳайрон боқди.

Миша Михайлович кўплаб, турли-туман, турфа хил йўловчиларни кўргани учун ҳам унинг узунчоқ юзидаги ҳайратни ва чарчоқни дарҳол илғади:

– Анча толиққан кўринасиз, хоним, француз шароби кўшилган қаҳва берайми?

Федор Михайлович унга миннатдор боқди:

– Менга ҳам олиб келинг!

Вагон соҳиби эшикни ёпиб чиқиб кетгач, Анна:

– Яхши соҳибга йўлиқибмиз! – деди хурсанд бўлиб.

Миша Михайлович оқ кумуш патнисда қаҳва келтирди. Купе ичида хушбўй ҳид таралди.

– Сизлар учун энг аъло навли қаҳвадан тайёрладим! – деди у бироз ширали оҳангда. – Сиз, Федор Михайлович, улуғ руснинг зўр ёзувчисисиз. Бир нечта асарларингизни ўқиганман.

Анна унга қизиқсиниб қаради:

– Ишингиз кўп, қандай улгурасиз?

Миша Михайловичнинг ёноқлари ялтиради:

– Кечаси минан нима иш қиламан?! Китоб ўқийман-да! Вақт кўп. Ҳозир ишларимни битираман. Шу билан икки-уч соат ҳеч ким мени безовта қилмайди.

Анна унга илтифотли назар ташлади:

– Сиз жуда беназир одам экансиз! Ўйлайманки, сиз билан йўлимиз манзилгача кўнгилли ўтади.

Миша Михайлович уларга яхши кайфият тилаб, эшикни ёпди.

Кечаси ярим-тунда Федор Михайловичнинг мазаси қочди. Поезд гилдираklarининг бетиним тарақа-туруқ овозларими ёки гоҳида купега урилаётган куланса тутун ҳидими, ишқилиб нимадир ёқмади шекилли адиб ўзини ёмон ҳис қилди, боши айланиб, юраги қаттиқ уриб, эти увишди ва иситмаси кўтарила бошлади.

Ҳаяжонга тушган Анна эрининг олдида турган нарсаларни бир жойга тўплаётганини кўриб, Миша Михайловичнинг олдида чопди.

– Доктор бўлса, тез чақириб беринг, Федор Михайловичнинг мазаси қочмоқда! Тутқаноғи тутиб қолса, менга қийин бўлади!

Миша Михайлович нариги вагонга ўтиб, беш дақиқалардан сўнг узун бўйли, кўзойнакли ёш йигитни бошлаб келди. Бу пайтда Федор Михайлович хонада у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Доктор қани, бир текшириб кўрайлик, дея уни жойига ўтказтирди-да, қўлларини, тиззаларини ушлаб кўраркан:

– Қачондан буён шундай ҳолат рўй беради? – деб сўради.

– Беш-олти йилдан бери! – жавоб қилди Федор Михайлович.

– Ичишга қалайсиз?

– Нўноқроқман!

– Яхши. Бирон нарсадан кўрқмаганмисиз?

– Бу саволни менга кўп беришган. Кўрққан эмасман.

– Ота-онангизда ёки қариндош-уруғларда шу ҳолатни кузатганмисиз?

– Бобомда бўлган.

– Тушунарли! – доктор ёнидаги оқ сумкасига қўл тикди. – Яхшилаб даволанишингиз керак, Федор Михайлович!

– Қутулиб кетаманми, доктор?

– Албатта! Энг муҳими, сизга тинчлик ва хотиржамлик керак.

Доктор сумкасидан иккита оқ дори олиб берди:

– Биттасини ҳозир ичинг. Иккинчисини эртага тушликда ичасиз. Кўнгилни бир оз айнилади, эътибор берманг!

Уни кузатиш учун йўлакка чиққан Анна:

– Катта раҳмат, доктор! – дея чўнтагига уч рубль солиб қўйди. – Рози бўлинг.

Миша Михайлович ўз купеси эшиги олдида турар, Аннага қараб, яна қаҳва таклиф қилган эди, у миннатдорлик билдириб ўтиб кетди.

Поезд шитоб билан манзил томон интилар, темир ғидираклар бир маромда тарақлаб, кенг ўрмонлар, ортда қолаётган қишлоқларнинг тинчини бузар, аллақерлардан бўриларнинг ғингшиб улигани, отларнинг кишнагани қулоққа чалинади. Дорини ичгандан сўнг Федор Михайлович ухлаб қолди. Хира чироқ ёруғида нохуш кайфиятда, ғариб ҳолатда юраги қисилиб, ғамгин ўтирган Анна анчагача эрининг ёнидан нари жилмади. Тақдир нималарни юзма-юз қилади, ҳали номаълум. Таваккал билан йўлга чиқишди. Ишқилиб, турмушлари ёмон кечмасин!

Уни уйқу босди. Бир дақиқа дам олгани йўқ. Купега жойлашгач, мириқиб ухлаб олишни кўзлаган эди, ўйлови ҳам амалга ошмади. Эри бир аҳволда экан, хотиржам ётишга бало борми?! Поезд тўсатдан қаттиқ силкиниб, Анна бошини тиззасига уриб олди ва жон ҳолатда «жин урсин» дея буғриқди. Устига-устак, Федор Михайлович ётган ўрнидан силжиб, уни суриб юборди. Қўли билан эрини ушлаб, нарироқ сурилди-да, ўрнига маҳкам жойлашиб ўтириб олди. Яхшиямки, ўрнига ётиб олмади, акс ҳолда, эри ерга қулаб тушиб, яна бир ташвиш орттириши аниқ эди.

У бошини тиззаси орасига олди. Бир оздан сўнг уйқу босиб, ғира-шира туш кўрди. Қоп-қора бўри уни қува кетди. Анна жонини қўлига олиб, ура қочди. Тоғ-тошлардан, қир-адирлардан, дарёлардан ўтди. Бўри ортда қолиб кетар, деб ўйлаган эди, аммо оч махлуқ бир дам ҳам тўхтамай қувишда давом этди. Ниҳоят, Анна кучдан қолди ва қорли тоғ тепасида таппа йиқилган эди, бўри шу заҳоти устига сакради. «Вой-дод, ёрдам беринглар!» Алахсираб кўзини очди. Ерга ағнаб тушган Федор Михайлович қалтираганча уни босиб ётарди. Ваҳима аралаш унинг остидан чиқиб, ердан кўтарди-да, яна жойига ётқизди. Эрининг қўл-оёқлари букилиб, жағи маҳкам қисилиб қолган эди. Эси оғиб, бутун танасини ваҳима чўлғади. Ўлиб қолса, балога қолади. Никола билан Маша хола унинг бошида ёнғоқ чақади. Югуриб коридорга чиқаркан, эшик олдида Миша Михайловичга дуч келиб:

– Ёрдам беринг, у кишининг яна мазаси қочди! – деди ҳансираб.

– Бақирган сизмидингиз? – деди Миша Михайлович ва докторни чақирдиш учун ортига бурилди.

Поезд шитоб билан олға интилади. Ташқари қоп-қоронғи, бирор нима кўзга ташланмайди. Доктор анча кечикиб етиб келди. Афтидан, ухлаб ётган бўлса керак. Кўзлари қизарган, аллақандай паришонроқ эди.

– Ҳеч қанақа ваҳима қиладиган жойи йўқ, – деди у эснаркан қўли орқаси билан оғзини ёпиб. Сўнг оқ сумкасидан бошқа бир дорини олиб, Федор Михайловичга ичирди:

– Безовта қилманг, ухласинлар! Афтидан, поезднинг ҳавоси у кишига ёқмабди. Безовта бўлсалар, яна чақиринг!

– Раҳмат сизга, доктор! Бевақт безовта қилганим учун узр!

– Касбимиз шунақа, озор чекманг!

Поезд секинлай бошлади. Анна дераза ёнига ўтирди. Олачалпоқ осмон кўзга ташланар, булутларнинг сийрак жойларидан ойнинг сарғиш нурлари таралиб турарди. Бахтга қарши, юлдузлар ҳам кўринмайди. Юлдузлар бўлганда, улар билан сўзлашиб, енгил тортган бўларди. Ёлғизлик нақадар ёмон.



Вокзалда уларни оқчил юз, митти кўк кўзли, ориқ немис чол кутиб олди.

– Хатингизни олган эдим, Анна Григорьевна! – деди у тавозе билан. – Хуш келибсиз диёримизга. Бу киши адашмасам, буюк ёзувчи Федор Михайлович бўлсалар керак?

– Худди шундай! – деди Анна жилмайиб.

Ранги сарғайиб, кўзлари ич-ичига тушган Федор Михайлович унга таъзим қилди:

– Танишганимдан хурсандман!

– Гинтерштейн! – таништирди чол ўзини. – Биз Анна Григорьевнанинг оталари билан дўст эдик. У киши бизга рус молларини етказиб берардилар. Ҳалол одам эди!

Икки соатлардан сўнг улар тоғ орасидаги кенг ва кўркам ҳовлига етиб келдилар. Пастда дарё оппоқ камардай жилоланиб кўзга ташланади, атроф кўм-кўк, ҳаво жуда майин.

– Ажойиб, бебаҳо жойлар экан! – деди Федор Михайлович.

Дов-дарахтлар орасидан уйларнинг қизғиш томлари кўзга ташланади.

– Шаҳарчамиз жуда тинч, сизларга ёқиб қолади! – деди чол қўш аравани икки тавақали дарвозадан ичкари киритар экан.

Чувак юзли йигит, афтидан хизматкор бўлса керак, югуриб келиб, унинг қўлидан юганни олди.

Гинтерштейн Анна билан Федор Михайловични адирлик ёнидаги қуюқ дарахтзор орасидан ўтган йўлдан юқорига, кичикроқ тўрт хонали уйга бошлаб борди. Пойдевори тарошланган оқ тошлардан яқиндагина қурилган тахта уй эди бу. Атрофида ҳар хил – қизил, оқ ва пушти гуллар барқ уриб яшнаб турибди. Хушбўй ҳидлар димоққа урилади.

– Шу йил ўғлим кўрди бунини! – деди чол уйга ҳавас билан қараб. – Бу ердан бутун шаҳарчамиз кўриниб туради. Ўйлайманки, муҳтарам жанобга уйимиз ёқади.

– Миннатдорман. Жуда ёқди! – деди Федор Михайлович мамнун бўлиб.

Чол жилмайди:

– Ўйлайманки, Федор Михайлович, сиз бу ерда энг зўр асарлар яратасиз!

– Ниятингиз холис кўринади, – деди Анна хурсанд бўлиб. – Катта раҳмат сизга!

Чол уларни уйга бошлаб кирди:

– Ўғлим Финляндияга кетган. Эрта-индин келиб қолади. У жуда катта ношир. Китобни жонидан ортиқ яхши кўради.

– Ўғлингиз бамаъни йигитга ўхшайди! – деди Федор Михайлович.

Чол мамнун ҳолда жилмайди.

Орадан бир йил ўтди. Дастлабки, олти ой бир оз қийин кечди. Шарт-шароит унчалик яхши эмасди. Рўзгорни ғор дейдилар. Олиб келган маблағ ҳам тугаб, аҳволлари янада оғирлаша бошлади. Лекин Анна Федор Михайловични уринтиришни истамас, унга сиз ёзиш билаш машғул бўлинг, фикрингизни бўлманг, деб қайта-қайта тайинлар, ўзи эса шаҳарчадаги аёллар гимназиясига қатнаб ҳам ўқир, ҳам ўша ердаги юмушларни бажариб, рўзгорни тебратишга яраша маблағ топиб келарди. Бу орада шаҳарчанинг энг кўли енгил деб танилган докторига Федор Михайловични кўрсатиб, икки марта муолажа олдирди. Шаҳарча доктори – барваста, қуюқ қошли Генрих Зиг чарчамас, фидойи, ўз касбини севган одамшаванда киши бўлиб, Федор Михайловични жон-ҳолига қўймай яхшилаб уч ой даволади ва мен даволаган беморлар қайтиб касал бўлмайди, дея мақтаниб ҳам қўйди ва яна хизмат ҳақини ҳам кўп талаб қилмади. Анна ундан беҳад миннатдор бўлиб, қайта-қайта ташақкур изҳор этди ва ҳақиқатан, докторнинг гапи тўғри чиқиб, кейинги олти ой ичида Федор Михайловичнинг бирор жойи оғримасди, ҳатто тутқаноғи ҳам хуруж қилмади, ижоди ҳам баракали бўла борди. Тезкорлик билан ишлаб, янги «Телба» романини тугатди. Чол унга харидор топди. Орадан уч ой ўтиб, Россиядан йигирматача китоб ва беш юз рубл пул келди. Ўз китоби Федор Михайловичнинг кўзига чўғдай кўриниб, эртаси шаҳар ошхонасида рус ва немис танишлари учун базм уюштирди. Базмга боришдан олдин Аннани тикувчиникига олиб бориб, қимматбаҳо немис матосидан оппоқ кўйлак тиктириб берди. Анна оқ матони яхши кўрар, унингча, табиатда оқ ранг беҳудага яратилмаган, оқ поклик ва барака тимсоли ҳамдир. Буни Федор Михайлович яхши билгани учун ҳам унга оқ кўйлакни лозим кўрди. Иккинчи томондан, оқ кўйлақда Анна кўзига фариштадай гўзал кўринади. Топган тикувчига ҳам шу гапни айтган эди, «гапингиз тўғри, муҳтарам зот, оқ рангни Аллоҳ қалб нуридан бандасига берган» дея ўзича билагонлик қилди. Ўзига ишонган киши дадил гапирди. Билими, гап-сўзи, ишини пухта билувчи уста йигит экан, буюртма олган кўйлакни тўрт соатда тикиб битириб, ўз вақтида топширди. Бу орада Федор Михайлович қаергадир бориб келди. Анна эрининг қўлида оқ ёқут кўзли олтин зирак ва тилло занжирни кўриб: «Жуда чиройли экан, лекин нечун ортиқча ташвиш қилиясиз?!» – деди куюниб. Федор Михайловичнинг тўлиша бошлаган юзи оқ гулдай ёришди. «Сенга ёққан бўлса, Анна, жуда бахтиёрман!» – деди ва юзидан чўлп ўпиб, тилло занжирни бўйнига, зиракларни қулоғига тақди. Сўнг: «Олтин фақат аёлга зебу зийнат эмас, соғлиғига ҳам катта фойда, қолаверса, аёлларнинг узоқ яшашларига ҳам шу тақинчоқлар сабаб!» – деди кулиб. Анна ҳам кулди ва: «Аёл бўла туриб, ҳеч шу тўғрида ўйламаган эканман, жуда синчков ва қувсиз, Федор Михайлович!» – деди бўйнидан кучиб, сўнг: «Шундай бўлса-да, мен учун ортиқча ташвиш қилманг, жонгинам, сизнинг ўзингиз мен учун энг катта бойлик!» – дея қўшиб қўйди. Овози ўктам ва шод эди. Федор Михайлович унинг самимий гапларидан миннатдор бўлиб, «бебаҳо аёлим бор» деб ичидан суюнди ва янги асар ёзиб, бу гал қалам ҳақи олсам, қишки усти бош олиб бераман, деб ният қилди.

Федор Михайлович сўзида собит турувчи, аҳдига содиқ киши эди. Аннани хурсанд этиш учун кеча-кундуз ишлаб, янада кўпроқ ижод қила бошлади. Ҳатто уни эркалашга, рўзгор ишларида ёрдамлашишга ҳам вақт топа билди.

Аннанинг назарида, эри кундан-кунга қувватга тўлиб боряпти. Шу маромда ижод қилса, яқин орада «Иблислар» романига нуқта қўяди. Харидор ҳам тайёр. Гинтерштейннинг ўғли Рихтер китобни чоп этишни кўзлаб юрибди. Лекин бу сафар асарни унга сув текинга бермоқчи эмас. Россияда иккита китобини чиқаришиб,



арзимаган чойчақа юборишди. «Шунисига ҳам шукр», деб қўя қолди Федор Михайлович. Анна эса ҳамма нарсани ўз баҳосида сотилишини истайди. Китоб ёзиш ҳам осон иш эмас. Эри унга қанча кучини берапти, қанча кўз нуруни сарф этапти. Соғлиғининг кетаётгани-чи?

Бу орада Анна янги стенография фани бўйича ўқишини тугатиб, ишга жойлашди ва Федор Михайловичнинг бемалол, хотиржам ишлаши учун шароит яратди. «Рўзгорнинг ташвишини қилманг, ўзим эплайман!» деди у. Ёз бўйи боғларга чиқиб, малина ва ҳўл мевалар териб, қуришиб олиб, қопчаларга жойлаб, омборхонага тахлаб қўйди. Федор Михайловичнинг назарида, хотини худди она чумолига ўхшайди. «Худойим менга шундай меҳрибон аёлни берди, минг шукр!» дея қувонди у.

Анна бир куни янги гап толиб келди.

– Ноширлар бизни алдашган экан! – деди у норози оҳангда. – Рус адабиётида катта воқеа бўлган «Телба» асарингизга уялмай-нетмай арзимаган беш юз тўлашди. Биласизми, ўзлари қанча фойда кўришибди?

Федор Михайлович уни бағрига босди:

– Анна, ке қўй шу гапларни, эшитмай ҳам, куймай ҳам!

Анна ўрнидан туриб, ошхона томон юрди:

– Бирон нарса тайёрлаб берай, ҳойнаҳой оч ўтирган бўлсангиз керак?!

– Сенсиз томоғимдан бирор нарса ўтармиди, Аннагинам!

– Сиз, Федор Михайлович, жуда кўнгилчан одамсиз. «Иблислар»ни менга қўйиб берасиз?

Федор Михайлович унинг гапини илиб олиб:

– Нима қиласан, иблисларни тузлайсанми? – деди муғомбирона кулиб.

Хотини ширин кулди, овози майин ва ёқимли эди. Федор Михайлович ҳузур қилди. Унинг ҳар бир одати, ҳар бир ҳаракати ёқимли.

Анна уялган бўлиб, кўзини олиб қочди:

– Сиз ёзувчиларни гапга туққан! – деди беозор, беғараз ва бироз эрка оҳангда. Федор Михайлович тили ширин эрка аёлим бор, дея суюнди.

Анна бир куни юраги остида нимадир қимирлагандай бўлганини сезди ва аёллар докторига учрашишни кўзлади. У ҳам ҳамма ожизалар сингари ўзига оро-торо беришни яхши кўради. Иккинчи томони, кимсан фалончи немис докторига кўринишга бораётган экан, ҳеч бўлмаса, тузукроқ кийинишни кўзлади, аммо жомадонини титиб, кўнглига маъқул бўладиганини тополмади. Юпун кийиниб борса, доктор опа жуда камбағал экан демасмикин?! Кимсан катта ёзувчининг хотини, рус аёлининг кийиниши шуми, дея устидан кулса-чи?! Бу ўйлар унинг учун оғир эди, аммо Анна ўзини қўлга олди, қорнидаги ҳомила типирчилаб қолганда, «энг катта бойлик шу эмасми?» деган хаёлга борди-ю, дик ўрнидан туриб, сочини турмаклаб, енгил одми тўқ яшил қўйлагини кийди-да, кўчага чиқди. Ғундалак немис аёли уни илиқ қаршиларкан: «Шаҳарчамизда сиз ҳақингизда яхши гаплар юради, «рус хоним жуда бамаъни аёл» деб таърифлашганларини кўп эшитганман. Ҳақиқатан ҳам камтар экансиз! Бу хислатингиз одми кийинишингиздан ҳам кўриниб турибди. Кўйлагингиз жуда чиройли экан», деди унга бошдан-оёқ назар ташлаб, сўнг оппоқ каравотга ўтиришга таклиф этди ва ётқизиб обдан кўздан кечиргач, чехраси очилиб: «Табриклайман, уч ойлик ҳомилангиз бор!» деди. Анна хурсанд бўлиб, уйига югурди. Федор Михайлович унинг кулиб чошиб келаётганини кўриб, пешвоз чиқди:

– Анна Григорьевна, нима гап?

– Биз биттага кўпайибмиз, жонгинам! – деди ва эрининг бўйнига осилди. Энди қўрқиш йўқ, энди улар учта бўлади.



Орадан олти ой ўтиб, улар фарзандли бўлишди. Федор Михайлович энди ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кечаси ҳам ижод қилади. Бола йиғласа, ором олаётган Аннани ўйғотгиси келмай ўзи қарайди. Тўғри, кейинги кунларда энага олиш ҳақида ўйлаб кўрди, аммо топганлари рўзгорга зўрға етиб турибди. Ҳозирча чидаб турсин, «Иблислар» асарини тугатса, Рихтер яхши ҳақ тўлайман, деб ваъда бермоқда, шу иш ўнгидан келса, албатта, Анна учун битта энага ёллади, бўлмаса, бечора хотинининг қийналиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу орада Анна яна ҳомиладор бўлиб, ташвиши кўпайди. Федор Михайлович энага ёллаш ҳақида яна ўйлай бошлади, аммо ҳадеганда, бунинг уддасидан чиқолмади, фақат бир кунни Аннанинг тўсатдан боши айланиб, ўтириб қолганда, бунга жиддий ёндашмаса бўлмаслигини тушунди. Эртаси уни докторга кўрсатиш учун ўзи бирга борди. «Камқонлик, – деди доктор аёл Аннани кўриб бўлгач ва Федор Михайловични алоҳида олиб қолиб, – безътибор бўлманг, унга яхшироқ қарашинг, ҳомилали аёллар нозикроқ бўлишади», деди «ўзингиз тушунган эркаксиз» деган маънода. Чол Гинтерштейн бу пайтларда касал ётган эди. Аннага билдирмай унинг олдига бориб, ҳол-аҳволини сўради. Иккаласи анчагача рус урф-одатлари, табиати, дунёнинг пайдо бўлиши ва бошқа турли-туман мавзуларда суҳбат қилишди. Гап орасида чол унинг оиласи, яшаш аҳволлари ҳақида сўраган эди, Федор Михайлович дастлаб ҳолатини билдирмади, лекин Анна ҳақида гапирар экан, унга энага зарурлигини қистириб ўтди. Ҳаётида кўпплаб яхши-ёмон воқеаларни бошидан ўтказиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, табиатан зийрак Гинтерштейн унинг нимага шама қилаётганини қисман бўлса-да, англади ва «мен ҳам сизга бирор яхшилик қилай», деди. Бу гап Федор Михайловичга жуда кўл келди. «Малол келмаса, менга бир оз қарз бериб турсангиз, яхшилигингиз шу бўлади», дея бош эгди у. Сўрашга сўради-ю, уятдан танаси қизиб, боши чирпирак айланди. Яна тутқаноғим тутиб қолмасайди, деган хавотирда ўзини жиловлашга уринди. Эҳ, ижодкор, ижодкор! Ижодкор деганида ҳаяжон кўп бўлишини, ана шу нарса уларга панд бериб қўйишини яхши билгани учун ҳам ўзини босиб, бўғзига тикилиб келган ҳаяжонни тезда жиловлаб, чолга мамнун жилмайди. «Бундан осон иш йўқ, – деди чол, – ўғлимга айтаман, Рихтер сизларга керакли маблағни беради. Ундан кейин, барака топгур, Федор Михайлович, ижара ҳақидан ҳам воз кечаман, берманг!» Федор Михайлович унга қандай бўларкин, деган маънода қаради. Чол гал бермай: «Инсон фақат пул деб туғилган эмас, у яхшилик учун ҳам яралган!» – деди жилмайиб. Федор Михайлович уйга кела солиб, Аннага чолнинг ижара ҳақидаги гапини етказганда, мамнун бўлиб, уни мақтади ва сизга худо мададкор бўляпти, деди кулиб. Федор Михайлович пул ҳақида ҳам гап очмоқчи эди, аммо аввал иш битсин-чи, деб индамай қўя қолди. Эртаси уни Рихтер чақирди. «Нима иши бор?» – деб сўради Анна. Федор Михайлович ёлғончиликни ёмон кўрарди, шу боис ҳам энди гапни яширмади ва: «Китоб пулини шу қарз эвазига олдиндан олиб турганимиз маъқул» деди. «Бу тўғри гап!» – уни қувватлади Анна.

Рихтер берган қарз пулига Анна ўзига мўмингина энага топди. Бу эллик беш ёшлардаги Ева исмли немис аёли бўлиб, камгап, бурни пучуқ, лекин истараси иссиқ, пишир-қуйдирга уста, оддий, озода кийинган, покиза руҳоний жувон эди. Биринчи кунданок Анна у билан тил топишиб кетди. Бир ой ўтиб, улар она-бола каби қадрдон бўлиб қолишди. Ева бозор-ўчарни ҳам қўлга олди. У иш қилиб сира чарчамас, болани-ку жонидан ортиқ яхши кўрарди. Гоҳо: «Анна қизим, ўнта фарзанд кўрсангиз ҳам майлига, ўзим боқаман», дея ҳазил ҳам қиларди. Анна бу гаплардан яйраб кулар, «бунинг учун Шарқ аёлининг иродаси бўлиши керак», дер эди. Ева соддалик билан: «Шарқ аёлларининг жонларига балли, улар

қандай қилиб, ўн, ўн бешта болани боқишади?» – дея хайрон бўларкан, ўзича бу зўравонликнинг натижаси эмасми, деган ўйга ҳам борди ва қани бу тўғрида хоним ойим нима дейдилар, деган фикрда Аннанинг оғзига боқди.

Анна Шарқ аёллари тўғрисида эшитганларини гапирар экан, Туркистонда бола боқиш борасида маълум тизим шаклланганини айтди. Ева бу тизимнинг нимадан иборат эканлиги билан қизиқди. «Бу шундай тизимки, – дея Анна худди ўзи кўргандек ишонч билан гапира бошлади, – она фарзанд кўрса, беш-олти аёл боланинг чилласи чиққунча унинг атрофида парвона бўлишади. Чақалоқ бир ҳафталик бўлгач, бешикка солинади. Бешик шундай нарсаки, боланинг таги ҳеч қачон ҳўл бўлмайди. Унинг сумаги билан туваги ҳам бор. Бола йиғласа, қорнини тўйғазиб, сўнг алла айтишади. Ибн Синодан ўқидимки, алла она юраги каби майин айтилар экан. Улар буни беҳудага ўйлаб топишмаган. Қорнимиздаги ҳомила юрак уришимизни эшитиб катта бўла боради. Инсон бир нарсани такрор кўрса ва эшитса, унда шу нарсаларга нисбатан ташналик, яъни хумор ҳосил бўлишини яхши биласиз. Буни биз европаликлар рефлекс деймиз!» Унинг гапларини диққат билан эшитган Ева «Тавба, инсон нималарни ўйлаб топмайди» – деди ҳайратланиб.

Якшанба кунларининг бирида Гинтерштейн чол омонатини топширди. Федор Михайлович Анна билан мотам маросимига борди. У ерда ҳозир бўлган олмон кишилари рус ёзувчиси ва унинг хонимига қизиқиш билан қарар, оддий одамлар улар билан икки оғиз гаплашиш истагида ёнларига яқинроқ сурилишиб келишарди. Федор Михайлович табиатан касалманд кўринар, унинг ёнида адл қоматли Анна эса ойдай нур сочиб, кўзларни маҳлиё этарди. Айни кунларда ҳомиладорлиги туфайли у анча тўлишган, докторнинг муолажалари ва яхши еб-ичаётгани ҳамда ишларининг изга тушиб, оила бир оз тўқ яшаётгани боис унинг қалби севинчга тўлиб, ҳаётнинг лаззатини сураётган эди. Бир немис аёли Аннани анча гапга тутди. Герхер хоним деган бу аёл Питерда икки йил яшаганини айтиб, шаҳарни соғинганини яширмади. Мотам маросими бошланиб, суҳбат узилди. Анна бирор кун бу тўғрида алоҳида суҳбат уюштиришга ваъда берди.

Бир ойлardan сўнг Федор Михайлович «Иблислар» романини тугатди ва келишувга мувофиқ чолнинг ўғли Рихтер қўлёзмани олиб кетди.

– Федор Михайлович, бу сафар қаттикроқ тулинг, Рихтер муғомбир йигит, отасига ўхшамас эмиш, – деди эрини огоҳлантирган бўлиб. – Барча ноширлар бошқа ёзувчиларга қараганда, сизга икки-уч баробар кам ҳақ тўлашмоқда. Асарни заҳмат чекиб битирдингиз, меҳнатингизга яраша ҳақ тўлашларини талаб қилинг! Ҳозир Россияда ҳам, Олмония ва Францияда ҳам сизни ташналик билан ўқимоқдалар.

Федор Михайлович ўзи ҳақида хотинининг шунчалик батафсил маълумотга эга эканлигини билиб, ўзида йўқ мағрурланди. Пулдорлар билан гаплашишга ўзининг уқуви йўқ. Анна гаплаша қолсин. У қайси ношир билан қандай гаплашишни билади. Лекин аксига олиб, икки ойдан сўнг Рихтер уни чақириб, қалам ҳақи масаласида ундан икки энлик тилхат ундирди. Содда Федор Михайлович унинг ҳузурига бир ўзи борганидан минг бир пушаймон қилди. Анна бўлганда, тилхат ёзишга йўл қўймасди. Аввалига йўқ, деб кўрди, лекин тулкини алдашга уста Рихтер унинг соддалигини билиб, устомонлик билан: «Хоҳламасангиз, ижара ҳақини қўшиб, қарзларимни ҳисоб-китоб қиламан. Ана унда бутун мол-мулкингиз мусодара бўлиб, кўчада қоласиз!» деб кўрқитди. Федор Михайловичнинг танасидан муздек тер чиқиб, кўз олдида боласи, ҳомиладор Анна намоён бўлди. Ана, улар кўчада сарсон-саргардон юришибди. Шамол, изғирин. Боласи изиллаб йиғлайди. Ева ҳам қочиб бормоқда. «Йўқ, йўқ, бундай бўлишини истамайман!» деди у ва Рихтерга қараб: «Худо хайрингизни берсин, бунақа қила кўрманг!» дея унга нажоткор қиёфада боқди. Рихтер истеҳзоли тиржайди ва «қани бўлақолинг» дегандек, унинг олдида оқ қоғоз, ручка ҳамда сиёҳдонни суриб қўйди. Федор Михайлович

тилхатни ёзиб бўлгач, енгил тортди. Энди унинг кўз олдида иссиққина ижара уйи, жилмайганча болага қараётган Ева ва ўз бахтидан масрур Анна намоён бўлиб, енгил тортди. Уйга келиб, бу гапларни Аннага қай йўсинда билдиришни билмай анчагача боши қотиб, айтсамми, айтмасамми, деб ўйлади ва кечки овқатдан сўнг дам олишга чоғланганда, Анна: «Катта асар ёзиб, анча толиқдингиз, бир-икки кун нафасингизни ростланг!» деб маслаҳат берар экан, ке, қўй, ҳозирча уни безовта қилмай турай, бир гап бўлар, дея оғзини юмди. Охири, нима бўлишини билмайди-ю, аммо ҳозирча тинч яшашлари аниқ. Шунисига ҳам шукр!

Анна уни гапга солди:

– Янги асар ёзасизми, жонгинам?

– Албатта, мен учун ҳар бир дақиқа ғанимат.

– Малол келмаса, у қанақа асар бўлади?

– «Қиморбоз» деган асар ёзмоқчиман. Ипидан-игнасигача миямда пишган. Тинчлик бўлса, бас, тезда ёзиб ташлайман.

Анна унинг сочларини силади:

– Сизга ўзим шундай шароит яратиб бераман. Сиз сира ташвиш тортмай асарингиз ҳақида ўйлайверинг, муаммоларни ўзим ҳал этаман.

Федор Михайлович тилхат ҳақида айтмоқчи бўлди-ю, Аннани хафа қилиб қўяман, деб оғзини юмди ва суҳбатни бошқа томонга бурди:

– Анна, айт-чи, сен учун нима муҳим?

– Мен учунми? – Аннанинг қошлари қанот қоқиб, кўзлари мовий чарақлади. – Мен учун ўз эрким муҳим!

Федор Михайловичнинг юзига тун чўкди:

– Тушунмадим, Анна? Сен мени ҳайратга соляпсан. Эркингни мен ва боланг, рўзгор ташвишлари суиистеъмол қиляпмиз-ку! Бунга нима дейсан?

– Эрк нима ўзи, жонгинам?! Эрк кўчада ялло қилиб юришми фақат?! Бу нарса мен учун аввало маърифат. Маърифатгина инсонни мустақил қилиши мумкин. Мустақил бўлмаган одамда эрк эмас, золимлик, ўзибўларчилик, шахсини улуғлаш устун бўлади. Менинг эрким аввало Сиз, болам ва рўзгорим. Булар бўлмаса, менга бу зорманданинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ.

Федор Михайлович бошқа эрлар каби Аннасини ожиза деб тасаввур этганди. Ҳаётда кўп эркалар ўз жуфти ҳалолларини бир поғона паст кўрадилар, лекин уларни ўлгудек севадилар, фақат олифта қарашлар, мен сендан кам эмасман, деган нотўғри тушунчалар, оддий ҳаётий ғиди-бидилар уларни икки қирғоқ томон ирғитиб ташлаши мумкин. Қирғоқда нима бор? Гиёҳ ўсмайдиган нам ва куруқ қум, жазирама иссиқ, шамол ва елвизак, бийдек дала бор, холос. Турган гапки, қум овқат бўлмайди, иссиқ – соғлиққа зиён, елвизак – ўпканинг душмани, далада эса уй йўқ. Анна буларни яхши англайди. Чин аёлнинг ҳақиқий мақсади эрининг бахт-саодати эмасми?! Фикрларини эрига баён этар экан, ўзи ҳам енгил тортиб, ниҳоят, мен ўз эримга кимлигимни аён этмоқдаман ва бундан Федор Михайловичнинг мамнун бўлаётгани аниқ, деган тўхтамга келмоқда эди.

Орадан икки кун ўтиб, Федор Михайлович «Қиморбоз» романини ёзишга киришди.

Анна боласи билан энагани четдаги кичкина уйга кўчирди. Ўзи эса ишга қатнади, рўзгор ташвишларини зиммасига олиб, улгурмаган ишларини кечаси уйда хотиржам бажариб юрди. Ҳар бир ишга ўз пайтида улгуришга ва айниқса, Федор Михайловичнинг овқатланишига, дам олишига шарт-шароит яратиш учун доимо сергак туришга эришдики, бунни кўриб, энага Еванинг унга ҳаваси келди ва, қанийди, менинг ҳам шундай эрким бўлсайди, деб орзу ҳам қилди. Ҳа, айтгандай, Анна унга ҳам ўз эрки ҳақида гапирган ва унинг нимадан иборат экалигини ётиғи билан тушунтирган эди. Йигирма олти кун шу алфозда ўтди. Йигирма олтинчи кун тушлиқда Федор Михайлович ўз хонасидан шод ҳолда отилиб чиқди:

– Анна, мени табрикла, тугатдим! – деди суюниб. Шунча асарлар ёзиб, эрининг биринчи марта шу алфозда шод бўлиши эди.

– Муборак бўлсин, муборак! – деди Анна унинг иссиқ бағрига сингир экан.

Кечқурун уйда стол тузатдилар. Биринчи, иккинчи овқатларни Ева билан Аннанинг ўзи тайёрлади. Болага Федор Михайлович меҳрибонлик қилиб турди.

Ўша кеча Анна Федор Михайлович билан тонггача суҳбат қилди ва эрталаб: «Шу пайтгача бундай роҳат қилмаган эдим», деди ошиқ қиздек сирли жилмайиб.

Федор Михайловичнинг бутун дунёси ёришди ва у ҳам очикчасига:

– Энг бахтли эрман, Анна! – деди ширали ва хушчақчақ оҳангда.

Орадан икки ой ўтиб, Рихтер яна Федор Михайловични йўқлади ва «Иблислар» романи учун қалам ҳақи бермоқчи эканлигини маълум қилди. Анна тилхатдан хабар топиб, эрига таъна қилмади, аксинча, айёр Рихтернинг муғомбирлигидан нафратланди ва Федор Михайловични кўрқитиб тилхат ёздириб олганини билиб, унга нисбатан тиш қайради. Кейинги учрашувларининг бирида мотам маросимида танишган Герхер хоним эрининг кредиторлар масаласи билан шуғулланишини айтган эди, Анна дарҳол кампирниқига йўл олди ва ундан бу борада маслаҳат сўради. Эри, етмишларга кирган Гейних деган қария Рихтернинг хангомасидан хабардор бўлиб, бунинг олмонлар учун энг ёмон иш эканлигини айтиб, Аннага бунга қарши қандай чора қўллашни батафсил тушунтирди. Анна қобилиятли ва уддабурон аёл бўлгани учун кредиторлик ишларининг моҳиятини тез англади ва уйга келиб, қария берган китобларни эринмай бирма-бир кўриб чиқди. Стенография гимназиясида олган билимлари ҳам қўл келди. Ниҳоят, ўзига ишонч ҳосил қилгач, Рихтер билан савдолашишга чиқди. Рихтер деганлари ҳам дунё кўрган йигит, унга ҳам мол-мулкларингни мусодара қиламан, деб дўқ урди, лекин Анна ўзга давлат фуқаросига бундай муомала қилишнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини, агар хоҳласа, жаҳон матуботида унинг катта рус ёзувчисига нисбатан қаллоблик қилгани ҳақида бонг уришини, бу хангомани эшитган бутун олмон халқи ундан нафратланишини, шу тариқа Рихтер деган номига қора доғ тушиб, отаси ҳам гўрида тик туришини айтди. Рихтер шу пайтгача бундай гапларни эшитмаган ва бундай жасур, сўзга уддабурро аёлга ҳам тўқнаш келмаган эди. Аннанинг бутун олмон халқи сиздан нафратланади, деган гапи унинг юрагига тигдек қаттиқ ботиб, танасини зирқиратиб юборди. Музокара бошланганда, у мисоли улкан қоя эди, бу гаплардан сўнг ер билан яксон бўлиб, жойига ўтириб қолди ва: «Бундай номақбул ишга қўл урманг, Анна Григорьевна, ўтинаман», деб ёлворди.

– Менга ўз ҳақимизни тўғри берсангиз бас! – деди Анна вазмин оҳангда. – Сиз «Иблислар» романидан кам эмас, кўп эмас, нақ йигирма беш минг фойда кўрар экансиз! Шундай экан, инсоф билан ҳақимизни беринг!

Рихтернинг бурун катаклари йириклашди:

– Сизга буни ким айтди?

– Содда экансиз, Рихтер жаноблари, мен сизни бамаъни йигит деб ўйлардим! – дея узиб олди Анна ва бу ҳам етмагандек уни роса уялтирди. – Ёпиқлик қозон ҳеч қачон ёпиқ қолмайди. Кўзингизнинг ёғини тозалаб қўйинг, йигитча!

Рихтер ўзининг ниҳоятда андишасизлик қилганини ҳис этиб баттар қизарди ва:

– Тўрт минг бераман, розимисиз? – деб юборганини сезмай қолди. Ваҳоланки, бирор мамлакатда ҳали биронта ёзувчи ё шоирга бунча қалам ҳақи берилган эмасди.

Бу хабарни эшитган Федор Михайлович Аннага тан берди ва Евага эшиттириб:

– У жуда доно аёл! – деди.

Ева умри бино бўлиб, бирорта эрининг ўз хотинини шунчалик кўкка кўтариб мақтаганини кўрмаган эди. Аннага шу тўғрида гапирар экан, «Федор

Михайловичнинг ўзлари ҳам буюк қалбли инсон эканлар», деб яхши таъриф берди.

Бу орада Иван Манндан икки энлик хат келди. Унда шундай ёзилган эди:

*«Қадрли Федор Михайлович!*

*Муҳтарама Анна Григорьевна!*

*«Телба» ва «Иблислар» романини бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Даҳо асарлар. Рус прозасининг ютуқлари мени жуда қувонтирди. Анна Григорьевнанинг жасорати эса бутун Олмонияда, ундан ўтиб Россия ва Фарангистонда машхур бўлиб кетди. Балларда, адабий кечаларда, йиғинларда одамлар бу тўғрида ҳаяжон билан гапирмоқдалар. Сизнинг сиймонгизда, қадрли Анна Григорьевна, шундай олижаноб қалбли инсонни кўраётганимдан беҳад мамнунман.*

*Сизларга соғлик ва оилавий тотувлик ёр бўлсин!*

*Ҳурмат билан Иван Манн.»*

Шу биринчи хатдан сўнг турли мамлакатлардан мактублар ёғилиб кетди. Улар орасида турли ноширлардан ҳам илтимосномалар кўп эди. Федор Михайлович уларни бир-бир ўқиб кўргач, димоғи жуда чоғ бўлиб:

– Анна, сен бўлмаганингда, бу кунларга етолмай ўлиб кетган бўлардим! – деди бир оз ҳазин, аммо янгроқ оҳангда.

– Худо хайрингизни берсин, ўлимни ёдга олманг, ҳали сиз инсониятга кўп керак бўласиз! – деди Анна ва унинг бўйинини силаганча сўради. – Кейинги кунларда бир нималарни ўйлаб юрибсиз? Эҳтимол, янада машхур асар ҳақида ўй сураётгандирсиз?

– Сендан яшириб нима қилдим, Анна! «Жиноят ва жазо» деган асар ёзмоқчиман. Қувватимнинг борида ёзиб улгуришим керак, бўлмаса, кеч бўлади!

– Ёнингизда мендек суянчиғингиз бор экан, сира иккиланманг, уни ҳам, албатта, ёзиб тугатасиз!

– Кўнглим сезиб турибди, Анна, у жуда яхши асар бўлади. Бир нечта китоб ёзиб тажрибам ошди. Энди ўзимга ишониб ёзаяман. Ёзувчи учун ички ишонч катта аҳамиятга эга, билсанг, азизим!

Федор Михайлович уни биринчи марта «азизим» деди. Бу сўзни шундай илтифотли ва ширали оҳангда айтдики, Анна асал ичгандек, танаси яйраркан, нақадар бахтли аёлман, дея ғурурланди. Тириклик ва аёллик бурчини, хотинлик, оналик вазифасини ҳалол ўтамоқда. Дунё ўтади. Бир кун улар ҳам йўқликка кетишади. Лекин бу оламнинг қай кишиси, қайси миллат вакили бўлмасин, хокисор Анна ҳақида фақат яхши гаплар айтиши керак. Худо олдида ҳам, бандаси олдида ҳам юзи ёруғ бўлишини истайди.

– Анна, сен бахтлимисан? Мен билан яшаётганингда афсусланаётганинг йўқми? – деб сўради Федор Михайлович.

Бу савол Аннани хушёр тортирди.

– Вой, жонгинам-ей, ҳали ҳам шу тўғрида ўйлаб турибсизми? – Маъсумона жилмайди у. – Мен сизни яхши кўрмасам тегармидим? Сизни демасам, шунчалар меҳримни берармидим?

– Анна, гапларинг рост бўлса, мен хурсандман!

– Хурсанд бўлинг, Федор Михайлович! Сиз руснинг энг бахтли кишисиз!

– Айтганинг рост! Бахтли одамман!

Кейинги ҳафтадан бошлаб, уларни шаҳар аслзодалари кетма-кет меҳмонга, балл ва базмларга таклиф эта бошладилар. Федор Михайлович қўли совумасдан янги романни бошлаш ниятида эди, аммо меҳмоннавозликлар туфайли бу орзу орқага сурила борди. Бундан Аннанинг ўзи ҳам оғрина бошлади. Масаланинг қийин томони шунда эдики, олмон халқи сени эъзозлаб турибдими, иложинг қанча, бу эъзоз-ҳурматга яраша сен ҳам илтифот қила билишинг шарт. Буни ҳаёт

дейдилар. Қолаверса, элнинг назарига тушган экан, энди чидашинг ва бардош беришинг керак.

Шу орада Аннанинг кўзи ёриб, Федор Михайловичнинг ташвишлари янада кўпайди.

Қимматли вақтини йўқотиб, озор чекаётган Федор Михайловични кузатар экан, Анна:

– Узоқ меҳмондорчилик ва вақтичоғлиқдан сўнг баракали ижод қиласиз, жонгинам, кўп ҳам қисилманг! – дея унга далда берди.

Эри буюк қалб эгаси бўлиш баробарида ўта содда эдиким, хотинининг ҳар бир яхши гапи унга таъсир этмасдан қолмас ва Анна бунга яхши билгани учун шундай лаҳзаларда унга суянчиқ бўлишга ошиқарди. Аммо меҳмондорчиликлар давом этаётган ажойиб кунларнинг бирида Россиядан «Маша хола омонатини топиширибди», деган совуқ хабар келди. Бу гап Федор Михайловичга қаттиқ таъсир этиб, бир кечада ўзини олдириб қўйди: юзи бир бурда бўлиб, қовоқлари бўртиб чиқиб, кўзлари ич-ичига чўқди.

– Афсус, холам билан видолашолмай қолдим! – деди маъюсланиб, кейин Николани деб яна қайғуга ботди. – Ўғлим нима қилди? Бир ўзи қийналиб қолмадимми?

Чақалоқ икки ойлик бўлгач, улар йўлга ҳозирлик кўра бошладилар. Рихтер оиласи билан келиб, икки минг марка ташлаб кетди, Герхер хоним шу кунлардан эсдалик деб, унга бир сувсар палто ва тилла зирак совға қилди. Бошқалар ҳам уларнинг жўнаб кетаётганини билиб, совға-саломлар олиб келишди.

Шаҳар бошлиғи – адл қоматли, оқ юз, қирра бурун киши ҳам ёрдамчилари билан келиб, кўнгил сўради ва поездгача кузатиб боришини маълум қилди. Поезд деганда Аннанинг этлари увишди. Ўтган сафар эри ва ўзи эди. Бир олам ташвиш билан зўрға етиб олишди. Федор Михайловичнинг яна тутқаноғи тутиб қолса, нима қилади? Икки ёш боласини қандай уддалайди? Евага шу тўғрида гап очган эди, у таклиф этса, бирга кетишини маълум қилди. Анна йўқотган олтин зирагини топган аёлдек беҳад қувонди. Ева у билан бирга кетса, сира қийналмайди. Боз устига опа-сингилдек бўлиб қолишди.

Улар шаҳарчадан йўлга отланган кун қуёш чиқиб, ҳарорат кўтарилди. Анна олдинги кунда ҳавонинг авзойи бузуклигига қараб, чақалогим совуқ кунда шамоллаб қолмасмикин, дея хавотирланган эди, жўнашлари олдидан куннинг эсиб кетганини кўриб, жуда шодланди.

Шаҳар аҳли уларни ярим йўлгача кузатиб келди. Бу жуда ажойиб дақиқалар эди. Ҳатто холасини ўйлаб ғамга ботган Федор Михайлович ҳам шу дақиқаларда ортидан келаётган меҳрибон кишиларга жилмайиб қарар экан, киприклари билинар-билинемас намланиб, ич-ичидан хўрсинар ва э худойим, булардан айрилишнинг ўзи бўладими, дея пичирлаб қўярди. Анна ҳам аёллар билан узоқ хайрлашди, уларнинг ҳар бири у билан бирма-бир сўзлашиб, хайр-маъзур қилишга интилар эди.



Поезд шаҳар вокзалига узоқ гудок чалиб, фил каби пишқириб кириб келди. Вокзал гул кўтарган ёш-қарига тўлган эди. Анна бизнинг поездимизда бирор давлатнинг катта амалдори келаётган бўлса керак, деган хаёлга борди. Лекин поезд тўхташи билан уларнинг купесини одам босгач, наҳотки, шунча киши бизни кутгани чиққан бўлса, дея ҳайрон қолди.

Ташқаридан оломоннинг ҳайқириқлари эшитилар эди:

– Федор Михайлович!

– Анна!

– Россияга, ватанингизга хуш келибсиз!

Ева ҳам уларни шунчалик катта шодиёна билан кутиб олишади, деб ўйламаган эди. У болаларни қўлига кўтариб олганча ташқари йўналди, аммо ҳеч ким унга эътибор бермади.

Қўлтиқтаёқда турган оғзин Никола отасини кўрди-ю, хўнграб юборди:

– Федор Михайлович!

Отаси оломонни ёриб ўтиб, уни бағрига босди:

– Николагинам, бормисан?

Оломон ўзини четга олди.

Федор Михайлович озиб-тўзиб кетган Николасини қоқсуяк елкасидан ушлаб, ўзига қаратди-да:

– Нима бўлди, Никола? – деб сўради.

Никола ҳиқиллаб:

– Холам билан кўприкда аравадан музга қуладик, у киши тил тортмай... мен оёғим...

– Қўй, гапирма, Никола! – деди Федор Михайлович уни юпатган бўлиб.

Шу дам ордан «Шаҳар каттаси келяпти!» деган ҳаяжонли гаплар қулоққа чалиниб, оломон иккига бўлинди. Олдинда қизил бантик, қора фрак кийган шаҳар бошлиғи, ортидан полиция маҳкамаси вакиллари шитоб билан одимлаб келишмоқда эди.

Аннанинг юзига енгил шабада урилиб, юрагини ширин ҳис қоплаб олди. Бу ердан кетаётганларида ҳатто оддий қоровул ҳам кузатиб чиқмаган эди. Энди катта хоним бўлдинг! Сени ҳукумат одамлари кутиб оляпти. Суюна қол, шодлан, энди сен буюк инсоннинг маҳбубасисан!

Ордан ҳайқириқлар янгради:

– Анна Григорьевнага шарафлар бўлсин!

Оқ юз, бағбақали, хушбўй атир ҳиди уфуриб турган шаҳар бошлиғи унинг оппоқ қўлини ўпди ва:

– Улуғ руснинг сиздек буюк қизи билан учрашиб турганимдан ғоят хурсандман. Сиз ҳақингиздаги жаҳон матуботи ёзган барча хабар, мақолаларни мириқиб, завқланиб ўқидим. Ташаккуримни қабул қилгайсиз! – деди жуда илтифотли ва самимий оҳангда.

Анна кўкка учгандек, ўзини жуда енгил ҳис этди ва «мен русга нима хизмат қилдимки, шунчалик эъзозлашаяпти» деб ҳайрон ҳам бўлди. Шу дамда болаларини кўтариб турган Евага кўзи тушиб, унга енгилгина қўл силкиди. Оломон ҳам ўша томонга қаради. Ева кўйнидан оппоқ сочиқни чиқариб, унга қарата икки-уч бора енгилгина силкитди-да, сўнг болаларга ишора қилди. Аннанинг юзи қизариб, ёноқлари ловиллаб ёнди. Бир умр асраган оқ сочиқни қолдирдим, деб ўйлаган эди, лекин Ева... унутмабди, тасанно айтиш керак унга. У Евага қараб мамнун қўл силкиди.







Зикрилла  
Неъмат

## *Дилларда эзгулик майсаси унсин*



Дунё деб ўзингдан кечма, эй инсон,  
Мол-дунё топилгай, инсон топилмас.  
Орзуингга интил, борида имкон,  
Фурсат ўтиб бўлгач, имкон топилмас.

Ёшлиқдир кўзда нур, белда қувватинг,  
Ҳар ишга етгайдир кучинг, қудратинг,  
Елга совурма ҳеч қалбинг шиддатин,  
Вақт ўтгач, дилда бу туғён топилмас.

Зийрак кўзлар бедор бўлиб нур излар,  
Уммонлар остидан жавоҳир излар,  
Оқиллар дуодан олтин, дур излар,  
Ғофилга на ер, на осмон топилмас.

Бахт гули ётмагай хору хасларда,  
Оқибат на қилсин тубан, пастларда,  
Нафсига қул бўлган шум нокасларда –  
Меҳру мурувватдан нишон топилмас.

Юрт учун жонингни тиксанг-чи, эй дўст,  
Элингга борингни тутсанг-чи, эй дўст,  
Тупроғин кўзингга суртсанг-чи, эй дўст,  
Ўз ота юртингдек макон топилмас,  
Ўз она юртингдек макон топилмас.



Ул недур, ҳаётдан бергувчи дарак,  
Жисму жонимизга жондош, муштарак,  
Жумла жаҳон ичра энг бедор юрак –  
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Бағрида фарзандин гулдай яйратган,  
Она-Ватан меҳрин илк бор англатган,  
Олам ичра турфа олам яратган –  
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Азоблар чекса-да, ошмай фиғони,  
Аллалаб тургувчи бутун дунёни,  
Меҳру муҳаббатнинг нурли ошёни –  
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Чин инсонман десанг, эй замондошим,  
Оналар пойига эгилсин бошинг,  
Бу оламда, мангу содиқ сирдошинг –  
Оналар қалбидир, оналар қалби!

Азиз волидалар ҳеч оҳ чекмасин,  
Мунис кўзларидан кўз ёш тўкмасин,  
Бу буюк қалбларга ҳеч ғам чўкмасин,  
Мангу омон бўлсин оналар қалби!



Қани менинг ялангоёқ чопган чоғларим,  
Болалигим кенгликлари, гўзал боғларим?  
О, беғубор орзуларим – дил ардоғларим,  
Қалбимдаги ўшал ажиб ҳисни соғиндим,  
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

Қий-чув қилиб қишлоқ тинчин бузганларимиз,  
Анҳорларда балиқ бўлиб сузганларимиз,  
Оқшомгача кўча-кўйда кезганларимиз,  
Дилга оташ солган сулув қизни соғиндим,  
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

О, у дамлар мисли ширин баёт эдилар,  
Меҳрибоним – ота-онам ҳаёт эдилар,  
«Эҳтиёт бўл, йиқилмагин, болам!» дердилар,  
Болам деган, ўшал азиз сўзни соғиндим,  
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

Бу ҳаётда кўп йиқилдим, кўп бор лат едим,  
Дўстман деган душманлардан гоҳо панд едим,

Эзгуликнинг йўлларида кезиб банд эдим,  
Гоҳ суюндим, гоҳ куюндим, гоҳ оғриндим,  
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

Учар эдик орзуларнинг бағрида сармаст,  
Э воҳ, энди у дамларни қайтариб бўлмас,  
Фақатгина эслаш мумкин ёниб бир нафас,  
Дилга гўзал хотирадан шабнамдай индим,  
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.



Бухорода сира бўлмаганман, деб,  
Дўстим, айладинг-ку мени ҳангу манг.  
Ўзбек заминида шунча йил яшаб,  
Наҳот, Бухорони кўрмаган бўлсанг?

Бунда ҳар минора, ҳар сирли гумбаз –  
Мозийдан сўзлайдир, ўрганар бўлсанг.  
Аждодлар ёдидан йироқдирсан, бас,  
Қадим Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Кўқдан нур ёғилса бутун дунёга,  
Бу юртдан кўкка нур таралгай, билсанг.  
Бормоқлик на ҳожат Маккатиллога,  
Меҳвар Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Бу юртнинг қўҳна тош кўчаларида –  
Овозинг тиллодай жаранглар, кулсанг.  
Сўз очмай қўяқол зарнинг қадридан,  
Заргар Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Азиз тупроғини тавоф этгали,  
ЕТТИ иқлим келур, юриб минг фарсанг.  
Сен эса дунёга келмабсан ҳали,  
Азим Бухорони кўрмаган бўлсанг.

Шукр, мен шу юртда туғилиб, ўсдим,  
Бошим кўкка етар меҳмоним бўлсанг.  
Ҳалиям кеч эмас, юр кетдик, дўстим,  
Агар Бухорони кўрмаган бўлсанг.



Қалбим ёмғирлари – дил туғёнларим,  
Билмадим, мен қандай яшардим сизсиз.  
Ойнинг ўроғидек, бағрим-да ярим,  
Ёмғирсиз кўкламга ўхшардим сизсиз.

Ёмғирсиз баҳорлар эса хавфлидир,  
Чаманлар яйрамас, қушлар сайрамас.  
Осмон ёмғирлари бирла файзлидир,  
Кўқдан дур томмаса, замин яшнамас.

Тўлиб турар экан кўнглим осмони,  
Чақмоқлар чақилар, ёмғирлар қуяр.  
Гулга буркасам дер бутун дунёни,  
Қалбим ёмғирлари чаманни суяр.

Қалбим ёмғирлари, ёғингиз майин,  
Томчингиз борлиққа шамнамдек инсин.  
Биллур томчилардан завқ олган сайин,  
Дилларда эзгулик майсаси унсин.



Кимсасиз саҳрода ҳорғин, бемажол,  
Чанқаб бораркансан, куйиб жисму тан.  
Сувдонингда қолган бир қултум сувдек  
Жисм ила жонингга малҳамдир Ватан.

Ёки чўкаётиб тубсиз уммонга,  
Бир қалқиб юзага чиқсанг дафъатан.  
Кўксингни тўлдирган жонбахш ҳаводек  
Зарурдир сен учун муқаддас Ватан.



# Кўксимда орзулар улғаяр



Ўткир Муҳаммад

## Юртим жамоли

Азиздир бу тупроқ ялангигача,  
Қоясидан тортиб харсангигача,  
Булбулзабонларин оҳангидан то  
Ғамгин созларининг жарангигача.

Азиз алёрлари, нашидалари,  
Келинлар муштлаган рапидалари,  
Ёқимсиз увлаган шамолидан то  
Илҳом бахш этгувчи шабадалари.

Кўксим муҳаббатдан тўлиб тошмоқда,  
Қалбимда юрт ишқи яна ошмоқда.  
Қишлоғин соғинсам шаҳарда туриб,  
Шарҳин соғинаман бўлсам қишлоқда.

Бу юртнинг қишлоғу шаҳарлари бир.  
Оқшомидан тортиб саҳарлари бир.  
Бирда равон йўлдан югургим келса,  
Бирда йўллар ёқар ўнқир ва чўнқир.

Ичсам гар ғамларим бўлгайдир унут,  
Янги соғилган сут, совумаган сут.  
Олис болалигим ёдимга тушар  
Тишимда синдириб, шимисам қурут.

Далаларга чиқиб кўкрак кераман,  
Яна юрт мазасин туявераман,  
Чўлда янтоғ билан суҳбат қуриб гоҳ  
Уни юрагимдан суявераман.

Кўнглим нигоҳини шаҳарга бургай,  
Кўчалар иссиғи юзимга ургай.  
Ҳарорат ўтмоқда бошимдан демак,  
Бобо қуёш менинг қошимда тургай.

Бинолар қараган бири-бирига,  
Қиёс қишлоғимнинг қир-адирига.  
Термулсам кўк ўпар кўприкларидан  
Шаҳар ҳам ўхшаркан бир жайдарига.

Она эъзозланар бу юртда жуда,  
Саналгай муқаддас, улуғ маъбуда.  
Бу юртдан қўшни эл оналари ҳам  
Қиз олиб, бўлгиси келарлар қуда.

Оталар давранинг тўрида мудом,  
Фарзанди қалбининг кўрида мудом.  
Сутдек ойдин ҳамда осуда ўтар  
Ота дуо айтган ҳар битта оқшом.

Бирдай бўлганидек анғиз ва адир,  
Акага укаси фарзандидек бир,  
Уканинг опадан яширмагандек,  
Синглисидан йўқдир акасида сир.

Райҳонлар беркитар қизлар бўйини,  
Уятдан қизарган ранги-рўйини.  
Шунчалар нафиски бири-биридан,  
Мулзамман тополмай энг хушбўйини.

Кўнглим муҳаббатдан бўлар яна чоғ,  
Кўксимда орзулар улғаяр оппоқ.  
Ватанда Ватанга хизмат қилишдек  
Бормикан ҳаётда юмуш муҳимроқ?!

## Қиёс

Сочларинг қаърида чайқалмиш ҳилол,  
Кўзларинг тубида тонглар отгандай.  
Юзларинг шунчалар тоза ва зилол,  
Ойнинг орқасида офтоб ётгандай.

Офтоб тин олгандай лабларингда ҳам  
Майин жилолари олади жонни.  
Лабларинг, кўзларинг, юзинг дам-бадам,  
Ёритишга шайдек олам-жаҳонни.

Оҳ, бу елкаларинг кокиллар тўсган,  
Елкага боғланган таранг сийналар.  
Улар шу пайтгача мағрур, тик ўсган,  
Ечвор тутқунликда энди қийналар.

## Насиҳат

Кўнглимга энг яқин сўз,  
Кўнглимга қадалган кўз,  
Ҳам дилсўз, ҳам ширин сўз –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

Дўстлардан энг яқин дўст,  
Йўғу боримда кам-кўст,  
«Аллоҳ паноҳида ўс», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

Менга қанот бўлгайдир,  
Менга нажот бўлгайдир,  
Шиддат, сабот бўлгайдир –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

«Ҳалол бўлгин, тоза бўл,  
Хиёнатга берма қўл,  
Эзгуликка очгин йўл», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

«Калимани ёд бил-да  
Ва доимо тут дилда,  
Бўлар ҳурматинг элда», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

«Сени кўкка кўтарган  
Лолангга қўл кўтарма,  
Болангга қўл кўтарма», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

Ҳам Ҳазрат, ҳамда Хизр,  
Тили ҳам, дили ҳам бир,  
«Оч бўлсанг ҳам тинч ўтир», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

«Юрт ишқида жон кечгин,  
Ҳатто олов, қон кечгин,  
Шараф ила шон кечгин», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

«Юртдан кетган бегона,  
Юрт отанг, юртдир онанг,  
Бизга ҳам ота-она», –  
Отамнинг насиҳати,  
Онамнинг насиҳати.

### АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ҳар танаки, ҳиммат ила саришта,  
Оддий кишимас, у бир фаришта.

•

Ток шароб берадир ғўрадан кейин,  
Бута гул очадир ғунчадан кейин.

•

Бекор иш кетидан ким чопди зинҳор,  
Танбал бекордан минг бору бекор.



Қахҳоржон  
Йўлчиев

## Теграмда айланар дунёлар



Ўт бўлиб порлайди нигоҳим,  
Эрийди сўзларнинг лашкари.  
Йўқ, булар юракнинг чандиғи,  
Сингийди мен ила ташқари.

Теграмда айланар дунёлар,  
Англаймиз қуёшнинг доғини.  
Саратон сочмайди зиёлар,  
Топмасак булбулнинг боғини.

Моҳият қочади, қувамиз,  
Оёқнинг остида оламлар.  
Чексизлик, аслида, соқовдир,  
Соқовдан йўл сўрар одамлар.

Баримга илашган юлдузлар  
Сочилиб кетади осмонга.  
Фазонинг тимқора қаърини  
Парчалаб соламиз мезонга.

Тузалар юракнинг чандиғи,  
Нур бўлиб ёритар нигоҳим.  
Очилди руҳият сандиғи,  
Моҳият менинг-да сабоғим.



Тангри тоғ қоридан юксакка чиқиб,  
Музаффар юрт узра ташлагум нигоҳ.  
Тун бўйи кўрмаган элни соғиниб  
Қуёш ҳам чиқади – мўйсафид сайёҳ.



Муз босган кўксини қуёшга бериб  
Дарёни қулдирар безабон тоғлар.  
Бошига кўк ҳарир рўмолин солиб  
Висолдан антикар водийда боғлар.

Лабида бинафша ундирган ариқ  
Меҳрин изҳор этар кўҳна еримга.  
Бўзтўрғай, булбулча, қумри ва тўрғай  
Сайраши сиғмайди кичик шеъримга.

Шу юртнинг бир гарди, бир фарзандиман,  
Шу азиз тупроққа меҳрим бахшивор.  
Мозий, келажакка дили бандиман,  
Юртим, ҳар тонгинга борлигим нисор.



Сен кетасан,  
Мен қоламан  
Осмон бўлиб, ер бўлиб,  
Умидларим замин узра  
Ёғилади қор бўлиб  
Наҳот, дунё шунча совуқ,  
Юрагимиз англамас,  
Сен кетасан,  
Мен қоламан  
Андишали ёр бўлиб.  
Кузақдан сўнг фасл излаб,  
Биз адашиб кетганмиз.  
Нигоҳлардан қор ёғади,  
Кўнгил совур сўзлардан.  
Кўксингда қизил гулим –  
Севгим асраб совуқдан,  
Сен кетасан,  
Мен қоламан  
Асраб ёмон кўзлардан.



Бу юрт чексиз,  
Шунчалар чексиз,  
Ҳали ҳеч ким ўлчай билмаган.  
Ўн саккиз минг олам унга ҳеч,  
Ўн саккизга асло тўлмаган,

Боғларида яралмиш жавҳар,  
Мевалари ларзон ва ларзон.  
Заминида саноқсиз гавҳар,  
Эзгу диллар наргисига ёр.

Ёмғирлари чунон руҳафзо,  
Қанот қоқиб учгинг келади.  
Дунёларга этмай овоза,  
Майингина қучгинг келади.

Ибтидодан яралиб битган  
Иссиқдир гоҳ совуқдир боди.  
Қалбимизда гуркираб ётган  
Улкан дунё – туйғулар ёди.



Тун бағрида уйғонди бир куй,  
Қўшиқ айтиб юборди дарахт.  
Йўрғалади қўшиққа монанд  
Мавжларини тўплаган дарё.  
Ҳайрат ичра осмон бўзарди,  
Ўт-ўланлар ёноғида ёш.  
Гуллар нени англади, етди,  
Қаҳқаҳ уриб тутди гулгун бош.  
Шаббоданинг нозик бўйидан  
Яшил баргак тақди ҳатто тош.  
Ўзи билмай, рашқдан дафъатан  
Куйни ёқиб юборди куёш.

#### Фарғона

#### АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Чаманда очилса қанча тоза гул,  
Эзилиб гулобга шунча оқар ул.



Ишга яраб қолса илминг бир муддат,  
Яна оширмоққа айлагил шиддат.



Хушнаво, хушилқом, дилкаш бир булбул,  
Икки юз қаргадан кўнгилга маъқул.



Завқу шавқ тўла ярим бет қоғоз,  
Шавқсиз ёзилган юз китобдан соз.



Дилноза  
Абдуқодирова



## ГИРДОБ

Ҳикоя



Дарвозадан кириб келган Маҳмуджон ҳовли саҳни четида қум ўйнаб ўтирган болакайга кўзи тушди. Бирон қўшнининг ўғли бўлса керак, ҳойнаҳой, бу Ҳафизанинг болажонлигидан. У аёл киши, дилида неча ўй-орзулар қат-қатдир. Ахир, тўрт йилдан бери фарзанд кўришмади. Аввалги хотини эса... Эҳ, у кунларни эсламагани маъқул.

– Ҳа-а, йигит, бу ерда нима қиялпсиз?  
– сўради болакайдан Маҳмуджон велосипедини деворга суяб кўйиб.

Бола Маҳмуджонга қаради.

– Ўнаяппан.

Нигоҳлар бир дам қотиб қолди. Маҳмуджон боланинг кўзларида беғуборлик ила қандайдир чақноқ туйғуни ҳис этди ва негадир юраги «жиз» этгандек бўлди.

– Отинг нима, ўғлим?.. – Маҳмуджон «ўғлим» сўзини шундай ғалати оҳангда айтдики, гўё бу сўз ўзининг тилидан чиқмаганга ўхшаб кетди ўзига. Сўнг нимадандир ҳижолат тортган кишидек, бу беғубор нигоҳдан кўзини олиб қочди. Болакай ўз отини айтишга чоғланиб ияк кўтаргани ва саволга болаларча нафис овози билан «Йустам» дея жавоб берганини ҳам эшитиб ўтирмасданоқ ўрнидан турди, аланглаб, хотини Ҳафизани қидира бошлади.

– Ҳафиза! Ҳў-ў Ҳафиза!

Хотини ҳовли ортидан чиқиб келди ва:

– Вой, келдингизми? Молларга ўт ўраятвдим, – дея қўлидаги ўтни бир четга ташлади.

Маҳмуджон «У ким?» дегандек хотинига юзланиб турарди болакайни назарда тутиб. Хотини синиқ жилмайди.

– Танимадизми?

Маҳмуджон янада ҳайрон бўлиб, икки қадам ташлади.

– Ўғлийз Рустамжон-ку! Бугун келди.

«Ўғлийз Рустамжон-ку!..» Ҳафизанинг бу гапи Маҳмуджон қулоқлари остида яна шундай жаранглаб бердики, қутилмаган хабар зарбидан худди оёқ-қўлида мадор сўнди. Бирдан кўзи тиниб, йиқилиб кетаёзди. Ҳафиза эса ўзини ўнглаб, дарҳол эрини суяди. Ахир, Маҳмуджон ўғлини

кўрмаганига ҳадемай олти йил бўлади. Охирги кўрганида у саккиз ойлик чакалоқ эди...

– Кўришинг, дадаси, – туртди Ҳафиза. Маҳмуджоннинг ранг-рўйи афтодаҳол, оёқ-қўли дағ-дағ титрар эди. Аммо, у ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди, олти йиллик соғинч танасини шундай кучга тўлатдики, аста бориб, ўйнаб ўтирган болани даст кўтарди.

– Ўғлим, – деди у ва кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Рустамнинг лўппи юзларига юзларини босди, порпираб турган кўзларидан ўпди. Болакай ҳайрон эди.

– Рустамжон, дадангни танидингми? – гап қотди қулимсиб турган Ҳафизахон, болакайнинг жажжи қўлларини ушларкан.

Рустам Маҳмуджонга қаради.

– Дадангман ўғлим, даданг...

Кутилмаганда отасининг бўйнидан маҳкам ачомлаб олди ўғил:

– Дадажон!..

Ота-бола бир муддат бир-бирларини маҳкам кучиб турдилар. Ҳафиза ҳам ўпкасини боса олмасди. Маҳмуджон гарчи Ҳафиза олдида истиҳола қилаётган бўлса-да, айнаи дам бағридан қўйиб юборгиси келмаётган жигарбандининг кафтдек елкасига яширинган кўзларидан севинч ёшлари қуйилиб келарди.

– Уйга кирайлик, дадаси... – деди Ҳафиза ота-болани ичкари чорлаб. Ўзини тутишидан бу топишув унинг учун ажойиб воқеа эканлигини англаш қийин эмасди.

Маҳмуджон ўғлининг юз-кўзларига астойдил тикилди. Ўғли қўйиб қўйгандек худди ўзи. Бир туки ҳам ўзга эмас. У меҳр билан болакайнинг икки юзидан ўпди. Ўпкасини тўлдириб нафас олди, шу йўл билан гўё ичидан бостириб келаётган йиғини тўхтатишга уринарди.

– Рустами дoston овқат-повқат едимми?

– Ҳалигинда иккалаамиз асал чой ичдик. Тухум қовуриб бердим...

– Холам тухум бейди... – деди Рустам дадасига тикилиб. – Мол бой акан-а, дада?

– Бор, ўғлим, бор, – Рустамнинг бошини силади Маҳмуджон.

– Қўй-чи? Мен қўйди яхши тўяман, дадо.

– Эртага бозорга чиқиб, қўй обераман, ўғлим. Шетта боқасиз, а?

Рустам суюниб кетди. Сўнг бир зумда юзи жиддийлашиб, кўзлари катта-катта очилди ва гўё мақтанаётгандек деди:

– Аям тасал, қон тупуяди.

– Нима? – Ҳафизага юзланди Маҳмуджон.

Ҳафиза эрида юз бераётган ўзгаришларни ҳис этиб турарди. Кўзларини олиб қочди ва оҳиста деди:

– Маликахон касалхонада экан, оғир ётибди бечора. Бугун эрталаб кўриб келдим. Силмиш... Рустамни опкетинг деди.

Маҳмуджон хотинига тикилганча ўйланиб қолди. Бирдан фикрлари чалкашиб кетди. Гўёки бу ҳодисотлар барига ўзи айбдор туюлди. Йўқ, ахир, ҳеч қачон Маликага ёмонлик тиламаган? Шундай орсиз қилмишидан кейин ҳам уни ҳатто чертмади. Қайтанга болани ўйлади. Ўша машғум кун хотираларидан вужудга келган нафрат ва изтиробни хаминқадар енгиб, уларни қидирди, гарчи қалб дафтарида уятсиз

хотини исмига қора чизик тортиб қўйган эса-да. Энди нима бўлади?.. Наҳотки, якка-ёлғиз ўғли...

– Дўхтирлар ўтказиб юборган дейишяпти. Кўпроқ сиқилишдан бўлса керак, – дона-дона қилиб гапирарди хотини. Кейин қўшиб қўйди: – Сизни сўради...

Аммо Маҳмуджон бепарводек кўринарди. Афтидан у тақдирнинг бу алдов-қалдов ўйинларига энди тан бериб бўлган ёхуд хаёлида ҳозир фақат ўғлининг тақдири эди.

– Маликаҳон хат берворганди... – ўртадаги сукунатни бузди Ҳафиза. – Опчиқайми?

Эр хушламайгина бош чайқади. Энди хаёли беш йил ортга шўнғиди...

Маҳмуджон Маликани севарди. Ҳар вақт унга ҳамдари, кўпмакчи бўлишга ҳаракат қиларди. Ўша куни гарчи тунги сменага шошаётган бўлса-да, ўғли Рустамжонни ўзи ўйната-ўйната ухлатиб, жойига ётқизди.

– Дарвозани тамбалаб олгин, – атайин тайинлади Маҳмуджон ишга отланаётиб. – Мен эрталаб келаман.

Малика «хўп» дегандек бош ирғади, аммо ўрнидан кўзғолмади. Ташқари салқин экан. Бир жунжикиб олган Маҳмуджон бостирма устунига суёвли велосипедини олиб, етаклаб кўчага чиқди.

Заводга кириб келганида, цехларда ҳаракат қизғин, навбатчилар ўрин алмашаётганди. Маҳмуджон иш жойига кириб борди. Ҳамкасби Азим кўлларини юваётган экан.

– Келдингизми? – сўрашди Азим. – Бугун, худо хоҳласа, машиналар миҳдек. Кундузи сал нағма кўрсатганди, механиклар бошлаб тузатиб қўйишди. Энди тонг отгунча гуриллаб ишлайверади... – Азим ярашмаган тарзда илжайди.

Маҳмуджон кийиниш хонасига кириб кетди.

Кўп ўтмай у қадрдон станогини ёнига борди. Цехдаги тарақа-туруқ, шовкин-суронга ҳамма ўрганиб қолган. Ишчилар бир-бирлари билан бақариб гаплашишади.

Тун ярмидан ўтганда маромида ишлаётган станок бирдан қаттиқ «тарақ» этди-ю, гувиллашдан тўхтади. Маҳмуджон хавотирда шу агрофда юрган механикни кўзи билан қидира бошлади.

– Ҳов, механикни чақирворинглар!

Станок бир соатдаям тузалмади.

– Ичидан бузилибди, – бош чайқади механик йигит Маҳмуджонга қараб. – Сиз дам олсангизам бўлади. Сизбоп иш қолмади бу ерда. Кундузи «запчасти»ини опкелсак, кейин юради, унгача...

Маҳмуджон афсусланган кўйи ечиниш хонасига йўналди. Бир оз имиллагач, «уйга кетаверсам нима бўлади, барибир бекор ўтирибман, ундан кўра, дам олганим яхши эмасми», деган ўйда кийим-бошларини алмаштира бошлади...

Маҳмуджон дарвоза қия очиқлигини кўриб ажабланди. Тамбалаб олмапти-ю, бу уйқучи, дея гудраниб, велосипедини етаклаб, ҳовлига кирди. Хотини уйқусини бузмаслик учун аста юриб ётоққа кирди, чироқни ёқди ва кўрдик... Кенг ўринда Малика Азим билан ётарди!

Маҳмуд аввалига қарахт бўлиб қолди ва уйқусираган кўзларини ишқалаб, нима содир бўлаётганини англашга уринаётган Азимни белига

зарб билан тепди. Шунда фалокатни сезган Малика додлаб юборди. Сал наридаги бешикда ётган Рустам чирқираб йиғлади.

Маҳмуджон ўзини йўқотиб қўйганди. Азим кутилмаганда тура солиб, ўзини эшикка урди ва лип этиб чиқиб кетди. Тиззаларини кучоқлаганича дир-дир титраётган Малика кўрқувдан ўтакаси ёрилиб, ҳамон додларди.

– Йўқол, манжалақи! – оғзига шу гап келди ва бурилиб ташқари юрди Маҳмуджон. – Эҳ, айтишганди-я... Ишонмай юрибман-а!..

Кейинги воқеалар судга уланиб кетди. Аммо ўғли Рустамни олиб қолишнинг иложини тополмади. Бугун эса...

– Дадаси... – Маҳмуджон бошини кўтарди, олдида Ҳафиза бир варақ қоғоз ушлаб турарди. – Мана, ўша...

Маҳмуджон ноиллож хатни олди.

– Ўзинг ўқиб кўрдингми?..

– Йўқ, сизга аталган-у...

Маҳмуджон варақни очди:

*«Маҳмуд ака. Биламан, сиз мени кечира олмайсиз. Қилган гуноҳим учун худо жазоимни бериб қўйди. Ажраишганимиздан кейин бошларини кўтаролмай қолган ота-онам бандаликни бажо келтиришди. Акаларим мени қувиб солишди. Рустамжон билан ҳар кимларникида яшаб юрдим. Оқибат мана шу дардни орттирдим... Суриштирсам, уйланибсиз, Ҳафизахон боғчада ишларкан. Топиб борди. Аҳволимни билдирдим. Яхши жувон экан. У сизга айтмай, мени касалхонага жойлади, ҳолимдан хабар олиб турди. Гуноҳларим гирдобга тушириб қўйди мени. Илтимос, Рустамжонни бу гирдобдан сақлаб қолинг. Ўғлимизни сизга, сизни эса худога топширдим.*

Малика.»

Маҳмуджон хатни ўқиб бўлиб, рўпарасида ҳамон тик турган Ҳафизага қаради. Эри нигоҳидан маъно уққан хотини оғиз жуфтлади:

– Аҳволи оғир бояқишни. Ҳадеганда қон тупуради. Ҳар икки гапни бирида касалим боламга юқиб қолмасин дейди. Илтимос, Маҳмуд ака, Рустамжон биз билан қолсин...

Маҳмуджон синиқ жилмайди:

– Борадиган бошқа жойиям йўқ!..

– Тўғри... Маликани бугуноқ бориб, кўриб қўйинг. Яна сизга айтадиган гаплари бор чоғи.

Маҳмуджон ҳаям демади, йўғам. Индамай, ҳовли саҳнига чиқди. Мижжаларига ёш тўлганди. У беғубор осмонга тикилди. Кўк гумбази типтиниқ.

Шу пайт Рустам келиб, дадасининг оёғидан кучди.

– Дада, аямни тўйгани қачан боямиз?

– Эртага... – Маҳмуджон ўғлини даст кўтариб олди.



# УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат миллий адабиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган ижодкор эди. Унинг ҳам назм, ҳам наср, ҳам драматургия сирасида ёзган асарлари теранлиги, самимияти, ҳаққонийлиги билан ўқувчилар қалбидан жой олган. Мухлисларнинг ҳамсуҳбатига айланган. Атоқли сўз соҳиби ҳаёт бўлганида, бу йил тўқсон ёшга тўларди. Шу муносабат билан ижодкорни ёдлаб, бир туркум шеърларини ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этаётимиз.

Таҳририят



Шуҳрат

## *Бир олам қувонч... юрагим*

### Йўллар

Йўллар... Йўллар... Кенг, ёруғ йўллар  
Мени ёрқин манзилга йўллар.  
Чаманлардан олиб ўтган у,  
Саҳроларда қуёш ютган у.  
Чашмалардан кафтда сув тутиб,  
Чўққиларда мени кутган у.  
Бахт ишини қалбга солган ҳам,  
Ёр қошига бошлаб борган ҳам,  
Мангу ҳамроҳ бўлиб қолган ҳам  
Шу йўллардир, шу ойдин йўллар,  
Шу йўллардир, шу олтин йўллар.  
Шу йўлларнинг ҳаққи-ҳурмати  
Косаларга тўлдиринг гулоб.  
Йўллар бизни кутиб турмади,  
Уфқларда кўрмадик сароб.  
Йил кириши – йўлнинг бошидир,  
Йўлда ҳали қанча довон бор,

Қанча орзу, қанча армон бор,  
Қанча заҳмат, қанча меҳнат бор,  
Ғолиб ўтмоқ марднинг ишидир.  
Олинг дўстлар, олинг мағрур, шан:  
Йўллар бўлсин ҳамиша равшан,  
Йўллар бўлсин ҳамиша гулшан,  
Йўллар элтсин манзилга омон,  
Омон бўлсин замин у замон!

## Капалак

Капалак урилар кенг дерезамга,  
Тўсиққа йўлиқиб, қайтар ортига.  
Хонамни айланиб яна бир зумда,  
Яна у урилар ойна бетига.

Бефойда! Яна у ёнар армонда,  
Яна у кенгликка чиқиб кетмоқчи.  
Қани, у иложин топса шу онда  
Тўсиғи – ойнани чил-чил этмоқчи.

Билмайди, у ойна жонидан қаттиқ,  
Бемалол ногирон қилиши мумкин.  
Ўз жони кўзига кўринмас ортиқ,  
Ташқари чиқсаю яйраса эркин.

Бечора! Бунча ҳам куйиб-ёнмаса,  
Шунчалар тошлими кенг, эркин ҳаёт?  
Қайрилиб кетса ҳам қўшалоқ қанот,  
Ҳамон у талпиниб, учиб тинмаса...

### ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА

*«Меҳнатни ўнг қўл қилади,  
Тилла соатни чап қўл тақади...»*

Бу икки сатр Шухратнинг таржимаи холи эди.  
Бу икки сатр унинг орзу-армонлари эди.  
Бу икки сатр ўксик қалбнинг аламли нидоси эди.

Саид Аҳмад

... ҳаётда роман адиблар бўлади деб юраман. Беҳбудий шундай роман-одам эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Сўфизода, Ҳамза ... шундай роман-одамлар эди. Назаримда, бизнинг катта замондошимиз шоир ва адиб Шухрат ҳам худди шундай ва мана шулардай роман-одам ва роман-адиб эди...

Иброҳим Ғафуров



Тан бердим эрксевар шу капалакка,  
Дерезам қанотин очиб юбордим.  
Отилиб чикди у зумда фалакка,  
Ортидан мен узоқ термулиб қолдим.

Бир олам қувончга тўлди юрагим,  
Яйраб уч боғларда ҳур капалагим.

## Орзулар, фикрлар

Орзунинг бўлмайти сўнги нуқтаси,  
Фикрнинг мунтазам аниқ қирғоғи.  
Тафаккур – орзунинг чин омухтаси,  
Истиқбол мулкининг нури чироғи.

Орзусиз ёзмайти фикрлар қанот,  
Фикрсиз орзунинг қўл-оёғи шол.  
Иккиси мисоли эгарланган от,  
Уддалаб миносанг, уфқларга сол.

Ҳей, ширин орзулар, теран фикрлар,  
Қанчалик гўзалсиз, қанчалик улкан?  
Ҳамиша уфқлар сизни чақирар,  
Мисоли денгизда очилган елкан.

Эсимни танибман, мен сизга шайдо,  
Сиз менинг улфатим, мулким, хазинам.  
Сиз учун умрлар бўлади фидо,  
Ёшлиқдай севаман сизни ҳозир ҳам.

### ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА

Унинг романлари, очерклари, балладалари, лирик шеърлари ҳам кишини ҳаётга, эрлга, ҳалолликка, адолатга, инсонга меҳрибонликка ундайти ва чуқур фалсафий мушоҳадаларга чорлайди. Шухрат акани билган, унинг асарларини ўқиган ҳар бир инсон бунга имон келтиришига ишонаман.

Шоислом Шомуҳамедов

Шухрат аканинг номларини тилга олишим билан кўз олдимда бақувват, барваста, оппоқ сочлари силлиқ таралган, кўкраги қалқондек мағрур ва ҳаракатчан инсон келади. «Инсон» дедим, ўзимдан узоқлатгандай бўлдим, йўқ инсоним дегим келади.

Шукур Холмирзаев

## Боғ кўчадаги из

Боғ кўчада изинг кўрганда  
Мўйи сабза бўз бола эдим.  
Йиллар ўтди. Йўл бўлди канда,  
Қанча кўча, боғлардан юрдим.

Ўша изинг, ўша боғ кўча  
Кўз ўнгимда турибди шундоқ.  
Гўё уни кўрганман кеча,  
Гўё уни кўммаган тупроқ.

Илож бўлса ўша йилларга  
Қанот қоқиб учиб борардим.  
Ўша изга, ўша йўлларга  
Оппоқ бошим жон деб урардим.

## Оқшомлар

Оқшомлар бор: ойдин, дилрабо,  
Оқшомлар бор: гулрўй, серюлдуз.  
Оқшомлар бор – эсар хуш сабо,  
Оқшомлар бор мисоли кундуз.

Барчасининг гашти ўзгача,  
Барчасининг ўз хислати бор.  
Биттасида «кўр ойдин кеча»,  
Биттасида тизза бўйи қор.

Барчасининг бошида тождир –  
Янги йилнинг дилкаш оқшоми.  
Шу оқшомга салом бериб кир,  
Эй, шоирнинг қайноқ илҳоми.

Инсонларга сиҳатлик тила,  
Инсонларни қутла, олқишла.  
Инсонларнинг хуш нияти-ла  
Бирга бўлу нон-тузин тишла.

Дегил: – Инсон юксал, камол топ,  
Бахтинг бўлсин ҳамиша бирга.  
Дегил: – Умринг бир яхши китоб,  
Яхши китоб урилмас ерга.

Дегил: – Сенинг хизматингдаман,  
Азиз инсон, умрим борича.  
Оқшомлар бор – юлдузлар чаман,  
Аммо бу тун завқи ўзгача.

## Ёш ўтибди

«Ҳой, бола!», дер эди ўткинчи кеча  
«Лаббай!», деб қайрилиб қарардим мен ҳам.  
Бирор иш буюрса, югурганимча  
Чопқиллаб кетардим ўтказмасдан дам.

«Ҳой, йигит!», дедилар кейинроқ бориб,  
Ингичка мўйловим кўриб лабимда.  
Қизларнинг бедана юришин кўриб  
Ҳаяжон қайнарди олов қалбимда.

Кейинроқ, «Амаки!» деди аллаким,  
Кўниккан кишидек солдим қулоғим.  
Юрагим сиқилди ҳаво бўлса дим,  
Кўп юрсам толиқди тиззам, оёғим.

Бугунчи, оқ сочим кўриб ёш-яланг,  
«Бобо!» деб чақриб қолади баъзан.  
«Жим, – дейман, – эшитса ўкинар холанг,  
Амаки, десанг-чи, жилла бўлмаса!»

Начора! Чиндан ҳам бобомиз бугун,  
Отилган ўқ каби ўтди бу умр.  
Ортимга қайрилиб қарасам секин  
Бемақсад ўтмабди ҳаётим, шукур!



### ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА

Шухрат ҳалол кечирган умри ва яратган асарлари билан ўчмас хотира қолдирган адибдир.

Ҳаким Назир

Шухрат аканинг чироғи эзгуликлардан, адолат нурларидан қувватланган. Шунинг учун бу чироқ ўчмайди, балки пориллаб ёнишда ҳамон давом этаётир.

Муҳаммад Али



Абдулла Улугов,  
филология фанлари номзоди

## Матонатли мусаввир

Элнинг эътиборига эришиш катта неъмат. Рангларни қалб бўёқлари билан жилолантирган Рўзи Чориев ана шундай неъмат насиб этган инсонлардан эди.

Рўзи Чориев одамлар учун рассомларнинг тимсоли эди. Ўрта бўйли, узун соч-соқоли ўзига ярашган, кўзлари ҳамиша кулиб турадиган, истараси иссиқ бу рассом ҳар қандай жойда одамлар орасида ажралиб турарди. Тўй, маросимларда ҳамма дарҳол унинг атрофини ўраб оларди. Бу унинг тўғрисида кўп ёзилгани, фильмлар ишланганидан эмас. Чунки ундан ўн чандон кўп «реклама» қилинган кишилар талайгина. Лекин уларнинг аксарияти бир мавсум эътибор қозондию унутилди. Рўзи Чориевнинг бу фоний дунёдан кетганига ҳам, мана, тўрт йил бўлди. Аммо уни кўп эслашади, улкан санъаткор, ажойиб инсон сифатида эътироф этишади. Жуда кўп асар яратиб қолдиргани, кўп кишиларга яхшилик қилганини таъкидлашади.

Ёзувчи Нодир Норматов «Камалак яшайдиган уй» ҳужжатли қиссасида мусаввирнинг ҳаёти, унинг санъат тўғрисидаги фикрларини марок билан ҳикоя қилган. Рассом ижоди доимо санъатшунослар, зиёлилар эътиборини қаратгани, пойтахтда, мамлакатимизнинг бошқа шаҳару қишлоқларида бир неча марта унинг шахсий кўрғазмалари ўтказилгани, Рўзи Чориев ўзбек рассомлари орасида биринчи бўлиб Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида шахсий кўрғазмасини намойиш этгани, унинг альбоми Тошкентда, Москвада нашр бўлгани, туғилган қишлоғи Пошхуртда, Бойсун, Сайробда музейлар очиб, Термизда бадиий галерея ташкил этиб, бу жойларга асарларини бепул бергани, асарлари Америка, Европа, Африканинг кўпгина мамлакатлари нуфузли кўрғазма заллари, музейлар, шахсий коллекцияларнинг ноёб мулкига айланганини таъкидлаган...

Рўзи Чориев талотумлар авжига чиққан даврда дунёга келди. У туғилган йилларда қурғоқчилик қаҳатчиликни етаклаб келди. Очарчилик бошланиб, касаллик тарқалди. Шўронинг зўравонлик сиёсати замонани янада нотинч қилди. Ҳамма ўз жонини сақлаш пайига тушди. Юрт бузилиб, элда егим-есир кўпайди. Терлама, қизамиқ, чечак каби касалликлар кенг тарқалиб, хонадонлар ҳувиллаб қолди. Рўзининг онасини ҳам терлама олиб кетди. Сал ўтмай, отасини ҳам шу касаллик

домига тортди. Гўдак Рўзи холасининг қўлида қолди. Сал улғайгач, уни бошқа етимлар билан болалар уйига олиб кетишди. Рўзи шу жойда эсини таниб, катта бўлди. Очлик, юпунликдан қийналди. Зўравон, безори болалар зуғумини кўрди. Аламдан йиғлади. Болалар уйидан бир неча марта қочди. Шаҳар кўчаларида, қишлоқ йўлларида сарсон тентиради. «Қорасув қишлоғидаги қабристонда ҳам тунаганман. Ўшанда ялангоёқ эдим», дегани эсимда... Рассомнинг «Қорасув канали» деган асари ҳам бор... Борадиган бошқа жойи бўлмаганидан яна болалар уйига қайтди. Ота-она меҳри унинг учун бир умр армон бўлиб қолди. Бу армон маъносунг бўлиб унинг кўзлари, чеҳрасига «муҳр»ланди. Аммо у ҳеч қачон ҳаётдан норози бўлмади. Чунки у ҳаётда кўп яхши одамларга дуч келди. Улардан меҳр кўрди. «Камалак яшайдиган уй»да улар тўғрисида, Рўзининг етимликдаги укубатлари ҳақида, қай тарзда расм чизишга ихлос пайдо бўлгани қизиқарли баён этилади.

Рўзи Чориев болалар уйида тарбияланиб, Тошкентда, Ленинградда ўқиб, ўттиз уч йилдан кейин туғилган қишлоғига борганида уни қаттиқ ранжитишган. Рассом хафа бўлиб, бошқа қишлоққа жўнаб кетган... Абдулла Қодирийнинг машҳур «Ўтган кунлар» романида «Худонинг ҳақни ноҳақ қилмаслиги соясида, бир мактуб сабаби билан Отабек ва Мирзакарим кутидор кутмаган жойда дор остидан нажотга чиққанлар», деган ўрин бор. Ҳақиқатан, Худо бандаларига ҳамиша кутилмаган жойдан нажот етказди, «Камалак яшайдиган уй»да шунга ўхшаш воқеа Рўзи Чориевнинг ҳам бошидан ўтгани маълум қилинади..

Рўзи Чориев бутун ҳаётини санъатга бағишлаган фидойи эди. У ҳамма жойда қўлига қоғоз-қалам олиб чизиб ўтирарди. Мажлис, йиғилишда ўтирганида ҳам, меҳмонда бўлганида ҳам, тўйларга борганида ҳам шу одатини қўймасди... У ҳатто фотиҳага борганида ҳам чизган экан... Хонадонга салобатли бир қария кириб келибди ва тиловат қилибди. Даврадагилар дуони тугатиши билан Рўзи Чориев «Топдим!» деб бақириб юборибди ва шошилганча сумкасида қоғоз-қаламини олиб, шитоб билан қариянинг портретини чизишга киришибди. Даврадагилар ажабланиб, ҳайрон қолишибди. Рассом ишини битиргач, уни кўрсатибди. Сўнг ҳамманинг кўнглини кўтариб, мамнун бўлганча чиқиб кетибди...

Унга санъат ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хузур бағишларди. Ижод қилиш унинг учун доимий ички эҳтиёж эди. Жуда тез таъсирланар, сал нарсага хафа бўлиб қоларди. Лекин унинг чеҳраси ҳеч қачон тунд кўринмасди. Ҳамиша очик эди. Мусаввирнинг ўзига ярашган узун сочи, кўкрагини тўлдирган соқоли, болаларча жозибали нигоҳи, майин табассум тўла чеҳраси беихтиёр диққатни тортарди. Ҳаёт машаққатларини матонат билан енгиб улғайган, одамларга ҳамиша меҳр билан қараган бу мусаввир, ҳатто, тобутда ҳам майин табассум билан худди ором уйқуда ётгандай эди. Рассол: «Бу ишни анчадан бери қиламан. Бундай одамлар жуда кам бўлади. Қаранглар, кўкрагидан оқиш нур чиқиб турибди», деганди... Уни сўнгги йўлга устахонасидан чиқаришган, тумонат одам елкасида кетаётган тобути устига ўйнаб-ўйнаб, сийрак лайлак қор тушган, ўша пайтда ҳаво очик, мулойим, хира булутлар орасидан қуёш кўриниб турган эди...

Бу рассомни таниган-билган кишилар уни ҳамиша очик чеҳрада, табассум билан қараб турган ҳолатда тасаввур қилади. Унинг қиёфа-

кўринишини бошқача тарзда хаёлда жонлантириб бўлмайди. Очиқ чехралилик бу инсоннинг ўзига хос белгиси эди. Аслида ҳам кимдир тунд, кимдир эса чехраси очиқ яратилади. Бўй-баст, ранг-рўй, юз-кўз, -яратувчининг ижоди. Мутгасил машқ ёки косметик жарроҳлик амалиёти билан уларни тубдан ўзгартириб бўлмайди.

Ижод иштиёқига берилган кишиларни ҳамма нарса-табиат манзаралари ҳам, кишиларнинг гап-сўзи ҳам ижод қилишга ундайди. Рўзи Чориевни ҳамма нарсадан кўра одамлар, уларнинг чехраси кўпроқ қизиқтирган. У яратган портретлар шундан далолат беради. Рўзи Чориев жуда кўп кишиларнинг портретини ишлаган. Улар орасида турли касб кишилари-санъаткорлар, адиблар, шоирлар, олимлар, чўпонлар, пахтакорлар бор. Рассом қариялар, аёллар, ёш йигит-қизлар портретларининг бутун бир галереясини яратган. Бу портретлар рангларининг уйғунлиги, динамикаси ва композицион мутаносиблиги билан диққатни дарҳол жалб этади. Уларда миллий характер намоён бўлиб туради. Таъсирчан, ёрқин рангларда ишланган бу портретлар беихтиёр хотирага «муҳр»ланиб қолади. Рассом қаҳрамонларини жиддий, ўйчан ҳолатда гавдалантиради. Рўзи Чориев портретлари сарик, сарғиш, қизғиш, оқ, қора рангларнинг уйғунлиги, ўзига хос ечими билан ўзбек тасвирий санъатининг ёрқин саҳифалари бўлиб қолади. Рассом қаҳрамонлари қиёфасида уларнинг руҳий кечинмаларини, характери хусусиятларини акс эттиради. Уларнинг юз-кўзида аллақандай дард, ташвиш кўринади. Портретнинг бундай тасаввур уйғотиши унинг санъаткорона маҳорат билан яратилганидан келиб чиқади. Аслида ҳам инсоннинг юз-кўзи унинг тўғрисида кўп нарсани аён этиб туради. Борлиқдаги диққатни энг жалб қиладиган нарса ҳам инсон юз-кўзи, чехрасидир. Шу боисдан улуғ мутафаккир Рабиндранат Тагор: «Инсон чехраси бизни гуллар чиройидан кўра кўпроқ ўзига тортади, негаки, инсон чехрасида ҳусн кўркемлигидан ташқари, фикр нури, ақл ифодаси, қалб ҳарорати ҳам акс этади. Шу сабабдан инсон чехраси онгимиз, ақл-тафаккуримиз ва қалбимизни дарҳол ўзига мафтун этади», дейди. Умар Хайём инсон чехрасида борлиқнинг барча гўзаллиги мужассам эканини қуйидагича таъкидлайди: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп. Уларни кўриб, баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади. Аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди. Чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг кела олмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёдаги саодатнинг сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг юқори даражаси бўлади. Агар одам ҳам ташқи кўринишдан, ҳам феъл-атвор жихатидан яхши бўлса, у Худо ва одамлар учун севимлидир... Одамларнинг юзларидаги гўзаллик Изид таолонинг буйруғи билан инсонларга етиб келадиган саодат юлдузлари таъсирининг бир қисмидир... Гўзал юз оламнинг Оллоҳ таоло томонидан яратилганига исбот ва илм ўрганиш зарурлигига далолатдир. Гўзал юз яратувчининг асаридир».

Тез таъсирланадиган кишилар ҳамма нарсага ҳайрат билан қарайди. Рўзи Чориевнинг болаларга хос беғуборлиги, содда ва ишонувчанлиги ҳаяжонланган пайтларида янада яққол билинарди. Унинг айни ҳолатига

гувоҳ бўлган киши ҳайрат инсон қалбининг гулзори, бўстони эканига беихтиёр ишонч ҳосил қиларди. Бу улкан мусаввирнинг аксарият картина, портрет манзаралари кучли ҳаяжон таъсирида яратилган. Унинг «Автопортрет»лари, «Болалигим дарахти», «Марсия» триптихи, «Чўпон», «Қария», «Нигоҳ», «Кўшиқ», «Най», «Сут соғувчи» каби кўплаб асарлари шў боис диққатни дарҳол жалб этади. Уларга лоқайд қараб бўлмайди. Мусаввир меҳр ва иштиёқ билан ишлаган портрет, картина, манзаралар дабдурустдан туйғуларга таъсир этиб, кишида турли фикрлар уйғотади. Ижодкорнинг портрет, картиналарида тасвирланган кишилар жуда жонли, дов-дарахтлар, кенгликлар жуда таъсирчан кўринади. Моҳир мусаввир мазкур асарларида ўз ҳаяжонларини бошқаларга ҳам «юқтиради».

Рўзи Чориев асарларини асосан иссиқ-ёрқин рангларда ишлайди. Унинг портрет, картина, манзараларида, айниқса, сарик, қизил, кўк ранг кўп эканлиги яққол билиниб туради. У айнан шу ранглар асосида миллий турмуш тарзимизнинг ўзига хос манзарасини яратади. Чунки Шарқ табиати, одамлари қиёфасини гавдалантиришга айнан сарик, қизил, кўк, қора ранг мос келади. Бу иссиқ-ёрқин ранглар Шарқ замини серқуёш эканлигидан келиб чиқади. Қуёш борлиқдаги барча нарсага ўз рангини сингдиради. Тупроқ ҳам, заминдаги наботот олами ҳам, ҳайвонот дунёси ҳам қуёшдан ранг олади. Мусаввирнинг жуда кўп картина, портретларида акс эттирилган ўйчан қиёфалар беихтиёр дилга кўчади. Бу қадрдонлик ҳисси рассомнинг рангларни тўғри танлаганидан келиб чиқади.

Инсон тасаввурида ҳамма нарса муайян рангларда акс этади. Энг кичик қум зарраси ҳам, бепоён кенгликларни эгаллаган тоғ-тошлар ҳам ҳаёл «экра»ида қандайдир рангларда кўринади. Чунки ҳар қандай нарсада, албатта, маълум бир ранг бор. Кўзга кўринадиган неки бор, унда қандайдир ранг мавжуд. Рассом ҳам ранглар асосида манзара яратади. Қалам, мойбўёқлар унинг учун рангларни ифодалаш воситаси вазифасини бажаради. Барча мавжудотнинг ҳолати, албатта, рангида акс этади. Сувга қонган дов-дарахт, ўт-ўланлар яшнаб туради. Кишининг жисмоний, руҳий ҳолати ҳам унинг рангида акс этади. Рўзи Чориев асарларида ҳам ранглар қаҳрамонларнинг ички ва ташқи олами ҳақида «ҳикоя» қилади. Рассомнинг турли даврда ишлаган «Автопортрет»лари ҳам унинг ўз қалб кечинмаларини бошқаларга билдиришга интилганини англашиб туради. Ҳар бир одамнинг дилида ўз ўй-кечинмаларини бошқаларга маълум қилиш, ким биландир дардлашиш, ўзгалар кўнглидаги кечинмаларни билиш истаги яшайди. Ана шу ички эҳтиёж туфайли кишилар ўртасида алоқа пайдо бўлади. Бошқалар билан ўзаро муносабат инсон ҳаётининг маъно-мазмунини белгилайди. Ёлғизлик ҳар қандай кишини яшаш, ҳаёт кечириш учун зарур эҳтиёжлардан маҳрум қилиб қўяди. Санъат асарлари, аввало, кишиларни бошқалар билан ҳамкорликка, бир-бирини англашга даъват этиши билан аҳамият касб этади. Улар сезги аъзоларига таъсир ўтказиб, кишида муайян ҳис-туйғулар уйғотади. Инсоннинг туйғулари эса гўзалликдан лаззатланади. Шу боисдан кишилар гўзалликка ҳаммиша эҳтиёж сезишади. Борлиқнинг гўзаллиги эса кўпроқ инсон чеҳрасида акс этади. Шунинг учун юз-кўзи чиройли, қомати келишган кишилар бирдан диққатни жалб қилади. Хусндор қизлар, йигитларнинг қиёфаси,

гап-сўзлари узоқ вақт эсдан чиқмайди. Рўзи Чориев ҳам асарларида чехраси дарҳол эътиборни тортадиган кишилар қиёфасини яратган. Унинг «Сўзана тикаётган аёл», «Композитор Икром Акбаров», «Алла», «Ботир Зокиров портрети», «Нигоҳ», «Келин», «Сут соғувчи», «Қария» каби асарлари шундай таасурот қолдиради. Рассомнинг қаҳрамонлари фикран бизга мурожаат қилаётгандай туюлади. Уларнинг нигоҳлари, қарашларига лоқайд боқиб бўлмайди.

Биз ҳар куни кўп кишиларни кўрамиз. Аммо уларнинг айримларигина тасаввуримизга ўрнашиб қолади. Бу улар чиройли, кўркем, ҳусндор бўлганидан эмас, балки уларда қандайдир ўзига хос фазилатлар борлигидан. Кишининг кимлигини бирданга билиб бўлмаса-да, аммо ўзига хос феъл-атворли одамлар, нимаси биландир дарҳол диққатни жалб этади. Чунки уларнинг юз-кўзи ички оламини ошкор этиб туради. Бундай кишилар, кимлигидан қатъи назар, хотирада «нақш»ланиб қолади. Ҳар бир кишининг юз-кўзи, ранг-туси унинг хулқ-атворини билдириб туради. Афсуски юз-кўзнинг «сўз»лари қулоққа эшитилмайди. Унинг «тил»ини фақат қалб тушунади. Кўзда инсоннинг сўзларда ифода қилиб бўлмайдиган туйғулари намоён бўлади. Улар гоҳ алангаланиб, гоҳ ботаётган ойдек осуда боқиб, гоҳ коинотни ёритиб турган қуёшдек чарақлаб туради. Кўз бепоеён самони, ундаги сон-саноксиз юлдузларни, ердаги нур ва сояларни бир қарашдаёқ ўзига «жо» этади. Бу жиҳатдан фақат хаёлгина кўз билан «беллаша олади». Шунинг учун бадиий асарларда қаҳрамонларнинг кайфияти, кечинмалари, ҳис-туйғулари уларнинг кўзи асосида тасвирланади. Рўзи Чориев асарларида ҳам кўз тасвирига алоҳида эътибор берилади. Унинг «Нигоҳ», «Қария», «Сайроблик чол»идаги қаҳрамонлар нигоҳида турмуш ташвишлари акс этса, «Сут соғувчи»да хаёлга чўмган аёл ҳолати кўринади. Ушбу портретларда тасвирланган кишилар, таъкидлаганидек, уларнинг ўзига жуда ўхшайди. Рассом ташқи қиёфасини айнан ўхшатиш баробарида, уларнинг маълум бир кайфиятини ҳам аниқ акс эттиради ва шу асосда қаҳрамонларининг ўй-кечинмалари тўғрисида тасаввур уйғотади. Инсоннинг муайян пайтдаги кечинмаларини ранглар, чизгилар орқали унинг ташқи қиёфасида акслантириш ғоятда мушкул. Бунга фақат матонатли моҳир мусаввирларгина муяссар бўлади. Рўзи Чориевнинг картина, портрет, манзара, натюрмортлари унинг шундай санъаткор эканлигини намоён этади. «Сайроблик чол», «Қария»нинг чехрасидаги мунг бизни ўйлантириб қўяди. «Пошхурт», «Уйқу», «Қўшиқ» кўнгилга қувонч ҳиссини солади. «Марсия» даги қаҳрамонлар кишини беихтиёр ачинтиради. Чунки рассом бу қаҳрамонлари қиёфасини меҳр, иштиёқ билан гавдалантириш орқали, уларни яқин кишимизга айлантдириб қўяди.

Ҳаётда эзгулик билан ёвузлик ҳамиша ёнма-ён туради. Шунинг учун санъат асарларида нимадир мадҳ этилади, нимадир қораланиб, инкор қилинади. Бу иждодкорнинг ҳаётга ёндашишидан келиб чиқади. Баъзи рассомлар турмушдаги камчиликларга, кишиларнинг феъл-атворидаги иллатларга кўпроқ эътибор қаратиб, фақат карикатура чизади. Рўзи Чориев эса бирорта ҳам карикатура чизмаган. Аслида, у ҳам масхаралашга муносиб, нафратга лойиқ кимсаларга кўп дуч келган. У нимадан таъсирланса, ўшани,



албатта, ёзарди. Аммо негадир у кимдандир ранжиганини бирор-бир асарида акс эттирмаган. Ҳеч кимнинг масхараомуз қиёфасини чизмаган. У барча асарларида ҳаётни севишга даъват қилиб, умр ўткинчилигини рангларда ифодалашга интилган. Бу унинг одамларни яхши кўргани, уларга ҳамиша меҳр билан қараганидан далолат беради.

Рассом гарчи ҳаётда кўп қийинчиликлар кўрган бўлса-да, доимо қувноқ, хушчақчақ юрар эди. Хурсандчилик эса табиийки, ҳар қандай кишининг баҳри-дилини очади, кайфиятини кўтаради ва бу, албатта, унинг бошқалар билан муносабатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, ишчанлик кайфиятини кучайтиради. Рўзи Чориев айнан қувноқлиги, хушчақчақлиги ва таъсирчанлиги туфайли одамлар орасида эътибор топди. Мусаввир жуда кўп асар мерос қолдиргани боиси ҳам унинг доимо ишчан кайфият билан яшаганида.

Рассомнинг асарларида бепарво, лоқайд одам кўринмайди. Уларнинг барчаси нимагадир интилган, ҳаракат қилган кишилар сифатида таассурот қолдиради. Рўзи аканинг ўзи ҳаракатчан, интилувчан бўлгани боис, айнан, шундай кишиларни ёқтиради. У ҳеч қачон бир жойда тинчгина, хотиржам ўтиролмасди. Ҳаёт ҳам ҳаракат қилганларни ардоқлайди. Хилватда ўтириб хаёл суришни, осойишталикни хуш кўрадиганларни ҳеч қачон сийламайди. Уларни одамлар эътиборидан четга чиқариб ташлайди. Самимий, олижаноб кишилар бошқалар тўғрисида ўйлагани боис ҳам бепарво яшолмайди. Улар нимаси биландир кишини ўзига тортаверади. Рассом Рўзи Чориевнинг шундай оҳанрабоси бор эди. У ўзининг шу фазилатини қаҳрамонларига ҳам «кўчирган».

Рўзи Чориев асарларига хос умумий хусусият ҳаётни севиш, одамларга меҳр билан қарашдир. Бу унинг барча асарларида озми-кўпми сезилиб туради. Рассомнинг ишларидан «Ҳаёт-ғўзал. Унинг ҳар бир лаҳзасини қадрлаш керак. Ҳар бир киши ҳурмат-эҳтиромга лойиқ. Одамларни ҳамиша ардоқлаш лозим», деган ғоя яққол билиниб туради. Бу даъват сохта эмаслиги, у ижодкор қалбидан чиққанлиги аниқ сезилади.

Рассомнинг аксарият қаҳрамонлари чехрасида чуқур дард белгилари билинади. Уларнинг юз-кўзи сокин ва майин нурга чўмгандай туюлади. Айрим қаҳрамонлари эса ишонч билан мағрур қараб туради. Мусаввир яратган манзаралар, натюрмортлар ҳаракатланаётгандай, жонли кўринади. Ижодкор қалбини асарига сингдирганидагина у шундай таассурот уйғотади. Айрим кишилар ўзини ҳайратланаётган каби кўрсатишга уринади. Аммо ясама ажабланишнинг сунъий, сохта ҳаракат эканлиги дарҳол билинади. Ижодкор ҳам фақат малака, тажриба, кўникмаси асосида ишласа, асарига қалб ҳароратини ўтказолмайди. Рўзи аканинг сўзларидагина эмас, бутун хатта-ҳаракатида кишини беихтиёр ўзига тортадиган алланимадир бор эди. У ижод қилиш ёки биров билан суҳбатлашиш учун олдиндан тараддудланиб ўтирмасди. Ҳеч қачон: «Бугун устахонага фалони келади», деб тайёргарлик кўрмасди. Умуман, у бошқаларга ўхшаб тараддудланиш, шубҳаланишни билмасди. Ёки нима иш қилиши, ким билан қачон учрашишини қоғозга ёзиб, режалаштирмасди. Унинг барча ҳаракатлари табиий эди. Лекин уни бетартибликда, таваккалчиликда айбламоқчи бўлган одамнинг ўзи ноқулай аҳволга тушиб қоларди.

Рассом яратган гўзал аёллар портрети ҳар қандай кишини ўзига ром қилади. «Юлдуз портрети», «Сайроб гўзали» қаҳрамонларининг кўзлари ғурурдан ёнади. Чунки чиройли эканини билган ҳар қандай аёл, албатта, атрофга мағрур қарайди. Қарашлари, гап-сўзлари, юриш-туришида ҳам бу намоён бўлиб туради. Мағрурлик унинг ҳусн-жамолини янада юксакка кўтарди. Рўзи Чориев портретларида гўзал аёлларнинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратади. Аммо меъёрни сақлайди. У асарига гул, шамсия каби деталларни киритмайди. Шарқ миниатюраларида, Европа тасвирий санъатида гўзал аёллар кўпинча гул тутган, соз чалаётган, мусиқа тинглаётган ёки оху, от, мушук ушлаган ҳолатда тасвирланади. Рўзи Чориев портретлари бу каби унсурлардан холи. У барча қаҳрамонларини, жумладан, аёлларни ҳам кундалик ҳолатида гавдалантиради. Масалан, «Сут соғувчи» аёлнинг кенг-мўл, енглари узун кийим-либоси, бошидаги рўмоли, ўтириши унинг меҳнаткаш қишлоқ аёли эканини билдирса, «Юлдуз портрети»да замонавий ёш жувон тасвирлангани аниқ аён бўлиб туради. Рассомнинг ҳар иккала асари ўзича қалбга ёруғ туйғулар олиб киради. Бу ижодкорнинг қаҳрамонларини табиий гавдалантирганидан, уларнинг муайян ҳолатини ёрқин рангларда аниқ ифодалаганидан келиб чиқади. Сут соғувчи аёлнинг ҳам, юлдузнинг ҳам либоси, туриши ўзига мос. Уларнинг ҳар иккаласи жиддий, дадил. Сут соғувчини Юлдузнинг кийимида, Юлдузни эса сут соғувчи аёл турган ҳолатда тасаввур қилиб бўлмайди. Сут соғувчи қарашларида ҳаётда анча нарсага эришган аёлларга хос мамнунлик, виқор кўринса, юлдузнинг кайфиятида мажхулик, умидсизлик сезилади. Юлдуз рассомнинг устахонасидаги диванда икки қўлини костюмининг чўнтагига солганча ўтирибди. Ўнг томонида ёрилган бир дона анор. Юлдуз гўзаллигига мағрур, орзулари осмон, лекин ҳаётда анча-мунча қоқилиб, кўп нарсадан кўнгли совуган бўлса-да, аҳдидан қайтмаган, ўзига бир оз бино кўйган, ишонган ёш жувон сифатида тасаввур уйғотади. Рассом ёрилган анор орқали шу гўзал жувоннинг ҳам ичида дарди, алами борлиги, унинг ҳам ҳаёти қувончлардан иборат эмаслигига ишора қилади. Айни чоқда, анор Юлдузнинг замонавий Шарқ аёли эканлигини билдириб туради. Юлдузнинг гўзаллиги, виқор билан туриши ҳар қандай кишини ўзига жалб этади.

Рўзи Чориев автопортретларидан бирида турфа гуллар солинган гулдон олдида, кип-қизил шароб тўла қадаҳ кўтарган ҳолда қараб туради. Айни автопортрети у ўтган умридан мамнун, мақсадига эришган, ҳаёт мураккаблиklarини анча англаб етган киши сифатида тасаввур уйғотади. Яна бир автопортретида эса у жуда ўйчан ҳолда кўринади. Дераза ортида қиш манзараси. Рассом қалин кийинган, бошида телпак. Унинг устидаги кенг-мўл жемпери ҳам, телпаги ҳам оқиш рангда. Рассом жунжикканча қўлларини қовуштирган. Қандайдир режаси амалга ошмагандай. У ниманидир кутаётгандай, кайфияти сўлгин. Рассомнинг яна бир автопортрети тамоман оқ рангда ишланган. Унда қоп-қора кўзлари чақнаган кекса донишманд виқор билан қараб туради. Ижодкорнинг ушбу автопортретлари унинг ўзини англаш йўлидаги изланишини билдиради. Айни чоқда, бу автопортретлар инсон ҳеч қачон тўхтаб қолмаслиги, унинг қиёфаси ҳам, ҳаётга қарашлари ҳам муттасил ўзгариб туриши, инсон

умр бўйи ўзини, борлиқни идрок этишга интилишини таъкидлайди. Автопортретлардаги ҳар бир чизгида, рангларда рассомнинг маълум пайтдаги кайфияти, унинг ҳис-туйғулари кўринади. Албатга, уларни ҳар бир томошабин ўз диди, дунёқараши даражасида англайди. Рассомнинг «Автопортрет»лари унинг ўзига хос инсон эканлигини билдириб туради. Агар «Автопортрет» лар даврий жиҳатдан таққосланса, рассом нафақат жисман, балки руҳан, маънан ҳам улғайиб боргани яққол билинади. Ушбу асарлар ҳар бир кишининг мудроқ туйғуларини кўзғатиб, унут бўлиб ётган хотираларини уйғотиб юборади. Мусаввир қўллаган ёрқин ранглар, ярим туслар, шиддатли ҳаракат билан чизилган кескин чизиқлар томошабинни фикрлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Кишининг юз-кўзи ҳамиша унинг қалбидаги кечинма, фикр-ўйларини ифода этиб туради. Шунинг учун «қалбдаги қиёфага қалқиб чиқади», дейилади. Аксарият кишилар кўнглидаги ўй-кечинмаларни ошқор қилмасликка, қиёфасига сохта тус беришга уринади. Ана шу зўриқиш, ўз-ўзини мажбурлаш ҳам бора-бора қалбни хира қилади, руҳни сўндиради. Оқибатда, киши ҳайратланиш ҳиссидан узоқлашади. У теварак-атрофидаги ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган бўлиб қолади. Рассом Рўзи Чориевнинг хурсандлиги ҳам, алланимадан ранжиб, хафа бўлгани ҳам дарҳол қиёфасида акс этарди. У ҳамма насадан жуда тез таъсирланар, ҳаяжонланиб кетар ҳамда буни беихтиёр билдириб қўярди. Агар унга бирор нарса маъқул бўлса, ёқса, ҳеч тортишиб ўтирмасдан дарҳол «Гениально!» деб ҳайқириб юборарди. Ёки шўх куй, кўшиқ янграб қолса, баритон овозида бақириб «Ай!» деб жўр бўларди. Италиянча опера ариясини шундай жўшиб айтардики, унинг завқ-шавқи беихтиёр ҳаммага «юқарди». Рассом ҳарбийда хизмат қилган пайтида генералнинг оила аъзоларини театрга олиб бориб юрганида ўрганган бу арияни тинглаш ғоят мароқли эди. Нари борса, тўрт қатор келадиган бу ария сўзлари маъноси номаълум бўлса-да, хонанда-рассомнинг эҳтирос билан жўшиб куйлаши ҳаммани ҳаваслантирарди. Бутун ҳаётини санъатга бағишлаб, бир умр одамларга яхшилик қилиб, эл эътиборига эришган, тақдир машаққатларини матонат билан енгган, ҳамиша ижод иштиёқи билан яшаган машҳур мусаввир Рўзи Чориев мерос қолдирган портрет, картиналардан ҳам унинг самимий, жўшқин жозибадор овози эшитилиб туради.





## ҒАЗАЛХОНЛИК



Махмуджон  
Нурматов

Фалсафа фанлари доктори, профессор Махмуджон Нурматов илмининг маънавият, мафкура, фалсафа, эстетика, этика йўналишлари борасида теран тадқиқотлар олиб бориш баробарида, бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Муҳими, илмий ва бадиий ижодни уйғун ҳолда рўёбга чиқариш йўлидан бормоқда.

Муҳтарам журналхон, сизнинг эътиборингизга ижодкорнинг янги ғазалларидан намуналар ҳавола этаётирмиз.

Таҳририят

## *Ҳуррият гулшани ичра...*

### Муборакбод

Муборакбод этар дил ҳур Ватанда навбахоримни,  
Диёрим гулшани ичра хазонсиз сабзоримни.

Садоқат, эзгулик, ҳурлик, гўзаллик бўлди иқболим,  
Жаҳонларга қилай кўз-кўз ҳақиқий ифтихоримни.

Элим тоғида учдим, фазоларда мисли лочиндек,  
Экиб, мангуга яшнатдим фусункор арчазоримни.

Жафолар чекди кўп халқим босиб келганда қонхўрлар,  
Адолат баҳсида айтдим курашчан ихтиёримни.

Сақла, эй қодир Аллоҳ, ташна руҳим кучди истиқлол,  
Ҳақиқат минбари узра қозонган эътиборимни.

Муҳолиф бўлдилар бизга ҳасадгўй хоину номард,  
Куйиб кул бўлдилар бир-бир кўриб тиғдор шароримни.

Азиз эрким, азиз юртим, азиздир танти Юртбошим,  
Жаҳонда тенги йўқдир шу қутлуғ шахсуворимни.

Зафар тонгида элни фаровон айла Аллоҳим,  
Этай табрик Замоний озоду обод диёримни.

## Меҳру вафолардан эрур

Ёр билан май ичмасам ҳам, боқиши маст айлади,  
Мастлигим сиз ўйлаган кайфу сафолардан эмас.  
Сочидан бир тола мижгон игнасига ўтказиб,  
Сийна чокин тикди, дардим бедаволардан эмас.

Чустий

Завқу шавқ ишқ дафтари ичра жилолардан эрур,  
Руҳ сурури тоабод меҳру вафолардан эрур.

Айлама ҳуснингни кўз-кўз ҳар ҳусн шайдосига,  
Ҳасрату дарду ситам шу ҳил балолардан эрур.

Моҳипайкар боқиши севги саволин ташламиш,  
Мен дедим: Ўз ёрима жоним фидолардан эрур.

Ишқ дардига табиблар бир шифо ҳам топмади,  
Лек висол ишқ аҳлига буткул шифолардан эрур.

Рози дил айтмоққа бир кўнглимининг майли бўлмади,  
Ўзгага изҳори дил ишқий хатолардан эрур.

Айшу ишрат, эй Замоний, соз юракка на керак,  
Беғараз дил эзгуликка маҳлиёлардан эрур.

## Чорлагай

Бу ҳаёт йўлида, дўстлар, мардни мардон чорлагай,  
Яхши суҳбат айламакка яхши инсон чорлагай.

Этса ҳижрон имтиҳон, сабринг мадаккоринг бўлур,  
Субҳу шом муштоқ ўзингга моҳитобон чорлагай.

Ҳаққу, илму, адлу инсоф кўзла, доим кўзлагин,  
Бу курашга элу юртинг, давру даврон чорлагай.

Кимки ғаввос бўлса гар, дурдан садафни фарқ этар,  
Бундайин оташ юракни наҳру уммон чорлагай.

Ҳоҳи лочин, ҳоҳ кабутар зоти парвоз касб этар,  
Ким сарафроз аҳлидандир, кавкабистон чорлагай.

Ҳақ учун ҳам, халқ учун ҳам жон фидо айлайди мард,  
Қайтмагай, гарчанд, йўлидан ўтли вулқон чорлагай.

Бўлма йўлдош нафс дардин бандасига эй ҳабиб,  
Чунки бундай кимсаларни чор гўристон чорлагай.

Порласа кўқда қуёшинг, кулса омад ярқ этиб,  
Лаҳза-лаҳза табрик айлаб, дўсту ёрон чорлагай.

Сайр этсанг, эй Замоний, завқу нафосат ишқида,  
Озоду обод Ватан, ҳур Ўзбекистон чорлагай.



Нўъмон Раҳимжонов,  
профессор

## ҚАЛБ МАЪРИФАТИ

Таниқли болалар адиби Сафар Барноев «Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз» мақоласида ёзади: «Бухоро яқинидаги Дилкушо қишлоғида туғилганман. Бу гўзал жой ҳақида устоз Миртемир «Дилкушо» деган ажойиб дoston ёзган. Онам – содда қишлоқи аёл менга гувоҳнома олишни унутган. 1949 йилда мактабга боришим керак бўлганида, табиий, туғилиш гувоҳномасини сўрашган. Кўрибсизки, шўро котиби тут пишиғини ўзича ҳисоблаб, мени 1938 йил 6 майда туғилган деб туғилиш гувоҳномасини тўлдириб берган Ана шу тахмин билан кўп ҳужжатларни ҳамон тўлдириб келаман. Туғилган кунимни нишонлайман».

Она меҳри – фарзандлар иқболи, дунёнинг устун, ҳаётнинг офтоб мисол кўзлари. Сафар Барноевнинг ҳам кўлига қалам тутқазган, икки оғиз сўзни қофияга тиздирган, шоир қилган бош омил – бу она меҳри-муҳаббати, она садоқати ва эътиқоди. Ва ушбу ҳиссиёт – тупроқ, сув, ҳаво ва офтоб туйғулари тариқасида юрагининг қатимларига сингиб кетган экан. У йиллар ўтгач, шеър дарахти бўлиб кўкарди. Қаддини ростлаб, шиғил мевалари ларзон боғга айланди. Бу – Сафар Барноевнинг ижод боғи.

Шоирнинг илк шеъри «Бухоро ҳақиқати» газетасида босилган «Май шеъри» бўлади. Ўшанда, у ўнинчи синф ўқувчиси эди. Биринчи шеърлар китоби – «Тоғлардаман» 1970 йили нашр этилди. Шундан сўнг ижодкорнинг «Дадамнинг кўллари» (1974), «Соғинч» (1975), «Юлдузхон ва баҳоржон» (1977), «Чехралар» (1984), «Тинчликни улуғлаймиз» (1986), «Дадам ҳақида кўшиқ» (1989) шеърий китоблари ҳамда «Биринчи табассум» (1972), «Солдат қайтган кун» (1979), «Оқ лайлаклар» (1982), «Мукофот» (1985), «Эгизаклар» (1985), «Каримжон-Карслон» (1988), «Нилуфарнинг олмалари» (1996), «Кичкина Хўжа Насриддин» (1998) сингари насрий асарлари чоп қилинди.

Ушбу асарлар Сафар Барноев номини болаларнинг устоз адиблари қаторига кўшди.

Сафар Барноев ижодининг асл моҳияти – бу болалар қалбини маърифатли қилиш, ақл чироғининг пилигини баланд кўтариш, яъни, маънавий интеллектуал тарбияни янада такомиллаштиришдан иборат. Хўш, ана шу тарбиявий, маърифатли сўзнинг моҳиятини қандай маънолар ташкил қилади? Бадиий сўз маданиятининг болалар дунёсини бойитишдаги устувор хусусиятлари қандай аломатларда зоҳир бўлаётир?

Ижодкорнинг «Ота ўғли» туркуми бу борада фикр юритишга катта асос беради.

дейди шоирнинг лирик қаҳрамони. Ёки:

Отам яратган боғнинг  
Бугун боғбони – ўзим.  
У етмаган ниятга  
Етишмоқ қатъий сўзим.  
Отам менга ўлкамни  
Мангу ишониб кетди, –

деган фикрларни изҳор этади.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг фикрий ҳамда ҳиссий кўринишлари самарали эканлигини Сафар Барноев асарлари мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. «Ватанни сев», «Халқингга садоқатли бўл» – булар ҳали шунчаки таъкид. Хусусан, бола жипла курса битта кўчат экиш фойдали, савобли эканлигини англаса, дилдан ҳис қилса ва ушбу юмушни севиб, ихлос билан адо этса – бу нарса Ватанни севишга, табиатни эъзозлашга ундаш билан баробар, унда гўзаллик туйғусини тарбиялайди. Сафар Барноев ижодида ватанпарварлик психологиясини акс эттириш, олам ва одам дилидаги меҳрнинг суратини чизиш, табиатини кўрсатиш билан уйғунликда зоҳир бўлади. Яъни, гуманистик одамсеварлик ғояларини ифодалаш етакчилик қилади. Ва, бу нарса, миллатпарварлик, туғилиб, ўсган, киндик қони тўкилган заминга меҳр-садоқат туйғуларида намоённи топади.

Дунёда одамларни тириклик шевалари ила машғул қилган, ҳаётни севишга ўргатадиган уч мингдан ортиқ касб-ҳунар бор экан. Деҳқончилик, овчилик, муаллимлик, қурувчилик, боғбонлик ва ҳоказо барча-барчаси касб-корни ўрганиш билан баробар, энг муҳими, инсонга инъом этилган бир бурда умрни қадрлашга, одамнинг ўз-ўзини севишга ўргатади. Айтайлик, қурувчи осмонўпар бинолар барпо этар экан, бу шунчаки оддий қурилиш юмушларини адо этиш, деган гап эмас. Аввало, у моддий бойликлар яратади. Бу – бир. Иккинчидан, туйғуларимизни бунёдкорлик, гўзаллик ҳисси ила тоблайти, тарбиялайди. Демак, тарбиянинг шунчалар беадад турлари, бекарон имкониятлари бор экан. Яхшилик билан ёмонликни, эзгулик билан ёвузликни, гузаллик билан хунукликни, ёруғлик билан қоронғуликни фарқлашга, ҳаётни тушунишга, яшашга ўргатади. Гўзаллик ҳақида рассом – мўйқалам, ҳайкалтарош – гилтупроқ, бастакор – куй-оҳанглар, адиб – сўзлар воситасида интеллекутал маданиятни бойитади, ҳиссий-туйғулар табиатининг янги-янги қирраларини кашф этади.

Сафар Барноев асарларида фикрий тарбия тасвир ва талқин, тушуниш ва тушунтириш, ҳиссий идрок ва бадий ифода воситасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳатто аксарият шеърлари сюжетли-воқеабанд. Кўрган, билган, ҳис қилган нарсаларини воқеалар жараёни ила яхлит бир бутунликда олишга, кўрсатишга майли кучли. Бу борада қиссадан ҳисса чиқариш тарзида айтиладиган ибратли сабоқлар кўпинча ўқувчининг ўз ихтиёрига қолдирилмайди. Ва, аксинча, шеърлар хотимасидаги поэтик образ зиммасига юкланган маъно ана шу моҳиятни, ҳикматли мазмунни акс эттиради. Хусусан, биргина «Сирли садо» шеърини олайлик.

Амакимнинг йўқдир икки  
Оёғи.  
Оёқлари – унинг қўлтиқ  
Таёғи.  
Қўлтиқтаёқ инграб борар,  
«Тў-ўқ, тў-ўқ».  
Бу дегани урушга йўл –  
Йў-ўқ, йў-ўқ!

Инсон – ҳаёт гули. Воқеалиқдаги хунуклик кўринишларини бартараф этилгани сайин ҳаёт ҳам, тириклик ҳам янада чиройли бўла боради. Бу – Сафар Барноев асарларидаги тарбиявий руҳдан балқиб турадиган бош маъно.

Биринчидан, болалиқдан фикрлашга ўргатиш, ҳиссий идрокни шакллантириш:

Иккинчидан, ота-она ҳаётининг ибратли сабоқлари боланинг юриш-туришида, сўзлаш ва фикрлашида энг яхши тарбия воситаси...

Учинчидан, меҳрга муҳтожлик, меҳрга ташналик, соғинч ҳисси – ҳаётнинг қадрига етишга, унинг урвоғичалик яхшилиқни, нурни, хароратни эъзозлашга ундайди. Сут билан вужуд-вужудларга сингиган ушбу хусусиятлар йиллар ўтгач, ёғду мисоли шуълаланиб тураверади. Занглаш нималигини билмайди. Булар – адиб эстетик қарашларининг асосини ташкил этади.

Айни ҳуснинг бўлганида  
Ёрғучоқни майда торт.

Ушбу байтда Сафар Барноев эстетикасининг мағзи-моҳияти яширинган. Адиб уни қайта-қайта таъқидлашни яхши кўради. «Ёрғучоқ» шеъри уруш йиллари ва ундан кейинги очарчилик даври билан боғлиқ хотиралар, воқеалар, ҳолатлар сирасига мансуб. Уруш сабоқлари, ҳаёт сўқмоқлари – булар тириклик икир-чикирлари эмас. Улар адибнинг адабий қаҳрамонларини барвақт вояга етказади. Хусусан, отадан етим қолган бола ўз оиласи тақдирида ёмонлик рангию яхшилиқнинг таъминини эрта туяди. Ёмонлик нимаю яхшилиқ қанақа бўлади – мурғак бошидан кечиради. Инсоний меҳр-мурувват ёнида ёлғон, алдов, қаҳрни ҳам кўради.

Бир сўз билан айтганда, одамдаги одамийлик фазилатларини, феъл-атворини, табиатини акс эттиради. Ва, яна, ўзи кўриб-билиб, нон-туз бўлиб юрган одамларнинг қўлидан ёмонлик ҳам келиши мумкинлигини тушунишга ўргатади. Булар – яхшилиқ ва ёмонликнинг психологияси. Яъни, одам ўз ичидаги шайтонни енгиб яшасагина юксак инсонийлик фазилатлар эгасига айланади.

Болалар адиби бўлиш ғоят мушкул. Бунинг учун болалар адиби бўлиб туғилиш лозим. Сафар Барноев табиатан ана шундай салоҳият соҳиби эди.

Қозондаги ёғни талотум ҳаракатга солиб қўйган нарса унинг бағридаги ўт эмас, балки ўчоқдаги оловнинг ҳарорати, аслида. Шунга монанд, айтиш мумкинки, шоирлар қалбига шеър чўғини, шеър ёзиш дардини солган нарса ҳаёт талаби, воқеалик тақозосидир. Сафар Барноевнинг қўлига калам тутқазган, юрагига илҳом ўтини солган нарса – бу болалиқдан дилга яқин, таниш чехралар соғинчи, қуёшга тенг гулхан ёқиб кетган ҳамқишлоқларининг дарди-ташвишлари, «минг бор қайта туғилиб, минг бор қайта ўлган, йигирма миллион соғинч, йигирма миллион севинч» туйғуларидир. «Уларнинг дарди хасратлари эса беғубор юрагингга беихтиёр ўрнашади, – деб ёзади шоирнинг ўзи ҳам. – Улғайганинг сари кўрганинг, билганингни бирор ҳамдард топиб,



дилигни бўшатгинг келади. Менинг болалигим уруш даврида кечган. Шу сабаб юрагимда урушга кетган жангчи йигитлар, фарзандларини кутган интизор оналар, вафодор келинчақлар сиймоси адабий яшайди».

Ҳаётдаги ва табиатдаги воқеа-ҳодисаларни ҳар ким ўзи яхши кўра олган ва англаган, ҳаётини тажрибасига яқин томонларини кўпроқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Сафар Барноев эса хоҳ насрдаги, хоҳ назмдаги асарларида бўлсин уруш даври авлодининг кўнглига тошдек зил чўккан соғинч ҳисси туйғуларини ифодалайди. Зеро, шоирнинг лирик қаҳрамони ҳам буни ҳақли равишда таъкидлайди:

... Бугун эса юрагим –  
Соғинчдан яраланган.  
Яраланган қалблардан  
Бугунги кун яралган.

Аланганинг, оловнинг уруғи – чўғ бўлса керак. У одамлар юрагига кўчиб ўтгандан, одамлар кўнглида маскан қургандан кейингина боқийликка айланади. Бу – шаҳид фарзандларнинг ёруғ хотираси ва ушалмаган армонли ниятларининг алангаси, тинчликни кўзига ҳас ҳам тушурмасдан асраш-авайлаш тилагидир. Бу нарса ижодкорнинг «Уруш болалари» ва бошқа бир қанча шеърларининг бош маъно – мундарижасини ташкил қилади.

Сафар Барноев, ўзи таъкидлагандек, онасининг пинжиги тикилиб ўсган, «уруш деган сўз билан тили чиққан» авлодга мансуб, у гарчи уруш қозонида қайнамаган эса-да, урушнинг даҳшатли оқибатлари ва ташвишларини ўз бошидан кечирган, ҳали ҳам порохнинг аччиқ дудидан томоғи ачишиб келади. Ва, ана шу маънавий-психологик асосга кўра ҳам ижодкорнинг «Уруш болалари», «Тунда осойишталик чўкканида борликка», «Жаббор отанинг айтганлари», «Ука, мен сенга айтсам», «Ўттиз ёшлилар», «Менинг ўз бурчим бор», «Бобомнинг қўллари», «Отанинг ўртоқлари» сингари қатор шеърлари уруш ва инсон тақдири масаласини поэтик тадқиқ этишда ўзига хос йўналишга эга. Уларда, аввало, қалбнинг изтиробли тажрибалари – дардлари муҳрланган; у айнан шу авлоднинг қалбидан силқиб оққан, кўз қорачиғига тугилиб қолган дард. Шу боисдан ҳам ижодкор ўз авлодининг ушбу мавзунинг поэтик идрок ва ифода қилишидаги ўзига хослиги билан аҳамиятли:

Асрим шошириб кўйди  
Бугун инсон ақлини.  
Бизлар унутдик таниш  
Учбурчак хат шаклини.  
Аммо, унутмадик, йўқ  
Соғинчнинг дардларини.  
Ер эмас, қалбга кўмдик  
Юртимиз мардларини.

Ана шу уруш оқибатлари туфайли вужудга келган чексиз қайғу ва изтироблар хотираси бирма-бир суратлана боради. Бунда аччиқ кечинмалар заъфарон ранги ва маъноси билан хотиралар шаклидаги ҳаётни тиклай бошлайди. Ана шу дақиқадан эътиборан, шеърдаги тахир кўз ёшарига чайилган сўзлар зилдек залвори билан қалбимизга оғир чўқади; уларнинг ишонтирувчи таъсири янаям кучаяди. Лирик қаҳрамоннинг «елка кисик, бош эгик» холатини юзага келтирган, ҳатто саратонда ҳам қуёшнинг ювош боқишига сабаб бўлган «уруш... талатўп йиллар» оҳиста жонланади.

«Болалар хулосаларни, исбот-далилларни ва мантиқий тафсилотларни талаб қилишмайди, – дейди В.Г.Белинский, – уларга образлар, бўёқлар ва оҳанглар керак. Болалар ғояларни унчалик хуш кўрмайди; уларга саргузаштлар, қисқа-қисқа тарих сабоқлари, киссалар, эртақлар, ҳикоялар керак. Қаранглар-а, болаларда ҳар қандай фантастик нарсаларга интилиш қанчалик кучли, ўлик баҳодирлар, хаёлий шарпалар, сеҳргарлик ҳақидаги ҳикоятларни жон-дили билан ютоқиб тинглашади. Бу нимани англатади? Ҳозирча ғоясининг ноаниқлиги ва бўёқларнинг ёрқинлиги билан ажралиб турган фавқуллодда бир нарсадан ўзига ҳузур-ҳаловат топувчи ҳадсизликка заруратми, шеърят туйғусининг бошланиш ибтидосими?

Образлар билан сўзлаш учун шоир бўлмаса-да, жилла курса жонли, зийрак ва қувноқ фантазияга эга бўлган ҳикоячи бўлиш лозим. Болалар билан образлар воситасида сўзлашиш учун болаларни билиш керак, шоирнинг ўзи, катта ёшли бола бўлиши лозим. Ушбу сўзнинг тутуруқсиз маъносида эмас, балки оқ кўнгил, соддадил, гўдак табиатли бўлиб туғилиши зарур».

«Учбурчак мактублар», «Жаббор отанинг айтганлари». «Бобомнинг қўллари», «Ўттиз ёшлилар» сингари шеърларида Сафар Барноев болалар билан жонли, образли тилда сўзлашади. Ўқувчи хотирасида узоқ сақланиб қоладиган тиниқ манзаралар чизади:

Майсаларнинг лабидан  
Кўкариб чиқди кулгу.  
Кулгуларга ўралиб  
Юракда қолди қайғу.  
Қуёш бир қалқиб кетди,  
Оғир хўрсинди тупроқ.  
Бағримга бош кўйди, деб  
Йигирма миллион чақмоқ.

Шоирнинг аксарият шеърларида уруш ва инсон тақдири масаласини турли хил қирралардан ўзига хос йўсинда ёритишга майл кучли. «Жаббор отанинг айтганлари» шеърида урушда бедарак йўқолган ўғлини ҳамон интиқ кутаётган, ўз меҳрига ўзи исиниб яшаётган етим мўйсафиднинг («Мен дейман: – Жуда ёмон оталар етим қолса») армонли ҳасратини эшитамиз. «Ука мен сенга айтсам» асарида эса урушда кўплаб жароҳат орттирган, ҳозирги кунда ҳам баъзи олчоқ ва «қочоқлар»дан юрагидаги жароҳати кучайган жангчи ўз кўнглини бўшатади. «Отамнинг ўртоқлари»да олтмишнинг тенг ярмида ота деган номга эга бўлган лирик қаҳрамонни кекса жангчилар ғоят иззат қилишади («Отам ўрнида кўриб, улар мени сизлашар»), уларнинг борлигидан лирик қаҳрамон ҳам чексиз фахрланади. Улар юртга жон фидо қилишган, бугун ҳамон ҳаёт жабҳасининг олдинги сафида. Шу боисдан ҳам отасининг ўртоқлари олтмишдан ошиб қолса-да, белидаги белбоқлари унга жангчининг камарини эслатади. «Кўшни кампир илтижолари» шеърида эса уч ўғлини урушга жўнатиб, учовидан ҳам қора хат олган, йўлга қарайвериш кўзлари тўрт бўлган муштипар кампирнинг дил нолалари юракларни зирқиратади.

Эътиқод туйғулари, яхши хулқ ёки яхши одат малакалари инсон билан бирга туғилмайди. Уларни жамият ва одамлар шахс табиатида тарбиялаб камолга етказадилар, яъни, ушбу фазилатларни биз ҳаётимиз бадалида ўқиш, ўрганиш, турли хил тарбия кўринишлари орқали ў шахсимизда шакллантириб борамиз. Шахснинг маънавий савиясини, интеллектуал даражасини воқеликнинг ижтимоий-фалсафий асослари белгилаб беради. Сафар Барноев шеърларининг ёшлар тарбиясида салмокли ўрни, бурчи-вазифаси бор. Бу

ўзига хослик – ота-боболарнинг эзгу ишларига садоқатда кўринади. Бу борада шоирнинг «Менинг ўз бурчим бор» шеъри ибратлидир. Унда лирик қаҳрамон эллар-элатларга эзгулик уругини экмоқликни, ёмонларнинг бошларини эгмоқликни, гўдаклар кулгусини, Ватаннинг соф ҳавосини асрамоқликни ўз бурчи, деб билади. Шу боисдан ҳам «Агар яхшилик деб курашмасам, ҳеч кимман», дея қатъий айта олади.

Агар, тонг сахарда булбул куйига диққат билан кулоқ тутадиган бўлсак, унинг кўшиғида оҳанглар зарби ҳам, куй тўлқини ҳам асло такрорланмайди. Шоир кечинма-туйғулар маъносини қисқа-қисқа воқеалар орқали ифодалашга мойил. Бу нарса аксарият шеърларнинг сюжетли бўлишини таъминлайди ва улар кўпроқ шеърий новеллаларни эса солади.

Кадамларнинг қисқалиги умрларнинг ёки ҳаётнинг қисқалигини англамайди. Сафар Барноев ўз шеърлари билан қисқа, бир бурда умр кўриб, бизга ёруғ ҳаётни мерос қолдирган ва ўзига ўчмас хотира-ҳайкал тиклаган нурли чеҳралар умрини узайтиргандек бўлади.

Ҳиндларда ибратли бир гап бор: «Кимки ўз фарзандининг овозидан завқланмабди, у дунёдаги бор мусиқий дилбар товушлардан роҳатланмабди, қадрига етмабди». Адибларнинг асарлари ҳам шундай. Одамларга бадиий-эстетик завқ бағишлашидан олдин ижодкорнинг ўзи, аввало, ёзган асаридан чуқур завқ туйиши лозим. Ана шундагина, қалбининг зарблари саҳифаларга кўчиб ўтган бўлади: фикрлаш тарзини, индивидуал услубининг муайян қиррасини акс эттиради. Сафар Барноев ҳикоялари ҳам суюкли фарзандларининг юриш-туриши, сўзлаши, фикрлаш тарзи сингари мароқли ва ибратлидир. Тарбия эса инсон эртаси, тақдири билан боғлиқ. Адибнинг «Қирқ еттинчи йил ҳикоялари», «Нилуфарнинг олмалари» туркумлари, «Кичкина Хўжа Насриддин» киссаси бу борадаги фикримиз далилидир.

Сафар Барноевнинг ҳикояларини маъно-моҳиятига кўра, икки йўналишга бўлиш мумкин. Биринчиси, воқеалари адибнинг бадиий фантазияси маҳсули бўлган, ўйлаб-тўқилган ҳикоялар. Иккинчиси, воқеалари адибнинг ўз бошидан кечирилган ҳикоялар. «Бегона бола», «Холавачча», «Юзма-юз» ҳикоялари биринчи гуруҳга мансуб бўлса, «Қирқ еттинчи йил ҳикоялари» туркуми эса иккинчи сирага доир асарлардир.

Ижодкорнинг «Қирқ еттинчи йил ҳикоялари» туркуми психологик таҳлилнинг кўркам кўринишини, адиб бадиий маҳоратининг янги қиррасини намойиш этади. «Менга қолса, умр дафтарини – болалик дафтари деб атардим, – дейди адиб «Беғубор дамлар» мақоласида. – Чунки болалиқда кўрган, билганинг, эшитганинг бир умр сенга ҳамроҳ бўлади. Ана ўшанинг завқи билан яшайсан. Ҳар бир дақиқада бола бўлгинг келаверади. Болалик дунёси ўзига чорлаб туради. Бу дунё қалбга муҳрланиб қолган. Ўтган кунларни эслаш, бугунги кунларнинг қадрига етмоқ керак, деган гап-да».

Сафар Барноевнинг шеър ва ҳикояларида, қиссаларида ҳарбий мавзуларни бадиий ўзлаштириш орқали хотира туйғусини тарбиялашга алоҳида урғу берилади. Тўғри, бир неча ижодкорлар авлоди, шу жумладан, Сафар Барноев елкадошлари ҳам ушбу мавзунини бадиий тадқиқ этишда истиқлол адабиётини янги ғоялар, нуқтаи назарлар, янги талқинлар билан бойитмоқда.

Одамдаги одамийлик фазилатларини бадиий тадқиқ этиш Сафар Барноев асарларининг ўзига хослигини ҳам, тарбиявий аҳамиятини ҳам белгилаб беради.

Мазкур фазилатларни қуйидагича умумлаштириш мумкин. Биринчидан, юксак одамийлик хислатларини (халққа, она-юртга муҳаббат ва садоқат, меҳр-оқибат ва эътиқод) ҳимоя қилиш. Иккинчидан, уларнинг психологик

омилларини, ҳаётий асосларини зуҳр этиш. Ҳар икки тамойилни бирлаштириб турувчи ягона бир концепция бор. Бу – ҳаёт гўзаллигини сақлаб қолиш, ҳаёт ҳақиқатини қарор топширишдир. У Сафар Барноев асарларининг ўзак асосини ташкил этади. Ушбу кузатишлар асосида хулосага келар эканмиз, биринчидан, Сафар Барноевнинг шеър ва ҳикоялари, қиссалари ҳаёт тўғрисида, умрнинг масъулияти ҳақида ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Шу маънода, туйғулар тарбияси, тафаккур тарбияси адиб бадииятида устувор. Инсонни ён атрофида кечаётган жараёнларга бепарво, бепарқ бўлмасликка, воқеликни, руҳият жараёнларини ҳис қилишга ўргатади.

Иккинчидан, ота-боболар яратган моддий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш, келгуси авлодларга етказиш ва, энг муҳими, унга муносиб шахсни камол топширишга қаратилган. Маънан ва жисмонан комил шахс тарбияси Сафар Барноев изланишларининг ўзак мағзини ташкил этади.

Учинчидан, шахснинг эрки, маънавий-руҳоний эркинлиги ҳаётдан завқланиш ва ҳайратланишнинг бош омили, деб билади. Шу маънода, завқланиш ва ҳайратланиш туйғусини такомиллаштириш ҳаётни қадрлаш ва жамиятга муносиб бўлишнинг асосий манбаидир.

Тўртинчидан, болалар олам ва одам мўъжизаларини идрок этиши, тушуниши ҳамда тушунтира билиши учун тасаввур ва тахайюл салоҳиятини ривожлантириш, майлини ўстириш ҳам алоҳида бир йўналишга эга. Болаларда ижодий тафаккур туйғуларини тарбиялаш, ўз-ўзига ишонч ва эъзоз ҳиссини шакллантиришни пайдо этиш етакчидир.

Бир сўз билан айтганда, Сафар Барноев ижоди мисолида ҳозирги болалар адабиётининг хотира каноралари кенгайди. Маънавий-интеллектуал ҳамда ахлоқий такомил илдизларига, сув ичгувчи булоқларига эътибор-қизиқиш теранлашди. Автобиографик йўналиш ҳиссий-тафаккур тарбиясида алоҳида мавқе касб этди. Болалик тақдири янгиланаётган, ёшараётган мустақил жамиятдаги болалар дунёсининг ўзак мағзи, мазмуни бўлиб қолди.

---

#### АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Тозалиқда сарвдан қолишмайди гул,  
Аммо вафо бобида собит эмас ул.

•

Ҳал қилолмас табиблар бор бир муаммо:  
Тўққиз шишада ҳам йўқ ажалга даво.

•

Кўздек бир-биринга бўлма тескари,  
Лаблардек иттифоқ бўлгил аксари.

•

Минг жон бўлсин фидо ул ошнога,  
Дили мойил бўлса аҳду вафога.

Қозоқбой Йўлдошев,  
профессор

## ТЕРАНЛИК

Тоғай Мурод ижоди ўзбек насри тараққиётида ўзига хос аҳамиятга эга. Ёзувчи шахсиятининг асарларига тўлиқ кўчиши, миллий руҳни теран англаш, ифода ўзгачалигини ташкил эта билиш, жонли тил тароватидан ўринли фойдаланиш ва колоритли юморга эғалик хусусиятлари адиб ижодининг ўзига хослигини белгиллаган.

### Шахсият ва ижод

Ижод намунаси ижодкор шахсига мутаносиб бўлади. Чунки асар ва ижодкор муносабати тана билан унинг меваси ўртасидаги боғлиқлик кабидир. Шунинг учун ҳам Тоғай Мурод асарлари тўғрисидаги гапни унинг шахсиятидан бошлаган маъқул.

Адиб асарларида кўпинча ўзини ёзади. У яратган Бўри полвон, Зиёдулла кал, Қоплон каби образлардаги кўп жиҳатлар муаллиф шахсидан айнан олинганга ўхшайди. Бўри полвоннинг орчан ва тортинчоқлигида, Зиёдулла калнинг бўйсунмас, ҳалол ва тўғри сўзлигида, Қоплоннинг «...хуш кўрмиш одамлар билан салом-алик қил»иб, «...Кўнглига ўтирмайдиганлар билан саломлашгисида келмас»лигида Тоғай Мурод шахсига хос сифатлар буй кўрсатади. Қоплоннинг: «*Чин гаплар кўнгилда бўлади. Тилга чиқса, ёлғон бўлади-қолади*», тарзидаги эътирофида ҳам муаллиф табиати намоён бўлгандир.

### Миллий руҳият кўзгуси

Тоғай Муроднинг асарлари ўқувчини миллий туйғу, сезим ва кечинмалар билан ошно қилади. Ёзувчи чин миллий туйғуларни билиши ҳамда гўзал тасвирлай олиши билан кадрлидир. Адибнинг маҳорати шундаки, у бирор асарида тимсоллардаги маънавий фазилатлар борасида ахборот бермайди, баён этмайди, балки уларни жонлантириб кўрсатади.

Тоғай Мурод миллат руҳиятини ичдан билади. Шу боис унинг асарларида аёлнинг хўжасига: «*Ўзи гапирсин*», дея эркаланиши ёки «*Мен у кишига нима қилдим?*» тарзида қилган иддаоли ўқувчига ғалати туюлмайди.

«Ойдинда юрган одамлар» қиссасидан олинган куйидаги парчада фарзандсизлик ўзбек учун тенгсиз фожиа экани одатдаги маиший ҳолат тасвири асносида бутун даҳшати билан кўрсатиб берилади:

**Меҳмон кўли кўксига сўраб бошлади:**

– Яхшимисиз ака?..

**Отамиз кўлини кўксига қўйди:**

– Шукур-шукур, – деди.

– Бола-чақалар ўсяптими?

– Шукур...

– Невара-чеваралар катта бўляптими?

– Шукур...

– Чопқиллаб-чопқиллаб юришибдими?

**Отамиз кўли кўксига бўлди. Эгик бошини ирғаб ўтира берди.**

Ўзбекдан бошқа ҳеч қайси миллатда танимаган одамдан бола-чақа ҳақида бу қадар ижикилаб сўралмайди. Юқоридаги диалог бефарзанд Қоплоннинг қанчалик изтироб чекканлигини кўрсатишдан ташқари, бобомизнинг момомизга қўл кўтарганлигини руҳий жиҳатдан асослайди ҳам.

Тоғай Мурод асарларида миллатга хос юксак қадриятлар ўта билгичлик билан акс эттирилади. Чунончи, барча асарлардаги деярли барча қаҳрамонлар, қанчалик ўзига хос ва қайсар одамлар бўлишларига қарамай, эл кўзи ва кўнгли учун ўзига маъқул бўлмаган ишларни қилади. Зиёдулла кал Рихсиевниқига ҳашарга боради, Бўри полвон олдинги дўстлиги ҳурмати хиёнаткор Насимни йўқитмайди, Оймомо шаллақи ҳисобчига гап қайтармайди, Қоплон сўз билан бўлса-да, унинг оғзига урмайди, аёллар эркакларнинг йўлини кесиб ўтишмайди.

Тоғай Мурод насрида ўзбекнинг ҳаётида катта ёшли киши мақоми ёрқин акс эттирилади. Оппоқ соқоли бўлгани учун майдонга отилиб чиққан Нормурод полвонга ҳеч ким талабгор бўлмайди, Темир полвон устозининг белига қўл узатишдан бош тортади, Бўри полвон масхараласада, Максим унга гап қайтармай, «*оғзини ушлаб*» кулиб кўя қолади. Ёзувчи бу тутумлар миллатнинг зот сифатлари эканлигини меҳр билан кўрсатади.

Ёзувчи тўй удумлари, кўпқари чопиш тартиблари, қураш ўтказишга доир одатлар, жонлиқларни боқиш ва соғишга оид русумлар, болалар ўйинлари акс этган манзараларни чизишда этнограф олимдай билгичлик билан иш туттади. Одатда, сўзга хасислик қиладиган адиб маросимларни майда икир-чикирига қадар батафсил тасвирлайди. Бунда бадиий ният маърифий мақсад билан кўшилиб кетади. Лекин бу тасвирлар бирор жойда шунчаки экзотика ёки фон учун келтирилмайди, балки ҳар қачон қаҳрамон руҳиятига хос бирор жиҳатни тўлароқ очишга қаратилади.

## Ифода ўзгачалиги

«Мен» деган мақоласидан маълумки, Тоғай Мурод дунё адабиётини чуқур ўрганган. Бировлар дунё адабиётини ўрганса, ортига қайтолмай, ўрганган жойида қолиб кетади. Тоғай Мурод эса дунё адабиётини ўзига қайтиш, ўзиникини яратиш учун ўранди. Адабиёт аҳли орасида Тоғай Мурод ижодида фолклор оҳанглари бор, деган қараш юради. Менинг назаримда, Тоғай Мурод ўз битикларига фольклор оҳангини эмас, балки халқнинг сўзлашув стихиясини олиб кирди. Бунга у персонажлар руҳий аурасига кириб, уларнинг ўзи бўла билганлиги боис эришди. Тоғай Мурод образларни сиртдан туриб тасвирламайди. Ёзувчи барча асарларида таносухдаги каби ўз руҳини тасвирланаётган тимсолга кўчиради, у бўлиб яшайди

Адибнинг асарларида халқ эпосларига хос қандайдир жиҳатлар бор. Лекин адибнинг битиклари дostonларга ўхшамайди, уларда эпос стилистикаси йўқ. Негаки, халқ дostonларининг наср қисмида ҳам ҳамиша сокин салобат бўлади. «Алпомиш» дostonидан олинган кўпчиликка болаликдан таниш ушбу сўзларга эътибор қилинг: «Эй Бойбўри билан Бойсар! Бул тўй уллининг улидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади?! Ўзинг ўлсанг, молинга ҳар меросхўр чиқади, оғзига одам кириб кетади». Тоғай Мурод халқ оғзаки ижодидан тайёр бадиий қолип ёки воситалар олишдан кўра, миллат аҳли ҳар куни стихияли равишда яратадиган тил хомашёсини қайта ишлаб, тасвирга киритишни маъқул билган ижодкордир.

Тоғай Мурод асарларининг композицияси унинг табиати каби кўпинча ғайришуурий мантиққа асосан қурилади. Унинг битиклари кириш, экскурс, изоҳу тушунтиришларсиз тўғридан-тўғри бошланади. Ёзувчи бир тасвирдан бошқасига, бир лавҳадан иккинчисига ўтишда детерменизмга амал қилмайди. Лавҳа алмашганлигини номер билан билдиради. Тасвир изчиллигига эришиш учун сўз сафлагиси келмайди. Бу ҳол ўқувчини беихтиёр асарнинг иштирокчисига айлантиради. Чунки муаллиф изоҳларининг йўқлиги ўқувчини қаҳрамонлар кайфияти тизгинини қўлдан чиқариб юбормасликка ундайди. Кўринадики, асарнинг ўқишли бўлишини таъминлашда унинг архитектуроникасини тўғри қуриш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тоғай Мурод персонажлар руҳий ҳолатини илғаб эмас, илиб олади, шу боис образга кириб кетади. Натижада, фавқулдда таъсири ва ҳаққоний манзаралар чизади: «*Сағир дастурхон олдида силжиб келди. Сағир бармоғини сўриб, янғага мўлтиради. Сағир бармоғини сўриб, дастурхонга мўлтиради.*

*Кейин, оғзидаги бармоғини дастурхонга узатди. Бармоғини аввал дастурхон бурчига тегизди. Ундан дастурхон ўртаси сари оҳиста-оҳиста ўрмалатиб борди. Кейин, нон четига тегиб турди.*

**Сағир бир тишламгина нон синдириб олди.**

**Сағир, янгага қараб-қараб нон тишлади, мўлтираб-мўлтираб нон чайнади.** Бу ифодалар тасвирга маънос ритм берибгина қолмай, сағир руҳий дунёсида кечаётган нозик жараёнларнинг барча босқичларини ҳис этиш имконини беради. Парчадаги тўққиз гапнинг тўрт хатбошига бўлиб юборилиши руҳий жараён босқичларини яққол ифодалашга қўл келган.

Одам табиати шундайки, у бир руҳий ҳолатда узоқ қололмайди. Сезимлар ранг-баранглигини аниқ бериш қийин бўлганидан лаҳзалик ҳиссий жарёнларни ифодалаш учун бир дунё сўз сарфланади. Тоғай Мурод сўз билан туйғу ўртасидаги ана шу номутаносибликни йўқотишга, руҳий ҳолатни қисқа сўзлар ёрдамида тўла беришга эришди. Унинг телеграф усулига ўхшаб кетадиган узук-юлуқ жумлалари инсон сезимларининг чин ифодаси бўлгани билан бадиий қиммат касб этади.

Инсон руҳий дунёсини ғоят теран билган Тоғай Мурод жумладаги гаплар ва гапдаги сўзлар миқдорининг имкон қадар кам бўлишига эътибор қаратди. Унинг асарларида ўндан ошиқ сўздан иборат гап, бешдан ортиқ гапдан ташкил топган хатбоши йўқ ҳисоби. Бу ҳол ҳам тасвирга шиддат бағишлайди, ҳам руҳий жараён кечган манзилларни акс эттиради. «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг ўн учинчи боби тўққиз сўздан иборат иккигина гапдан ташкил топган. Ҳамма нарсани ёзавермаслик ўқувчини ёзилмай қолган нарсалар тўғрисида ўйлашга мажбур қилади. Шу тариқа ёзувчи китобхонни ўз шеригига айлантиради.

Тоғай Мурод насрининг ифода тарзи ҳақида профессор Баҳодир Саримсоқов: «... **адиб ўзбек бадиий насридаги баён поэтикасини бутунлай янги ўзанга буриб юборди. Эпик баённинг бу шакли ҳозирги ўзбек насрида мутлақо янги бадиий ҳодиса бўлди. Мен бу ҳодисани квантий баён шакли, деб номлагим келади ва эпик баённинг ушбу шамойили ҳақида, умр nasib этса, махсус бир тадқиқот қилиш ниятим йўқ эмас...**», деб ёзган эди. Бизнингча, Тоғай Мурод асарларидаги тасвир усулини дискретик усул дейиш маъқулдир. Бунда ўз ҳолича узук-юлуқ бўлган жумлалар яхлит бадиий бутунлик яратишга хизмат қилади. Алоҳида кичик адабий миқдорларнинг катта бир эстетик бутунликка айланиши натижасида бадиий сифат ўзгариши содир бўлади. Бу йўсиндаги тасвир ўқувчини ром этади, у асар оҳангига мос тарзда нафас ола бошлайди.

Адиб сўзларни бежизга шеърдаги каби тағма-тағ жойлаштирмайди, сўз-гапларни кўп ишлатмайди. Асарларида ундов белгилари ва уч нуқталарнинг мўл-кўл қўлланилиши ҳам бекорга эмас. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида Бўри полвон ўйларининг: **«Авлодлар алмашган сайин... ё пирим-э, туф-туф-туф..., авлодлар алмашган сайин... юрак йўқолиб боряпти!**

**Жасад бор! Ақл бор!**

**Юрак йўқ!**

**Тўрт муча бор! Куч-қувват бор!**

**Юрак йўқ, юрак!..»**

тарзида берилиши ифода аниқлигини таъмин этган. Тағма-тағ ёзилган сўз-гаплар ёнма-ён кўйилса, ифода таровати йўқолиб, Бўри полвон кўнглидаги романтик туйғулар англашилмай қолади. Тушиб-чиқишлари ва нотекисликлари билан маъно касб этадиган бу услубни туйғуларнинг насрий кардиограммаси дейиш мумкин.

Тоғай Мурод кўпинча сўзларни қўшоқлаб ишлатади. Адиб асарларида сўзларни жуфт қўллаш баъзан универсал бадиий восита даражасига кўтарилади: ҳам мусиқа яратилади, ҳам тасвир берилади, ҳам муносабат уйғотилади.

Тоғай Мурод гапни қисқа тузади. Негаки, кўп сўзнинг гапдаги тарангликни салқитиб юборишидан чўчийди. Ўқувчи сўзлар уюми орасида қолиб кетган ҳиссий ҳолатни илғашга қийналади. Ёзувчи ҳам ўқувчини қийнагиси келмагани, ҳам тасвирнинг тўлиқ англанишини истагани, ҳам сезимларини китобхонга тўла юқтиргиси келгани учун қисқа жумлалар тузади.

## **Миллий тил таровати**

Айтиш керакки, халқ алоқа қилиш, ахборот бериш учун сўзламайди. У, аввало, муносабат билдиради. Шу боис ҳар қандай гап экспрессияга эга бўлади. Вазиятга қараб: «У кетди», деган олти товушдан иборат икки сўзли гапга беш-ўн хил сезимни юклаш мумкин. Халқ тили ҳамisha ҳаракатда ва ички динамикага эга бўлгани учун ҳароратлидир. Алоқа қилишгагина мўлжалланган китобий тил экспрессиядан маҳрумлиги сабаб ҳаракатсиздир. Тоғай

Муроднинг истеъдоди шундаки, тинимсиз ҳаракатда бўлган, саноқсиз жилваланадиган жонли тил тароватини асарларига беэиён ўтказа билди.

Ёзувчи асарларида қўлланган «*ҳадаҳалади*», «*ўтириб жўнади*», «*йиглаб қўя берди*», «*айтиб қўя бердим*» каби сўз ва бирикмалар шу туришича ҳам жонли, маълум экспрессияга эгадир. Контекстда эса улар порлаб кетади.

Тоғай Мурод қаҳрамонларини китобдагидай гапиртирмайди, балки китобларига тирик одамларнинг жонли тили ва ҳақиқий сўзлаш йўсинини олиб киради. Шу сабаб у ўзбек адабиётини «*юлдуз санади*», «*оёқ илди*», «*қирлади*», «*адирлади*», «*ангниди*», «*анг қолди*», «*ичкарилади*» каби неча ўнлаб миллий сўзлар билан бойитди.

«*Аҳай-ҳай*», «*аҳай-аҳай*» каби ундовлардан халқ оғзаки ижодида унча кўп фойдаланилмайди. Тоғай Мурод миллат аҳлининг оғзаки сўзлашувида қўлланиладиган бу каби кўплаб нутқ унсурларини ёзма адабиётнинг ифода воситасига айлантирди. Адиб жонли тилдаги сўзларни бир четдан ёппасига ўзлаштиравермайди, балки бадий вазият талабига мувофиқ келадиган, персонажлар руҳий ҳолатига мос тушадиган сўзу ибораларнигина адабиёт оламига олиб киради.

## Дардчил юмор

Тоғай Мурод асарларининг ўзига хослигини таъминлаган омиллардан яна бири уларда ҳамиша колоритли юмор борлигидир. Дабдурустдан, Тоғай Мурод ва юмор бир-бири билан мутлақо қовушмайдиган тушунчаларга ўхшаб кўринса-да, синчиклаб қараган одамга адибнинг тасвир йўсинида ҳамиша майин ва нозик зарофат борлиги кўринади. «Бу дунёда ўлиб бўлмади» романидан келтирилган қуйидаги парча фикримизни исбот қилади:

– *Ўликларга дўқ қилманг, ўртоқ, ўликларга дўқ қилманг, – деди Ботир фирқа.*  
– *Дўқ қилмай бўладими? Ўзи, аллақачон ўлиб бўлган. Яна-тагин уйга кетаман, дейди.*

– *Олдин ўлсин... – деди Ботир фирқа.*

Очарчиликни эмас, очларни тугатишга киришган ҳукумат одамлари томонидан ўликлар ҳандақларга кўмиб ташланаётган вақтда айтилган бу гапларда Тоғай Муродгагина хос бўлган юмор мавжуд. Вазият ўта фожиавий, аммо айтилаётган гаплар кулги кўзгайдиган. Лекин нафақат персонажлар, балки ўқувчи-да кула олмайди. Башарти, кулганда ҳам, кишида адоқсиз мунг уйғотадиган кулги пайдо бўларди. Шуниси ҳам борки, чин кулги ҳамиша дарддан келиб чиқади ва одамни ғамга ботиради.

«От кишнаган оқшом» қиссасида Зиёдулла кал тилидан айтилган: «*Биродарлар, сизга бир нима айтайинми? Мен араз уришни яхши кўраман! Ўлайин агар-а!*

*Ой туғади, ўттизида тўлади. Шу ойда бирор бир нимадан, ақалли бир мартагина бўлсада, аразламасам бўлмайди. Шу ойда кун кўргандай бўлмайман*», шаклидаги иқрор ҳам кишида кулги уйғотади. Олдингиси каби даҳшатли бўлмаса-да, бу кулгидан ҳам ғамзадалик пайдо бўлади. Чунки обрў топгиси, хурмат кўргиси келган, шунга лойиқ бўлган, аммо атрофидагилардан хурмату эътибор кўрмаган «кичкина» одам ҳолати киши руҳиятига титроқ солади.

Тоғай Муроднинг кўпчилик қаҳрамонлари – қадр излаган кишилар. Улар ҳеч бўлмаса, қадрлига ўхшаб кўринишни исташади. Бу ҳол баковулдан аразлаб кўпкарини ташлаб кетаётган, бирорта шеригим қайтинг дермикин, деб умид қилган Зиёдулла калнинг иштонини хўллаб қўйган тўрт яшар Каримбой «маслаҳати» билан қайтишида намоён бўлади. Бундай йўл билан обрў қозонишга уриниш беозор кулги ҳосил қилади.

Бўри полвоннинг кубокни самовар деб айтиши, Деҳқонқулнинг бахмални пайтава қилиб ўраш, Зиёдулла калнинг отидан аразлаб гаплашмай қўйиши, Ботир фирқанинг кўйлакни костюм хаёл қилиб орденларини тақиши каби кўплаб тасвирларда турли даражадаги юмористик ҳолатлар ифода топган.

\* \* \*

Тоғай Мурод асарларида ҳаёт акс этади. Адиб қаҳрамонлари яхшиликлари азалий бўлган одамлардир. Шу боиским, унинг ўзига хос бадий яратикларининг йўли узоқ бўлмай.



Наргиз Шоалиева,

тадқиқотчи

# «БАРЧА ЙЎЛЛАР ҲАҚДА БИРЛАШУР»

## СУҲРОБ СИПЕҲРИЙ ИЖОДИ МИСОЛИДА

Суҳроб Сипеҳрий шеърятда янги мистик ғоялар ифодачиси, суфиёна қарашларнинг анъанавий чегараларини ёриб, инсон комиллигининг янги қирраларини намоён қилган ва уни замонавий талаблар билан уйғунлаштирган шоирдир.

Унинг ижодида дин ва диний қадриятларга муносабат масаласи муҳим ўрин тутади.

Шоир назарида, дин ва диний эътиқод инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондира оладиган руҳий восита. Эътиқод ташқаридан эмас, балки инсоннинг ўзидан, унинг руҳий ва маънавий эҳтиёжидан келиб чиққан бўлиши керак. Акс ҳолда, у инсонни мукаммаллаштириш ё гўзал хулқлар билан безатиш воситаси эмас, инсон эрк-ихтиёрини чеклаб қўядиган тарзга айланади. Натижада, у носамимий ва сунъий, инсон комиллигидан йироқ бир нарса бўлиб қолади.

Суҳроб Сипеҳрий, борлиқдаги мавжудот ва ҳодиса-воқеаларни қалб кўзи билан мушоҳада этади. Аммо, бу унинг ижодини «жўн», оддий тушуниш керак деган маънони англамайди. Шоир ташқи оламдан оладиган барча таассуротларини ички олам – калби ҳарорати ва ҳиссиёт идроки орқали қабул қилиши аниқ. У ташқи оламни ҳиссий қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш баробарида, борлиқдаги ашёлар ва ҳодиса-воқеаларни мантиқий ақл орқали маърифат этадиган ориф ва файласуф шоирдир.

Ижодкорнинг аксарият шеърлари бадиият либосидаги фалсафий фикрдир. Тўғрироғи, шеър унинг учун фалсафий фикрни модернлашган санъат шаклида ифодалаш учун хизмат қилган. Шундай экан, у инсоннинг динга бўлган, ё бўлиши лозим бўлган муносабатини ҳам ана шу асосда бадиий таҳлилдан ўтказди.

Суҳроб Сипеҳрий дунёқараши ислом дини таълимоти асосида шаклланган. Бу ҳақда унинг ўзи «Сув одимининг товуши» номли манзумасида шундай ёзади:

Мусулмонман. Қиблам – бир қизил гул.

Жойнамозим – булоқ, муҳрим – нур.

Дашт – менинг саждагоҳим.

Мен деразалар ларзасидан – покланаман.

Намозимда ой сузилади, сочилади қуёш нури.

Намозим ортидан кўринади тош:

Намозимнинг зарралари биллурга айланган.

Мен намозимнинг сарв минораси бошида

Азонини шамол айтган чоғда ўқийман.

Суҳроб Сипеҳрий лирик қаҳрамонининг ҳолатини табиатдаги энг содда, табиий, гўзал ва мусаффо манзаралар ва унсурлар («қизил гул», «чашма», «дашт» («саҳро»), «ой», «тош», «ел» («шамол»), «сарв»), билан боғлаб тасвирлайди. Бу тасвир лирик қаҳрамоннинг руҳий маънавий ҳолатида кечаётган ўзгаришлар жараёнидаги динамикуни очиб беради. Бутун вужуди билан ибодатга берилган лирик қаҳрамон табиат ва бутун борлиқ билан бус-бутун бир вужудга айланади, у табиат манзаралари ва унсурлари билан, табиат эса у билан қоришиб кетади, натижада, маънавий-руҳий яхлитлик ва ягоналик вужудга келади.

Суҳроб Сипеҳрийнинг инсон ва дин ўртасидаги муносабатларга оид қарашлари маъносида динлараро тотувлик ёхуд толерантлик, яъни, диний бағрикенглик мавзуи алоҳида ўрин тутади. Ижодкорнинг динлараро муносабат ва динлараро тотувлик масалаларига оид қарашлари унинг «Ғамнинг шарқи» номли шеърлар тўпламида акс эттирилган. Бу тўпланда шоир нафақат инсоннинг динга бўлган муносабати масаласини, балки XX аср зиёли ва ҳурфикрли инсоннинг Худога, борлиққа, табиат ва жамиятга бўлган муносабатларини ҳам қаламга олади. Айтиш мумкинки, «Ғамнинг шарқи» тўплами шоир тафаккури ва дунёқарашида юзага келган илғор замонавий ўзгаришларни аниқ ва тиниқ тарзда акс эттира олган кўзгудир.

Шоирнинг барча динларга ҳурмат билан қараши ва бошқа динлар фалсафасидан

ҳам ўрганишни тарғиб қилиши мавлавия тариқатининг асосчиси, буюк мутафаккир Мавлоно Жалолиддин Румийнинг:

«Ҳар бир набий ва ҳар бир валийнинг ўз дину маслаги бор, аммо Ҳаққа етганда барча йўллар бирлашади», деган ғоясини эслатади.

Суҳроб Сипехрий бу масалада Румий изидан боради. Унинг Румийга эргашганини «Ғамнинг шарқи» номли тўпламдаги шеърларнинг услуби ҳам тасдиқлайди. Шоирнинг Румий ғояларининг замонавий талқинини ривожлантиришдаги сайъи-ҳаракатлари ўзини янги услуб тамойилларини ишлаб чиқишида намоён бўлади. Ижодкорнинг «оқ шеър»нинг анъанавий вазн ва қофия унсурларини қабул қилиши XX аср Эрон шеъриясида вужудга келган, ноанъанавий услублар шароитида, катта журъат, шу билан бирга, янги поэтик кашфиёт билан баробар эди. Шоир нафақат анъанавий ирфоний шеъриятдаги шаклнинг баъзи бир унсурларини, балки ундаги мазмун-мундарижани ҳам «янги шеър» қолипига синдиришга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. Унинг «Ғамнинг шарқи» номли тўпламидан жой олган барча шеърлари, айниқса, «Дуо» ва «Тугёнимга» номли шеърлари фикримизнинг ёрқин далили ҳисобланади.

Суҳроб Сипехрий айтганимиздек, Мавлоно Жалолиддин Румий каби барча динларни тан олади, уларни ислом дини билан бир қаторда кўришни хоҳлайди. У нафақат мусулмон дунёсини, балки бутун дунёни, ундаги турли дину мазҳаблар ва миллатларни яхлит бирлик сифатида, яхлит инсоний такомил сифатида англайди ва идрок этади. Инсон қалбан, маънавий жиҳатдан динга нисбатан ўзида эҳтиёж сезади. Аммо бу эҳтиёж, инсон фақат бир динни севиб, бошқа динларни инкор этиши керак, деган ақидага баробар эмас. Инсон битта динда бўла туриб, бошқа динлардаги гўзал ва эзгу нарсалардан фойдаланиши, улардан ҳам нимадир олиши мумкин. Шу маънода, шоир «Қуръонни бош устида» кўрар экан, бошқа муқаддас китобларни ҳам муҳаббат билан тилга олади:

Бошим устида Қуръон, ёстигим Инжил,  
Тўшагим Таврот, ич кийимим Авесто.  
Туш кўраман, сувдаги нилуфарда бир Будда.

Суҳроб Сипехрий «Тугёнимга» номли шеъридан келтирилган оқоридаги сатрларда шахсий «мен»дан оқорига кўтарилади ва «мен» деганда бутун башариятни ўзида мужассамлаштиради. Умуман олганда, мазкур шеърдаги жузъий «мен» – «кулл» –

«ҳамма, борлиқ, мавжудот» маъноларида ишлатилган. Шоир инсониятнинг маънавий-руҳий такомил жараёнини тасвирлар экан, умуминсоний «мен» ҳар тўртала муқаддас китобдан маънавий озиқа олиши кераклигига ишора қилади.

Суҳроб Сипехрий инсон ва жамият маънавий ҳаётидаги дин ва эътиқод аҳамиятига алоҳида назар билан қарайди. Шоир инсонларни қалб ибодати орқали покланиш, комиллик сари юксалишга ҳидоят этиш билан бирга, барча дину мазҳабларга муҳаббат кўзи билан қарашга чорлайди. Аслидаям инсон ҳаёти, дин ва эътиқод мазмуни яхшилиқ, поклик, садоқат, қалб тозалиги билан ҳамоҳангдир.

Шоирнинг чуқур ишончига кўра, «дин» деган тушунча барча динлар мажмуасидан иборат бўлгандагина, яхлит ва мукамал маънога эга бўла олади, ўз асл моҳиятини кўрсата олади. Шоир маслаги асосида – дин инсон ҳурлиги, унинг идроки ва эрки инъикосидан иборат бўлиб, инсон эркини таъминлаш – эътиқодни эъзолаш билан баробар келади. Эътиқод ва дин тозалигини кўрсатувчи омил эса, унинг мазмунига яширинган моҳиятдир.

Суҳроб Сипехрий шеърияти – бадийлаштирилган «муножот»дир. Унинг шеърлари ўзига хос поэтик рамзлар ортига яширинган уйғунлашган замонавий диний-мистик, бошқача қилиб айтганда, неосуффизм ақидалар тизими ва бугунги эътиқоднинг шеърий ифодасига мензайди.

Суҳроб Сипехрийнинг ирфоний шеърлари ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб, шу кунга қадар Эрон адабий муҳитининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Унинг янгича тафаккур тарзи билан яратилган, айниқса, ирфоний мавзуларда битилган шеърлари нафақат адабиётшунос ва адибларни, балки маданият ходимлари, сиёсатчилар ва бошқа касб эгаларининг диққатини ҳам ўзига жалб этди. Суҳроб Сипехрий ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчиларидан бири – Дориюш Ошурий тўғри таъкидлаганидек, Суҳроб Сипехрий биринчи навбатда ориф шоир. Аммо бу билан у ўз юртининг анъанавий ирфоний қарашлари чегарасида, ўтмиш орифлари тафаккури доирасида фикр юритган, ижод қилган, деб бўлмайди. Зеро, Суҳроб Сипехрий ижодидаги маънавий сайру сулук фақатгина Сипехрий маслагига тааллуқли ирфон эмас, балки ирфоний таълимотнинг мусаффо сарчашмаларидан бўлмиш ҳинд ва япон фалсафий тафаккури, бутун Шарқ ирфонининг энг гўзал намунаси дир.



Бўлимга Гафур Ғулом асос солган

Тоҳир Малик

## КУПРОҚ УЎҚИНГ

БИР ШИНГИЛ ҲАНГОМА

Ҳазрат Алишер Навоий «Эсиз тақдир экан, қайдин билибмиз, азизим дунёга бевақт келибмиз», деган эканлар. Ҳазрат бу дунёда «бадий кенгаш», «тахрир ҳайъати» деган нарсалар борлигини билганларида эҳтимол бундай демасдилар. Тасаввур қилиб кўринг: «Фарҳод ва Ширин»ни ёзиб, ҳар саҳифасини кўчиртиришга битта бўлка нон нарҳида ҳақ тўлаб, нашриётга ёки пьеса шаклида театруга олиб келдилар. Нашриётда «тахрир ҳайъати», театру ва кинода «бадий кенгаш» деб аталмиш сергак посбонлар гуруҳи борким, ҳар қандай зотга ақл ўргатмак уларнинг юмушидир. Африканинг қайси бир бурчагида жон сақламақда бўлган «цензура» аталмиш идора ходимлари ҳам бу посбонларни кўрганларида қуллук қилиб турарлар деган афсоналар ҳам бор. Демак, ул азизларимиз «Фарҳоду Ширин»ни ўқиб чиқдилар ва муаллифга дедиларким: «Алишер ака, сизнинг кўп ашъорларингизни ўқиганимиз, айрим шеърларингизни сағъатимиз юлдузлари кўшиқ қилиб айтадилар. Сизга ҳурматимиз баланд, аммо-лекин бу янги асарингизда бир оз шошибсиз. Унда кераксиз қаҳрамонлар кўп. Масалан, Ёсуман хола образи. Икки севишганларни ажратувчи ёмонлар бизнинг жамиятимизда йўқ. Аксинча, ким бир-бирини севиб қолса дарҳол тўю томошалар билан қовуштирилади. Демак, Ёсуман хола образи ҳаётий эмас. Ундан ё воз кечинг, ё ажратувчи эмас, қўшмачига айлантинг». Ҳайъат ёки кенгаш ўн кишидан иборат бўлса – шу тарзда ўнга, йигирмата бўлса – йигирмата танқидий фикр айтилади-ю, шоир ҳазратлари асарларини қўлтиқлаб, минг пушаймон билан изларига қайтадилар. Беш юз йил аввал ўлиб кетганим яхши бўлган экан», деб Худога шукроналар айтадилар.

Биз таъриф қилаётганимиз посбонлар ҳамма соҳада донодирлар. Дейлик, уларнинг ҳукмига «Уч мушкетёр» деган роман қўлёзмаси келди. Албатта уларга Александр Дюма деган ном таниш. Гап бошлайдиларки: «Ҳурматли Дюма ака, аввалги асарларингиз бизга жуда-жуда ёққан. Лекин бунисида анча шошибсиз, ҳатто халқаро микёсдаги сиёсий хатоларга ҳам йўл қўйибсиз. Масалан, Франция қироличасининг аллақандай чет эл эркаги билан муҳаббатини қандай изоҳлайсиз? Сиз муаллиф сифатида қироличанинг эрига бундай ишончсизлик билдиришга ҳаққингиз йўқ. Сиз бевафо қиролича тимсолида кимни назарда тутяпсиз? Малика Диананими? Унда Дартаньян ким? Унинг ҳайдовчисими? У ҳолда асарингизда автомобил ҳалокати ҳам бўлиши шарт. Асардаги сиёсий хато шундан иборатки, қироличанинг бундай бемаъни муҳаббатини ўқиган ўқувчи

барча қироличалар шунақа экан, деган хато қарорга келади. Ҳолбуки, Европанинг кўп мамлакатларида ҳозир ҳам қироличалар яшайптилар. Ундан ташқари давлатлар раҳбарларининг аёллари ҳам қиролича мақомидадирлар. Тўғри, Россия Президенти бу масалага жиддий эътибор бермаслиги мумкин. Аммо Германия Канцлери ёки Италия Бош министри бундан ранжишлари табиий. Сиз бу асарингиз билан Германия ва Франция ўртасидаги дўстлик муносабатига раҳна соласиз. Ўйлаб кўринг: нима учун Франция қироличаси немис ёки итальян йигитини севмади? Асарда ортиқча қахрамонлар ҳам бор: Арамис, Атос, Портос деганлар асарда нима қилиб ивирсиб юришибди. Ҳамма вазифани Дартаньянга юклайверинг ва асарни жиддий равишда қисқартирсангиз ундан ширингина ҳикояча чиқиши мумкин. Кейин асарни кўчиришда хато ҳам ўтибди, сиз бунга эътибор бермабсиз. Биз «мушкитёр» деганингизга тушунмадик. Аслида «пушкатёр» бўлса керак. Яъни, «пушкада отувчи», шундайми?»

Умуман, ҳозирги ёзувчилар калта ўйлайдиган бўлиб қолишган. Мана, ўтган ҳафтада Лев Толстой деганлари ёстиқдай китоб кўтариб келди. Бошқа гап қуриб қолгандай унда ҳам муҳаббат машмашаси. Анна Каренинова деган хотин биттасига ишқибоз бўлиб қолади. Во ажаб, агар хотин юраман деса, бўйдоқлар камми? Яна ўзини поезд остига ташлайди. Бу қанақаси? Бу китобни ўқиган хотинлар Карениновага тақлид қилиб поездга ташланаверишса, поездлар графиги бузилиб, халқ хўжалигига зарар етмайдими? Хуллас, Дюма акажоним, сизга маслаҳат: кўпроқ ўқинг...»

Бу маслаҳатлардан сўнг Александр Дюма аҳволини тасаввур қилаверинг.

Айтинг-айтинг, у дунёда ҳам «ҳайъат» ва «кенгаш» деганлари бўлмасин-да...

---

Толиб Қаноат

## Ҳажвиялар

### ОВОРА ҚИЛМАЙ ДЕБ

Пешанамга машина битган куни қадрдон дўстларим, қўшниларим муборакбод қилиш учун чиқишди. Ҳар ким назорат ходимларидан қандай қилиб эҳтиёт бўлиб юриш кераклиги тўғрисида ҳар хил маслаҳат берди.

Эртаси рулга ёпишганча ишхонамга жўнадим. Йўл четида ДАН инспекцияси сержанти бир ҳайдовчи билан алланималарни муҳокама қиларди. Мен ҳам машинамни тўхтатиб, улар томон бордим.

– Ҳужжатларимни текшириб берсангиз, шошилиб турибман, – илтимос қилдим.

Сержант бир менга, бир машинага қаради.

– Сизни тўхтатмадим шекилли?

– Овора қилмай деб ўзим тўхтадим.

– Машина ўзингизникими?

– Ҳа, мана ҳужжатларим.

– Бўлди-бўлди. Ишонаман, – деди у мийиғида кулиб.

Раҳмат айтиб, хайрлашдим. Эртаси куни сержантни ўша ерда кўрдим.

– Овора қилмай деб ўзим тўхтадим, — дедим унинг олдига бориб.

– Нега?

– Хужжатларимда камчилик йўқ, машина ўзимники, қоидани бузмадим.

– Яхши.

– Хайр!

Учинчи куни ўша постда яна учрашдик.

– Овора қилмай деб...

– Шошманг-шошманг. Бундан буён тўхтамасдан кетаверинг.

– Хўп. Лекин ҳозир... бир кўриб қўйсангиз.

– Хужжатларингизда камчилик йўқ, қоидани бузмай кетаяпсиз, машина ўзингизники, шунақами?

– Ҳа.

– Оқ йўл!

Эрта ё кеч учрашиб турдик. Бир кун у мени узоқдан кўриб қовоқ солди ва «кетаверинг» ишорасини қилди. Айтадиган зарур гапим борлиги учун у томон шошилдим.

– Нега тўхтадингиз?

– Овора қилмай деб...

– Менга қаранг, овора қилаяпсиз, жаноб шахсий автомобил ҳайдовчиси! Ахир кўрганлар мен тўғримда нима деб ўйлайди?

– Нариги мавзеда йўл қоидасини буздим, жаримасини олиб қўйсангиз, — дедим чўнтақларимни ковлаштириб.

– Бас қилинг! Кетинг!

– Бу пора эмас, бемалол олаверинг. Нимадан чўчийсиз? Ҳамма ўз-ўзи билан овора бўлса... Ҳеч ким кўрмайди.

– Жўнанг деяпман сизга, кўзимдан йўқолинг! – титроқ тута бошлади уни.

– Хўп-хўп. Майли, қадрдон, хайр! Ҳозир кайфиятингиз жойида эмас кўринади. Мен кетдим.

Кўшним Йўлчивой шопир маслаҳати билан жаримани давлат газнасига тўлаб, паттасини олдим. Уни сержантга кўрсатиш ниятида тўхтаган эдим, у мени узоқдан кўриши биланоқ тўрсайди.

– Кетинг! – қичқирди овози титраб. – Мени ўз ҳолимга қўясизми, йўқми?!

– Ҳозир... мана, олиб келгандим, — дедим чўнтақларимдан патта курғурни кидириб.

Сержантим дуч келган машинани тўхтатди ва ғудрана-ғудрана қаёққадир жўнади. Мен ҳам кетидан изма-из боравердим. Бир пайт у ортига қаради, мен қўлимни ойнадан чиқариб паттани кўрсатган эдим, шўрлик бошини чангаллади ва ёнидаги ҳайдовчига тезликни оширишни буюрди.

## ОТАМЕРОС ДАРАХТ

Йўл қоидаларини бузмасдан, светофор ва белгиларга риоя қилган ҳолда кетиб борардим. Ўрта бўйли сержант таёқ кўтариб, тўхташимни буюрди. Олдига хотиржамлик билан бордим. Соғинч билан сўрашиб, меҳрибонларча кўришдим.

– Йўл қоидасини бузиб қўйдингиз-ку, ака! – деди у хужжатларимни зўр қизиқиш билан кузатаркан.

– Йўғ-э, қаерда бузибман? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Қизил чироқда ўтдингиз, — деди у протокол тўпламини машина копоти устига ёркан.

– Адашмаяпсизми, тақсир? Мен ҳар доим йўл қоидаларига амал қилиб юраман.

У машиналардан яна бирини, сўнг кетма-кет бир талайини тўхтатди-да, хужжатларини йиғиштириб олди. Шофёрлар ортидан чирқиллаб юришарди. Ниҳоят, олдимга келиб:

– Жаримани ҳозир тўласангиз камроқ бўлади, акс ҳолда бир ҳафтадан сўнг бошқармага бориб икки баробар кўп тўлайсиз-да, паттасини олиб раёсатга кўрсатганингиздан сўнг имтиҳонга кирасиз. Ундан ўта олсангиз хужжатларингизни қайтариб оласиз, – деди.

– Нималар деяпсиз? Сиз аввал гуноҳимни исботлаб беринг. Бу яқин атрофда светофорнинг ўзи йўғу!

– Ху-у анави дарахтни кўраяпсизми? Ана ўшанинг олдига бориб қараб келинг, – деди у қўли билан ишора қилиб.

Дарҳақиқат, у ерда светофор бор экан. Шохлар пана қилиб турарди. Юз қадам нари ўтдим ва муштоқ бўлиб ортга қайтдим. Аммо у қанақа ёниб, қанақа ўчганини кўролмадим.

– Бунақада жарима талаб қилишингиз инсофдан эмас, тақсир, – дедим сержант олдига келиб.

– Сиз светофор қизил чироғидан кўриб ўтдингизми, кўрмасдан ўтдингизми, менга бунинг фарқи йўқ. Йўл қодалари барча учун баб-баробар, – деди у қатъий равишда.

– Светофорни кўринадиган қилиб қўйсангиз мен ҳам ноқулай аҳволда қолмасдим, мана бу бечоралар ҳам, тақсир.

– Бу менинг вазифам эмас!

Бозор қилиб келишга ажратилган пулни бериб, хужжатларимни қайтариб олдим.

Сержант жарақ-жарақ жарима йиғаетганда ободонлаштириш бошқармасига тегишли машинадан болта, арра ушлаган бир талай хизматчилар тушиб келишди. Улар светофорни тўсиб қўйган дарахт остида тўпланиб, нималарнидир маслаҳат қила бошладилар.

– Нима қилмоқчисизлар, сиз ўзи кимсиз? – деб сўради ташвишга тушган сержант улар олдига келиб.

– Биз бу дарахт шохини кесиб, светофорни кўринадиган қилиб қўймоқчимиз, – деб жавоб беришди улар.

– Кесмайсиз. Қисқаси, кесишга рухсат бермайман, – деди сержант чўрт узиб.

– Сизнинг рухсатингиз шарт эмас, бизда ўз хўжайинимизнинг буйруғи бор.

Уларнинг жиддий вазоҳатларини кўрган сержант:

– Бир ойлик маошингиз ҳажмида мана бу пулларни олинг-да, «буйруқ бажарилди» деб бу ердан жўнанг. Мен ҳайдовчилар ҳаётини хавф остида қолдиrolмайман, – деди.

Бу олижанобликдан қойил қолган ишчилар, бориға барака қилиб «маош»ни олдилар-да, арра-болталарини йиғиштириб, махсус машинада жўнаб кетишди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, буйруғи бажарилмаганини эшитган хўжайин дарғазаб бўлди. Дарахт шохини кесмасдан қайтиб келган бригада аъзолари таъзирини бериб қўйди ва бошқа бригада жўнатди...

– Ўзи нима бўлаяпти, – ҳайқирди хўжайин орадан яна бир ҳафта ўтгач, – нега дарахт шохини кесиб, светофорни очмадингиз? Шуни деб ҳар кимдан гап эшитавераманми?

Иш жойидан ажралиб қолишдан чўчиган бир ходим, бўлиб ўтган воқеани бошлиққа батафсил тушунтириб берди. У таажжубда пешонасини тириштирди. Қандайдир хулосага келгач, «Нексия» машинасига ўтирди ва газни босди. Йўлда уни ДАН инспекцияси сержанти таёқ кўтариб тўхтатди-да, афсус билан деди:

– Йўл қоидасини бузиб қўйдингиз-ку ахир!

– Йўғ-э, қаерда бузибман? – сўради бошлиқ ҳайрон бўлиб.

– Қизил чироққа юриб кетдингиз. У ёқ-бу ёғингизга қараб юрсангиз бўларди-я. Э-э аттанг, – деди сержант ғамхўрлик билан протокол тўпламини «Нексия» копотиға ёяркан.

– Адашмаяпсизми, тақсир? Мен йўл қоидаларига амал қилиб юрадиган одамман.

– Яхши, сиз олдин анави дарахтнинг олдига бориб бир қараб келинг, кейин гаплашамиз, – деди-да, қоидабузар автомашиналарни тўхтатиш билан машғул бўлди.

Бошлиқ аҳволни англагач, светофорни кўрмай қолганлигини ва бир гал кечеришини илтимос қилди. Хизмат юзасидан ўзини таништирди-да, қўшиб қўйди:

– Нима сабабдан бу дарахт шохларини кестирмаётганингизни билиш ниятида атайдан сизни қидириб келаётган эдим.

– Болалигимда бу дарахтни раҳматли отам экиб кетган эдилар. Мен учун бу жуда қимматли эсдалик, тушундингизми? Ҳозир буни хусусийлаштириб олиш учун хужжат тўплайман. Бу албатта менинг шахсий ишим.

– Битта шохи кесиб ташланса отангиздан қолган дарахтга зарар қилмайди, – деди бошлиқ.

– Қисқаси, сизга бир ойлик маошингиз ҳажмида ақча бераман ва сиз бу дарахтни тинч қўясиз, акс ҳолда бир haftaдан сўнг ДАН бошқармасига бориб, икки баробар жарима тўлаганингиз ҳақидаги паттани олиб раёсатга кўрсатасиз-да, имтиҳонга кирасиз.

Бошлиқ бу сарсонгарчиликларни тасаввур қилгач, рози бўлишдан ўзга чора тополмади ва сержантнинг раъйини қайтара олмасдан ақчани олиб жўнаб қолди.

Эрта саҳар сержант ширин хаёллар оғушида кўча ёқалаб кетиб борарди. Қўша-қўша машинали, уй-жойли бўлдим, дерди ўзича, оғзи танобини қочириб. Бола-чақаларим фароғатда. Энди битта вертолёт олсаммикан ёки супермаркет очиб қўйсаммикан? Ундан келган даромадга учоқ сотиб олишим ҳам мумкин. Қарабсизки, ҳали Японияда, ҳали Шри Ланкада... Ишлаш керак, оғайни, ишлаш! Сабр-тоқат дегандек... Ие! Менинг хусусий дарахтим олдида нималар бўлаяпти?

Сержант отилиб келиб, не кўз билан кўрсинки, дарахт шохи жойида йўк эди. Очилган светофорнинг қизил чироғида бир талай автомашина яшил чироқ ёнишини кутиб, тўхтаб турарди. Сержант чуқур қайғуга чўмди. «Орзуларим... Вертолёт... Учоқ... Буёғи нима бўлади? Энди ҳайдовчиларни нима деб тўхтаман? Яшил чироқда ўтдингиз деёлмайман-ку! Ҳойнаҳой бу анави ваъдасига вафо қилмаган бошлиқнинг иши бўлса керак. Шошмай тур сени, бир бопламасам!..

– Ало, ҳа-а жаноб бошлиқ! Бу нимаси? Хонавайрон қилибсиз-ку! Отамдан қолган дарахтга тегмаслик шарти билан қанчадир пул олган эдингиз. Ўша тешиб чиқмасмикан деб қўнғироқ қилаётгандим эдим, – деб гўшакка қулоқ солиб турди сержант.

– Кечаси шамол кўтарилиб, кўпчилик сержантларнинг отасидан қолган дарахт шохларини синдириб кетибди. Кўргилик-да, биродар. Энди бошқа шох ўсиб чиққунча сабр қиласиз. «Сабр таги олтин» дейишган машойихлар, – жавоб қилди бошлиқ ҳамдардлик билан.



#### НАЗМ

Аҳмад Хўжа. Юрак тўлар ажиб бир ҳисга. <i>Шеърлар</i> .....	3
Юсуф Худойкул. Гул ифори йўлимга тўкилди. <i>Шеърлар</i> .....	7
Ўткир Нуруллаев. Йўлимиз ёритди ишқ. <i>Шеърлар</i> .....	10

#### ДРАМА

Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Тусмол. <i>Трагедия</i> .....	12
---	----

#### ДУРДОНА

Фоний — Алишер Навоий. <i>Рубоийлар</i> .....	60
---	----

#### ДАFTARЛАРДА ҚОЛГАН БИТИКЛАР

Матёқуб Қўшжонов. XIII–XIX аср Хоразм адабий муҳити .....	64
--	----

#### ТАЛАБАЛАР ДАFTARИДАН

Авлонлар қадим мўъжизлар. <i>Шеърлар</i> .....	77
--	----

#### НАСР

Тўлқин Ҳайит. Аннанинг оқ сочиғи. <i>Қисса</i> .....	84
--	----

#### НАЗМ

Зикрилла Неъмат. Дилларда эзгулик майсаси унсин. <i>Шеърлар</i> .....	113
Ўткир Муҳаммад. Кўксимда орзулар улғаяр. <i>Шеърлар</i> .....	117
Қаҳҳоржон Йўлчиев. Теграмда айланар дунёлар. <i>Шеърлар</i> .....	120

#### НАСР

Дилноза Абдуқодирова. Гирдоб <i>Ҳикоя</i> .....	123
---	-----

#### УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Шухрат. Бир олам қувонч... юрагим. <i>Шеърлар</i> .....	127
---	-----

#### САНЪАТ

Абдулла Улуғов. Матонатли мусаввир .....	132
--	-----

#### ҒАЗАЛҲОНЛИК

Маҳмуджон Нурматов. Хуррият гулшани ичра. <i>Ғазаллар</i> .....	140
--	-----

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нўмон Раҳимжонов. Қалб маърифати .....	142
Қозоқбой Йўлдошев. Теранлик .....	149
Наргиз Шоалиева. «Барча йўллар Ҳақда бирлашур» .....	153

#### ГУЛҚАЙЧИ

Тоҳир Малик. Кўпроқ ўқинг .....	155
Толиб Қаноат. Овора қилмай деб. Отамерос дарахт. <i>Ҳажвиялар</i> .....	156

#### Саҳифаловчи:

Э. Ким

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.

Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайдн.

\* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади.

\* Обунага монельлик кўрсатилса  
Тошкент – 100000,  
Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика  
«Матбуот таркатувчи»  
акциядорлик  
компаниясига мурожаат  
қилинсин.

#### Манзилнинг:

100129 Тошкент шаҳри.  
А. Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар:  
244-20-64,  
244-20-94,  
244-20-69.

Босишга рухсат этилди  
04.08.2008 йил.

Қозғ бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма усулида  
тип.№1-қозғга босилди.  
Босма табоғи 10.  
Шартли босма табоғи 14.  
Нашриёт ҳисоб  
табоғи 15,4.  
Адади 1200 нусха.  
Буюртма № 29.

«Niso Poligraf» ШК  
босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
100182, Тошкент шаҳри,  
Хусайн Бойқаро  
кўчаси, 41